

1  
10-319

С. А. Юлдашев

# АНИКФАЛСАФА

ОСИРОДАЛСАФА ИНСТИТУТІ  
SOROS JAMOAHMADIDAN  
SUVG'A


A Gift from  
THE OPEN SOCIETY INSTITUTE  
7-9 SOROS FOUNDATION

ТАШКЕНТ  
В дар 1000  
ИНСТИТУТА ОТКРЫТОГО ОБЩЕСТВО  
ФОНД СОРОСА

87.3(0) Бутун дунё фалсафия  
тариҳи

Данное пособие утверждено Министерством Высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан и выпущено при содействии Института Открытое Общество – Узбекистан – Фонд Содействия.

10 32212  
2



## МУКАДДИМА

Антик давр фалсафасини фалсафа тарихи фанининг ажралмас бир қисми сифатида ўрганиш, илмий, ғоявий ва тарбиявий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Материализм билан идеализм, диалектика билан метафизика, рационализм билан эмпиризм кураш тарихини анализ қилиш фалсафани чуқур ва мукаммал тушунишда муҳимдир.

Фалсафа тарихини ўрганиш фалсафанинг бошқа қисмлари сингари даставвал фалсафанинг ижтимоий онг шакллари ўртасидаги ўрнини аниқлаш ва унинг жамият моддий ҳаёти **БИЛАН АЛОҚАСИНИ ВА УНИНГ** ижтимоий амалиётига боғлиқлигини шу билан бирга унинг нисбий мустақиллигини ва ўзининг ички тараққиётида, ички мантиққа эга эканлигини аниқлашни тақозо этади.

Конкрет фалсафий оқимларни ва айрим таълимотларни таҳлиш қилишида диалектик асосида ёндашиш лозим.

Фалсафий меросни чуқур тадқиқ қилмасдан туриб, бебаҳо жаҳон маданиятини ўрганиш ва унинг қирраларини эгаллаб, жаҳон фалсафа тарихини ўрганиш — давр талабидир. Яъни фалсафий маданиятни эгалламасдан туриб, кишиларнинг назарий фикрларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мумкин эмас.

Назарий фикрлаш, тугма қобилият сифатида намоён бўлади деган эди бир файласуф. Бу қобилият тараққий этиши керак, тақомиллашиши керак, бунинг учун ханузгача, ўтмишдаги барча фалсафаларни ўрганмасдан бошқа чора йўқ дейилган.

Ўтмиш фалсафий таълимотлар тарихини босиб ўтилган босқич сифатида қаралиб, уни ўрганиш ҳозирги даврда ҳам катта аҳамият касб этишини ёдда тутмоқ даркор.

Мазкур қўлланмада Қадимги Хитой, Ҳиндистон, Юнон ва Румо давлатларида фалсафий, табиий — илмий фикрларнинг юзага келиши ва ривожланиши баён қилинади.

Қадимги Хитойда фалсафий таълимотлардан Конфуций ва Ласизи таълимотлари ўзига хос йўналишга эга. Қадимги Хитой фал-

сафасига асос солган донишманд Кан фу-цзи асосан ахлоқий ма-салалар билан шугулланганлиги ва инсон тақдирни осмон иродасига боғлиқлиги ҳақида фикр юритади. Кимда-ким осмон иродасига қарши чиқса, ёки уни назар-писанд қилмаса, осмон иродасининг қаҳрига учраши ҳақида фикр юритилади.

Конфуций замондоши ЛАО-ЦЗИ даосизмга асос солган. Бу таълимот Қадимги Хитойда қанчалик мұхым рол ўйнаган бўлса, ўрта аср даврида ва янги даврда ҳам Конфуцийчилик сингари даосизм таълимоти ўз аҳамиятини ва эътиборини йўқотмаган. ЛАОЦЗИ дао қонунини табиий қонун, ци эса оламнинг асосини ташкил этувчи беш унсун ҳақидаги таълимот деб билиб, инсон ўз ҳаётини қонун асосида қуриш керак деган фикрни илгари суради.

Қадимги Ҳиндистонда ҳам фалсафий фикрлар дастлаб милоддан аввал 2 мингинчи йилларда юзага келди. Дастлабки фалсафий фикрлар илк ёзма манбаъдан бири «Веда»ларда ўз ифодасини топган. Ҳиндуларнинг Муқаддас китоби ҳисобланмиш «Веда»да нафақат диний таълимотлардан иборат бўлибгина қолмай, балки оламнинг пайдо бўлиши тўғрисида фикр юритилади. Шунингдек, Қадимги Ҳиндистондаги фалсафий мактабларининг таҳлил қилиш билан бирга, бу фалсафий мактабларнинг юнон фалсафий мактаблари таълимотлари билан муштарак томонлари ҳам кўрсатилали. Антик давр Юнонистонда ва Румода фалсафий фикрларнинг юзага келиши ва ривожланиши батафсил ёритилган миlettes фалсафий мактаби, Пифагор, Гераклит, Элей фалсафий мактабининг намоёндалари Ксенофон, Парменид, Зенонларнинг фалсафий, ижтимоий-ахлоқий таълимотлари ҳам муносиб ўрин эгаллайди.

Антик давр фалсафасида Демократик, Афлотун, Арасту, Эпикурларнинг фалсафий, табиий-илмий, ижтимоий-ахлоқий таълимотлари этакчи ўрин эгаллайди. Рус файласуфи Асмус В.Ф. тили билан айттанди:

«агар Афлотун асарлари бўлмаганида, биз қадимги юнонлар тўғрисида нафақат оз билган бўлиб қолмай балки ўз-ўзимизни ёмон билган бўлур эдик, фалсафа, санъат, назм, илҳом, инсон нима, унинг интилиши ва амалий ишларидаги қийинчиликлар ва унинг сеҳрли кучи нимада эканлигини яхши билмаган бўлур эдик.»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> В.Ф.Асмус Платон, стр-3.

---

*Идиализм материализмга қараша-қарши таълимот ва дунё-қарашиб сифатида дастлаб Афлотун томонидан англатилган ва ривожлантирилган. Ана шу давордан бошлаб бутун кейинги фалсафа тарихи материализм билан идеализм ўртасидаги кураш тарихига айланди. Афлотун идеализмнинг синов системасини яратган. Арасту ҳам антик давр фалсафасининг устужларидан биридир. Ўз давридаги мавжуд фанлар бўйича қалам тебратган қомусий шим эгаси бўлган.*

Антик давр фалсафасининг биринчи даври—мифологик дунё-қарашибдан илк фалсафий таълимотларнинг юзага келиши бўллиб, табиий-шумий фанларнинг ривожланиши туфайли улар томонидан мифологияни диалектик инкор этиши бўлган бўлса, антик давр фалсафасининг иккинчи даври, яъни гуллаган даври—асосий, ниҳоятда муҳим ва мураккаб даврни ташкил этади. Ана шу иккинчи даврда буюк табиатшунос файлласуфлар—Эмпедокл, Анаксагор, Демокритларнинг таълимотлари киради. Шунингдек бу даврга софистларнинг ижтимоий-ахлоқий масалаларини, Суқротнинг инсон муаммоси, суқрот мактабларининг таълимотлари кирган бўлса, антик давр фалсафаси Афлотун, Арасту, Эпикур ва Тит Лукреций Карларнинг таълимотлари билан якунланади.

## **ҚАДИМГИ МИСР ВА БОБИЛДА ДУНЁ ХАҚИДАГИ ИЛМИЙ ТАСАВВУРЛАРНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ**

Қадимги Миср ва Бобилдаги Оврупа даврлари билан иқтисодий, сиёсий ва ғоявий ҳамкорлик Қадимги Хитойда Ҳиндистондан анча илтари бошланган. Бу мамлакатларда дастлабки фалсафий фикрлар, дунё ҳақидағи фанлар — астрономия, космология, математика, мифологияларнинг ривожи билан боғлиқdir. Фалсафий фан ижтимоий фикрларнинг алоҳида шакли сифатида Миср ва Бобилда ҳали ажралмаганди. Эрамиздан олдинги III мингинчи йилларда Миср ва Бобилда қулдорлик тузуми шакланганди. Бу мамлакатларда қулнинг меҳнати ариқ ва зовурлар қазиш, ерларни сугориш, эҳромлар, ибодатхоналар ва саройлар қуришда қулланилган.

Коҳинлар табақаси диний ғояларнинг асосини ишлаб чиқиши билан бирга оғир меҳнат талаб этадиган ишларни бажаришда билимларни тарғиб қилиш вазифасини ҳам бажарган.

Қадимги Миср ва Бобилда маданий мерос эрамиздан аввалги түрт мингинчи йилларда юзага келади. Шунингдек Қадимги Бобил адабиётларида зулм, ҳамда худоларга, нариги дунёга бўлган ишончни танқид қилувчи манбалар ҳам мавжуд эди. Ана шундай асарлардан бири «Хўжайнинг ўз қули билан хаётнинг мазмуни ҳақида диалоги»дир. Унда шохнинг раҳм-шавқатига умид қилишга, золимга қарши курашнинг муваффақият қозонишга имкон йўқлиги ҳақида фикр тунда ёритилади. Бундан чиқди, қуёш-осмон өриткичларнинг нурини сўндирувчи кучдир. Қуёш зулмат манбай, ер ости дунёсининг кучи, қуёшни ўлим элчиси деб билишган. Бироқ ой ўлаётib, янги хаёт ато этади, шунинг учун у абадий, битмас-туганмас ҳаётнинг рамзиdir. Ер остида марҳумлар яшайдиган қоронгу жой бор дейилади.

Афсоналарга кўра, Миср подшохи Фиравунни фақат худога тақдим этиш учун олган дейилади. Ана шу афсоналарга кўра, худо инъомлар олувчи барча вилоятлар устидан ҳукмронлик қилас экан ва шунга биноан дунёвий деган ғоя юзага келди.

Қадимги Шарқ мамлакатларидаги фалсафа тарихини қисқача ўрганар эканмиз, ундан Қадимги Шарқ ҳалқларининг фалсафий ғоялари ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўриб чиқамиз.

## ҚАДИМГИ ХИТОЙДА ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

Қадимги Хитойда фан ва маданият ўзига хос ривожлана бошлаган эди. Эрамиздан аввалги икки мингинчи йилнинг ярмига келиб, Шань-инъ давлатида қулдорлик хўжалик уклади юзага келди. Ўша даврда дехқончилик ишларида қон-қариндошлик жамоаси муҳим рол ўйнаган. Жамоа аъзолари давлат ерларида ишлаб келгандар. Эрамиздан аввалги XII асрга келиб, урушлар натижасида Шань-инъ давлати Чжоу қабиласи қўлига ўтади. Бу ҳокимият эр.ав. III асрларгача ҳукум суриси қулдорлик тузуми мустаҳкамланиб борди. Қуллар энди нафақат чорвачилик ва дехқончилик ишлари билангина шуғулланиб қолмай, каналлар қазишига, ҳунармандчилик ишларига ҳам жадб қилинганлар. Айни замонда диний мифологик дунёқарааш ҳукумронлик қилган.

Мифологияда олам ва табиатнинг келиб чиқиши ўзига хос шаклда тушунтирилди. Яъни жуда қадим замонларда, коинот қоронғу, шаклсиз бўшлиқдан иборат бўлган пайтда дейилади, шаклсиз зулмат ичига иккита руҳ туғилган. Бири Инь, иккинчиси Янъ бўлиб, дунёни тартибиға солиш билан шуғулланганлар. Кейинчалик бу руҳлар бўлинишган: Янъ руҳи осмонни бошқарган бўлса,

Инъ руҳи ерни бошқарган. Тарихий манбаларида келтирилишича бу руҳлар инсонларни яратған. Зулматнинг дағал қисмларидан ҳайвонлар, балиқлар ва қурт-қумирсқалар пайдо бўлган. Бошқа вилоятларга кўра инсон худо Фуси ва маъбода Нюй-Вейлар томонидан яратилган дейилади.

Қадимги барча фалсафа тарихининг шаҳодат беришича, уруғчилик жамоаси ҳукумронлик қилган даврда у илмий билимларнинг шаклланишида ўз таъсирини ўтказган. Жумладан, натурфалсафий гоялар Қадимги Хитой фалсафасида асосий ўрин эгаллаган.

Конфуций осмонга даҳшатли бир бутин нарсани деб қараб, уни инсон қиёфасига ўхшаш қиёфани илоҳий куч деб билади. Осмон иродаси бу тақдирдир.

Осмон остидаги дунё, яъни ердаги тартиб, қонун билан белгиланиши лозим. Ҳоким ҳокимлик қилиши, руҳоний диний иш билан, ота-оналик вазифасини, ўғил ўғиллик вазифасини, бажарилиши лозим. Бу тартибга қаттиқ амал қилиниши талаб қилинган.

Конфуцийнинг таъкидлашича Цзюе-цзи, яъни олийжанобли садоқатда, самимийликда, содиқлик ва адолатпарварлигидадир. У ахлоқда самимий мартабали кишилар олдида таъзимкор, халқа нисбатан сахий ва адолатпарвардир. Олижаноб киши шак-шубҳасиз осмон иродасига бўйсунади. Олижаноб кишининг илми Конфуций таълимотини бошқариш тартибини ва расм-русумларини билишдан иборат. Давлат тепасида донишманлар туриши лозим. Улар шахсий намуналари билан қўл остидаги кишиларни тарбиялашлари керак. Бошқариш — бу ҳар бир кишини ўз ўрнига қўйиш деганидир. Олижаноб киши ҳамма нарсага бурч юзасидан ёndoшиши керак, ҳатти-ҳаракатлари расм-русумларга мувофиқ келиши керак, гапиришда камтар, ишда эса ҳақрўй бўлмоғи лозим, дейилади.

У доимо олтин ўргага интилиши керак. Ўз эҳтиросларини бошқара оладиган бўлиши лозим. Бу нарсалар Конфуций илгари сурган ахлоқий тамоиллари асосини ташкил қиласди.

Қадимги Хитойда кўзга кўринган файласуфлардан бири Лао Цзи (IV—V асрларда)дир. Унинг асл номи Ли Тан бўлган. Унинг ҳақида маълумотлар жуда кам. Тарихий манбаларда кўрсатилишича у бир неча асарларнинг муаллифи бўлган. Шулардан бири «Дао де цзин» асаридир.

«Дао де цзин» қадимги ёзма манбалардан бўлиб, унда Хитой фани тарихи алоҳида ўрин эгаллайди. Рус хитойшуноси В.А.Буровнинг ёзишича, бу асарнинг асосий гояси дао қонуни гўғрисида бўлиб, бир неча асрлар давомида турли хил гоявий оқимлар ўртасидаги курашларга асосий вазифани ўтаган.

Хозирги замон Хитой файласуф олими Ян-Хин-Шун ва рус хитойшунос олимлари В.Буров, Г.Иванов «Қадимги дунё этикаси тарихи» Лаоцзи ҳақида ёзишган. Хитой адиби Го-Мо-Жо Дао Цзи-

ни соф идеалист деб кўрсатган. Дао де цзин таълимотининг кейинги намоёндалари даони «осмон иродаси» деб тушинтиришган. Дао де цзининг фоявий мазмуну ҳақидаги берилган юқори баҳо ҳанузгача давом этиб келмоқда. Рус тадқиқотчилари,—деб ёзади В.Г.Иванов, яқдиллик билан даоцизм таълимотининг асосчиси Лао Цзининг таълимоти материализмга мойил деб кўрсатган. Чунки Лао Цзи ва унинг замондош шогирдлари жамиятнинг фақирона қатламига мансуб бўлғанлар. Улар аристократларга ва уларнинг идеологларига қарши курашларда халқ манфаатларини ҳимоя қилинлар.

Шундай қилиб Лао Цзи «Дао» тимсолида кўп жисмлар устидан турувчи асосий нарса «илдиз» ва «осмоннинг онаси», оламнинг дастлабки сабаби эканлиги тўғрисидаги таълимотини қадимги барча файласуфлар билишарди. Бироқ дастлабки даврда дао материалistik ҳолда талқин қилинган бўлса. кейинчалик идеалистик рухда талқин этилган. Ҳозирги замон Хитой файласуфи Ян Хин Шун фикрича дао Лейбницнинг монадаларига ўхшашdir, дейди. Ци эса жисмларнинг моддий асосидир. Ци бу беш элемент дараҳт ёки металл, сув, олов, ҳаво ва ерни ташкил этади.

Шундай ўхшатиш бор: Агар саройда ҳашаматлилик ва бисёрлик ҳукм сурса, далалар эса чиқиндиларга тўла бўлади, дон омборлари бўм-бўш бўлади. Агар мен билимга эга бўлсанм, унда катта йўлдан борган бўлар эдим.

Бирдан мени ваҳимага соладиган нарса, бу хатти-ҳаракатdir. Катта йўл равон йўл, лекин халқ сўқмоқли йўлни ёқдиради, дейди Лао Цзи. У ўз фикрини давом эттириб ёзади. Ҳақиқий сўзлар чиройли эмас. саҳий гапдон эмас, гапдон эса сахий бўлмайди. Билимдон исботлайди, исботловчи билмайди. Донишманд ҳеч нарса тўпламайди. У нимаики қилса, халқ учун қиласи ва бор нарсасини халққа беради.

Лао Цзининг бундай мулоҳазаларига кўра донишманд ўз қалбига эга эмас. Унинг қалби халқ қалбларидан иборатdir. Яхшиларга яхшилик қиласман ва шундек ёмонларга эса ёмонлик келтирабераман, деган холосага келиш мумкин.

## ҚАДИМГИ ХИНДИСТОНДА ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛANIШИ

### 1. *Ведик давр.*

Қадимги Ҳиндистонда дастлабки ёзма манбалардан бири Ведалар ҳисобланади. Бу асар эрамиздан 1,5 минг йил илгари ёзилган бўлиб, билим деган маънони англатади. Веда асосан диний китоб бўлиб, мутасасиб диндор учун олий, муқаддас илм ва башоратdir. Ҳиндулар «Ведани» олий тангри Брахманнинг оғзидан айтилган

сўзлар дейилади. Бунда ҳиндуларнинг қадимги тарихи, иқтисоди, дини, фалсафаси, ахлоқи ва эстетикага оид илмлар акс этган. Қадимги тарихий манбаларда ёзилишича, Ведик адабиёти икки минг йиллар давомида ёзилган. Шунинг учун унинг мазмуни ва услуби бир хил эмас. Бу асар дастлаб оғзаки қўшиқ ва панегрикадан иборат бўлиб, уларни ёзувчи эга бўлмаган, чорвачилик билан шуғилланиб келган, орийлар яратган дейилади. Бу оғзаки қўшиқ ва панигрекалар авлоддан авлодга оғзаки равишда ўтиб келганлиги учун «Шрути», яъни эшитилган деган ном олган. Бу қадимги оғзаки асарлар анъянасига кўра «мантра» деб аталиб, Веданинг катта қисмини ташкил этган. Бошқа қисми бир мунча кейин яратилган бўлиб, уни Брахман деб аташган.

Мантра бизгача тўртта тўплам ёки самхитларда етиб келган. 1. Ригведа, 2. Самаведа, 3. Якурведа, 4. Атхарваведлардир. Булардан дастлабки Ригведа ҳажм жиҳатдан Гомернинг «Илиада» ва «Одесея» асарларини бирга олганда ҳам улардан катта бўлиб, 1028 тарони ва 10500 шеърларидан иборатдир. Лекин унда фалсафий фикрларнинг куртаклари намоён бўлган.

Масалан, Ригведадаги айрим тароналарда ведик худоларнинг мавжудлигига шубҳалар келтирилади, расм-руслар танқид қилинади.

«Индра худоси — йўқ, — бошқалар эса уни ким курган. Кимни мадх этишимиз керак?.. Бу дунё нимадан пайдо бўлган?, деган фикрлар келтирилган, Ригаведанинг айрим тароналарида табиат ҳодисаларини илоҳиятдан эмас, балки реал воқеалиқдан қидириш ва ўрганиш керак дейилади. Айрим тароналарда дастлабки моддий асос сув дейилса, бошқаларида эса ҳаво, олов, ер ёки буларнинг ҳаммаси дунёнинг моддий сабаби деб кўрсатилган. Ригаведада илгор фикрларни ҳам учратиш мумкин. Дастлабки дунёни сув қоплаган. Маълум вақт ўтгач, сувда олтин тухим — хиранья грабха пайдо бўлган. Унинг ичida Браhma (руҳ) бўлган. Браhma барча тирик мавжудоднинг куртаги бўлган. Маълум вақт ўтиши билан Браhma тухимни ёриб чиқади, тухим эса икки паллага бўлинib, осмон ва ерни ташкил қилган, дейилган. Худо коинотнинг яратувчиси дейилади. Табиат юқорида номи қайд қилинган аносирлардан (элементлардан) пайдо бўлганлиги тўғрисидаги содда материалистик фикрлар ҳақида ватандошимиз Абу Райхон Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асарида қуйидаги фикрларни келтиради: «Сув ҳамма нарсадан аввал пайдо бўлган. Шубҳа йўқки, нафснинг кундуз бошида шаклни танлашни қабул қиласа ва таркибланишнинг бошлинишида (аҳвол) шундай бўлган. Айтишларича, сув тўлқинланиб, кўпикланганда унда оқ бир нарса ҳосил бўлган. Тангри шу нарсадан Бароҳим (руҳ) тухимни яратган». Мутафаккир олим хиндуларнинг шу аснода олам пайдо бўлганлиги ҳақидаги афсонавий фикрларини оз бўлса ҳам ҳақиқатга яқинроқ эканини ҳамда олам

моддий нарса, яъни сувдан юзага келганини мамнуният билан таъкидлаб хиндуларнинг бу борада айтган фикрлари ўзининг фикрларини илова этиб, шундай ёзади: «Барча нарсаларнинг асосида тўрт аносир — сув, олов, ҳаво, ер ётади деб ёзади. Бундан кўриниб турибдики, Беруний қадимги хинд файласуфлари сингари ташқи оламнинг асосини моддий борлиқ ташкил этганини тан олади. Шундай қилиб, Ригведада худоларга ҳамду санолар ўқилади. Улардан душман устидан ғалаба қозониш, ҳаётларини яхшилаш тұғрисидаги илтижолари ҳам баён этилади. Табиат ҳодисаларига курратли, ҳамма ерда ҳозири нозир, адолатли илоҳиёт деб қаралади. Худоларнинг кўнгилларини олиш учун уларга қурбонликлар келирилиб туришик тұғрисида фикр юритилади. Гүё инсон ҳаёти, унинг баҳт-саодати ана шу келтириладиган қурбонликларга боғлиқдир.

Атхарва веда ҳарактер жиҳатдан олдинги учта ведадан фарқ қиласи. Бунда жинларга, душманларга, турли касалликларга ва илонларга қарши ўқиладиган дуолардан ташқари мистик мулоҳазаларни тараннум этувчи тароналар ҳам мавжуд. Айрим олимларнинг фикрича, Атхарва ведада орийларнинг қарашлари орий бўлмаган ҳалқларнинг, яъни ибдидойи динларнинг воз кечмаганларнинг қарашлари билан қоришиб кетганмиш, Ведаларнинг давомини ташкил этувчи асарларнинг бири Барахмандир.

Ведик тароналар мазмуни тингловчиларга тушинарли бўлмагани учун уни шарҳлаб бериш масаласи турар эди. Брахман табакасининг вакиллари барахманлар учун тушунарли бўлиши мақсадида шарҳлар ёзишган. Шарҳлар барахманлар томонидан тузилган. Шунинг учун бу асарни Барахман деб аташган. Унда мақаддас текстларнинг бажарилиши лозим бўлган расм-руслар ва уларнинг рамзий маънолари таъриф ва тафсиф қилиб берилган. Яъни маълум расм-русларнинг бажарилиши таърифланибгина қолмай, балки ана шу расм-руслар Веда асрининг қайси бандига тегишли эканлиги ҳам кўрсатилиб ўтилади. Барахман асари самхитлар билан упонишодларни боғловчи бўғин вазифасини ўтайди /Упонишодлар сирли билим деган маънони англатиб, Ведаларнинг фалсафий қисмини ташкил қиласи. Упонишодлар яхлит китоб ёки фалсафий рисола бўлмай, балки турли вақтда турли мавзуда ижод этган номаълум муаллифларнинг матинларидан иборатdir. Шунинг учун уларнинг мазмуни ва услуби бир хил бўлмай, ҳар хил ва фалсафий қарашлари ҳам турличадир.

Фалсафий масалалар асосан упонишод ўз ифодасини топган. Ундаги фалсафий масалалар асосан, инсонни ўраб турган борлиқдаги ўрни ва вазифасини, ташқи олам ва инсон табиати, унинг ҳаёти ва руҳиятининг характеристи ва билим қобилиятининг имконияти ва чегаралари, унинг ахлоқ нормаларини ифодалайди. Фалсафий муаммолар асосан диний мифологик нұқтаи назардан баён этилган.

Упонишодлар шунингдек мутаасиб ведик қарашларга қарши бўлган таълимотлар ҳам ўрин олган. Одатда қадимги ҳинд мутаасиб диндор олимларнинг фикрича, гёё упонишодлар хато ва ёлғон яшиқдан иборат бўлиб унга аёвсиз кураш очганлар. Ведаларга шак келтирувчи бундай таълимотнинг муаллифларини жинлар, худоларнинг душмани деб билганлар. Упонишодларда биринчи борлиқнинг ибтидоси, дастлабки сабабчиси деб илоҳий ибтидо — Барахман ёки атман ва шунингдек пуруша ётади, деб кўрсатилган.

Барахман ёки атман одатда синоний маънода қўлланилади. Кўпинча Барахман чекланган объектив реаликнинг жиҳати (худо ҳозири нозир руҳ)ни ташкил этса, атман ўша руҳнинг субъектив жиҳатини ташкил этади. Упонишоддан бошлаб Барахман ва атман бутун Ҳиндистон фалсафасида марказий тушунчани ташкил этади. Қадимги Ҳинд идеалистик фалсафа ўз ифодасини Веданта фалсафасида топган.

Қадимги Ҳинд фалсафий мактаблари икки гуруҳга бўлинади. Ҳиндистон файласуфлари бу руҳларини Астика ва Настика деб аташган.

Астика гуруҳига кирувчи фалсафий мактаблар: Веданта. Санкхья, Йога, Вейшешика, Нъяя ва Мимансалардир. Бу мактабнинг тарафдорлари Веданинг муқаддаслигини тан олишиб, бирдан бир ҳақиқат Ведада ифодаланган дейишади.

Настика гуруҳига Чорвака-Локаята, Буддизм, Жайнизмлар киради. Дарҳақиқат Чорвака — Локаята фалсафий мактаб тарафдорлари материалистик таълимот бўлганлиги учун Веданинг муқаддаслигини тан олмаслиги, ҳамда моддий олам илоҳий куч томонидан яратилмаган, Веда ҳақиқий билим БЕРМАЙДИ ДЕБ, ТАЪКИДЛАШГАН.

**БУДДИЗМ ВА ЖАЙНИЗМ ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ МАКТАБ БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ, УЛАР ҳам Веданинг муқаддаслигини тан олишмаган.**

Буддизм ва Жайнизм динлари оламни яратувчи худоларни инкор этган динлардир. Буддизм ва Жайнизмда моддийлик элементлари учрайди.

Буддизм таълимотининг ТАРАФДОРЛАРИ ОЛАМ ЗАРРАЧАЛАРИДАН (ДХАРМАЛАРДАН) ТАНҚИД ТОПГАН дейишса, Жайнизм таъминотининг тарафдорлари эса анъанавий брахманизм таълимотига оппозицияда бўлиб, уларга қарши курашганлар.

Ҳосирги замон ҳинд идеалистик фалсафий фикрларни илгари сурувчи ҳинд файласуфлари Жайнизмни Буддизм сингари худосиз дин яъни худо оламни яратувчи Браhma худосига ўхшамай, худо яратувчиликдан маҳрумдир.

Таниқли Ҳинд файласуvi Деприпраад Чаттопадхъяи ўзининг «Ҳинд фалсафаси тарихи» номли асарида Жайнистлар олам бирон бир илоҳий куч томонидан яратилмаган у ўзи абадий дейилган деб ёзди. Буддизм ва Жайнизм диний таълимотларнинг Ведани муқаддаслигини тан ол-масликларининг моҳияти ана шундадир.

Санкхъя фалсафий мактабнинг таълимоти дуалистиқидир. Мазкур фалсафий мактабнинг асосчиси донишманд Капиланинг таъкидлашича, оламнинг асосида моддий ибтидо материк (Пракрити—автор изоҳи) ва Рӯҳий ибтидо (Пуруша—автор изоҳи) ётади. Оламдаги барча нарса ва ҳодисалар ана шу икки ибтидо материя (Пракрити) ва рӯҳ (Пуршанинг) бирикмасидан ҳосил бўлади. Оламдаги нарсаларнинг пайдо бўлишида бу икки ибтидодан бири бўлиб, иккинчиси бўлмаслиги мумкин эмас.

Санкхъя фалсафий мактабининг таълимоти ўрта асрда яшаб ижод эттан ватандошимиз Абу Райҳон Беруний ўзининг «Ҳиндистон» номли асарида атрофлича таҳдил қўлган.

Қадимги Ҳинд фалсафий мактаблардан Веданта, Вайшедика, Йога, Нъянъя, Миманса, Санкхъя ва шунингдек Буддизм ҳамда Жайнизм диний фалсафий таълимотлар «Ҳиндистон фалсафаси тарихи» маҳсус курсда атрофлича ва чуқур ўрганилади.

Биз мазкур китобимизга берилган хатдан чиқмаган ҳолда, факат Чорвака—Локаята фалсафий мактабнинг таълимотини батағсилро қўришишга ҳаракат қиласми.

Чорвака — Локаята материалистик фалсафий мактаб даставвал иккита мустақил фалсафий мактаблар бўлган. Бу мактаб эрамиздан олдинги VII асрда шаклана бошланган.

Локаята санскрит тилидан олинган сўз бўлиб, бу дунё яъни моддий дунё ҳақидаги таълимот деб аталган.

Айрим адабиётларда «Лока» деган термин оддий халқларнинг дунёқарашлари деган маънони англатади деб ёзилган.

«Чорвака» деган сўзнинг луговий маъноси, «Чор»—тұрт, «вака»— элемент яъни унсур деган маънони англатади, тұрт унсур ҳақилаги таълимодир.

Бу икки мустақил мактабнинг таълимотлари ўз моҳияти жиҳатдан бир хил бўлганлиги учун кейин Чорвака—Локаята деб номланган, яъни моддий тұрт унсурдан ташкил топган деган маънони англатади.

Чорвака — Локаята материалистик мактабнинг асосчиси донишманд Брихаспати ҳисобланади. Чорвака — Локаятачилар ведик ва брахманизм динларнинг таълимотларига қарши чиқишиган.

Чорвака—Локаятачилар таълимотига кўра моддий олам тұрт унсурдан ташқари эфирдан ташкил топган дейишади. Материалистик принципларга таянган ҳолда улар гайри-табиий, илоҳий кучларнинг—худолар, жинларнинг мавжудлигини инкор этдилар. Қурбонлик келтириш инсонлар ҳаётида фойда келтиради деган фикрларни танқид қилишган.

Чорвака — Локаятчиларнинг таъкидлашича моддий дунёдан бошқа дунё йўқ, бошқа осмонлар, дўзах ва жаннат деган нарсалар йўқ деб таъкидлашган. Инсон ҳам моддий дунёнинг бир булаги сифатида турт унсурдан ташкил топган дейишади.

Моддий оламни сезги аъзоларимиз орқали қабул қиласиз. Объектив бор нарса ва воқеалар ташқаридан ҳеч қандай моддий нарсалар ҳисси қабуллаш улар фикрича икки турли бўлади.

1. Ташқи ҳиссий қабуллаш яъни бешта сезги аъзоларимиз орқали моддий дунёни қабул қилишdir.
2. Ички ҳиссий қабул қилиш, онгнинг таъсири остида содир бўлади, дейдилар.

Билимнинг ўзи ҳам икки турга бўлинади.

1. Сезги аъзоларимизга ташқи қисмларнинг таъсири этиши орқали билимга эга бўлинади.
2. Иккинчи турида эса олдин олинган ҳиссий маълумотлар асосида тафаккур орқали билимга эга бўлиши мумкин эмас, фақат кўриниб турган моддий олам мавжуд, дейишади улар.

Улар шунингдек «Шад даршана самучая» асарида «Онг турт унсур—олов, ҳаво, сув ва ерлардан ташкил топган» дейишади.

Лекин айрим чорвака—локаятчилар онгни ҳиссиёт билан тенглashingалар, бошқалари эса нафас билан, учинчилари эса алоҳида онгли руҳ «атман» мавжудлигини эътироф этгандар. Аммо барчалари онгнинг танадан ажралмаслиги, жон тана билан бирга бўлишини тан олганлар.

Руҳ (жон)нинг танадан ташқари мавжудлигини исботлайдиган ҳеч қандай далил йўқ — дейишган. Улар онгни тананинг хоссаси деб тушингланлар.

Чорвака — локаятчилар илгари сурган ахлоқий таълимотлар ҳам таҳсинга сазовордир.

Бу дунё ўткинчи дунё, лаззат ва фарогат гуноҳ дейювчи диний идеалистик таълимотларга қарама-қарши чарвака — локаятчилар табиий хис-ҳаяжони, инсоннинг баҳти ва фарогати бу дунёда яъни моддий дунёда бўлмоғи лозим дейишади.

«Оқиллик бу демак бизга тааллуқли бўлган, мавжуд лаззатлардан фойдаланиши ва иложи борича бизга азоб-уқубат, ғам-андуҳ келтирувчи нарсалардан ўзимизни тортишимиз керак», — дейди. Инсонларга баҳт-саодат ва фарогат келтирувчи ҳиссий нарсалардан юз ўгириш лозим деган киши не чоғлик ақлсиз дейишади.

Чорвака — локаяталар айтадики, қайси ақлирасо киши, ўзига ҳақиқий фойдани кўзловчи киши шолининг қипи борлиги учун улоқтириб ташлаши мумкинми?

Бу фирт бемаънилиkdir дейишган. Шунинг учун инсон ерадиги ҳаётдан баҳтли бўлиши йўлида курашмоғи лозим. Донишманд Брихаспати ўз таълимотида дин ва идеализмга қарши курашиб, биз у

дунёдаги жаңнатга ҳам охиратда у дунё азоб-уқубатларидан қутлишга ҳам ишонмаймиз», деб ёзади.

Донишманд бу фикрлари билан меңнаткаш оммани идеализма, динга ва зулм-истебдодга нисбатан норозилиги, исён акс этдирган. Мазкур фалсафий мактабнинг тарихий аҳамияти шундаки. У қадимги Ҳиндистонда тараққий парвар ижтимоий гурухлар эҳтиёжларини ифода этиб, дин ва ИДЕАЛИЗМГА ҚАРШИ ҚАТЪИЙ ҚАРАШ ОЛИБ БОРИБ, МАТЕРИАЛИСТИК ФАЛСАФАНИНГ ривожлантиришга, жамиятнинг озод кишиларининг баҳтли ҳаёт учун курашлари ифода этилган ва ҳозирги замон илгор ҳинд файласуфлари ўз таълимотларини яратишга Чорвака — лакаята фалсафий атълимотига суюниб келишди ва келишмоқда.

## КАДИМГИ ЮНОНИСТОНДА ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

Юнон шаҳри давлатлари савдо ва саноат маркази ҳамда маданий тараққиётга йўл олган эди. Қишлоқ хўжаликнинг ривожи, ҳунармандчилликнинг жадал ўсиши, савдо муносабатларининг яхшиланиб бориши, табиатни билишга фан тараққиётига эҳтиёжини кучайтиради. Бунинг оқибатида Юнонистонда физика, математика, адабиёт ва фалсафа вужудга келди ва тараққий этди. Қадимги Юнон файласуфларининг кўпи у ёки бу қулдорлик синфларига мансуб бўлганлар ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишган. Улар томонидан илгари сурилган ижтимоий-сиёсий ва педагогик гоялар ва таълимотлар шак-шубҳасиз ана шу синф наомоёндаларининг манфаатлари ва қарашларини ифода этганлар. Лекин шунга қарамай, бу масалаларни ва айниқса, фалсафий қарашларини ишлаб чиқишида шундай гояларни илгари сурадиларки булар қулдорлик жамияти рамкасидан чиқиб кетди.

Аммо қадимги Юнон фалсафаси маҳсус фалсафий тадқиқотлар сифатида ривожланмай балки, илоҳий билимлар, мифология, санъат билан узвий боғлиқликда ривожлана бошлади.

У даврда мифология фалсафанинг манбаси, материали вазифасини ўтаган. Faқат эллиник даврда, яъни эрамиздан аввал III асрда бир неча фанлар, аввало математика ва тиббиёт фанлари алоҳида фан бўлиб, ажralиб чиқа бошлади. Бироқ шундан кейин ҳам қадимги Юнон фалсафаси нафақат ўз соҳаси бўйича саволларга жавоб берибгина қолмай, балки математика, тиббиёт, тиббий ва ижтимоий фанлар саволларига ҳам жавоб бериб келган. Юнон фалсафаси шаклан турли оқимларга бўлинган бўлсада, мазмунига кўра асосан бир-бирига зид бўлган оқимларга бўлинади.

Дастлабки философик материалистик таълимот эр.ав.VII-VI асрлар ўртасида Милет шаҳрида юзага келган.

Булар Йониялик Фалес, Анаксимандр, Анаксимелардир. Адаби-ётларда ёзилишича Милет мактаби файласуфларни Йониялик файла-суфлар ҳам деб аташган. Кичик осиёнинг гарбий қирғоғидаги Йония районида юзага келган барча фалсафий таълимотларни Йония фалсафаси деб аташган. Йония қадимги Юон дунёсида ижтимоий ва маданий жиҳатдан етакчи ўринни эгаллаб келган. Иқлими юмшоқ, ери серунимлиги туфайли қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган ҳамда денгиз бўйида, савдо йўли чоррахасида жойлашганлиги учун хунарманчилик ва савдо сотиқ анча равнақ топган эди. Йонияликлар яқин шарқ мамлакатлари билан савдо сотиқни яхши қўйганлиги туфайли илм-фан ва маданият тез равнақ топа бошлаган эди. Ана шу даврда Йонияда фалсафа тараққий эта бошлади. Йониядан чиққан файласуфлар нафақат Йония давлатида яшаб ижод қилибгина қолмай, балки бошқа шаҳар давлатларда ҳам яшаб ижод қилганлар. Масалан, Колофонлик Ксенофан, Италиё, Сицилияда, Пифагор Юнонистоннинг Кротон шаҳрида, Клазоменлик Анаксагор Афинада, Милетлик Фалес, Анаксимандр ва Анаксименлар Милет шаҳар давлатида яшаб ижод этишган.

Бу мугафакирлар Юон қулдорлари синфининг прогрессив та бақаларининг намоёндалари сифатида дин ва идеализмга қарши кураш олиб бордилар. Қадимги Юон материализми қадимги Шарқ мамлакатлари ҳамда Юнонистонда эришилган табиат билимлари билан узвий боғлиқ ҳолда мафкура майдонига кириб келди. Шу боисдан Юон файласуфлари айни чогда, савдогар, сайёҳ, сиёсий арбоб ва ҳар томонлама табиатшунос олимлар олилар.

Милет фалсафий мактабининг асосчиси Фалесни (эр.ав. 624-547 йилларда яшаган) ҳақли равишда Юон фани ва фалсафанинг асосчиси, деганлар. Фалес ўз даврининг ўткир билимдан кишиси эди. У савдогар, сиёсий арбоб, мунахжим, риозатчи, географ, физиолог, файласуф ва таникли гидроинженер бўлган. У кўлгина мамлакатларда бўлиб, бу мамлакатларнинг (жумладан, Миср ва Бобилнинг) маданияти, фани ва фалсафий меъроси билан яқиндан таниш бўлган, Фалес бир неча йил олдин қуёш тутилишини олдиндан башорат қилган. Дарҳақиқат, Фалес айтган вақтда (эр.ав. 585 йили) қуёш тутилган. Фалес қуёш тутилишини сабабини, Ой, Қуёш йўлини тусиши оқибатида содир бўлишини айтган. Фалес фикрича, Ойнинг ёрги қуёш нурининг Ойдаги инъикосидир. У шунингдек, Қуёшнинг бир йил давомидаги ҳаракати 365 кунга тенг эканлигини исботлаб берган. Тарихий манбаъларда келтиришича, Фалес кичик айиқ юлдузини кашф этган. Шунингдек об-ҳавонинг қандай бўлишини олдиндан айтиб берган. У геометрия фани билан ҳам шуғулланган. Жумладан, бурчакларнинг тенглиги муаммоси билан ҳам шуғулланган дейишади. Фалес таълимотига кўра, табиатдаги турли-туман жисм ва ҳодисалар дастлабки ибтидо суяқ модда-сувдан пайдо бўлган. Пировард оқибатда сувдан ташкил топган барча жисмлар сувга айланади.

Фалес таъкидлашича, ер ҳам сувдан пайдо бўлган. Ер думалоқ, усти текис ва атрофи сув билан ўралган. Сув оламдаги чексиз, турли туман жисм, ҳодисалар, уларнинг доимий ҳаракати ва ўзгаришларининг ягона ва доимий моддий асосидир. Сув абадийдир, лекин ундан пайдо бўлган жисм ва ҳодисалар вақтингча ва ўткинчидир.

Юнон фалсафаси Фалес, биринчи бўлиб оламнинг моддий бирлигини ва бу моддий бирлик доимо, ўзгаришда дейди.

Фалес сув ва ундан пайдо бўлган жисмларни ҳаракати ва ўзгариши каби хусусиятлари сабабини нотўғри талқин этиб, уларнинг жони бор деган хulosага келган. Масалан, у магнит жонли нарса, шунинг учун у темирни ўзига тортади, дейди. Унинг бу фикри дунёни идеалистик тушунишга имконият яратди. Шундай қилиб, Фалес гилозоистик (жонсиз жисмларга жон ато этишлик — автор изоҳи) талимотини яратди. Бу ҳақда Арасту ўзининг «Жон ҳақида» асарида: «Фалес жон ҳаракатчан деган, демак магнит темирни ҳаракатга келтиради, демак темир ҳам жонга эга деган хulosага келган» — деб ёзган Арасту.

Фалес худолар мавжудлигини эътироф этади-ю, лекин улар моддий оламнинг ишларига жуда кам аралашади. Маълумки, Фалес таълимотича, олам моддий ва абадий.

Фалес мифологик дунёқараашни фалсафий дунёқараашга айлантириб, ижтимоий борлиқ ва эски қараашларга қарши чиқиб, замон руҳига жавоб берувчи фикрни илгари сурган. Фалес гарчи Милет шаҳрида давлат ишлари билан шуғилланмаган бўлсада, сиёсий масалаларда фаоллик қўрсатиб келган. Геродот таъкидлашича, Фалес Лидияга қарши курашиш учун Йониянинг 12 шаҳри билан бирлашиб, иттифоқ тузишларини таклиф этган. Йония подшоҳи бу маслаҳатни эътиборга олмаган. Кейинчалик форслар томонидан Йония босиб олиниш ҳавфи туғилганда, деб ёзади Диоген Лаэртский, Фалес миллетликларни Крез билан иттифоқ тузмаслик тўғрисида огоҳлантирилганди, бу сафар унга қулоқ солғанликлари учун шаҳар форслар томонидан босиб олиниш ҳаввидан омон қолган деб ёзади.

Фалес шунингдек, ерни ўраб турган оламнинг тузилишини ва қай тартибда жойлашганини аниқлашга уринган. Осмон жисмларининг ерга нисбатан қай тарзда жойлашганини аниқлашда Бобилликларни астрономиясига таянган, лекин, Фалес осмон жисмларининг ерга нисбатан жойлашишини ҳақиқий таълимотга тескари ҳолатда тушинтирган. «Ерни нисбатан энг яқин турувчи ҳаракатсиз юлдузлар ва олиси қўёш» деб айтган. Унинг бу хатосини шогирдлари Анаксимандр билан Анаксименлар тузатишган.

Анаксимандр Фалеснинг шогирди эр.ав. VII аср охири VI аср ўрталарида яшаб ижод этган. У ҳақда Диоген Лаэртский қисқача маълумот берган. У «табиат ҳақида» асар ёзган, лекин асари бизга-

ча етиб келмаган. У Фалес сингари фаннинг кўп соҳалари билан шугулланган.

Фалес илгари сурган дунё ва борлиқ сув билан чекланган бўлса, Анаксимандрнинг дунёвий борлиги чексиз, газсимон анейрондан иборат. Дунёвий мoddани ажл орқали билинадиган мoddий асосни олиш керак деган. Анаксимандрнинг бу ҳақдаги таълимотлари тўғрисида Диоген Лаэртский шундай ёзади: «Ибтидоий элемент чексиздир, у на сув, на ҳаво ва бошқа бирон конкрет ҳиссий нарса эмас. У айтадики, яхлит нарса ўзгармас, лекин у қисмлари ўзгарувчандир».

Бироқ мoddанинг турли ҳолатлари (қисмлари) бирдан иккинчисига ўтса, лекин яхлит, бутун материя бошқа бирон бир дастлабки элемент (анейрон) дастлаб чексиз бўлган. У қарама-қарши томонга эга бўлганлиги учун гоҳ қуюқлашади, гоҳ сийраклашади. Бундан иссиқлик ва совуқликнинг ажralиши туфайли ер устидати ҳавонинг ўраб олган оловсимон булат юзага келган. Ҳаракатчан ҳаво оловсимон булатни ёриб ўтиб, уч ҳалқани яратади. Шундай қилиб юлдузлар, күёш ва ойнинг учта доираси вужудга келган. Ер шоҳи кесилган дарахтга ўҳшаб, ҳаракатсиз ҳолда дунёнинг ўртасида жойлашган. Ҳайвонлар ва инсонлар қуриган денгиз тубидаги қолдиқлар қирғоқларга чиқиб, қиёфасини ўзгартирган. Анаксимандрнинг анейрон тўғрисидаги таълимоти ҳаракатнинг абадийлиги ва қарама-қаршиликлар билан бирлиги ажралмасдир.

«Анаксимандр Симглинининг фикрича, яхлит, ҳаракатчан, чексиз, апейрон таълимотини илгари сурган, деган. Анаксимандр айтишича, абадий ҳаракат сувга нисбатан қадимги ибтидо бўлиб, у туфайли бир хил жисмлар пайдо бўлади, бошқалари эса емирилади».

Анаксимандр дарҳақиқат тұғма стихияли диалектив бўлган. Оламни у чексиз боғланиши, ўзаро ҳаракатдан иборат бўлган дастлабки элемент чексиз чиқади. Унинг фикрича, бирликдан иборат қарама-қаршилик, кейинчалик ажralиб чиқади. Иссиқлик ва совуқлик, қуруқлик ва намлик анейрондан ажralиб чиқиб, материянинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини таъкидлайди.

Дунёвий борлиқ ўзидан дунёларни пайдо қилган, у абадий ўзгаришда бўлади ва кейинчалик уларни ўз қарига тортади. Анаксимандр беҳисоб дунёларнинг яратувчиси ҳамда уларнинг пайдо бўлиши ва емирилиши тарихи билан туғулланган. У шунингдек, юлдузлар Қуёш ва Ой ҳалқаларининг ҳаракати орқали осмон жисмларининг суткалик ҳаракати тўғрисидаги таълимотни илгари сурган. Ер дастлаб сув билан қопланган бўлиб, осмон олови тасирида сувнинг бир қисми буғланиб қуруқлик пайдо бўлган. Бу боғланишлар шамолнинг эсишини келтириб чиқаради. Шамол, Қуёш ва Ой ҳалқаларининг айланиши сабабчиси бўлган. Анаксимандр фикрича, худолар ва оламнинг пайдо бўлишида ва унинг ривож-

ланишида иштирок этишмаган. Фалес каби у ҳам, жон моддий, чунки жоннинг ҳаракати ҳавога ўхшашидир,— деган.

Борлиқ тўғрисида Анаксимандр илгари сурган таълимотни унинг замондоши, шогирди Анаксимен давом эттириди. Милет мактабининг учинчи намоёндаси Анаксимандр эр.ав. (588-525) йилларда яшаб ижод этган. У дунёнинг асосига ҳавони қўяди. Унинг таълимотича ҳамма нарса ҳаводан пайдо бўлади ва пировардидаги яна ҳавога айланади, моддий олам ва ундаги жисм ҳавонинг куюқлашишидан сув, ер, тошлар ва ҳ.к. ташкил топса, сийраклашишидан эса олов пайдо бўлади деб таълим беради. Ер ясси, у қуёш ва бошқа планеталар сингари ҳавода сузади. Ҳаракатсиз ердан фарқли ўлароқ, улар космос ёрдамида ҳаракатга келадилар. Фалес сингари Анаксимандр осмон жисмлари «ернинг табиатига ўхшаши»дир дейди. Осмон ёритқичлари дейди у, ердан қуидаги тартибда бўлган: ердан намлик кўтарилади, кўтарилган намлик сийраклашиб оловга айланади, юқорига кўтарилган оловдан осмон ёриткичлари пайдо бўлган бошқа ҳамма нарсалар ана шу моддий элементлардан пайдо бўлган. У Анаксимандр сингари ҳаракатнинг абдийлиги ҳақида гапиради. Ҳаракат туфайли жисмлар ўзгариб туради. Анаксимен материянинг етти шакли ҳақида фикр юритади. Булар олов, эфир, ҳаво, шамол, булут, сув, ер ва тошлардир. Ҳованинг сийраклашиши, иссиқликни келтириб чиқарса, куюқлашиши совуқликни келтириб чиқаради. Ҳавонинг куюқлашиши ва сийраклиги тўғрисидаги таълимот ҳавонинг моддийлигини яна бир карра исботлайди. У жон ҳақида гапириб, «Жон — бу ҳаво. Жон яъни ҳаво бизнинг танимизни бамисоли чексиз ҳаво билан бутун коинотни ўраб сақлагани каби сақлаб туради». деган Анаксимен.

Анаксимен дастлабки элемент ҳавони Анаксимандр сингари чексизлиги ва оламнинг сон-саноқсизлиги тўғрисидаги фикрни юритади. Анаксименнинг космологик таълимоти ўзига хос ҳаракатта эга.

Унинг фикрича сон-саноқсиз оламлар вақти-вақти билан алманишб туради. Яъни оламлар пайдо бўлади. Сўнгра емирилади кейин пайдо бўлади ва ҳ.к.

Анаксимен биринчи бўлиб ҳаракатсиз юлдузлар билан сайёра-лар ўргасида фарқ борлиги тўғрисида гапиради. Осмон жисмлари-нинг жойлашиши тартиби тўғрисида Анаксимандрга нисбатан тўғрироқ фарқни илгари суриб, ерга нисбатан яқинроқ турадиган ой, қуёш, кейин юлдузлар жойлашган дейди. Қуёшни тутилиши тўғрисида фикр юритилиб, ой, қуёш билан ер ўргасига тушиб қолтанды қуёш тутилади деб айтган. Анаксимен шунингдек давримиз таълимотига яқин турган об-ҳаво ҳодисалар тўғрисида фикрларни илгари сурган. У шунингдек, қор ва дўл ёғиш тўғрисида ҳам фикр юритган. Булутдан пайдо бўлган ёмғир совугач, дўлга айланади.

Ҳавонинг сув билан аралашишидан қор пайдо бўлади. Момақалдиrok ва чақмоқ шамолнинг булатларни ёриб утиш орқали содир бўлади дейди. Ранг-баранг ёйлар эса Куёш баъзан Ой нурларининг зич булатга тушишидан пайдо бўлади, дейди Анаксимен, Стихијалик материалист, содда диалектический философ сифатида худони оламни сабабчиси, деган фикрни мутлоқ рад этиб, нарсаларнинг сабабчиси чексиз ҳаво, деб таъкидлайди. Лекин шунинг билан бирга Анаксимен худоларни мутлоқ инкор этгани йўқ. Худоларнинг ўзлари ҳам ҳаводан тузилган дейди. Анаксимен бошқа антик Юнон философлари сингари материянинг илоҳийлашгани тўғрисида фикр юриттанди. Анаксимен худоларнинг табиат билан бир нарса дейиши пантеизмдан иборатдир. Бу ҳақда Цицерон шундай ёзади: «Худо ҳаво экан у пайдо бўлади. Анаксименният ҳавоси, Анаксимандрнинг анейрони «илоҳийлашган, у ўлмас ва йўқ бўлмасдир». Шундай қилиб, Милет мактабининг намоёндалари борлиқ, ҳаракатнинг моҳияти, яккалик ва умумийлик ўртасидаги алоқалар тўғрисидаги масалаларни илгари суришга ҳаракат қилдилар. Лекин бу барса масалалар стихияли материализм ва содда диалектика дараҷасида кўйилган ва ҳал этилган.

Милетликлар шунингдек, ўзлари қабул қилган қарорларини принципиал-методологик қиммати ҳақида ҳисоб беришмаган. Улар қидирган умумийлик ҳиссиятдан етарли абстрактлашмаган. Шаклда ифода этгандар. Гарчан милетлик философлар ҳаракатнинг моҳияти тўғрисидаги масалани қўйган бўлсаларда, Арасту айттандек, ҳаракатнинг манбаъсини кўрсата олмагандилар.

### *Гераклит 530-470*

Эрамиздан аввалги 530 йилда Кичик Осиёning гарбий қирғозида жойлашган Эфес шаҳрида аристократлар оиласида туғилган.

Гераклит нафақат материалистик фалсафага асос соглан файласуф, балки у қадимги юнон стихияли диалектикасининг асосчисидир. Унинг ижодида сиёсий қарашлар ҳам ўрин олган.

Гераклит балоғатга етган чоғида яқин шарқда форслар ҳукмдорлик қиласи эди. У аристократлар оиласида дунёга келганилиги учун сиёсий қарашлари ҳам аристократларча эди. Унинг сиёсий қарашлари «Табиат ҳақида» асаридан келтирилган айрим парчаларда ўз ифодаси топган. Масалан: 104 парчасида ўз қавмидан чиққан демократик раҳбарлар ҳақида шундай ёзади: «Уларнинг ақли ёки фикрлаши қандай билмадим? Улар халқдир, билмайдиларки, уларда яхшиликдан ёмонликлар кўплигини?»<sup>5</sup>

<sup>5</sup> А.О. Маковельский. Досокритики. стр. 163.

Гераклитнинг сиёсий қарашининг марказида ҳокимият озчилиги-ни ташкил этган «яхшиларнинг» қулида бўлмоғи лозим. Бу «яхшиларни» мақтаб шундай дейди: «Биргина энг яхши нарса, ҳамма нарсадан аъло: абадий шуҳрат барча ўткинчилардан аъло, Халқ ҳайвонга ўхшаб қорнини ўйлади».<sup>6</sup> Кўриниб турибдикি, Гераклит учун аристократизм на фақат маънавий балки сиёсий ҳолдир.

У ўз асарининг 21 парчасида ҳамюрглари тўғрисида шундай ёзади: «Эфесликлар бир-бирини осиб ўлдирсалар, тахсинга сазовор бўлади ва шаҳарни болаларга қолдирсалару, ўзларининг энг яхши кишиси Гермадорни ҳайдаб; «Орамизда ҳеч ким яхши бўлмасин,. Шундай экан, у бошқа ерда, бошқалар билан яшайверсин».<sup>7</sup>

Бироқ Гераклит даврида Эфесликлар кўпчилиги аристократия томонида эмас эдилар эҳтимол, шу сабабдан у ижтимоий-сиёсий фаолиятдан бош тортган. Лекин шунга қарамай, унинг фалсафий ва ижтимоий қаравшлари Юнонистонни прогрессив ривожланишига маълум даражада ёрдам берди.

У барча Юнон шаҳар-давлатларини ривожлантириши, уруғчилик расм-русларга қарши қаратилган янги юридик йўналишларни амалга оширишни ёқлаб чиқди. Гераклит Йониядаги материалистик фалсафанинг кўзга кўринган йирик вакили эди.

Унинг қадимти Юнонистонда фалсафани ривожлантиришда тутган тарихий ўрни ва аҳамияти шундаки, у ўзидан аввал ўтган фаяласуф Фалес, Анаксимандр ва Анаксименлардан фарқли, диалектика масалаларни ишлаб чиқди. Милет мактабининг намоёндалари фалсафий масалаларни астрономия ва физикага нисбатан мустақил ҳолда кўрмаганлар. Гераклит ёзиб қолдирган асарларидан афсуски 130 парчаси бизгача етиб келган. Бу парчалар бизга ажойиб мутафаккир дунёқарашининг баъзи бир асосий хусусиятларини билиб олишимизга ёрдам беради.

Мазмунан ниҳоятда оригинал ва тил жиҳатдан ширали, фазилатларга бой, ихчам ҳажмдаги Гераклит асарлари ҳаммага ҳам тушунарли эмасди. Чунки у ҳаётта пессимистик руҳда қаради. Фикримизнинг исботига 20 парчада кўришимиз мумкин. «Гераклит туғилишига бахтсизлик ҳодиса деб қарайди». Туғилганлар яшашга интиладилар, шунинг учун ўлим деган сўзнинг ўрнига хотиржам бўлиш ва ўлимга туғилган болаларни қолдирдилар». У жамиятдаги ва табиатдаги тўхтовсиз ўзгаришларни кузатиб борди ва сирларини била бошлади. Гераклит оламнинг асосига олов элементини қўяди. Қадимги ҳалқлар учун олов, ер, сув, ҳаво сингари моддий бўлган. Кишилар олдин, олов — бу моддий жисм бўлмай, балки оксидланиш жараёнини бузиб, ундан иссиқлик ва ёруғлик ажralиб чи-

<sup>6</sup> Уша асар 152.

қишилигини билишмаган. Лекин қадимгилар олов элементини сув, ҳаво анейронга нисбатан серҳаракатчан ВА УЗГАРУВЧАНЛИГИНИ БИЛИШГАН. ХУДДИ ШУ НАРСА УНИНГ ХАРАКАТ ЭЪТИБОРИНИ ўзига тортган оловнинг субстанционал асосга эга эканлигини, уни олтин билан таққослайди, жисмларни эса товарлар билан таққослайди. «Ҳамма нарса оловга алмаштирилади ва олов ҳам ҳамма нарсага, бамисоли олтин товарларга алмашинганлиги каби товарлар ҳам олтинга алмашилади. Гераклит оловни на фақат оламнинг асосини этувги моддий ибтидо деб билибгина қолмай, балки ундан ҳамма нарса пайдо бўладиган деган. Оловдан оламни пайдо бўлишини Гераклит «Пастга ҳаракат» деб билган. Гераклит космогонияси бизгача уч хил кўринишда етиб келган.

Климент фикрича, оловдан сув пайдо бўлади: сув ўз навбатида оламни яратувчи уруғдир.

Френидинг фикрича олов, сув, ҳаво ҳам уруғдан пайдо бўлган. Зевс йўқ бўлган, бироқ уруғ қолган. Бу уруғдан ер, осмон ва иккисининг ўртасида жойлашган барча нарсалар ҳам пайдо бўлган. Плутарх фикрича, олов ҳавога айланади. Эрамизнинг II асрода яшаб ижод қилган файласуф Марк Аврелий Гераклитнинг космогониясини бутунлай бошқача тушунтиради. «Ернинг ўлимидан сув туғилади, сузнинг ўлимидан ҳаво туғилади. Ҳавонинг ўлимидан олов туғилади ва қайта оловга айланади, «<sup>9</sup> Марк Аврелийда ер эса ҳавога айланиши лозим, Гераклитнинг олами абадий эмас. «Пастга ҳаракат» вақти-вақти билан «юқорига ҳаракат» билан алмашади. Оловнинг қуюқлашишидан барча нарса пайдо бўлса, сийраклашувидан яна оловга айланади. Бу дунёвий олов вақти-вақти билан ёниб турди ва учиб туради. Гераклитнинг диалектикаси тўхтовсиз ўзгаришлардан иборат. Ҳаракат моддий олам доирасида асосан дастлабки элементлар олов, ҳаво, сув ва ернинг айланана ҳаракатидан иборат. Бу ҳақда Гераклит шундай ёзади: «Оқар сувга бир дақиқада икки марта тушиш мумкин эмас, чунки ҳар дақиқада сув янги янги бўлиб туради. «Шундай қилиб, Гераклит оламда турғунлик ва ҳаракатсизликни инкор этди. Чунки турғунлик ва осойишталик ўлимнинг хусусиятидир дейилади. У ҳамма нарса ҳаракатда деб билади. Ҳаракат — дунёвий ҳаёт жараёнини энг умумий ҳарактеристикасини ташкил этади. Ҳаракат бутун табиатга барча жисм ва ҳодисаларга тааллуқлидир. Ҳаракатнинг универсаллиги тўғрисидағи тезисини абадий ҳаракатдаги абадий жисмларга тааллуқли бўлгани каби узлукли ҳаракатда пайдо бўлувчи жисмларга ҳам тааллуқлидир. Абадий ҳаракат бу абадий ўзгаришдир. Арасту шаҳодат беришича Гераклит шундай деган: «Қуёш на фақат ҳар куни янги бал

<sup>9</sup> Каранг. А. Н. Чанышев. Курс лекции по древней философии М. 1981, стр. 134.  
Уша асар 151 - бет.

ки, күёш доимо тұхтовсиз янгиланиб туради:» Ҳамма нарса доимо үзгариб туради:»<sup>10</sup> иссиқ совуққа, совуқ иссиққа айланади ва ҳ.к. Вужудға келиш фақат қарама-қаршиликнинг бирлиги билан бўлиши мумкин. Гераклит тушунишича ҳар бир нарсанинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатта тұхтовсиз ўтиб туришидандир. Шундай қилиб, Гераклит фикрича ҳаёт ва ўлим, кун ва тун, қарама-қаршиликнинг бирлиги мисолида ва яхшилик ва ёмонлик биргадир дейди. Гераклит ернинг атмосферада бугланиши ва уни сув сифатида ерга қайтишини ва ҳатто борлиқ ва ноборлиқ умумийликнинг бирлиги ва яккалиги нарсалар ўртасидаги қарама-қаршиликлар бирлигининг мисоли тариқасида келтирилади. Қарама-қаршилик Гераклит фикрича, абадий курашда бўлади. «Кураш ҳамма нарсанинг отаси, ҳамма нарсанинг подшоҳидир. Кураш бирорларни худолар, бошқаларни инсонлар, бир хилларни қул, бошқаларни эса эркин кишилар қилиб яратган дейди. Бундан Гераклит кишилар ўртасида уруш ёки жанжалларни тарғиб қилиб келди дейиш нотүридир. Гераклит таълимотика табиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг турли-туман бўлишининг сабаби оловнинг абадий ҳаракатидан ва үзгаришидандир. Олов шунингдек инсон онгининг келиб чиқиши сабабидир.

Унинг фикрича, кишиларнинг руҳияти ва онги уларнинг таңасига боғлиқдир. Инсон онги оловнинг үзгарувчан ҳолатидир, ёки оловнинг бир кўринишидир. Бироқ психик ҳодисаларни ва онгни тушуниш материалистик мазмунга эгадир. Аммо Гераклит онгнинг ўзига хос хусусиятини тушунмай онгни материя билан бир нарса деб тушунди.

Гераклит таъкидлайдики, барча нарсаларнинг ҳаракатида ва тұхтовсиз үзгаришда бўлиши, уларнинг мавжудлигига зиддир, чунки ҳаракатдаги ҳар бир предмет айни бир вақтнинг ўзида ҳам мавжуд эмас.

Гераклиттинг бу таълимотига Арасту эътиroz билдириб шундай дейди: «Бироқ бир нарса бир вақтнинг ўзида ҳам мавжуд бўлиши ва булмаслиги мумкин эмас».<sup>11</sup> Денгиз суви—дейди Гераклит, баъзи бир тирик мавжудот учун тоза бўлса, бошқа тирик мавжудот учун ифлос бўлиши мумкин. Кишиларнинг ишлари ва ҳатти-ҳаракатлари нисбийдир. Гераклит диалектикасига маълум даражада мавжудлик, қарама-қаршиликлар бирлиги, мутлоқлик ва нисбийлик тоялари таалуқли эди. Гераклит үзгаришлар манбай тұғрисида гапириб, тараққиётнинг илгарилаб боришини тушунмади, унинг фикрича тараққиёт доира ичидә қайтарилиб туради. У ривожла

<sup>10</sup> А.О. Маковльский. Досократики стр. 148.

<sup>11</sup> Каранг. Асмус. История античной философии. М. 1965, стр. 26.

нишнинг сакрашсимонлигини, миқдор ўзгаришдан сифат ўзгаришга ўтишни кўра билмади. Қарама-қаршиликни бир тартибга солувчи, уни бошқариб турувчи қонунни яратди. Бу қонун Логос қонунидир. Логос унинг фикрича моддий дунёнинг қонунидир. Рус файласуф олими Чанышев А.Н. Логос ҳақида шундай дейди: «Логос — бу сўз. У ҳар қандай сўз эмас балки ақлли сўздир. Гераклитнинг логоси — объектив оламнинг қонунидир. У тартиб ва ўлчовнинг принципидир. Логос оловнинг бошқа кўринишидир».<sup>12</sup>

Ҳиссиятимиз учун слов модда бўлса, ақл учун олов логос, яъни ақлли сўздир. Оловнинг Логос кўриниши ақлли ва илоҳийдир, барча кишилар учун умумий бўлган бу қонун илоҳийдир—дейди. Гераклит «Инсонлар» қонуни ягона қонундан озуқа олди. Илоҳий ўз хоҳишига кўра ҳукмронлик қиласди ва ўзига бўйсундиради. Кишилар у билан доимо муносабатда бўлишларига қарамай уларнинг: кўпчилиги бир-бирларидан логослари (ақллари) билан фарқ қилишади. Гераклит нега шундай бўлди—деб ўзига савол беради, ўзининг бу саволини рисоланинг 107 парчасида қўйидагича изоҳлайди. «Дагал танага эга бўлган кишиларнинг кўзлари ва қулоқлари ёмон гувоҳдир».<sup>13</sup>

Бу билан Гераклит ҳиссий билишни номукаммал билим деб, ақлий билимни устун қўяди. Лекин Гераклит ҳиссий билимни мутлоқ инкор этмайди, балки жони дагал бўлган, яъни олов элементи кам бўлган кишиларнинг ташқи ҳиссиятлари ҳақиқий билим бера олмайди, деб уқтиради.

Бундан қўйидагича ҳулоса чиқариш мумкин, масала ташқи ҳиссиятда бўлмай, балки бу ҳиссиятларни қабул қилаётган кишиларга боғлиқ. Жони нафис бўлган кишининг ташқи ҳиссияти ҳақиқий билим беради. Бироқ ҳиссият, Гераклит фикрича, жисмларнинг табиати ҳақида тўлиқ узил-кесил билим беролмайди. Тўлиқ билимни фақат тафаккур бера олади, дейди. Аммо Гераклит тафаккурни билим фаолияти, яъни жони дагал бўлмаган истедодли кишилар билими ҳақиқий бўлади, — дейди. У ўз асарининг 112 парчасида «тафаккур» буюк устунлик ва донишмандликнинг мазмани, ҳақ гапириши ва табиат овозига қулоқ солиш, унга мувофиқ муносабатда бўлиши лозим»<sup>14</sup> деб ёсилган.

Оқиллик ҳақиқат бўлмаган барча қараашларни рад этади ва ундан юз ўгиради. Гарчанд, кўпчиликка ҳақиқий билим насиб этмаса ҳам кўпчилик оламни ҳам бошқарувчи «логос»ни билмасликларни мұқаррар деб ҳисоблаган.

<sup>12</sup> Каранг. А.Н. Чанышев. Курс лекции по древней философии. М. 1981.

<sup>13</sup> А.О. Маковельский. Досократики. стр. 164.

<sup>14</sup> Материалисты Древней Греции М. 1995, стр. 51.

Барча кишилар учун ҳақиқиј билим қобилияти бор, имкониятда—ақп ато этилган дейди. Ўзининг бу фикрини 116 парчасида шундай дейди: «Барча кишиларга ўзини билиш ва фикрлаш хукуки берилган».<sup>15</sup> Гераклит шундай дейди: «Табиатан қуруқ онг энг оқил ва энг олийдир ва аксинча маст кишининг жони ҳўлдир».<sup>16</sup>

Кишилар табиатан тенгдирлар. Лекин улар аслида тенг эмасдир. Кўплари логос бўйича яшамайдилар, ўзларининг фикрларича яшайдилар. Бундай кишиларнинг ҳёти—«болаларнинг ўйинига» ўхшайди. Улар ўз ҳохишларининг қулидирлар. Бахт тананинг фароғатидан эмас, балки тўғри фикрлаш ва тўғри гапириш ва табиатга мувофиқ ҳаракат қилмоқ, унга қулоқ солмоқдан иборат.

Гераклитнинг фалсафий қарашлари ўз даврига нисбатан кучли бўлган Олам ҳеч ким, на худолар, на кишилар томонидан яратилган. Абадий ва чексиз жонли оловдан тузилган дейди. Логос ҳам ҳеч ким томонидан яратилмаган бўлсада, худоларнинг ўзи оловдан ташкил топган—дейди.

Унинг материализми содда, диалектикаси эса стихиянидир. Ласаль Гегель сингари Гераклит фалсафасини анализ қилишда ундан илгари кета олмади.

## ПИФАГОР ВА ПИФАГОРЧИЛАР ФАЛСАФАСИ

Пифагор Юнонистоннинг шарқий қисмидаги Сомос шаҳрида Ористократия оиласида дунёга эрамиздан аввалги 580 йили келган. Пифагор золим подшоҳ Поликрат билан чиқиша олмай, Фалеснинг маслаҳати бўйича илм олгани Мисрга жўнайди. У ерда 22 йил Миср коҳинларидан таълим-тарбия олади. Эрамиздан аввалги 525 йили миср форслар томонидан ишғол қилингач, форслар кўпгина Мисрликларни асир олиб, шарқга томон жўнайди. Уларнинг орасида Пифагор ҳам бор эди. У Бобилга келиб, 12 йил давомида у ердаги коҳинлардан таълим олди. Апулай таъкидлашича, Пифагор Ҳинд донишмандларидан ҳам таълим олган, Пифагор 34 йил муҳожирликда, Миср, Бобил ва ҳатто Ҳиндистонда ҳам таълим олган. Юнонистоннинг Кратон шаҳрига келиб жойлашган, ўзининг Пифлагорчилар иттифоқини тузади. Унинг ҳёти асар қолдирганми ёки йўқми номаълум. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Пифагор ўз таълимотини оғзаки тарғиб қилган.

Пифлагорчиларнинг таълимотини ёзма равишда тарғиб қилган киши Филолей бўлган. У эрамиздан олдинги 5-асрда ижод этган.

У гарчанд диний таълимотларни илгари сурган бўлса ҳам ўз давридаги шоирларнинг диний таълимотларига, турли расм-русмларга қарши чиқсан. Пифагор энг аввало Юнонистонда катта об-

<sup>15</sup>. Ўша асар 51-бет.

<sup>16</sup>. Ўша асар 52-бет.

рўга эга бўлган, Гомерга қарши кураш олиб борган. Гомер ўзининг «Илиада ва Одессея» асарида худоларнинг ишлари тўғрисида ҳам фикр юритади.

Пифагор ва Пифагорчиларнинг таълимотига кўра олам узлуклидир. Оламнинг асосида мавхум сонлар ва бўшлиқ ётади. Мавхум сонлар Пифагорчилар таълимотининг асосини ташкил этади. Улар милет мактабининг материалистик таълимотларига қарши чиқиб, оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг асосида мавхум сонлар ётади дейишади. Бир рақами — сонларнинг асоси—нуқтадан иборатдир. Бир рақами геометрик шакллар ва жисмларнинг юзага келишининг асосидир. Уларнинг турли хил геометрик шакллар билан боғлиқ бўлган жуфт ва тоқ сонлар ҳақидаги таълимоти алоҳида аҳамиятга эга эди. Нуқта бир рақами ташкил этса, икки рақами тўғри чизиқни, уч рақами текисликни, тўрт рақами жисмни ташкил этган. Олам ва ундаги нарсалар рақамдан юзага келган.

Бироқ пифагорчиларнинг рақамлар тўғрисидаги таълимоти идеал (мавхум) рақамларнинг миқдори тўғрисидаги дастлабки ҳаракатларидан иборатдир. Пифагорчилар таълимотича жисмларнинг устки қатламлари ёпласига чизиқлардан ташкил топган бўлиб, улар нуқталар билан чекланган.

Шунинг учун уларнинг тасаввурларича рақам барча жисмларнинг сабаби ва оламни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Улар рақамларини ва материядан конкрет жисмлардан ва ҳодисалардан ажратиб, уларга, мустақиллик ато этган. Рақамларни мутлоқ кучга, яъни худога алмаштирилган. Идеаллаштирилган мистик 1 рақами пифагорчилар таълимотича худоларнинг онасидир, дунёдаги — ҳамма нарса ва ҳодисаларнинг асосидир, 2 рақами табиатда қарама-қаршиликларнинг асосидир, 3 рақами қарама-қаршиликларнинг бирлиги, яъни жисмларнинг қарама-қарши, томонларнинг бирлигидан иборатдир, 4 рақами тўрт элемент (унсур)нинг шаклидир. Шундай қилиб, Пифагорчиларнинг таълимотича дунёнинг асосида на материал, на табиат ётмай, балки идеаллашган рақамлар ётади. Нарса ва ҳодисалар ана шу рақамларнинг маҳсулидир. Пифагорчилар фалсафасининг моҳияти ҳам ана шундадир. Уларнинг таълимотича оламни билиш оламни бошқариш турган рақамларни билишдан иборатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, натурфайлласуфларнинг диалектик танденцияларига, Гераклитнинг диалектикасига қарама-қарши пифагорчилар дунёни тушинишда метафизик позицияда турганлар. Пифагор таълимотича қарама-қаршиликларнинг биридан иккинчисига ўтишдан иборат бўлмай, балки улар бизга мавжуд бўлишади, тенгликда бир-бирига тобе бўлган қарама-қаршиликлар қўйидагича: чекли ва чексиз, тоқ ва жуфт, бирлик ва кўпллик, ўнг ва чап, эркак ва аёл, турғунлик ва ҳаракат, тўғри ва эгри, ёруғлик ва зулмат, яхши ва ёмон, тўртбурчак ва кўптомонлик-

лардир. Пифагорчиларда стихияли диалектика элементлари мавжуд. Масалан, жуфт рақамига бир рақамни қўшилса тоқ рақам ҳосил бўлади. Пифагорчиларнинг фалсафаси маълум даражада илмий аҳамиятга эга. Улар биринчи бўлиб Юнонистонда табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг миқдор категориясини илгари сурдилару, лекин миқдор билан сифат ўртасидаги боғлиқликни инкор этдилар. Миқдор сифатсиз бўлмаслигини улар тушунмадилар. Пифагорчиларнинг фикрича, ер дунёвий оловсимон марказ атрофида айланиб, алоҳида баландликка эга бўлган монотон товуш чиқазади. Масалан: ойнинг товуши билан ва ўткир. Сатурнинг товуши энг паст. Бу товушлар биргаликлда ҳамоҳанг куйни яратади, буни факат Пифагор эшлиши мумкин эди, гўй у ниҳоятда ажойиб тинглаш қобилиятига эга эди. Пифагорнинг диний таълимотининг асосида жон туради. У жоннинг абадийлиги ва бир танадан иккичи танага ўтишини ҳам айтган. Жон ўз танасини тарқ этар экан, инсон ҳаётйлиги чоғида қандай хатти-ҳаракат қилганини қараб тасдиқланади. Пифагорчиларнинг тартибот тўғрисидаги таълимоти реакцион мөҳиятга эга. Пифагор тартибот таълимотини жамиятга ҳам тарбиқ этган. Юнон аристократик ҳокимияти энг язши тартиботдир. Юнон демократияси яхши тартиботнинг бузилишидир.

Шундай қилиб, Пифагор ва Пифагорчилар доим жамиятда юнон аристократик ҳокимиятини тузиш тарафдори бўлишган. Пифагорчилар ва пифагорчиларнинг таълимоти кейинчалик Элек мактаби намоёндалари томонидан давом эттирилди.

## ЭЛЕЙ МАКТАБИ ФАЛСАФАСИ

Қадимги юнон шоири ва файласуфи Ксенофан эрамиздан аввалги VI асрнинг охири V асрнинг ўрталарида яшаб ижод этган. У кичик Осиёнинг Колофон шаҳрида дунёга келган. У илм олиш мақсадида Юнонистон шаҳарларига, Жанубий Италияга саёҳат қилиб, умрининг сўнгги йилларини Элей шаҳрида ўtkазди. Элей шаҳар-давлатда фалсафий мактабнинг юзага келиши, Ксенофан шаҳарни тарқ этганлиги тўғрисида аниқ маълумот йўқ.

Ксенофаннынг фалсафий таълимоти VI асрнинг ўрталарида юзага келган. Диоген Лаэртский ёзишича, Ксенофан «табиат ҳақида» асар ёзган. Афсуски бизгача бу асардан айрим парчалари етиб келган холос. Ксенофан Пифагорни тилга олади. У Пифагорчилар иттифоқига яқин турган.

Ксенофан Пифагор ва бошқалар сингари шоирлар талқин этган кўп худоликка қарши чиқади. Ксенофан бир неча элегейлар (мусиқавий асар)нинг муаллифи бўлган. Улардан бирини Пушкин эркин таржимада берган. Унда Ксенофан жисмоний кучларга сингинишнинг устидан кулади. Бойлик ва ичкиликбозликка кескин қарши чиқсан.

Ксенофан кўп худоликка ҳамда антропоморфик (яъни инсонларга тааллуқли сифатларни ҳайвонларга, ўсимлик дунёсига хос деювчи) таълимотга ҳам қарши чиққан, мифологияни рад этишга ҳаракат қилди.

«Агарда буқалар, отлар ва шерлар инсон каби қулларга эга бўлганларида эди, унда инсонларга ўхшаб тасвирий санъат асарларини яратишлари мумкин эди. Отлар худоларни отларга, буқалар эса худоларни буқаларга ўхшатиб, чизардилар, ҳамда уларнинг жисмий тузилишини ўзларининг жисмий тузилишларига ўхшатардилар».<sup>17</sup>

Ксенофан биринчи бўлиб худолар инсонларнинг ижоди деган дадил фикрини айтган. Гомер ва Гессиодларнинг яраттган худолари инсонларга ўхшаб, нафақат ташқи кўринишлари билангина эмас, балки турмуш тарзлари ва маънавий даражалари билан ҳам ўхшашдирлар.

Дарҳақиқат, ягона худо мавжуд,— деган эди Ксенофан. Худо инсонга ўхшаб на қиёфага эга, на фикрлайди, унинг ўзи нигоҳ, тафаккур ва эшитишдир, у ақл куввати ила нарсани қийналмай бошқарди ва сокинликда мавжуддир. Ксенофан фикрича худо ҳамма нарсаларнинг дастлабки асосидир.

Худо пайдо бўлмаган ва кўчма сифатга эга эмас. Оlam яхлит ва ўзгармас. Ксенофан худоси табиат билан айнан бир нарса. Худо шарсимон моҳиятга эга.

Барча пайдо бўлувчи ўлимга маҳкум, жон эса нафас олишдир, деган Ксенофан, унинг таъкидлашича ҳамма нарса ердан ташкил топган ва пировард натижада яна ерга айланади.

Туғулувчи ва ўлувчи ҳар бир нарса ер ва сувга боғлиқ. Бу икки нарса ҳаёт манбаидир. Ҳатто жонлар ҳам ер ва сувдан ташкил топган дейди. Ксенофан пантеист бўлган. Бу масалада Ксенофан фалсафий мактаблари таълимотидан фарқ қиласи.

Табиат ўзгармас ва ҳаракатсиздир. Бироқ бу яхлит бирликга сокинлик ва ҳаракат хос эмас, чунки сокинлик ноборлиқга хос, конкрет жисмларнинг кўплиги эса ҳаракатга хосдир. Қуриб турибмизки, у чексизлик ва чекланганлар масаласи ҳақида фикр юритган. Бу хусусият пифагорчилар фалсафасида асосий аҳамиятга эга бўлган. Қадимги Юнон олими Теофраст таъкидлашича, Ксенофан Пармениднинг устози эди. Унинг фикрича борлиқ яхлит на чексиз ва сокин. Ксенофаннынг борлиги илоҳийлашган ва абсолютлаштирилган, метафизик-абстракт моддий тушинча бўлиб, ҳиссий қабаллаш мумкин эмас. Ксенофан ернинг эволюцион ўзгариши тўғрисида фикр юритган. Қачонлардир ер сув билан қопланган эди, кейинчалик сувнинг бир қисми қуриб, куруқлик ҳосил бўлган.

<sup>17</sup>. Каранг А.Н. Чанышев. Курс лекции по древней философии М. 1981, стр. 147.

Денгиз туби бўлган жой кейинчалик тоғга айланган. Шунинг учун ер борлиқнинг асосидир, субстанциядир.

Ер ўз илди билан чексиз ёйилган. Сув эса ер билан ҳамкор сифатида ҳаётнинг манбани ташкил этган. Осмон жисмлари ҳам сувдан ташкил топган. Сувдан булулгар ҳосил бўлади, булулардан эса барча осмон ёритгичлари юзага келган.

Ксенофан фалсафаси қарама-қарши характерга эга. У дуалистик космогонияни илгари сурган, икки ибтидо ер ва сув космокнинг асосидир. Шунга кўра унинг билиш назарияси ҳам иккита бўлади.

Ксенофан билиш назариясининг биринчи қисмида худони билиб, мутлоқликка эришиш мумкин бўлса, билишнинг иккинчи жисми эҳтимол билим мулоҳазадан иборат бўлиб, у физика қисмига тааллуқлидир. Шуни айтиш керакки, билим эҳтимол ҳақиқатга яқин ва ҳақиқий билимга бўлиниш кейинчалик Афлотун ва Арасту фалсафасида ўз ифодасини топган, Ксенофан фикрича инсон ҳақиқатни билишга қодир эмас. Чунки, унинг фикрича борлиқ физик хусусиятга эга эмас. У матафизикдир. Абсалют ҳақиқат физик хусусиятга хосдир. Ксенофан илгари сурган бу икки хил қарашлик кейинчалик шу мактаб намоёндалари Парминед ва ЗЕНОНлар томонидан ривожлантирилган.

Парменид. Элей фалсафий мактабнинг кўзга кўринган намоёндаларидан бири бўлиб, зрамиздан аввалги 504 ёки 501 йилларда туғилган. Парменид Элей шаҳрида туғилиб ўсан. Гераклитнинг замондоши, Афлотун эса Пармениддан 30 ёш кичик бўлган. Парменид ўзидан кейин «Табиат ҳақида» асар ёзиб қолдирган. Асарнинг муқаддима қисми бизгача етиб келган.

У яратган таълимотнинг баъзи қисмларида Пифагорчиларни танқид қилган, у шунингдек иония фалсафасига қарши чиққан. Элей фалсафий мактабининг тараққиётига мантиқан ёндошсак, умуман материалистик таълимотдан идеалистик таълимот томон тараққий этганлигини кўришимиз мумкин. Ҳатто Афлотун ҳам маълум даражада Парменид таълимотига қарши чиққан. парменид ва унинг шогирди Зенон ҳам оламни билишда ақлий билишни ҳиссий билишга қарама-қарши қўйган. Албаттга бу билан улар идеалистлар деб ҳукм чиқаришимиз нотўғри бўлур, бироқ оламни билишда ақлий ҳиссий билишга қарама-қарши қўйдилар.

Парменид фикрича, борлиқ мавжуд, ноборлиқ мавжуд эмас. Борлиқ оламнинг марказида ҳаракатсиз жойлашган яхлит шарсимион массадан иборат. Унинг олам тўғрисидаги бундай тасаввuri борлиқнинг моддийлигидан далолат беради. Парменид таълимотининг асосий масалаларидан бири фикр ва ана шу фикрга тегишли жисм (предмет) айнан бир нарса, жисмга тааллуқли фикр табиати фикр деган маънони англатади. Лекин Парменид бошқача таъкидлайди: «Фикр доимо жисм ҳақидаги фикрдир. Фикр ўз жисми-

дан (предметдан), яъни борлиқдан ажралган ҳолда бўлиши мумкин эмас. Фикр бу борлиқдан ажралган ҳолда бўлиши мумкин эмас. Фикр бу борлиқ демақдир». 18 Ҳатто ноборлиқ тўғрисида фикр юритар эканмиз, демак фикр қандайдир мазмунда мавжуд-ку. Но борлиқ тўғрисидаги фикрнинг мавжудлигининг ўзи борлиқдир, фикр мавжуд демак, у борлиқقا эга, ҳарҳолда ноборлиқ тўғрисидаги фикр мавжуд-ку! Демак, бундай хulosса чиқазиш мумкинки, ҳеч қандай ноборлиқ йўқ. Фақат битта борлиқ мавжуд.

Шундай қилиб, Парменид фикрича ноборлиқ йўқ, доимийлик оламида ҳеч жойда бўшлиқ йўқ, ҳеч нарса билан тўлмаган макон йўқ. Жисмдан алоҳида макон йўқ. Оlam яхлит шарсимон массадан иборат. Демак олам бир бутун, унда ҳеч қандай кўплик ва кўплик ҳақида фикр юритиш ҳам мумкин эмас. Алоҳида якка якка жисмларнинг ўзи оламда йўқ. Пармениднинг бу таълимоти Пифагорчиларнинг бўшлиқ БОР ДЕГАН ФИКРИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН АЛБАТТА ПИФАГОРЧИЛАРНИНГ БЎШЛИҚ тўғрисидаги фикри атомистик таълимотни илгари сурган файласуфларнинг мутлоқ бўшлиқ фикридан йўриқдир. Пифагорчиларнинг илгари сурган бўшлиғи ҳавосимондир. Ҳар қалай Пифагорчилар бўшлиқни эътиroz этганлар.

Пифагорчилар таълимотича, жонли шарсимон оламнинг ташқаридан ўз ичига ҳавосимон бўшлиқни тортиб нафас олади.

Натижада, олам алоҳида жисмларга бўлинади ва уларнинг бирдан иккинчисини ажратиб туради. Парменид фикрича, олам яхлит демак, ундан ҳеч қандай кўплик ёки алоҳида қисмлар йўқ экан, бундан шундай хulosса чиқариш мумкинки, ҳиссиётимизга бериладиган кўплик аслда ҳиссий ёлғондир, яъни ҳиссиёт бизни алдашдан иборатдир. Ҳиссиёт орқали билинадиган олам манзараси ҳақиқий эмас—саробдир. Ҳақиқатнинг манбабы эса ҳиссиётдир.

Парменид Гераклита қарши чиқиб: Гераклит табиатни абадий ҳаракатда, ҳаракат эса қарама-қаршиликлар асосида содир бўлади, дейди. Лекин Парменид фикрича олам ҳаракатсиз бўлгани учун пайдо бўлишилик ва емиришлик мумкин эмас. Пармениднинг таълимоти қадимги Юнонистонда оламни матефизик тушунишга қаратилган. Шундай қилиб, Парменид таълимотича борлиқ ҳаракатсиз, ўзгармас, пайдо ҳам бўлмайди ва йўқ ҳам бўлмайди. Парменид таълимоти икки қисмга бўлинган. Биринчи қисмда ҳаракат тўғрисидаги аниқ билимлар ифодаланган, иккинчи қисмida физик жараёнлар ва ҳодисаларинг табиати тўғрисида ўзининг фикрини эмас, балки Пифагорчиларнинг физик гипотезларини (фарзлари) баён қилган.

У Пифагорчиларнинг физикасига аниқлик киритган, шулардан бири бўшлиқнинг реал мавжудлигини инкор этган. Ер эса Парменид фикрича марказни ташкил этган. Унинг баязи таълимотлари илмий тасаввурларни ривожлантиришда катта аҳамиятга

эга бўлган. Масалан: ойнинг қоронғу табиати ҳақидаги фикри тўғридирки, Ой қуёшнинг нурини акс эттиради, ўзи эса нур чиқазишга қодир эмас. Унинг яна қимматли табиатимизга ҳамда жисмий аъзоларимизнинг ҳолатларига боғлиқлиги тўғрисидаги фикридир. Унинг бу фикрлари маълум даражада Парменид фанда ва фалсафада бутунлай реакцион бўлган деган фикрни рад этади. Шундай қилиб, Парменид таълимотига қуйидагича якун ясаш мумкин.

1. — Агар милетларнинг ҳақиқатни ҳиссиётдан ва тажрибадан топган бўлсалар, Парменид аксинча ҳиссий далилларнинг аниқлигини рад этади. Ҳар қандай эмпирик билимларни, алдовчи, шунчаки билим деб билади. Борлиқнинг моҳиятини Парменид реал табиатдан эмас, балки тафаккурдан излади.

— Парменид учун борлиқ ва тафаккур айнан бир нарса.

— Парменид фикрича ақр ҳаракатсиз нарсаларни билади. Лекин шунга қарамай унинг фалсафасининг прогрессив тамони бор. У қадимги Юнонистонда рационал фалсафага асос солган. Ксенофонда яхлитликни худо ташкил этса, Парменидда эса яхлитликни шарсимон борлиқ ташкил этган. Парменид фалсафаси икки тамонлама, яъни материалистик ва идеалистик йўналишдадир, Пармениднинг борлиқ тўғрисидаги таълимотдан Афлотун ўзининг гоялар тўғрисидаги назариясини асослашда фойдаланган.

ЗЕНОН. Элей мактабининг намоёндаларидан бири, Пармениднинг шогирди ва дўсти Зенон ўз устозининг таълимотини ҳимоя қилди ва уни ривожлантирди. Пармениднинг назариясини ҳимоя қилишда ўз дадил исботларини ишга солди. Зенон ўз дадил исботларини шу даражада моҳирлик билан қўлладики, кейинчалик Арасту уни «диалектиканинг» отаси деб аташга асос бўлди. «Диалектика» маъносида Арасту Зеноннинг ҳақиқатнинг рақибининг фикридан, ички қарама-қаршилик моҳирона топиб, ана шу қарама-қаршиликларни бартараф этишни тушунган.

Зенон Парменид сингари ҳақиқат қарама-қаршиликларга дуч келиши мумкин эмас, деган фикрга ишонарди. Зенон таъкидлайдики, кўплик бу демак қисмларга эга бўлишилик ва бўлиниш хусусиятига эга бўлишиликдир. Бўлинувчилик хусусиятига фақат кўламга эга бўлган нарсалар эга бўлиши мумкин. Зенон фикрича, борлиқ жисмий, ҳажм ва кўламга эга бўлиш зарур. На кўлам, на ҳажмга эга бўлмаган нарсалар бўлиши мумкин эмас, — дейди Зенон. У ўзи устози сингари борлиқдан ташқарида бирон бир бўшлиқнинг мавжудлигини бутунлай инкор этади. Фақат уч ўлчовга эга бўлган борлиқ мавжуд. Бироқ борлиқдан алоҳида уч ўлчовга эга бўлган макон йўқ. Маконни ўрин деб билиб, унда борлиқ жойлашиши мумкин ва маконни борлиқдан ажратадиган файласуфларга Зенон қарши чиқади. мана унинг бу ҳақдаги далили: «Агарда ўрин қандайдир борлиқ бўлса, унда бу ўрин қаерга жойлашиши

мумкин,? Демак, бундан қүйидаги хulosани чиқазиш мумкин,» Ҳамма мавжуд нарсалар қаердадир жойланиши керак. Агарда макон мавжуд бўлиши керак-дейилса, эҳтимол бошқа иккинчи жойда жойланиши керакдир, унда иккинчи макон, учунчи маконда ва ҳ.к. жойланиши керак. Демак, бу мумкин эмас. Борлиқдан ташқарида ўрин, макон, кўлам алоҳида мавжуд бўлиши мумкин эмас. Борлиқнинг ўзи кўламга эга, кўлам йўқ бўлмас, борлиқ йўқ бўлиши аниқ.

Зеноннинг кўлам тўғрисидаги таълимоти. Кўплик қисмлардан иборат қисмлар ўз навбатида бўлиннишнинг охири бўлиши керак. Акс ҳолда ҳар бир қисм бўлинувчи хусусиятга эга бўлса, ўзи кўплика айланади. Унда ўша қисмнинг қисмини аниқлашга тўғри келади. Унда бўлиннишлик чексиз равишида давом этиши мумкин. Шунинг учун Зенон бўлиннишнинг охирини тан олади. Кўплиknинг бўлинмас қисми унинг бирлик ўлчовини ташкил этади. Демак: кўплик бўлинниши учун кўпгина бирликлар мавжуд бўлиши керак. Бу ерда кўплиknинг бирликлари бир-биридан алоҳида бўлиши керак.

Акс ҳолда яхлит массага айланади, унда на бирлик, на кўплик бўлади. Кўплик бирликлар йигиндисидан иборат. Маълумотларга қараганда Зенон ўзидан кейин кўплиknинг мумкин эмаслиги тўғрисида 40 та далил исбот қолдирган. Бизгача 2 таси етиб келган.

Биринчиси: Агарда борлиқ кўплиқдан иборат бўлса, унда у катта ва кичик бўлиши керак. Шунчалик кичик бўлсинки, ҳажмга эга бўлмасин ва шунчалик катта бўлсинки, чексиз бўлсин.

Иккинчиси: Кўплик мавжуд бўлса, унда бир нарсанинг ўзи чекланган ва чексиз бўлиши керак. Бу икки исбот антиномия шаклида тузиленган. Биринчи тезиснинг мазмуни: Агар борлиқ кўплик бўлса, унда у умуман ҳажмга эга эмас. Буни Зенон бирликларнинг бўлинувчан эмаслиги тўғрисидаги хulosадан келиб чиқади. Агар бирликлар бўлинмас эман, бу демак, у ҳажмга эга эмас, яъни жисмга бирон бир нарсани қўшса ҳам кўпаймайди, айирганди ҳам камаймайди. Бу ҳолни Зенон қўйидагича изоҳлайди.

Кўплиknинг бирликлари бир-биридан алоҳида бўлганлиги учун бир-биридан чеклангандир. Иккинчи анатомияга кўра кўплик ҳажмга эга бўлган ҳолда мавжуд. Бироқ бундай ҳолатда ҳам кўплик қарама-қаршидир, унинг ҳажми ҳам чекланган, ҳам чексиз. Антиномиянинг тезисида эса кўплик миқдор жиҳатдан чексиздир. Агар кўплик мавжуд экан, унда кўплиknинг бирликларини бўлинувчини мавжудлигини ҳам тан олиш керак, шунинг учун бу бўлинувчи ҳажм билан у бирликларни бўлувчи ҳажмга бўлувчи учунчи бўлувчи ҳажм бўлиши керак. Шундай қилиб борлиқ чексиздир.

Зеноннинг кўплиknи қарама-қаршилиги тўғрисидаги далиллари ана шундай: Зенон ҳаракатнинг йўқлиги тўғрисида тўртта апориялар яратган

I. Дихатомия. II. Ахиллес. З. Ёй. 4. Стадион ки стадий.

Биринчи апорияга биноан агар маконга эга бўлган кўламга жисмнинг борлиги чексиз бўлса-ю, вақт чекланган бўлса, у ҳолда ҳаракат бошланмайди. Чекланган вақт ичидаги чексиз маконни ёки чексиз маконнинг ҳар бир қисмини эгаллаб бўлмайди. Бунинг исботи қўйидагича:

A —————— B

Ҳаракатланувчи жисм бутун масофани босиб ўтишдан олдин хаёлан унинг ярмисини ўтиши керак.

Масофанинг ярмини ўтиши учун ярмисининг ярмисини ўтиши лозим. Бу ҳолат чексиз равишда қайтарилаверади. Чунки макон чексиз бўлинувчан экан, сўнгти бўлинмас қисмга эришиш мумкин эмас. Демак, ҳаракат бошланмайди. Хулоша шуки, ҳаракат чексиз борлиқнинг табиатига мос келмайди. АХИЛЛЕС. Бу апорияга кўра вақтнинг чексиз давомийлигига эга бўлса, унда жисм чекланган масофани ўтиб бўлмайди ва ҳаракат ҳеч қачон тугамайди.

Апориянинг мазмуни қўйидагича: Югуриш давомида энг секин ҳаракат қилувчига, энг тез югурувчи ҳеч қачон ета олмайди. Кувувчи секин ҳаракат қилувчи тошбақага етиши учун олдин тошбақа эгаллаб турган жойни хаёлан босиб ўтиши керак. Кувулувчи тошбақа доим олдинда бўлаверади, гарчи масофа камайишига қарамасдан. Агар тез югурувчи Ахиллес тошбақани қувар экан. Тошбақани ҳар бир дақиқада босиб ўтган масофасини босиб ўтиши керак. Лекин Ахиллес тошбақага ета олмайди, чунки бу ҳолат қайтарилаверади. Вақтнинг давомийлиги тугаши мумкинми? Агар тугамаса, Ахиллес тошбақанинг кетидан абдий югураверади. Агар вақт давомийлиги йўқ бўлганда ҳам Ахиллес тошбақага ета олмайди, чунки вақт тугаши билан Ахиллес ҳам тошбақа ҳам ҳаракатдан тўхтайди. Қўйидагича хуносани чиқариш мумкин:

Ҳаракат тушунчасини борлиқ билан сингдириб бўлмайди. Ёй апорияси. Бу апорияда Зенон шуни исботлайдики, макон ва вақт бирликда олинганда ҳам ҳаракат бўлмайди. Ҳаракатланувчи ёй сукунатда бўлади. Зенон, агар ҳамма нарса ҳар доим ёки сукунатда бўлса, ёки ҳаракатда бўлса-ю, жисм ўз кўламига тенг маконни эгалламасада, унда ҳаракатдаги жисм бир дақиқада туради. Ҳаракатланувчи ёй ҳажмига сокинликда бўлади. Ҳаракатдаги ёй ҳар дақиқадаги ҳаракат чегида ўз ҳажмига тенг кўламга эга бўлган ҳолда ҳам ҳаракат қилмайди. Чунки ёйнинг ҳаракати сокинликдаги дақиқалардан иборатdir. Нега ёй сокинлик ҳолатидан чиқиб, ҳаракат қила олмайди. Ҳаракат бошланиши учун, ёй ўз ўрнини ўзгартириши лозим, яъни кўламига икки баробар келадиган кўламга эга бўлиши керак. Демак, бир дақиқанинг ўзида ёй биттамас, иккита кўламга эга бўлмоғи лозим.

Бироқ Апориянинг шартига кўра бу мумкин эмас. Агар ёй бир дақиқанинг ўзида икки маконда бўлса, унда дақиқанинг ҳам иккига бўлишга тўғри келади. Чунки ҳар бир дақиқада жисм (ёй) биржойда бўлмоғи лозим. Лекин дақиқани 2 га бўлиб бўлмайди. Борди-ю бўлиб бўлади деб фараз Қилганимизда ҳам мавжуд бўла олмайди, чунки бир дақиқанинг бир бўлаги ҳозирги замонда бўлса, иккинчи қисми эса ё үтган замонда, ёки келаси замонда бўлиши мумкин. Демак апориянинг шартига биноан ёй ҳаракат қилмайди.

**СТАДИЙ.** Бу апориянинг шартига кўра икки жисм бир-бирига қарама-қарши нуқтадан ҳаракат қилиш чогида иккаласининг ўртасида жойлашган ҳаракатсиз жисм ёнидан ўтиб учрашиши лозим. Бу ерда жисмларнинг ҳаракат тезлиги ёки секунлиги учинчى сокин жисмнинг ҳолатига қараб белгиланиши керак. Бир-бирига қарама-қарши бир ҳажмдаги жисмлар бир хил тезликда бири мусобақа бошлашадиган жойнинг бошидан (Ристалише) бошласа, иккинчиси ўртасидан, учинчى жисм стадион охиридан бошланади. Бу учта жисм бир бирлари билан учрашганда, маълум бўладики, бу икки ҳаракатдаги жисмларнинг тезлиги икки хил бўлади ва иккиси масофанинг ярмисини босиб ўтадилар. Сокин жисм ёнидан ўтадиган жисм сокин ҳажмининг ярмисини босиб ўтади. Демак, бир-бирига қарама-қарши ҳаракат қилаётган жисмлар сокин жисмга нисбатан бир хил тезликда ўтсалар, ўзлари эса бир-бирларига кўра икки маротаба шу ҳаракатда бўладилар.

Бир ҳажмга эга бўлган икки бир хил масофани бир дақиқали ҳолатни ярим дақиқада ўтадилар. Чунки вақт ва макон бир-бирига қарама-қарши турмоқда. Зенон таъкидлайдики: Борлиқнинг табиати ҳаракатга боғлиқ эмас. Гегель Элей мактабининг фалсафасини ўрганар экан шундай дейди: «Уларнинг диалектика тушунчаси фикрларнинг соғ ҳаракатидир.»<sup>19</sup> Зенон фалсафада янгилик яратдими ёки устози Пармениднинг фалсафасини такрорлаши билан чекланиб қолдими? — деган савол туғилади.

— Зенон биринчи бўлиб ҳаракат ва кўплик, макон ва замоннинг диалектик моҳиятини кўрсатиб берди ва унинг мантиқий тушунчада акс этишининг қийинчиликларини ҳам кўрсатиб берди. Ҳаракат кўпчиликнинг қарама-қаршиликларини аниқлаб, уларнинг тушунчаларини ҳақиқий эмаслигини исботлайди. Шунинг учун Зенон диалектикаси негатив диалектиканадир.

Зенон таълимотига қизиқиш йўқолгани йўқ. Зенон апориялари антик математика, антик мантиқий ва антик диалектиканни тараққий этишга туртки бўлди.

**ЭМПЕДОКЛ** (490—460 й. э. а.). Эмпедокл ҳаёти ва фаолияти Сицилия оролида жойлашган Агригент шаҳрида ўтган. Бу шаҳар

<sup>19</sup>. Гегель Сочинения. Т. стр. 231.

зрамиздан аввалти даврда Юнон шаҳарлари ичиде савдо-сотиқ ривожланган, илфор шаҳар ҳисобланган. Тадқиқотчиларнинг маълумот беришича Эмпедокл таниқли урурга тааллуқли бўлган. Эмпедокл Юнон маданиятига, унинг тарихига буюк файласуф, шоир, нотиқ, табиб ва донишманд бўлиб кирган.

Арасту Эмпедоклни нотиқ деб билган. У ўз фалсафий қарашларини «Табиат ҳақида» асарида баён этган. Фалсафий таълимотни Элей мактабида олган. У Парменид нутқларини Зенон билан бир вақтда эшитган. Зенон кейинчалик мустақил фаолияти даврида ўз устози Пармениднинг таълимотларини ҳимоя қилиб, уни ривожлантирган бўлса, Эмпедокл «шубҳали таълимот»ни яъни ҳиссий билишни давом эттирган.

Гарчан у баъзи масалаларда Элей мактаби таълимотига таянган бўлсада, ҳақиқий борлиқнинг элементлари, миқдор масаласида келишолмаган.

Элей мактабининг таълимотига кўра, ҳақиқий борлиқ, яхлит, у на пайдо бўлади ва на емирилади, ҳатто кўпликка ҳам эга эмас.

Эмпедокл эса элейликларнинг таълимотларидан воз кечиб, оламнинг асосига тўрт элементни қўяди. Унинг таълимотича табиат жисмларнинг асосини ташкил этади. Элементларнинг биринчи ва ажралishi, миқдорий ва сифатий бўлинишларига боғлиқ. Элементлар эса ўз ўзича доимо ўзгармай тураверади.

Эмпедокл илгари сурган ибтидо ёки элементлар жонсиз ва ўлик материя бўлмай, балки илоҳий моҳиятга эга бўлиб, жонлидир ва сезишга қодирлар. Моддий элементлар ҳаракатлантирувчи кучлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Барча элементларга ҳаракатлантирувчи кучлар тааллуқлидир.

Эмпедокл барча элементларни ҳаракатга келтирувчи иккита кучлар — муҳаббат ва ёвузлик кучлар тўғрисида алоҳида тўхталади. Элементларни бирлаштирувчи кучни у муҳаббат, дўстлик, гармония ва ҳатто Афродита (севги худосини исми — автор изоҳи) деса, элементларни ажратувчи кучни ёвузлик, нафрат кучи деб билади.

Эмпедокл ҳаракатлантирувчи ёки фаол сабабни табиатнинг моддий элементларидан ажратиб, оламнинг асосини ташкил этувчи бу икки асос — ҳаракатлантирувчи кучлар ва моддий элементлар, яъни барча жисмларнинг илдизлари ҳақида фикр юритади.

У моддий элементларни икки группага бўлади. Жисмларнинг элементлари ҳисобланмаган муҳаббат ва ёвузлик кучлардан ташқари, ҳаракатнинг ибтидоси сифатида моддий элемент оловни қуяди.

Эмпедокл олов ва ҳавони эркак худолар сифатида, ер ва сувни эса аёл худолар сифатида олиб, уларни бир-бирларига қарама-қарши қуяди.

Баъзан бу тўртта элементни жонли жисмлар деб қараб, гилозистик (ジョンリ нарсаларга жон ато этишлик) таълимотини илгари суради. Эмпедокл Фалес сингари бутун табиатни жонли, тирик ва ҳатто илоҳий деб билади.

Бирлик ва кўплик масалаларини Эмпедокл Элей мактаби фалсафаси ва Гераклит фалсафасига қарама-қарши бошқача ҳал этди. Элейликлар фақат бирликни, яъни яхлитликни фиктлаб, фикрда кўплик йўқ, фақат ҳиссиётимизда бўлади дейди. Гераклит учун яхлитлик ва кўплик бир пайтнинг ўзида мавжуд, яъни ҳамма нарса бир нарсада ва бир нарса ҳамма нарсада намоёндир деган.

Эмпедокл фикрича бирлик ва кўплик, муҳаббат ва ёвузлик каби қарама-қарши кучлар бир пайтнинг ўзида мавжуд бўлмай, навбатма-навбат мавжуд бўлади. У табиат ҳаётини циклик ёки ритмик жараёни бўлиб, унда физик жисмларни бирлаштирувчи муҳаббат кучи ва элементларни парчаловчи ёвузлик кучи деб тасаввур қиласди.

Оlamda навбатма-навбат муҳаббат ва ёвузлик кучлари ҳукмронлик қиласди. Муҳаббат ҳукмронлик қилган даврда ҳамма нарса бирлашади, табиат эса сифатсиз шарга ўхшайди, унда алоҳида моддий элементларнинг ўзига хос хусусиятлари сақданмайди, дейди.

Аксинча ёвузлик ҳукмронлик қилган даврда ҳамма нарса кўплика айланади, элементлар эса ўзига хос хусусиятга эга бўлади, ҳамда улар алоҳида алоҳида бўлади.

Тўртта жисмий элементлардан олов алоҳида роль ўйнайди. Унинг фикрича ҳамма нарсанинг асосини ёвузлик ва муҳаббат кучлари ташкил этса ҳам ҳамма нарса оловдан пайдо бўлиб ва яна оловга қайтади. Бу ерда унга Гераклит таъсири кучли эканлигини кўрамиз. Эмпедокл шунингдек табиатдаги барча нарсаларнинг келиб чиқишини тушунтиришга ҳаракат қиласди. У жисмлар на фақат ногорганик табиатдагина эмас, балки органик табиатда суриб, муҳим фараз ҳақида гапиради. Жисмлар тўрт элементнинг тенг пропорцияси асосида пайдо бўлади. Масалан: Инсон ва ҳайвонларнинг асаблари ер ва олов элементларининг бир қисми ва сув элементларининг икки қисми бирлашишида ташкил топган.

Албаттa Эмпедоклнинг барча жисмларнинг пайдо бўлиш жараёни тўғрисидаги тасаввур фалсафа тарихига кўра фан тарихига кўпроқ тааллуқлидир.

Дастлаб, қоришиб кетган элементлардан биринчи бўлиб ҳаво ажралиб чиқиб, атрофга ёйилган. Кейин олов ажралиб чиққан. Энг юқори қисмини ҳаво эгаллагани учун олов гумбазсимон ҳолатни ташкил этган.

Ер атрофида Эмпедокл космологиясига биноан иккита ярим шар мавжуд улар айланма ҳаракатда бўладилар.

Биринчи ярим шар фақат оловдан ташкил топган бўлса, иккинчи ярим шар эса бир қисми ҳаво, бир қисми олов қоришмасидан ташкил топган. Эмпедоклнинг астрономик гипотезесига кўра куёш табиатан оловли эмас, балки гумбазсимон осмон остидаги кундузги ёритгич бўлиб, куёш сувда акс этгани каби у оловнинг аксидир. Ой эса ҳаводан ташкил топган. Ҳаво юқорида қуюқла-

шиб, кулга ўхшаш шаклга кирган. Ой ўзидан нур таратгай, балки күёш ёрунин акс эттиради.

Эмпедокл Гераклит сингари оламнинг ривожланиши циклик ҳолатда деб билди. Унинг фикрича олам пайдо бўлади ва емирилади, лекин оламнинг пайдо бўлиши дастлабки оловнинг бошқа ҳолатига ўтиши орқали эмас, балки ўзгармас элементларнинг ўрин алмашиши орқали ўзгаришдан содир бўлади. Бундан ҳал қилувчи рол оламни яратувчи иккита кучларга боғлиқ. Муҳаббат ёвузилик кучларда Гераклитнинг гармония ва кураш ғоясини эслатади. Бироқ Эмпедоклнинг кучлари алоҳида алоҳида, қарама-қарши, улар бирлаша олмайдилар. Ҳар бир циклда мутлоқ фарқ қиласидиган қарама-қарши ҳолатлар мавжуд, ҳар бир цикл тўрга бўлинади.

Биринчи давр — муҳаббат ҳукмронлик қилган даврда барча элементлар қоришиб, яхлитликни ташкил этади. Муҳаббат ҳамма нарсани бирлаштириб, марказга жойлашади, ҳаракат тўлиқ сокин бўлади.

Иккинчи давр — ёвузилик четдан ёки пастдан аста-секин марказга яхлитлик ичига кириб, муҳаббат бирлаштирган турли элементларнинг бир-биrlаридан ажратиб, ҳар бирини, яъни оловни олов билан, сувни сув билан бирлаштиради.в.х.

Учинчи давр — ёвузилик тўла ҳукмронлик қилган давр. У марказга жойлашиб, муҳаббатни ташқарига сиқиб чиқаради. Бу даврда борлиқ алоҳида-алоҳида жойлашган тўргт элементдан иборат бўлади.

Тўртинчи давр — муҳаббат марказда ҳукмронлик қилаётган ёвузилик ичига кириб боради ва аста-секин ёвузиликни сиқиб чиқариди ҳар бир элеменларни бирлаштиради.

Бу даврлар яна қайтарилади. Эмпедокл фикрича олам иккинчи ва тўртинчи даврда лайдо бўлади. Бизнинг дунёмидан ташқаридан бошқа дунёлар ҳам мавжуд дейди Эмпедокл.

**БИЛИШ НАЗАРИЯСИ. ЭМПЕДОКЛ** билишни инкор этмади. Лекин унинг таъкидлашича сезгилар бир-бирига монанд бўлмаса, яъни объект ва субъектдан чиқадиган нурланишлар бир-бирига мос келмаса билим ҳам пайдо бўлмайди. Инсон олами билишда объект ва субъектнинг ғовакларидан чиқувчи нурлар бир-бирига мос келиши керак. Ҳиссий аъзоларимизнинг ғоваклари турлича бўлганлиги учун ҳар бир аъзо ўз сезгисини қабул қиласиди. Яъни кўзимиз билан кўрамиз, қулогимиз билан эшитамиз. Кўриш кўз қорачигимизда жойлашган оловнинг нурланиши орқали содир бўлади. Кўзнинг таркибида олов, сув ва бошқа элементлар маълум миқдорини қабул қиласиди. Ранглар элементлардан таралиб, кўз ғовакларига урилиб ранг кўздан пайдо бўлади. Асосий ранглар тўргта элемент сингари тўрттадир. Оқ, қора, қизил, яшил-сариқ ранглардан иборат. Оқ ранглар олов ғоваклари орқали қабул қилинса қора ранг сув ғоваклари орқали қабул қилинади.

Агар кўзниңг таркиби шунчалик маълум бўлса, нега кўз ҳар хил кўради. Бири яхши, бири ёмон. Эмпедокл буни кўзларнинг жойлашишига боғлиқ дейди. Бирининг кўзида олов элементи кўп бўлса, иккинчисининг кўзида эса сув элементи кўп бўлади. Олов элементи кўп бўлган маҳлуқ тунда яхши кўради. Оламни билишда ҳиссиётдан ташқари ақл ҳам рол ўйнайди. Инсоннинг онги унинг ҳолатига боғлиқ, олган таассуротлари танасининг ўзгаришига боғлик.

• Тафаккур сезгига ўхшайди», — дейди. Шундай қилиб, у фикрни сезги билан айнан бир нарса дейди. Кишиларнинг фикри бу қалбни ювиб турувчи қондир. Эмпедоклнинг фикрича ҳақиқат мезони сезгилардан эмас, балки тўғри фикрлашдадир. Тўғри фикрлашнинг асосида маълум даражада илоҳийлик, бир қисмida эса инсонийлик ётади. Илоҳийсини билиб бўлмайди, инсонийси эса ўткинчидир. Тўғри фикрлаш ҳиссиётга таянмайди».<sup>20</sup>

Нарсаларга ўзгармас ва ўзгарувчан сифатлар хосдир. Эмпедокл буларни бир-биридан ажратади ва қарши қўяди. Моддий элементларнинг ўзгармас сифатлари асосий хусусиятлари деб билди-ю, ўзгарувчан хусусиятини эса икки кучнинг натижаси бўлади, дейди. Демак бир тарафда моддий элементлар, иккинчи тарафда эса ҳаракатланувчи кучлар. Шундай қилиб, Эмпедокл табиатдаги нарсаларнинг ўзгаришини тўғри тушунтира олмади.

Ҳаракат кучларини материядан ажратиб қўяди. Лекин бу камчиликларга қарамай, Эмпедокл ўз даврига нисбатан анча прогрессив таълимотларни илгари сура олган. Кейинчалик унинг таълимоти Анаксагор томонидан анча юқори кўтарилган.

**АНАКСАГОР.** Эрамиздан аввалги V асрнинг бошларида Афина қолоқ деҳқончилик давлатидан қудратли савдо ва саноат марказига айланиб, ўз таъсирига бир қанча юнон шаҳар-давлатларини тортди. Бу юнонларнинг форс босқинчиларининг устидан эришилган ғалаба сабабли бўлди. Қулдорлик саноати, денгиз савдоси, ўрта ер денгизи шаҳар-давлатлари билан иқтисодий юксалишга олиб келди. Анаксагор яшаб ижод этган давр Афина қулдорлик демократиясининг «олтин асри» бўлиб тарихга кирган.

Эсхил, Софокл, Фидейларнинг номи билан Афина маданий гегемонияга айланиб, кейинги икки аср давомида қарор топди.

Маълумотларга кўра Анаксагор 528 йилларда туғилиб 580 йили вафот этган. У ўз фалсафий маълумотларини илгари суришда ўзидан олдин ўттан материалист файласуфларнинг, айниқса Эмпедоклнинг материализмига таянган. Лекин унинг ўзига хос қарашлари ҳам бўлган.

Йирик математик ва файласуф Прокл (эрамизнинг V асрда яшаб ижод этган) «Евклиднинг ибтидоси» асарига ёзган шарҳида

<sup>20</sup> Диоген Лазертский. Машхур файласуфлар хасти. 86 фрагмент.

шундай ёзади: Пифагордан сүнг геометрияниң күпгина масалалари билан Клазоменлик Анаксагор шуғулланган.

Плигиянинг маълумотига кўра, Анаксагор осмон фани (астрономия)ни яхши билганидан осмондан 467 йили катта тошнинг тушишини олдиндан айтганлиги учун юнонлар орасида шухрат қозонган. Анаксагор катта метеоритнинг тушшини қандай билди? Ҳозирги вақтда маълумки, йилнинг маълум ойларининг маълум кунларида одатдагидан кўра метеоритлар кўп ёнишидан сүнг, атмосферанинг куюқ қатламига кириб, узулиб тушаётган юлдугза улашиб пастга ҳаракат қиласди. Бу асосан ер күёш орбитаси атрофида ҳаракатда метеоритнинг оқимига дуч келганда содир бўлади.

Анаксагорнинг бу таълимоти Афина қулдорлик демократиясининг бир гурӯҳ кишиларининг ғазабини келтиради. Уни даҳрийликда айблаб, суд қилишни талаб қиладилар. Суд ҳукмига биноан, уни Афинадан қувғин қилишни талаб қилдилар. Файлесуф Афинани тарқ этиб, ЛАМПСАК деган шаҳарга жойлашиб, у ерда мактаб очади ва кейинчалик ўша ерда вафот этади.

Афина демократиясининг бир қанча олимлари фалсафа, фан, дин масалалари бўйича қулдорлик манфаатларини ҳимоя қилганлар. Чунки улар диний таассублар таъсирида бўлишган. Анаксагор ўз даврининг сиёсатига қарши чиққанлиги учун таъқиб остига ошишганди.

У Элей мактабининг намоёндалари сингари ҳақиқиёт борлиқ пайдо бўлмайди ва емирилмайди. Пайдо бўлиш ва емирилиш пайдо бўлмайдиган ва емирилмайдиган жисмларнинг бирикиши ва ажралишидан бўлак нарса эмас. Бу ҳақда Анаксагор шундай деган: «Пайдо бўлиш» ўрнига «бирикиш» ва «емирилиш» ўрнига «ажралиш» дейиш тўғри. Бироқ Анаксагор Эмпедокл сингари кўплик ва ҳаракатнинг тўртта эмас, балки элементлар беҳисоб, ҳарактлантирувчи куч иккита бўлмай, балки биттадир.

Бу ҳақда Анаксагор бундай дейди: Барча жисмлар кўплик жиҳатдан асосини ташкил этган элементларнинг ҳаракатга келтирувчи куч туфайли ҳаракатга келган дейди. Ҳаракатлантирувчи куч элементларни бирлаштиради ва ажратади.

(ақл) тўғрисидаги таълимотга асосан мавжуд дунёвий тартиб. (ақл) фаолиятини ёрдамида пайдо бўлди ва пайдо булиб турибди. Анаксагор НОБСни ёки ақлни ножинсий соғи руҳий ибтидо деб билди, десакда унинг бу таълимоти XII асрда РЕНЕ Декарт илгари сурган таълимотига ўхшаб кетади. Оламда иккита алоҳида-алоҳида субстанциялар мавжуд бўлган эди дейди Декарт. 1. Моддий субстанция. 2. Руҳий, фикрловчи субстанция. Лекин далиллар борки Анаксагорнинг НОЮС илоҳий ибтидо эмас, балки механистик ҳаракатлантирувчи куч дейиш тўғридир.

Анаксагор бошқа антик юонон файласуфлари сингари файласуф бўлиб қолмай, илмий кашфиётчи бўлган. У риёзиёт, астрономия ва метеорология билан шуғулланган.

Анаксагор биринчи бўлиб, антик фалсафада оламнинг асосини беҳисоб майда заррачалар ташкил этади, деган. Ҳар бир алоҳида заррача яхлит нарса ва унинг барча сифатлари сингари сифатларга эга.

Анаксагор табиатда у мултоқ максимум ва на мутлоқ минимум мавжуд эмас дейди. У шунингдек коинотнинг катталашиб боришини таъкидлайди. Ҳаракатлантирувчи куч (ақл) ўз ҳаракатини коинотнинг борган сари катта қисмларига таъсирини кўрсатаверади.

Шундай қилиб, НОЮС (ақл) томонидан ўрнатиладиган тартиб, чексиз ёйилиб, коинотнинг кўламини чексиз ортиб боришини ОЛИБ БОРАДИ. ИККИНЧИ ТОМОНДАН, ҲАР БИР АЛОҲИДА ЗАРРАЧА (ГЕМОМЕРИЯЛАР) чексиз бўлиши мумкин. Унда бўлишининг ниҳоясини кўриш мумкин эмас.

Анаксагор илгари сурган «уруглар» (майда заррачалар) кейинчалик бошқа юнон атомист файласуфлари, Демокрит, Эпивурлар таълимотича бўлинмас заррачалар деб топди.

Анаксагор олами билиш тўғрисида ўзига хос таълимотни илгари сурди. У Эмпедоклнинг сезилувчи ва сезилувчилар бир-бирига монанд бўлса, билиш мумкин деган фикрита қарама-қарши, Гераклит сингари биз қарама-қаршиликни қарама-қаршилик билан қабуллаймиз дейди. Анаксагор фикрича сезиш қарама-қаршиликлар туфайли содир бўлади. Унинг таълимотича, ҳар бир сезги ўзига тегишли алоҳида, яъни масалан: Биз жисмларнинг кўз қораҷимиизга таъсири орқали кўрамиз. Бу акс унинг фикрича бир хил рангга тушмай, балки қарама-қарши рангга тушади. Шунинг учун доимо қарама-қаршиликни ҳис этамиз. Акс этиш кундузи содир бўлади, чунки акс этишнинг сабаби ёргуликдир.

Анаксагор билиш назарияси механистик характерда бўлганлиги учун сезгиларимизни пассив, қарам деб билди.

Билиш жараёнида ақлнинг фаолиятига юқори баҳо берган. Оддий моддий заррачаларни ҳиссиятимиз орқали эмас, ақлимиз орқали фаҳмлаб оламиз. Инсон ақлнинг тараққий этишида қулнинг роли катта деб, ижобий фикрни илгари сурган. Бу ҳақда Анаксагор бундай дейди: «Инсон маҳлуқотлар ичидаги ақллиси, чунки унинг қуллари мавжуд».

Умуман Анаксагор фалсафа тарихида илғор фикрларни илгари сурган. Умуман, бундай нуқтai назарни антик фалсафа тадқиқ этувчи барча файласуфлар қуллаб-куватлашган.

**СОФИСТИКА.** — қулдорлик демократияси гуллаган даврдаги ақлий оқим. Эрамиздан аввалги V асрда Юнонистоннинг кўпгина шаҳарларида аристократия ва тирания ҳокимиятини ўрнига қулдорлик демократияси ўрнатилди. Қулдорлик демократияси ўрнатила бошлаган вақтдан янги сайлов идоралари — халқ мажлислиари, суд идоралари ташкил эта бошланди. Бу идоралар синфлар ва эркин халқ партиялари курашида катта рол ўйнаган. Бу ташкилот-

лар суд ишларида, сиёсий дипломатик масалаларни ҳал этишда, катта рол ўйновчи нотиқлик санъатини эгаллашда сўз кучи билан рақибнинг саволига моҳирона жавоб беришни ишонарли олиб боришда катта рол ўйнаган.

Шу даврда сиёсий билимлар ва нотиқлик санъатининг тарғиб қилувчи устозлар, юристлар, дипломатлар етишиб чиқа бошлади. Лекин ўша даврда фан алоҳида соҳаларга бўлинмаган эди. Шунга қарамай, илм аҳиллари сиёсий ва юридик ишларини бажариш усулларини ўрганибина қолмай, балки фалсафа ва дунёқарашнинг умумий масалалари билан ҳам шуғулланган.

Масалан: Гиппии деб ёзади Афлотун, кишиларнинг астрономия, геометрия ва мусиқа санъатига ўргатган. Критий эса Эмпедоклнинг психологик қараашларини давом эттирган. Антифонт эса айлананинг квадратура масаласи, метериологик ҳодисаларнинг сабабини гоҳ Гераклит, гоҳ Анаксагор таълимотлари бўйича тушунишишга ҳаракат қилди.

Бундай ўқитувчиларнинг ўша вақтда софиистлар деб аташган.

Дастлаб «Софиист» деган сўз бирон-бир қасбнинг моҳир усталири, яъни шоирлар, мусиқачилар, қонуншунослар, донишмандларга тааллуқли эди.

Софиистлар нотиқлик санъатини ташвиқ қилиб келганлар. Кейинчалик консерватив ва реакцион фикр юритувчи ёзувчилар, демократик тузумни, унинг иродали раҳбарларининг фаолиятини инкор этувчилар ўз ғаразларини сиёсий ва суд ишларини олиб бориш учун тайёргарлик кўраётган ёш ва тажрибасиз устозларга қарши қаратдилар. Кейинчалик софиистлар деб ўз сўзлари билан ҳақиқатни излашга интигувчи кишиларни эмас, балки ёлғонни ҳақиқатга, мулоҳазани исботлаган ҳақиқатга йўювчи илми саёз кишиларни айтишарди. Улар ҳар қандай билимларни нисбий деювчи ёш файласуфларнинг талимотларига таянадилар. Софиистларнинг дастлабки мактаблари Сицилия шаҳарларида юзага келади.

Эрамиздан аввалги V асрда Афинада демократиянинг ривожланиши ҳамда Афинанинг Юнонистон бошқа шаҳарлари билан алоқаларнинг тараққий этиши натижасида бу ер софиистларнинг майдонига айланади. Масалан: Аберлик Протогор, Элидалик Горкий, Юлидалик Продик, Леонтийлик Горгийлар софиистик таълимотларни тарғиб қилишган.

Софиистлар фалсафаси ақлий оқим сифатида мутлоқ бир турдаги таълимот эмас эди. Барча софиистик таълимотнинг умумий характеристи хусусияти шундаки, улар бутун инсоният тушунчаларини, ахлоқий нормаларини нисбий деб таъкидладилар. Бу фикр Пратогор томонидан қўйидагича таърифланади: «Инсон барча нарсаларнинг мезонидир.

Софистлар икки гурухга бўлинган.

1. Катта гуруҳ софистлар.
2. Кичик гуруҳ софистлар.

Катта гуруҳ софистларга Протогор, Горгий, Гиппий ва Предиклар киради. Пратогор софистлар мактабининг асосчиларидан бири эди. У ўз таълимотини тарғиб қилиш мақсадида Юнонистон бўйлаб сафар қилган. кўп марта Афинада бўлган, бир вақтлар у Периклга маслакдош бўлган, 411 йили олигархик тузим тўнтирилиши даврида У даҳрийликда айбланган ва Сицилияга қочиб кетаётган чоғида сувга чўкиб ўлган. Унинг худолар ҳақидаги асари Афинада ёндирилиб юборилган. Унинг қўйидаги рисолалари: «Ҳақиқат», «Бирлик ҳақида», «Буюк сўз», «Худолар ҳақида», «Қарама-қаршиликлар» и машҳурдир.

Афсуски Протогорнинг бирон бир рисоласи бизгача етиб келмаган. Протогор ҳақида фақат асарларининг парчаларидан билиш мумкин. «Инсон барча нарсаларнинг мезони», мавжудларнинг мавжуди, номавжудларнинг номавжудисидир.<sup>21</sup> Унинг бу субъектив таълимоти, уруғчиликнинг муқаддаслигидан қутилиб қулдорлик демократияси ривожланаётган даврга хос эди. Софистларнинг диний мифологик қарашлари Протогор Гераклитнинг ҳамма нарса оқувчанликда деган хуносасини тасдиқлади. Агар ҳамма нарса ҳар даққада ўзгариб турса у ҳолда бирон бир нарса ҳақида аниқ бир нарса айтиш қийин. Ҳамма нарсанинг мавжудлиги, индивидумнинг (ҳар бир айрим шахс) у ёки бу дақиқада бирон бир нарсанинг бирон томонини билиб олишга улгуришдадир.

Барча нарсаларнинг тўғрисида бирон бир нарсанинг айни пайтнинг ўзида унга қарама-қарши бошқа бир нарса дейиш мумкин.

Протогор доимо кучсиз далилни кучли далилга айлантиришни, яъни бирон бир нарсани тасдиқлаш ёки уни рад этиш мақсадида хоҳлаган нарсани олиб исботлашдан иборат дейишга ўргатарди.

Бу субъективизм ва релятивизмни Протогор диний асосда ўтказарди.

«Худолар ҳақида мен улар борми ёки йўқми, ёки уларнинг қиёфалари қандай эканлиги тўғрисида бирон бир нарса айта олмайман»:<sup>22</sup> Инсон ҳаётининг қисқалиги бунга имконият бермайди.

Лекин Парторогор худоларнинг мавжудлиги, уларнинг табиати ва умуман оламнинг мавжудлигини тан олмади, қадимги табиатшunos файласуфларга қарама-қарши объектив оламни илмий билиш мумкинилигин рад этди. У на объектив, на субъектив элементларни акс эттирамайдиган оқувчан ҳиссиятни тан олган холос.

Ахлоқ ва сиёсатда Протогор релятивизмга мойил бўлмаган. Биз ҳақиқатни била олмасак ҳам, нима фойдали эканлигини билишимиз мумкин. Жумладан тиббиёт касалларни даволаш зарур бўлган.

<sup>21</sup>. Қарант. А.Н.Чанышев. Курс лекции по древней философии стр 208.

<sup>22</sup>. Қарант. Ўша асар 210-бет.

Қонунчилик ҳам фойдалидир, чунки худолар «адолат» ва «уют-»ни қалбимизга жо қылган. Лекин кейинчалик у яна ўзининг субъектив йўлини давом эттириб, шундай ёзди: «Нима ҳақиқат, биз билмаймиз». Лекин нима биз учун фойдали ва манфаатлигини табиий қонунлар ва давлат қонунлари ўргатади.

Давлат қонунлари ҳам барча мавжуд нарсалар сингари оқувчандир.

Лекин мавжуд қонун борки, унга бўйсуниш лозим дейди у.

Софистларнинг катта гуруҳининг яна бир намоёндаси Горгийдир.

У Сицилияning Леонтин (483—375) шаҳрида яшаб ижод этган, нотиқ файласуфидир. Горгий қулдорлик демократиясининг тарафдори бўлғанлиги сабабли Суқрот ва Афлотуннинг аристократик қарашларига қарши чиқкан. У «Борлиқ ёки табиат ҳақида» рисоланинг муаллифи.

Горгий Элей фалсафий мактабининг намоёндаси Зеноннинг апорияларга таяниб, ўзининг учта тезисини илгари суради.

1. Ҳеч нарса мавжуд эмас.
2. Агарда ҳеч нарса мавжуд бўлганда ҳам уни билиб бўлмайди. Бу мулоҳазалардан Горгий релявист эканлиги кўриниб турибди. Бироқ унинг релявизмни дорматизмга ва метафизикага қарши қаратилган бўлиб, қадимги грек диалектикасининг ривожида маълум даражада аҳамиятга эга бўлган.

У релявизмнинг этик қарашларини илгари сурган. Давлатлар, қонунларнинг умумий аҳамиятларини инкор этиб, уларни инсон устидан турган зўрлик деб билган. Умуман тенгликни тарғиб қиласар экан, қулчиликнинг ғайри табиий нарса, табиий ҳол эмас (Арасту шундай ўйлаган эди — автор изоҳи) балки ўткинчи ижтимоий муносабатлар маҳсули деб билган.

Гиппий шунингдек математика, астрономия, мусиқа, граматика ва бошқа фанлар билан шуғулланган. У қонун тўғрисида фикр юритиб, унинг зўрликка мойиллигини кўрсатиб, қонунчиликни кўрсатиб, қонунчиликнинг шарти деган.

Бу гуруҳнинг сўнгги намоёндаси Продик, Пифагорнинг шогирди эди.

Продикнинг фалсафий қарашлари асосида барча софистларга хос ғоя, яъни табиий қонунларни ижтимоий қонунларга қарамакарши қўйишлик ғояси ётади.

Ахлоқий нормаларнинг ва инсон тақдирини тарбия ҳал этиши, динни инкор этиши ва худолар инсонларнинг маҳсули деган ғояларни илгари сурган.

Продик учун, шунингдек қардош тушунчалардаги (ярим синонимлар) ўхшаш маъноларни таҳдил қилишга ҳаракат қиласади. У шунингдек омонимлар масаласи билан шуғулланди.

Ууман Продикнинг хизмати, мантиқий ва фалсафий масалаларни таңқид қилишда тилнинг ролини муҳиммилигини англадилар.

Диний маросимларнинг пайдо бўлишини Продик кишиларнинг маънавий хусусиятларини, эҳтиёжларини қондириш билан боғлади.

Продик Анаксагор ва Демокритларнинг қарашларини ривожлантириб, диний афсоналарни табиат кучининг рамзи деб талқин этди.

## СОФИСТЛАРНИНГ КИЧИК ГУРУҲИ

Софистларнинг кичик гурӯхининг таълимотлари ҳақида жуда оз маълумотлар етиб келган, айниқса уларнинг ахлоқий ва ижтимоий тоялари алоҳида ажралиб туради. Масалан: Ликкофон ва Лакидамантлар ижтимоий синфлар ўргасидаги тўсиқларга қарши чиқдилар. Агар Ликкофон аслзодалик ўйдирма эканлигини исботлашга интилган бўлса, Алкидамант эса табиат ҳеч кимни қул қилиб яратмаган ва кишилар эркин туғиладилар деган эди.

Фразимах ижтимоий-ахлоқий нормалар билимлар нисбий деган таълимотни илгари сурди. Унинг таъкидлашича адолат бу кучлиларга фойдалидир. Ҳар бир ҳокимият ўзига фойда келтирувчи қонунларни ўргатади, яъни демократия демократлар учун, аристократия аристократлар учун фойда келтирадиган қонунларни қабул қиласди.

Софистлар нафақат диалектикани тайёрладилар, балки асоссиз, баъзан мутлоқ нигилистик таълимотларни яратдилар. Лекин бу нигилистик диалектикани ҳақиқий диалектикадан ажратса олиш лозим.

Шундай қилиб софистлар нарсаларни билишни инкор этиб, субъективизмни илгари сурдилар. Улар шунингдек қадимги Юнонистонда фалсафани тараққий этишига турткни бердилар.

## СУКРОТ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ МАКТАБЛАРИ

Объектив идеализмга асос соглан, кўзга кўринган мутафаккир Сукрот (469—399). У ҳайкалтарош бўлган. Кейинчалик фалсафа билан шугулланган. Афинада ўз фалсафий таълимотларини, айниқса ахлоқий масалаларни оғзаки равишда тарғиб қилган. Тез орада ўз атрофига шогирдлар туплади. Улардан кўпчилиги ўша даврдаги Афинадаги қулдорлик демократиясининг ижтимоий сиёсий тузумига қарши чиқишиди.

Сукрот ўз даврида ҳукум суриб келаётган кўп худолик диний таълимотларга ва демократик тузумга қарши чиқданлиги учун Анит бошлиқ демократик ҳокимлар унинг ишини судга оширган. Устидан чиқарилган ҳукмга эътиroz билдирамай ўз ўлимини ихтиёрий равишида танлаб, бир қадаҳ заҳар ичиб ўлади.

Сүқрот одатда сұхбатларни күчаларда, майдонларда бахс ёки сұхбат шақлида олиб борарди. Фалсафа Сүқрот фикрича табиатни күзатиши билан шуғулланмай, балки яшаш тарзи масалалари билан шуғулланиш лозим. Сүқрот қадимги Юнон файласуфларининг табиат тұғрисидаги барча назарияларни бефойда деб билди. Унинг фикрича табиатни ўрганиш инсон учун ёттири, уни фақат худо билиши мүмкін. Инсон фақат ўзига тегишли нарсаларни билади. Яғни ўз-ўзини билиши демактир. У фалсафанинг предметини ўзгартырди. Агар қадимги Юнон файласуфлари табиатни билиш тұғрисида фикр юритган бўлсалар, Сүқрот эса фалсафанинг вазифаси турли ахлоқий масалаларни тадқиқ этишдан ибораттир — дейди. Шунинг учун натур фалсафага қарши чиқиб, табиатни эмпирик (хиссий) ўрганишни танқид қилди, сезги аъзоларнинг билишдаги аҳамиятини қадрламади. Унинг киши ўзини билиши кепрак деган таълимоти шогирди Афлотуннинг «Тезатет» асарида баён қилинган. Чунки Сүқрот ўзидан кейин, бирон бир ёзма манба қолдирматан. Унинг ўзи ва таълимотлари биз Ксенофантининг «Эсдаликлари»дан, ҳамда Афлотуннинг «Сүқрот ҳақида» диалогларидан биламиз. Бир вақтлар Сүқрот соғистлар гурухига аъзо бўлган. Ўз нутқининг мантиқий кучи, киноя ўз сұхбатдошларининг чалкаш фикрларидан моҳирона фойдаланиб, ўзига ром қила олиши билан катта таъсурот қолдиради.

Сүқрот фикрича бу масалаларни ҳал этиш мүмкін эмас. Унинг фикрича ҳаёт бу саънат, санъатни пайкаллаштиришда санъатнинг ўзини билиш лозим, фалсафанинг асосий амалий масаласидан олдин илмнинг моҳияти ҳақидаги масала туриши лозим. Билим Сүқрот фикрича предмет ҳақидаги тушунчадир. Унга тушунчани аниқлаш орқали етишиш мүмкін.

Билим биринчидан мазкур тушунчанинг ўхшаш томонларини ёки умумий томонларини бошқа тушунчалардан аниқлашни талаб этса, иккинчидан тушунчалар ўртасидаги фарқларни аниқлаш лозим. Билимнинг предмети Сүқрот фикрича инсоннинг мақсадига мувофиқ келадиган бўлиши лозим.

Инсон ҳәтийлигига дейди Сүқрот ҳар қандай мақсадга мувофиқ фаолият учун релятивизмнинг нисбийлигини тан олади.

Фаровонлик фойда ва қониқиш билан белгиланади. Чунки яхши нарса бир пайтнинг ўзида мақсадга эришишда фойдалидир. Шундай қилиб, Сүқрот фикрича худосиз илмий билим илмий эмас, дахрийликдир. У табиий тараққиётни инкор этди.

**ЭЛИДО ЭРИТРИК МАКТАБ.** Элидалик ФЕДОН томонидан ташкил этилган. Мазкур мактабнинг намоёндаларидан бири Менеден Эритрик мактабнинг таълимотини ривожига ўз ҳиссасини қўшган. Федон билан Менеден бахс олиб боришнинг моҳир усталиари бўлишган **ҲАМДА НОТИҚЛИК САНЪАТИНИНГ УСТОЗЛАРИ БЎЛИШГАН**. Бироқ уларнинг мактаби метерликлар синга-

ри шуҳрат ва фаровонликнинг бирлиги туғрисида ҳамфикр бўлсаларда, метерликларнинг таълимотига оригинал фикрлар қўшишмаган.

**КИНИК МАКТАБИНинг асосчиси Антисфен** эрамиздан аввалги V асрнинг бошларида яшаб ижод этган. Сукрот ва Горгийнинг шогирди. Антисфен бир неча диалогларнинг муаллифи. Унинг диалогларида Сукрот ва Афлотун айтганлариdek аристократлар орасида эмас, балки хунармандлар орасида бахслар юритган. Антисфен Афлотуннинг ғоялар назариясининг муҳолифи бўлиб, жисмлардан ажралган тушунчалар бирдан бир реалдир.

«Отни кўраяпман, лекин от деган тушунчани кўрмаяпман». Ҳақиқий билим фақат якка-якка жисмларни билиш орқали бўлади. У асосан ахлоқий масалалар билан шуғулланган. Инсон ўз фаолиятида даставвал ўз ақлига таяниш лозим. Қул ва қулдорлик ўргасидаги фарқ ғайритабиийдир. Антисфен умумийликнинг реаллигини инкор этади. Фақат якка-якка жисмлар мавжуд. Тушунча бу фақат сув бўлиб, жисмнинг идеал сиймосидир.

Киникларнинг ахлоқий таълимотларида баён этилишича оқиллик инсон учун етишиб бўлмайдиган, назарий билим бўлмай, балки фаровонликни билишдир. Ҳақиқий бахтга фақат ҳар бир якка-якка шахс эришиши мумкин. Фаровон ҳаётнинг ўзида эмас, (чунки барча бу эзгулик бизга тобе эмас) фақат вазминлик инсонни тобе қилювчи барча тарки дунёчиликка таянган одамлар орасида қабул қилинган лаззат, бойлик, сунъий ва шартли тушунчалардан воз кечишдадир. Бундан қуйидаги хulosани чиқариш мумкин. Тарки-дунёчилик, оддийлик, кўпгина талаб ва эҳтиёжлардан воз кечиш керак. Лекин асосий ғоялар бўлиши керак, чунки усиз ҳаётнинг ўзи бўлиши мумкин эмас.

**КИРЕН МАКТАБИ.** Бу мактаб Аристипп томонидан асос солинган бўлиб, уни Антипатр, Федр ва бошқалар давом эттирганлар. Сукротнинг шогирди Аристин қулдорлар мафкурачиси эди.

У билимнинг бирдан бир манбай ва бахтнинг мезони сезги-лардир, дейди. Сезгиларсиз инсон ҳеч нарсани била олмайди. Ҳаётнинг мақсади лаззатланишдир, лекни инсон лаззатнинг қули бўлмаслиги керак. Унинг фикрича олий бахт оқил лаззатланишдир. Лаззат ва азият, яхшилик ва ёмонлик ҳақиқат ва ёлғоннинг мезонидир. Билимнинг асоси фақат амалий жиҳатдан бахтга эришишдир. Чунки билишнинг қуроли Аристип фикрича сезгиларимиз бўлиши мумкин. Сезгиларимиз орқали жисмларнинг хоссаларини эмас, балки ўзимизнинг мутлақо индивидуал ҳолатимизни била оламиз. Ҳозирги вақтдаги лаззат қийматга эга. Чунки, ўтмиш ёки келажак олдидা умид ёки қўрқув ҳеч қандай маънога эга эмас. Ҳаётнинг мақсади ҳозирги даврда лаззатланишда. Энг орзули лаззат бу ҳиссий лаззатдир. Улар энг кучлидир. Федор эса худоларнинг мавжудлигини инкор қилган ва донишманд учун ахлоқий

нормалар шарт эмас дейди. Унинг учун ҳаёт мақсади якка-якка лаззатланишда эмас, балки ҳар қандай фаровонликда оқиллик билан эришилган бахт қувончилидир. Шунинг учун у ҳар бир кишини оқиллик билан қувончга эришишга давъат этди.

## ДЕМОКРИТНИНГ АТОМИСТИК ФАЛСАФАСИ

Эрамиздан аввалги V аср қулдорлик Юнонистон ҳаётида муҳим тарихий давр ҳисобланган. Ўша даврда қадимги Юнонистондаги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт анча юксак даражада эди. Лекин шунинг билан бирга қулдорлар билан қуллар шунингдек қулдорликнинг турли қатламлари ўртасида кураш кескин тус олган эди. Кескин кураш фалсафа майдонида, яъни Демокрит йўли билан Афлотун йўли ўртасида бошланган эди. Ана шу даврнинг кўзга кўринган машҳур файласуфларидан бири Демокрит бўлган.

Бу даврда Юнонистонда атомистик таълимотта асос солган, Демокрит ўз сиёсий қарашлари билан қулдорлик демократиясининг сиёсатини қўллаб-кувватлаб келган. У гарчанд қулдорлик демократиячисининг манфаатларини ҳимоя қилган бўлсада, демократиядаги камбағаллар подшоҳлар давридаги фуколарнинг хотиржамлигидан саодатлидир. Эркинлик қулликдан афзал деб ёзган у. Лекин бундан Демокрит қулчиликка қарши чиқсан ёки қулларни озод қилиш лозим деган хулоса чиқариш хато бўлурди. Чунки у қулларни одам ўрнида кўрган эмас. Қуллар фақат жонли қурол, хўжайнинг буйруғига итоат этувчилир, деган. «Хизматкорлардан ўз тана аъзоларинг сингари фойдаланган, бирини бир ишга, иккинчисини бошқа ишга буюрган»<sup>23</sup>, деб ёзган. Қулдорлик тузумининг кўргони — давлаттир. Давлатнинг емирилиши билан барча нарса ўлади деган файласуф.

Шу нуқтаи назардан у давлат қонунларини бузган кишиларни қаттиқ жазолаш керак ва жазога лойиқ кишиларни раҳм-шавқатсиз жазолаш керак деган эди. Шундай қилиш Демокрит ижтимоий қарашларда қадимги Юон файласуфлари сингари қулдорлик тузумини ҳимоя қилган.

Ҳақиқий борлиқ — моддий дунё, абадий поёнсиз ва чексиз реаликдир. Олам майда моддий заррачалардан ва бўшлиқдан иборатdir, ҳиссий қабул қилинган аниқ нарса ва ҳодисалар майда заррачаларнинг бўшлиқларда бирикишдан юзага келади. Модда унинг ҚАРАШЛАРИГА БИНОАН БУ БЎШЛИҚДА АБАДИЙ ҚАРАКАТДАГИ АТОМЛАРДИР. АТОМЛАР бўлинмас, ўзгармас, сифат жиҳатидан бир хил ва бир бирларидан ташки кўринишлари, миқдорий хусусиятлари, яъни шакли ҳажми, тартиби ва ўрни билан фарқ қиласди. Демокрит таълимотига кўра атомларнинг миқдори шакллар сингари беҳисобидир. Ҳаракат,— дейди Демокрит модданинг абадий, табиий ҳолатидир. У ҳаракатнинг фақат бир шакли.

яъни механистик ҳаракатни тан олиб, атомларнинг бўшлиқда ўрин алмашувини кўрган. Атомларнинг ўрин алмашуви, ҳаракати бўшлиқда, бўш маконда содир бўлади, унинг макон ҳақидаги тасаввури чалкашдир. Баъзан макон жисмсиз бўшлик сифатида тан олинса, баъзан эса бу модда эгаллайдиган макон (жой), чунки атомлар муайян қўламга эга бўлганлиги учундир. Умуман Демокрит маконни моддадан ажратиб қўйади, чунки у маконни моддадан мустақил ибтидо деб билган ва объектив борлиқнинг кўришиларидан биридир деган. Демокрит фикрича, сифатий турлитуман конкрет аниқ жисмлар оддий, бўлинмас ва ўзгармас, шакл ва ҳажм жиҳатдан бир — биридан фарқ қилувчи атомлардан ташкил топган. Демокрит барча нарсаларни атомистик тузилишдан иборат деб таъкидлаб, жон тирик жисмларнинг ҳаракат манбаи у ҳам атомлардан ташкил топган дейди. Лекин жоннинг атомлари шарсимон шаклда ва жуда ҳаракатчан дейди. У пифагорчиларнинг жонни абадийлиги тўғрисида таълимотига қарши чиқиб, тана ўлиши билан жоннинг атомларга парчаланиши айни бир пайтда ўлишидир деб исботлаган.

Унинг таълимотича табиатда бирон бир жисм, жамиятда бирон бир воқеа, сабабсиз пайдо бўлмайди. Шундай қилиб, Демокрит тасодифиятни инкор этади. На табиатда, на жамиятда ҳеч нарса тасодифан пайдо бўлмайди, деб ёзган. Масалан: ер остидан топилган хазина одатда тасодифий ҳисобланади. Лекин бундай дейиш ногўри дейди Демокрит, чунки бу хазинани ерга қўмган олдинги эгаси ва хазинани топиб олган янги эгаси учун ҳам сабаб бор. Тасодифият дейди Демокрит, кишилар ҳодиса ва воқеаларнинг келиб чиқиши сабабларини билмаганликларидандир. «Кишилар, дейди у, ўзларининг ақлсизликларини яшириш мақсадда бутларни ўйлаб топганлар». Демокрит тасодифиятнинг объектлигига тушуниб етмади. Унинг фикрича табиатда ҳеч қандай тасодифий воқеалар бўлиши мумкин эмас, чунки сабабсиз воқеалар тасодифийдир. Тасодифиятнинг объектив ҳарактерини мутлақо инкор этади ва заруриятни эса мутлоқлаштиради. Демокрит атомистик ва детерминистик принципни космогоник назарияга ҳам жорий этди. Майда заррачалар фазода тартибсиз ҳаракат жараённида, бир томондан бир-бирига қўшилиб, тупроқ, сув, ҳаво, олов ва улардан куювсимон ҳаракатланувчи бир қанча оламларни яратади.

Сон-саноқсиз янги оламлар шу тарзда вужудга келади. Янгилари пайдо бўлади, эскилари емирилади. Бу ҳам моддий оламлардан бири бўлиб, тўхтовсиз ҳаракатда бўлади.

Демокрит фикрича қўёш ҳарорати ярим суюқлик ҳолдаги ернинг иситгач, ер кўпчийди, баъзи нам жисмлар кўп жойларда бўртиб чиқади ва ана шу ерларда қобигига эга бўлган жон ато этадиган кўпилклар пайдо бўлади. Қўёш ҳароратидан жонли ҳомила юзага келади, кейинчалик бу ҳомила катталашгач қўёш ҳарорати

туфайли қобиқ ёрилиб, турли хил жониворлар юзага келади, иссиқликнинг кўпчилигидан улардан қушлар, тупроқли жисмлар—куруқликдаги жониворлар, сузувлар ва ўсимликлар униб чиқади. Демокритнинг космогоник таълимоти гарчи содда бўлсада, унда бъязи диалектик элементлар бор. Демокрит материалистик билиш назарияга асос соглан. Унинг фикрича, билиш объектив моддий олам булиб, онгимиз эса бу моддий оламнинг сезгилар орқали акс эттиришдан иборатdir. Демокрит ўз билиш назариясида нарса ва ҳодисалар, ҳамда кишиларнинг умумий фикрича бор ҳодисаларга бўлинади. «Ҳақиқатда» бор нарса ва ҳодисаларга кўра, бўшлиқ, атомлар, ҳар бир атомга хос зичлик, ҳажм бўлинмаслик, шақ, қаттиқлик, юмшоқлик, оғирлик, енгиллик, замон ва макон мавжудир. Бу сифатлар атом ва бўшлиқнинг хусусияти бўлмай, балки киши тасаввурига хосдир. Чунки бу сифатлар субъектив характерга эгадир. Буни қўйидаги мисолда исботлашга ҳаракат қилган. Маълум бир овқат бир киши учун мазали бўлса, иккинчи киши учун бемаза: бир киши учун шўр иккинчи киши учун тузи кам бўлиши мумкин. У иккиласми сифатларни тушунишда субъективизмга йўл қўйсада, лекин уларнинг субъектив характерини мутлоқлаштиirmайди. Чунки Демокрит иккиласми сифатларни атом ва бўшлиқка хос эмас деб уқтираса-да, улар атомларнинг бирлик муносабатларига хос эканлигини таъкидлайди.

Бундай ташқари, инсон сезгиларининг турлича бўлиши ҳам Демокрит таълимотича, атомларнинг ҳажми миқдори, тартиби, ҳолати ва шакли жиҳатдан турличалигидан келиб чиқсан. Моддий борлиқдаги сифатлар объектив ва субъектив сифатларга бўлиншига кўра, Демокрит билиш назариясида билишни иккига — қоронғу ва ёруғ, ҳақиқий ва ноҳақиқий билимларга бўлади. Демокрит таълимотича, сезги аъзоларимиз орқали бевосита олинган билимлар ҳақиқий, ранг, маза, ҳид, иссиқ, совуқ кабилар қоронғу билимлардир. Реал мавжуд атомлар ва бўшлиқни сезги аъзоларимиз орқали билиш мумкин бўлганлиги учун уларни фақат тафаккур орқали билиш мумкин. Чунки нарса ва ҳодисаларни ташкил этувчи бўшлиқ ва атомларни эса сезгиларимиз орқали билолмаймиз, чунки улар майдада заррачалардир.

Тафаккур орқали олинган билимимиз — «Ҳақиқий» билимдир. Ақл орқали олинган билим дунёнинг моҳиятини ташкил этувчи майдада заррачаларни билишга олиб келади. Ҳиссий қабуллашнинг асосий шакли ёки унинг дастлабки шаклини Демокрит фикрича, бадан орқали сезгилар ташкил этади. Бу шак-шубҳасиз тўғри фараздир. Чунки бу кундалик кузатиш ва тажриба асосида юзага келган.

Демокритнинг айтишича, эт орқали билиш ҳиссий қабуллашнинг ҳақиқийлигини тасдиқлади. Албатта атомнинг силлиқ ёки ғадир-будирлигини думолоқ ёки тўртбурчаклигини ушлаб бўлмайди. Лекин шунга қарамай, Демокрит, қатъийлик билан ҳиссий

қабул қилиш мүмкін бўлмаган сифатлар (ранг, ҳид, сезувчанлик асосига эга амал деб исботлайди). Масалан: маза Демокрит фикрича бу атомларнинг муайян шаклларини сезишдир. Шунга биноан дейди, Теофраст, Демокрит фикрича ширин маза, думалоқ шаклдан иборат бўлса, нордон маза эса катта шаклга кўпқиррали, ғадир будир атомдан тузилган. Демокрит ҳиссий қабуллашда кўзниң ролига катта эътибор берган. Кўриш бу акс этишдир. Акс этиш тўғридан тўғри кўз қорачиғида пайдо бўлмай, балки кўз билан кўринувчи жисм ўртасидаги ҳаво сиқилиб асар қолдиради. Чунки ҳамма нарсадан маълум даражада нурланиш содир бўлади. Кейинчалик ҳаво зич ҳолатга урилиб, бошқа рангни қабул қилиб, кўзниң нам қисмида акс этади. Зичлик акс этишини қабул қиласди, намлик эса акс этишини ўтказади. Шунинг учун намли кўзлар кўришда қуруқ кўзлардан афзал.

Ақлий билиш дейди Демокрит, ҳиссий билишларга таянади. Ақл маълум атомларнинг бирикиши орқали нарсаларнинг вужудга келишини исботлайди, деган. Тафаккурнинг ролини тушунтиришда Демокрит, ақлий билиш моҳиятининг сабабини қидиришда ва оқибатни тушунтиришда кўради. Бирон бир ҳодисанинг сабабини қидириш Демокрит учун олий мақсаддир, у ёки бу ҳодисаларнинг сабабини ҳақиқат деб атади.

Демокрит ўзининг билиш назариясида бир қатор хатоларга йўйл қўйган.

1. Унинг нурланиш назарияси содда ва қўполдир.
2. Жоннинг моддийлигини тан олиши хатодир.
3. Билишда ҳиссий ва ақлий билиш моментлари ўртасидаги муносабатни ҳал эта олмаган.

Шундай қилиб, Демокрит материалистик билиш назариясини яратишдаги хизматлари каттадир. У моддий оламни билиш ва ҳақиқатга эришиш мүмкинлигини таъкидлайди ва билиш жараёнида ҳиссий момент ва тафаккур ролини оддий услубда бўлсада кўрсата олди.

Демокритнинг материалистик билиш назарияси ўз даврида ва кейинчалик ҳам табиий фанларнинг ривожланишида катта рол ўйнади.

### *Ахлоқий ва сиёсий қарашлари*

Демокритнинг фалсафий қарашларида ахлоқий таълимот мұхим ўрин эгаллайди. Унинг ахлоқий қарашлари сиёсий қарашлари билан чамбарчас боғлиқдир. Яхши бошқарилаётган давлат буюк кўргондир. Давлат манфаатлари, қолган барча нарсалардан устун турмоги лозим. Давлат яхши бошқарилиши учун ғамхўрлик қилиши керак. Ҳаётнинг мақсади, дейди Демокрит руҳнинг (эвтюманнинг) яхши жойланишидир. Бу мақсад ёш-қарига баробардир Фаровонлик ва зулм ҳақидаги тушунча объектив ва барча кишилар

учун бирдир. «Бир кишига бир нарса ёқимли бўлса, иккинчи кишига иккинчи нарса ёқимли бўлади, бироқ барча кишилар учун ёқимли ва фаровон, ҳақиқат биттадир.»<sup>14</sup> Роҳат — бу юзага келтирувчи фойда аломатидир, роҳатсизлик — зиёнликдир. Фойдалиликнинг ва шунга мувофиқ зарарликнинг эга бўлган барча нарсалар гўзалдир», дейди Демокрит. Меёр, дейди файласуф ахлоқни табиатнинг инсонга ином этган куч ва қобилиятига мос келишишидадир. Руҳнинг (эвтюманинг) яхши жойланиши баҳт билан айни бир нарса эмас, балки жоннинг ҳеч нарсадан қўрқмай осойишта ва хотиржам яшашидир. «Эвтюмага» инсон ўз роҳатини ўткинчи нарса билан боғламаган тақдирдагина эришиши мумкин. Демокритнинг ахлоқий таълимотида инсоннинг маънавий ахлоқини ҳаракатлантирувчи куч ақл кучи билан йўл тутгандга баҳтга эришиши мумкин, нотўғри ҳаракат баҳтсизлик келтириши мумкин.

Инсоннинг барча аҳмоқона, хато хатти-ҳаракати илмсизликдан деб билади, хатонинг сабаби,— дейди у яхши билмасликда. На жисмоний куч ва на бойлик кишиларни баҳтли қиласди, балки ҳақиқийлик ва кўп қиррали донолик баҳтли қиласди. Донолик учта ҳосил келтиради.

1. Яхши фикрлаш. 2. Яхши ҳаракат қилиш. Биринчиси руҳий тетикликни таъминлайди. Яхши фикрлаш, демак, нарсалар ҳақида тўғри ҳукм чиқаришдир. Иккинчиси самимийлик, ҳаққонийликдан иборат «Сўз ишнинг тоғаси». Учинчиси донишмандлик амалий эзгуликни келтиради. «Киши эзгулик иш тўғрисида чиройли гапириш ўрнига, эзгуликка интилиши керак. Киши эзгу иш тўғрисида чиройли гапириш ўрнига, эзгу ишларга ва хатти-ҳаракатларга интилиши керак». Натижада донишманд саҳоватли кишига айланади, аксинча чуқур, нодонлик мевасидир. Эвдюмонизм Демокритнинг маънавий тизимини аниқловчи принципидир, яъни кишилар ўз эҳтиёжларини мўтадил қилишларидандир. Меъёр ҳисса,— дейди Демокрит эзгу ва баҳтли ҳаёт учун зарурдир. Барча гўзаллик ўртачаликдадир. менга мўл кўлчилик, на етишмовчилик ёқади, дейди Демокрит ҳамма нарсадан олтин ўрта яхшидир, дейди. Демокритнинг ахлоқий қарашлари тарихан чекланган. Масалан: унинг қулларга муносабати салбийдир. Қуллар у илгари сурган ахлоқий нормалардан маҳрумдир. Унинг ахлоқий нормалари жамиятнинг эркин кишиларга тааллуқлидир. Қул жонли куролдир. Ўз душмани олдида кучли бўлган киши кучли ҳисобланмайди, балки ўз хошишларини тия оладиган киши кучлидир. Шундай кишилар борки, қайсилар шаҳар устидан ҳукмрон бўладилару, лекин аёллари олдида қулга ўхшаб таъзим қиласидилар. Демокритнинг ахлоқий қарашлари ўз давридаги амалий, маънавий муносабатларнинг умумлашмасидир.

<sup>14</sup> КАРАНГ В.Ф. АСМУС. История античной философии, стр 120.

Демокритнинг маънавий позицияси оқиллик билан ажратиб туради. Оқиллик олий фазилат ақл орқали тартибининг мезонини ташкил этади. Яхшилик бу фойда. Меъёрдан ортиқ лаззатга берилган, чегарани билмаган кишиларнинг Демокрит аҳмоқ ва тентак бўлиб, ўз кулфатларига ўзлари айбор бўлишлари мумкин дейди, Фақат донишманд ўз эҳтиросларини енгиши мумкин. «Кулувчан» Демокрит кишиларнинг ташвишлари ва ғам-аламлари устидан кулмаган, инсондан ўзини четта олмаган. Демокрит фикрича дастлабки кишилар сув ва балчиқдан пайдо БЎЛГАН. КИШИЛАР ЧУВАЛЧАНГГА УХШАБ, ҲЕЧ ҚАНДАЙ ИЛОҲИЙ КУЧСИЗ ЕРДАН ПАЙДО бўлганлар. Ҳатто инсоннинг жони ҳам алоҳида думалоқ тез ҳаракатчант, майда заррачалар (атомлардан) ташкил топган. Инсонда ҳеч қандай номоддий ва мақсадга қаратилмаган ибтидо йўқ дейди, файласуф жоннинг абадийлигини инкор этган. Жон тана билан бирга ўлади дейди. Демокрит шунингдек оламни билишда диний тасаввурларнинг илдизига болта урган.

У тўғридан тўғри ҳар қандай диний ишонч, ғайри табиий худоларга қарши курашган. Худолар ҳам ҳар қандай нарсалар сингари атомлардан тузилган улар (худолар) инсонлар сингари ўткинчиidlар, бироқ инсонлардан узоқроқ яшайдилар. Кўркув ҳисси диннинг келиб чиқишига сабаб бўлди, дейди Демокрит. Унинг атомистик назариясини ҳозирги кунда ҳам дин ва реакция буржуа фалсафасига қарши курашда ўз аҳамиятини йўқотмаган. Демокрит таълимоти ўз замондошларига ва айниқса кейинги даврдаги файласуфларга жуда катта таъсир кўрсатган. Эрамиздан аввалги V асрда Афлотун Демокрит асарларидан нафақат бахс юритиш учун фойдаланибгина қолмай, балки унинг баъзи ғояларини тескари маънода қабул қилди. Баъзи ҳозирги замон олимлари буни инкор этишга ҳаракат қўлмоқдалар.

Голланд олими Ферверд бу фикрни рад эта туриб, Афлотуннинг таълимоти Демокрит қараашларидаги қарама-қаршиликни батифсил кўрсатиб берди. У ҳам ҳақиқатни бир оз юмшатишга ҳаракат қилди. Гё ўлар иккисининг ўртасида кўпгина ўхшашликлар бор, деб уқтирилади. Афлотун халқдан ўзининг асосий камчилигини яширишга интилди. Илк феодализм даврида Демокритнинг илмий ва фалсафий ғояси араб тили ҳукмронлик қилган давлатларда катта қизиқиши ўйғотган. Демокрит фикрлари Ибн ал Матрудий ва аш Шаҳристонийларнинг асарларида ўрин олган.

Үйғониш даврида Жордано Бруно Демокритнинг фалсафасини бузуб бўлсада, айрим ғояларини қабул қилди. Унинг атомистик таълимоти Жордано Бруно, Галилио Галилей, Исак Ньютоннинг таълимотларига ўз таъсирини ўтказди. Шунингдек Демокрит таълимоти янги даврнинг дастлабки материалистларидан Пьер Гас-

сенди Демокрит ва Эпирукнинг материалистик фалсафасини тиклади, ҳамда қадимги материалистларнинг таълимотини Арасту таълимотларидан ҳимоя қилди. 18 аср француз файласуфлари Демокритни ардоқлаб, уни ўзларининг ўтмишдоши деб билдилар.

Россияда Демокрит таълимоти билан Ломоносов таниш бўлган. Демокритнинг атомистик гипотезаси «кишиларнинг абадийлиги ҳақидаги қонунга» мос келади деб кўрсатган эди Менделеев. Бироқ янти ва янги даврнинг идеалистик фалсафаси христиан аппалогетларининг таълимотини давом эттириб, Демокритнинг материалистик қарашларини бузиб, талқин этгандар. Неокантанчилар талқинида Демокрит соф идеалист қилиб кўрсатилган.

Жонли ва жонсиз табиат қонунлари материянинг сақланиш қонуни ва сабибият қонуни антик даврда оддий кузатувчи фалсафанинг асосида ётган. Бизнинг давримизда улар фаннинг фундаментал қонунлари ҳисобланади. Оламнинг чексизлиги, дунёларнинг сон-саноқсизлиги ва коинотнинг ҳеч ким томонидан яратилмаганлиги түғрисидаги астрономик таълимотларни Демокрит ўз даврида илгари сурган эди. Демокритнинг маданий мероси рус файласуфлари В.Ф.Асмус, В.Е.Тимошенко, Джохадзе, А.Ф.Лосев, А.Н.Чанышев, С.Б.Богомолов, С.Я.Лурье кабилар томонидан чукур таҳлил қилинган.

## ДЕМОКРИТ АСАРИДАН ПАРЧАЛА<sup>1</sup>

- Инсоннинг жисмий гўзаллигига ақл яширингандан бўлса, у ҳолда бу гўзаллик ҳайвон сифатдир.
- эга бўлмаган нарсаларга афсусланмай, бор нарсасига қувонадиган киши донодир.
- виждонли ва виждонсиз инсон на фақат қилаётган иши балки нималарни исташлари орқали билиш мумкин,
- жасур киши на фақат душманнинг устидан ғалаба қозонувчи эмас балки ўз эҳтиросларини тия оладиган кишидир,
- баъзилар давлатни бошқарадилар-у айни бир пайтда аёлларининг қули бўладилар,
- баҳтсизликда бурчга содик бўлиш улуғ ишдир,
- меъёр бўзилса, энг ёқимли нарса, энг ёқимсиз нарсага айланади,
- шуҳрат ва бойлик телбалик ва мустаҳкам бўлмаган мулк,
- бошқаларнинг камчилигини очувчи киши, дўстлик ўрнатишга қодир эмас,
- донишманд қонунларга бўйсунмай эркин яшashi керак,
- очқўзларнинг қисмати асалариларнинг қисматига ўхшаш, улар шундай ишлайдики гўё абадий яшашга интилаётгандек.

## АФЛОТУН

Афлотун жағон маданияти тарихида ўчмас из қолдирған буюк алломадир. Қадимги юонон давлатида яшаб ижод қылған файласуф, олим, адебнинг ижоди ва мероси бутун инсониятта тааллуқлидир. Афлотун тадқиқотчилар тили билан айтганда инсоният устозидир. Уни на фақат эрамиздан аввалги VI аср бошларида Афина шахрининг чеккасида мактаб очтани учунгина эмас, балки қолдирған бебаҳо илмий ва абадий учун ҳам устоз деб аталади. Агар алломанинг асарлари бўлмаганда, биз қадимги юононлар түғрисида ва уларнинг дунё олдида хизматлари қандайлиги түғрисида нафақат оз билиб қолмай, балки ўз-ўзимизни ёмон билган бўлар эдик, фалсафа, санъат, назм, илҳом, инсон нима, унинг интилиши ва амалий ишларидаги қийинчиликларга ва унинг сеҳрли кучи нимада эканлигини яхши билмаган бўлур эдик, деб айтган эди рус олими Асмус.

Афлотун мавжуд икки хил фалсафий қарашлардан бирини яъни идеалистик фалсафани бир тартибга келтириб, ривожлантириди. Эрамиздан аввалги V—IV асрларда икки асосий фалсафий йўналиш ўртасидаги курашнинг бошланишига Демокрит билан Афлотун сабаб бўлганлар.

Афлотунга қадар идеализм бошланғич ҳолда мавжуд эди. Бу пифагорчиларнинг жоннинг бир танадан иккинчи танага кўчиб юриши ҳақидаги таълимоти эди. Бу Элейлик Парменид ва Зенонларнинг ақл орқали билингган «Ҳақиқий билим»нинг, ҳиссиёт орқали билинадиган шубҳали билимга қарама-қарши бўлган таълимоти, бу Анаксагорнинг НОЮС яъни ақл түғрисидаги таълимоти, бу Сукротчилар мактабларидан бири, мегерликларнинг жисмизсиз фоялар түғрисидаги таълимотлари эди. Юқорида зикр этилган бу барча таълимотлар идеализмга қанчалик яқинлашишга интилмасин, барибир дунёқараш сифатида идеализмдан узоқ эдилар. Ҳатто, эрамиздан аввалги V—IV асрларда яратилган дастлабки материализмни Сукрот не чоғли идеализм томонга оғишга ҳаракат қилмасин, Афлотун идеализмидан йироқ эди.

Чунки Сукрот «ғояларни», «жисмлардан» ажратса олмаган. Тўғри, Сукрот инсон ўзида танани эмас, балки жонни билиши керак, чунки фақат жон бутунлай бизнинг ҳукмимиздадир деб билган эди.

Худди шунинг учун борлиқ түғрисида идеалистик космология (оламнинг тузилиши ҳақидаги таълимот — Ю.С.) ва борлиқ ҳақидаги идеалистик таълимотни илгари сурган. Оламнинг тузилиши ва ташқи борлиқнинг табиатини у, инсон билишга қизиқмаган, унинг идеализмга ён босиши эса антропологик идеализмдир холос, яъни инсон ва инсоннинг жони түғрисидаги идеализмдир. Афлотуннинг фалсафаси табиат ҳақида, инсон ҳақида, тил ҳақида

бўлиб, санъат — назм, ҳайкалтарошлиқ, рассомлик, мусиқа, но-тиқлиқ, тарбия каби масалаларни ўз ичига қамраб олган, умуман «синов тизими»ни яратган, Афлотун асос соглан тизим доирасига кирувчи масалалар фақат фалсафага тааллуқли бўлибгина қолмай, балки ўз давридаги мавжуд бошқа фанларга ҳам тегишли эди. Афлотун риёзиёт (математика)га хос тааллуқли масалалар билан космология, мусиқага ҳам тааллуқли масалаларни таҳлил қилган. Афлотун таълимоти на фақат антик фалсафа тарихига тааллуқли бўлибгина қолмай, балки антик фан тарихига тааллуқлидир.

У риёзиётни ўрганишга даъват этган. Шунинг учун Афлотун файласуфни Афлотун риёзатидан ажратиш мумкин эмас.

Унинг ижод қирралари беҳисоб ва ажойибdir. Унда на фақат файласуф билан олимлик қирралари уйғунлашибгина қолмай, балки бу икки қиррада санъаткорлик — шоирлик ва драматурглик ҳам ўз аксини топди. Зотан Афлотун ўз фалсафий ғояларини адабий асарларда баён қилган. Фалсафий ва илмий фикрларни адабий шакл билан боғланганлиги эса табиий бир ҳолдир.

У ўз ғояларини диалоглар тарзида изҳор қилган. Унинг диалогларида бир гурӯҳ шахслар ва айрим шахслар иштирок этадилар. Булар Сукротнинг шогирдлари ва дўстлари, софистлар, шоирлар, Сукротнинг ўзи ва Аристофан, Алквиад, Протогор, Горгий ва бошқалар.

## АФЛОТУННИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

Афлотун ўз устози Сукрот сингари асли Афиналиқ бўлиб, унинг ҳаёти ва фаолиятининг ўн икки йил Африка, Сицилия, Жанубий Италия шаҳарларида ва Афинада ўтган.

Эрамиздан аввалги IV асрнинг биринчи ярмида Афина юонон маданиятининг ажойиб маркази эди. Бироқ Пелепонсия жангидан сўнг Афина давлати қаттиқ зарбага учраб, иқтисодий ва сиёсий тушкунликка дучор бўлди. Афина Юонон шаҳар ва давлатлари иттифоқининг карвонбошилик мавқенини йўқотиб таназзул топди. Юонон давлатлари устидан ҳукмронлик қилиш Спартага ўтди.

Ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан инқирозга юз туттан бўлишига қарамай, Афина Юонон Маърифатидаги илгорликни қўлдан бой бермаганди. Афина давлатининг маъмурияти Сукротни ўлимга маҳкум этган кундан ўн бир йил ўтиб, унинг шогирди Афлотун Афинада ўз мактабини очади. Кейинчалик бу мактаб Академия деб ном олади. Бу мактаб қаҳрамон Академнинг ўрмонзорида барпо этилгани учун унинг номи билан аталган. Тез орада илмий, фалсафий тадқиқотлар марказига айланади. Унинг кўп сонлик шогирдлари ва издошлари мактабнинг шуҳратига шуҳрат қўшдилар ва таъсирини кучайтиридилар. Улар орасида тез орада Академнинг фахрига айланган буюк Арасту ажралиб турди.

Гарчанд Афлотуннинг устози Суқрот ўз даврида инсон ва унинг ахлоқий масалалари билан шугулланган, шунингдек, «донишман-длик», «дўстлик», «қаҳрамонлик» каби тушунчаларни тадқиқ қилган бўлса.

Афлотуннинг бу тадқиқотлар доирасини бирмунча кенгайтиришга муваффақ бўлган.

Суқротнинг тушунчаларини аниқлаш услубини у онтологиянинг барча соҳасига, космология, психология, гнеосология, ахлоқ тарбия назариясига ижтимоий-сиёсий тузум назариясига, қонунчиликка, эстетика ва бадиий тарбия таълимотларига тадбиқ этди.

Афлотун таянган фалсафий идеализм кейинчалик унинг талқинида юонон тафаккури фалсафий тизимга айланди. Бу тизимда ҳеч қандай схоластика йўқ эди. Афлотун ўзининг асосий таълимотларини руҳан ўзига яқин бўлган мутафаккирлар билан жонли муроқтолар асосида ишлаб чиқди.

Афлотуннинг ҳаёти тўғрисидаги айрим маълумотлар мавжуд ва айни вақтда улар чалкашдир. Афлотун таниқли, бой оиласида Афинадан олис бўлмаган Эгина оролида дунёга келган. Ота авлоди Атиканинг сўнгги подшоси Кодрга тақалса, Она авлоди машҳур қонуншунос Солонга таалуқлидир.

Тадқиқотчилар маълумотларига кўра, Афлотун Делос оролида Апполон худосининг таваллуд топган, байрам куни яъни 428—427 йили 7 таргелия (21 майда) туғилган.

Афлотун асарларининг шарҳловчиси Олимпиодор қўйидаги афсонани ҳикоя қиласи. Файлусуфнинг онаси кўзи ёриши олдидан тushiда Апполонни қўради. Афлотун туғилгач ота-онаси уни Апполон худосига тортиқ қилиш мақсадида Гиммет тоги ёнбағрига олиб бориб қуядилар. Ота-она худога ибодат қилаёттганларида деб ёзади Олимпиодор, асаларилар ўз мумини боланинг оғзига солишинди. Бу бўлажак файлусуфнинг ширинсуҳан бўлишидан дарак берувчи белги эди дейилади. Афлотуннинг она авлодларидан бири шунингдек, таниқли Афиналик сиёсий арбоб Критий бўлган. Айтишларича Афлотунни Суқрот ва унинг шогирдлари даврасига Критий олиб кирган.

Афлотуннинг фалсафий фаолияти бир мунча кейин бошланган. Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра у дастлаб спорт билан шугулланган. Ҳатто, уюштирилган мусобақаларда ҳам фаол иштирок этган, шунингдек бадиий адабиёт, мусиқа ва хайкалтарошлик санъати билан шугулланган. Кейинчалик у ўзининг бу соҳадаги қобилиятларини фалсафага бағишилади. Афлотун Суқротнинг шогирдлари гуруҳиша қўшилгунга қадар фалсафани Критийдан ўрганган.

Суқрот ўлган йили (399 йил) файлусуфнинг Афинадаги биринчи истиқомат даври тугайди. Ўша даврда Афлотуннинг ёши 28

да эди. Иккинчи маротаба у Афинага 12 йилдан сўнг қайтиб келади. Ана шу ўн икки йил давомида Афлотун Миср, Кирен, Сицилия ва Жанубий Италия давлатларига сафар қиласди. Унинг Мисрга қилган сафари ижтимоий-сиёсий қарашларга катта таъсир кўрсатган. Айниқса у ердаги меҳнат таҳсилоти ижтимоий ва шакли арифметикани ўқитиш услуби уни ҳайратга соглан.

Италияда бўлган чоғида пифагорчиларнинг таълимоти билан танишган. 387 йили куч-қувватга тўлган 40 ёшида Афлотун яна Афинага қайтиб келади ва ўша йили Академия мактабини очади. Тез орада унинг шогирдлари кўпаяди. Уларнинг айримлари Академияга риёзат (математика)ни ўргангани келишарди. Чунки мактабга кириш учун МАЪЛУМ ДАРАЖАДА РИЁЗАТДАН МАЪЛУМТОТГА ЭГА БЎЛИШИ ДАРКОР ЭДИ. УНИНГ МАКТАБИ антик давр математика тарихининг даврига тўғри келган.

Ўзининг риёзат тўғрисидаги таълимотини ҳиссий жисмларни, уларнинг идеал тимсоллари ўртасидаги фарқни идеал талқин этишда қўллаган. Риёзатда, дейди у, аниқ хулосаларни ҳиссий қабул қилинадиган нарсаларга нисбатан эмас, балки идеал нарсаларга қўллаш мумкин.

Гарчанд риёзатчилар ҳиссий қабул қилинадиган фигуранлардан фойдалансалар ҳам бироқ фигуранларнинг шаклини ташкил этувчи нарсалар ҳақида фикр юритишган. Бунинг исботи сифатида улар квадрат ва диагоналарнинг моҳияти тўғрисида фикр юритганларини кўрамиз. Бу нарсаларни фақат ақлнимиз орқали билишимиз мумкин. Афлотун ўз исботлаш услуби орқали қабул қилинган гипотезаларни (таксинларни) бекор қилишда риёзиётни қўллаган.

Афлотун ўз мактабини ташкил этгандан сўнг Сицилияга сафар қилишга даъват этган киши шоҳнинг қариндоши Дион бўлган. Афлотун Сицилияга қилган биринчи сафарида Дион билан танишган эди. Унинг Сицилияга боришдан мақсади подшо Дионисиянинг ёрдами билан ўзи кўпдан бери амалга оширмоқчи бўлган идеал давлат тузими лойиҳасини рўёбга чиқармоқчи бўлган эди. Бунинг учун подшоҳ унинг фикрича таълим олиш курсини, риёзатни ўрганишдан бошлиши лозим эди. Бироқ Афлотунга қарши бўлган Дионисий ва сарой аҳиллари ўз подшосига Афлотун сизни давлат ишларидан чалғитиб, ўзингизга Дионни кўтариш режасида, у сизга шундай муносабатдадир, деб айтишади. Дионнинг қамоққа олинишининг сабаби унинг Карфаген саркардаларига подшоҳ билан ярашиш керак, деган мавзуда ёзган мактубларининг сарой аҳли томонидан кўлга туширилганлигидир. Буни Дионисий II фитна деб билиб, Дионни сургун қиласди.

Афлотун Афинага қайтаётганида, уни ушлаб олишади. Фақат Тарента давлатининг подшоси Архитнинг қатъий талаби туфайли у Спартага жўнашга муваффақ бўлади, у ерда яна Дион билан учрашади. Дион билан кичик Дионисий ўртасидаги алоқанинг

узулиши Дион томонидан Дионисий II га қарши құзғолон бошлаш билан яқунланади. Дион бу жантда ғалаба қозонсада, 354 йили сөбік Афлотунчы Каллипп томонидан ўлдирилади. Каллипп вақтінча Сирранизани эталлаган зеди.

Дионнинг сиёсий қарашларига маълум даражада Афлотуннинг таъсири бўлган. Дион золим Дионисий I олиб борган қаттиқўллик сиёсати ва қулдорлик демократияси тузумидан юқори турувчи ҳокимиятни ўрнатмоқчи бўлган.

Дион амалга оширмоқчи бўлган давлат тузуми монархия, ристократия ва демократия элементларининг қоришмасидан иборат зеди.

Афлотун умрининг қолган қисмини Афинада ўтказган. Қадимги файласуфлардан асарлари тўлиқ равишда етиб келгани бу Афлотундир. У баён қилган таълимотлар қарама-қаршиликлардан холи эмас. Уларнинг баъзиларидан у борлиқ ва оламни билиш тўғрисидаги «ғоялар назарияси номини олган таълимотни илгари сурган. Афлотун номи билан чоп этилган баъзи асарларда эса бу гоя учрамайди.

Тарихий манбаларда келтирилишича, аллома ўзидан кейин ўттиз бешидан ортиқ диалог тарзида асарлар ёзиб қолдирган. Баъзи бир тадқиқотчиларнинг фикрича, Афлотун тегишли асарларидан айримлари унга тааллуқли эмас дейишади.

Лекин Арасту келтирган маълумотларни бирдан бир тўғри маълумотлар деб аташ мумкин. Чунки Арасту Афлотуннинг энг яқин шогирди ва дўсти бўлган.

Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича Афлотуннинг «оғзаки нутқлари» умумлаштирилиб «фаровонлик тўғрисида» ёзилган асарлари бизгача етиб келган эмас.

Афлотуннинг асарлари унинг тадқиқотчилари, тарихчилар томонидан тўрт қисмга ажратилган.

Биринчи қисмга «Сүкротчилар диалоги» деб ном берган. Бу асарлар асосан Афлотун Сүкротнинг ўқувчиси булган даврда ёзилган бўлиб, унда устозининг қарашлари ҳақоний акс эттирилган. Бунга файласуфнинг куйидаги асарлари киради.

«Лахес» (жасурлик ҳақида), «Хармид» (донолик ҳақида), «Лисис» (севги ва дўстлик ҳақида), «Критон» (қадрият ҳақида), «Ефтифрон» (художўйлик ҳақида), «Ион» (бадиий ижод табиати ҳақида), «Эвтидем» ва «Кичик Гиппий» (софистлар танқиди), «Пратогор» (фазилатлар ҳақида), «Давлат (адолат ҳақида). Унинг «Сүкрот Аналогияси» шу қисмга тааллуқлидир.

Иккинчи қисмга Сүкротчилар доирасидан Афлотунчилар доирасига ўтиш даврида ёзилган асарлари киради. Булар: «Горгий», «Кратий», «Катта Гиппий» унда биринчи маротаба Афлотуннинг «Эйдос» назарияси ифодаланган. «Модон»да эса Афлотуннинг муҳим гнесеологик таълимотлари ўрин олган.

Учинчи қисмга оид асарлар файласуфнинг баркамоллик давридаги ёзилган «Менексен», «Пир», (Базм), «Федр», «Федон», «Давлат», (III-X китоблар). Бу қисмга шунингдек шакллар устидан устун турувчи тушунчалар баён этилган етук диалоглар ҳам киради.

Тўртинчи қисмга Афлотуннинг қўйидаги диалоглари киради. «Тезат», «Софист», «Парминид», «Политик», «Тимей», «Критий», «Фалеб», каби диалоглари киради.

Диалогларнинг услуби эркин, улар ҳам фалсафий, ҳам бадиий мақсадда баён этилган.

## АФЛОТУННИНГ ФОЯЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ТАЪЛИМОТ

Фоя деган тушунча юонон фалсафасига биринчи бўлиб, Афлотун эмас, балки унинг катта замондоши Демокрит томонидан киритилган. Берилган маълумотларга кўра Демокрит ўзи илгари сурган моддий заррачаларни яъни атомларни «фоя» деб агади. Бир кўришда ғалати туюлади. Атомлар — «фоялар»? Ахир моддий жисмлар қандай қилиб «фоя» бўлиши мумкин? Иккинчидан материалистик файласуф моддий майдага заррачаларни қандай қилиб «фоялар» деб атаган, — деган савол туғилади. Демокрит кўзга кўринган майдага моддий заррачаларни «тур» ёки ««фоя»» дейишига сабаб айни бир пайтда юонон тилида «фоя» шакл ёки фигура деган маънони англатган.

«Атомлар — «фоялар» бу демак» атом шакллар деган гап. Демокритнинг атомлари бир-биридан ранги, ҳарорати, силлиқлиги ёки ғадир-будирлиги орқали эмас, балки шакл жиҳатдан фарқ қиласди. Демокритнинг бу шакл-атомларини оддий кўз билан умуман ҳиссий билиш мумкин эмас. Буларни биз ақл орқали биламиш. Шунинг учун «фоя»-шакл ақл орқали билинадиган жисмларнинг асосини ташкил этувчи майдага моддий заррачалардир. Афлотун илгари сурган ««фоя»», «эйдос» яъни шакл, кўриниш, белги деган маънони англатсада лекин моддий бўлмай балки идеал, яъни номоддий бўлиб, борлиқнинг асосини ташкил этади, унинг ««фоя»» яъни шакл таълимоти сингари дарасл шакл бўлиб, уни ҳиссиёт орқали эмас, балки ақл орқали билишимиз мумкин.

Бироқ ана шу ерда Демокрит ва Афлотуннинг ««фоя»» тўғрисидаги тушунчаларининг муштарақлиги тугайди.

Афлотуннинг «фояси» — жисмсиз шакллар. Умуман «фоя» дегани нима ва нега бу атама ҳанузгача муҳим аҳамиятга эга?

Ўзимизга-ўзимиз савол бериб кўрайлик: ҳар қандай нарса бошика нарсадан бирон томони билан фарқлаб турадими ёки сира фарқ қилмайдими? Агар маълум бир нарса ҳар қандай бошқа нарсалардан сира фарқ қилмаса, бундан чиқди, у ҳолда у ўзига хос хусусият ёки сифатга эга бўлмайди. Демак бу нарса ҳақида биз билимга эга

бўла олмаймиз. Борди-ю биз бу берилган нарса нима эканлигини билсак, ундан чиқди у нарса биз учун бир нарсадир, агар бир нарса бўлса, у ҳолда ёёки бу хосиятларнинг йигиндисидан иборатдир. Стол ёғочдан ишланган нарсадир. Бу — бир. Стол турли ҳаётий мақсадларга мўлжаллангандир: овқатланиш учун, ўқиш ва ёзиш учун, ёёки бирор бир мақсад учун қилинган ва турли нарсаларни унинг устига кўйиш учун бу — икки, столнинг мана бу барча хоссаларининг йигиндиси унинг гоясидир. Ўз-ўзидан равшанки, агар бир атомнинг тузилиши ва вазифасини тушунмасак, у ҳолда стол ҳақида ҳеч қандай гоя бўлиши мумкин эмас, яъни биз столни стулдан, дивандан, кроватдан ажратса олмаймиз ва унинг қаерда турганини ҳам била олмаймиз, ва ҳ.к. Лекин биз стол нималигини, бу ёғоч нарсаларнинг тузилиши қандай эканлигини ва нимага мўлжалланганлигини ҳам биламиш. Демак, агар биз дарҳақиқат столни билсак, унда стол тушунчасига ҳам эга бўламиш. Бошқача айтганда нарсаларнинг гояси бирон бир мұхим маънога эгадир. Бу нарсани билиш учун, у билан муносабатда бўлиш, ундан фойдаланиш, уни яратиш ёки уни ўзгартириш ва уни у ёки бошқа мақсадга йўналтириш учун ҳаётий жиҳатдан ақлан зарурдир. Шу муносабатда ҳар қандай нарса ва умуман дунёда мавжуд барча нарса ўз гоясини, ўз маъносига эга. Ёхуд ҳеч қандай гоялар йўқ, унда умуман бир нарсани иккинчисидан ажратиш мумкин эмас ва у ҳолда барча воқеълик қандайдир шаклсиз ва билим бўлмайдиган тартибсизлиқдир. Нарсаларнинг гояси нарсаларнинг мұхим хоссаларининг йигиндисига ишорадир.

Нарсаларнинг гояси учун унинг сифатлари ёки хоссаларининг механик бирикиши характерли бўлмай, балки жисмларни ташкил этувчи қисмларнинг бўлинмас бир бутунлигидир. Масалан, Суқрот деган исмнинг алоҳида ҳарфлари бир-бири билан боғланмаса, бирон бир маъно англатмайди. Столни бўяш мумкин, уни катта ёки кичик қилиш мумкин, уни безаш, тузатиш мумкин. Бироқ столнинг гояси билан шундай иш тутиб бўлмайди. Стол гоясини қизил ёки сариқ рангга бўяш мумкинми? Столнинг ўзини кўриш мумкин, ҳидлаш мумкин. Стол тушунчасини ушлаб бўлмайди ва ҳидлаб бўлмайди. Стол тушунчасини кесиш ёки куйдириб кўл ўқилиш мумкинми? Албатта, сувнинг ўзи музлаши, қайнаши мумкин. Лекин сув тушунчаси музлаши ёки исиши мумкинми? Йўқ. Афлотун илгари сурган гоя ўз ортида бирон бир конкрет жисмга эга бўлмаган, илоҳий тушунчадир. Унинг гоялар тўғрисидаги таълимотининг ижобий томонлари сақланиб келинган. Унинг бу ижобий томонлари буюк файласуф танилишида катта рол уйнаган. Бу куйидагилардан иборатдир: 1. Жисмларни бир-биридан фарқ қилиш учун ва уларни умумтартибсиз воқеликда кам билинадиган ёки мутлақо билиб бўлмайдиган деб қолдирмаслик учун биз ҳар бир нарсага жавоб бериш харакат қилишимиз керак: мазкур нарса бошқа нарсалардан қандай фарқ қиласди? Нарсаларнинг гояси айнан

мазкур нарса нима деган саволга жавоб бўлади. Шунинг учун нарсаларнинг гояси биринчи навбатда нарсаларнинг маъносини англатади.

2. Нарсаларнинг гояси барча айрим қисмларнинг шундай бир бутунлиги ва нарсаларнинг кўринишини, у ўз навбатида берилган жисм алоҳида қисмларга бўлинмайди ва унга нисбатан янги сифатни акс эттиради. Учбурчакнинг бир томони бир бутун учбурчакни англатмайди. Иккинчи томони ёки учинчи томони ҳам худди шундайдир. Шунга қарамай, учта кесманинг маълум биррикмасидан қандайдир янги жисм, янги сифат айнан учбурчак ташкил бўлади. Демак нарсаларнинг гоялари уни ташкил этувчи барча қисмларнинг ана шу қисмларга бўлинмайдиган бир бутунлигини ташкил этади.

3. Нарсаларнинг гояси унинг хусусиятларини ва яккалигини ташкил этувчи умумийликдир. У ўз нисбатида бу нарсаларнинг якка кўринишининг пайдо бўлиш ва ҳосил бўлиш қонунидир. Масалан: «Иван — инсон Биз алоҳида Иванга умуман инсон маъносида қарадик, инсон умуман мавжудликни англатувчи алоҳида номни қонун сифатида кўради. Гоя бу қонун», 25 — дейди Афлотун. 4. Нарсаларнинг гояси ножисмий. Бу шундан маълумки, сувнинг ўзи музлаши ва қайнази мумкин. Сувнинг гояси, яъни тушенчаси музлаши ёки буғланиши мумкин эмас. Сувнинг гоясини қаттиқ, суюқ, газсимон жисм ва умуман жисм бўлиниши мумкин эмас. Шундай қилиб Афлотун ўз гоялари тўғрисидаги таълимотини чекси бўрттирап экан ва ҳатто илоҳийлаштирап экан, нарсаларнинг гояси ўзининг шахсий ва ҳатто мустақил, гарчанд идеал бўлса-да мавжудлигига эга. У ҳам ўзига хос идеал жисмдир ёки асосдир. У фақат осмонда ёки осмондан юқорида мавжуддир. Унинг бу фикри ўзига қарама-қаршидир.

Афлотуннинг гоялари тўғрисидаги таълимотнинг қарор то-пишида Элей фалсафий мактабининг намоёндалари Парменид билан Зенонларнинг таъсири ҳам бўлган. Улар таълимотидан Афлотун моҳият ва ҳодиса ўртасидаги мавжуд фарқни қабул қилди. Уларнинг таълимотича икки хил борлик мавжуд яъни ҳақиқатдан бор борлиқ ва тахминан бор борлиқ. Ана шу таълимотни Афлотун ўзининг сўнгги даврда ёзган муҳим асари «Тимей»да аниқ ифодалай олган.

Афлотун фикрича, «гоялар дунёси»да энг олий яхшилик, баҳт гояси — худодир. Бундан кўриниб турибдики, Афлотуннинг таълимоти дин билан қўшилиб кетган. Гоялар тури ҳар хил «умумий гоялар»га бўлинади. Моддий оламнинг турли қисмларини ташкил этувчи минераллар, ўсимликлар, хайвонлар, инсонлар ва улар томонидан яратилган нарсалар — «умумий гоялар»нинг нусхасидир.

Афлотун таъкидлайдики, «гоялар дунёси»да «умуман гўзаллик» гояси ҳам мавжуддир. Табиат ва жамиятдаги барча гўзал нарсалар

ҳам шу ўзгармас мутлоқ гўзаллик ғоясининг нусхасидир. Инсон қули ила яратилган санъат асарлари, тасвирлар, ҳайкаллар ва бошқа асарлар гўзаллик ғоясининг нусхаси бўлган, табиат ва жамиятдаги гўзал нарсаларнинг нусхасидир. Демак, Афлотун фикрича, умумий ғоя сезиладиган нарса ва ҳодисаларни яратади, уларга сифат, хусусият ва моҳият беради. Аслида Афлотун таъкидлаган «умумий ғоялар» — моддий оламдаги предметлар тўғрисидаги инсон тушунчаларидир. Инсон тушунчаларини Афлотун моддий дунёдан ажратиб, уни мустақил, моддий дунёни яратган илоҳий куч худо деб атади.

Афлотуннинг идеализми даставвал онтологик таълимотидир. Унинг гнесеологик аспекти эса иккиласидир. Гнесеологик талқинда «ғоялар»ни Афлотун борлиқнинг шакллари деб тушунириди. Кўриб турибмизки, Афлотуннинг объектив идеализми Гегелнинг объектив идеализмининг кўринишидир.

Гегелнинг абсолют ғояси даставвал объектив мавжуд борлиқдир. Унинг мутлоқ ғояси ғоя тушунчасига айланishi учун ўзининг диалектик тараққиётининг муайян босқичига айланади.

Афлотуннинг фикрича энг олий ғоя ва ҳақиқат ғояси гўзаллик ғояси бўлмай, балки фаравонлик ғоясидир.

«Фаравонлик, — деб ёзади Афлотун ўзининг «Давлат» тўғрисидаги асарида — моҳият эмас, лекин ўзининг улуғворлиги ва қудрати ила моҳият чегарасидан устун туради.<sup>26</sup>

Афлотуннинг фаровонлик «ғояси» ҳақидағи таълимоти унинг дунёқарашидаги барча тизимлари объектив идеализм характеристини англатиб қолмай, балки теологик идеализм ҳисобланади. «ғоялар» ҳукумронлиги — мақсадга мувофиқ ҳукумронликдир. Айнан фаровонлик ғояси барча ғояларни муайян бирликка чорлади. Бу бирлик мақсаддир. Дунёдаги ҳукмронлик қилувчи тартиботлар, мақсаддага мувофиқ тартиботлардир. Уларнинг барчаси фаровонлик мақсадига қаратилган бўлади. Ҳар қандай вақтинчалик ва нисбий мавжудлик қандайдир объектив борлиқ мақсадига эгадир.

«Мақсад бўлиши билан бирга у фаровонлик ҳисобланади»<sup>27</sup> — деб ёзади Афлотун.

Бу борлиқ барча жисмларнинг моҳиятини ташкил этади. Барча нарсалар фаровонликка эришишга интилади. Гарчанд ҳиссий жисмларда унга эришиш мумкин бўлмаса-да, барча жонли маҳлукотлар учун олий мақсад — баҳт ҳисобланади. Лекин баҳт фаровонлик бўлгандагина бўлади, — дейди файласуф. Шунинг учун ҳар қандайдир объектив борлиқ мақсадига эгадир.

<sup>25</sup> А. Ф. Лоссе. А. А. Тако — годи. Платон м. 1977.

<sup>26</sup> Афлотун «Государство» XI 5098.

дай жон фаровонликка интилади ва илк барча нарсалар фаровонлик учун амалга оширилади.

«Фаровонлик ғояси»сиз барча инсоний билимлар, у ҳатто мұкаммал бўлмасин, барибир фойдасизdir»<sup>27</sup>. (Афлотун. Давлат. 505 А-В). Объектив мақсадга мувофиқлик тўгрисидаги Афлотун таълимоти теологикдир, унинг теологияси яъни илоҳиёт ва худолар тўгрисидаги таълимоти билан чамбарчас боғлиқ.

Худо нафақат тирик мавжудот, — у мутлоқ фаровонликдир<sup>28</sup>. (Афлотун, Тимей, 29 Е). Шунинг учун инсон илоҳиётта интилиши зарурдир. Фаровонликни билиш истагида, у худони билишга интилади: фаровонликка эришиш учун, у худонинг моҳиятига алоқадор бўлишига интилади. Бу ҳолда Афлотун «ғонунлар» асарида шундай дейди: «Худо барча нарсаларнинг ибтидоси, ўргаси ва ниҳоясидир. У шунинг учун ибтидоки, ҳамма нарса ундан келиб чиқади: шунинг учун ўрталиқдирки, у барча нарсаларнинг моҳиятини ташкил этади. Келиб чиқиш хусусиятига эгадир. Шунинг учун ниҳояки, барча нарса ўз мақсадига интилгани каби унга интилади.

Фаровонлик унинг учун юқорида айтганимиздек, борлиқдан ва инсон билимидан юқори туради. Баъзан Афлотун «Фаровонлик»ни ақл билан тенглаштиради. Чунки Афлотун фикрича, оқиллик мақсадга мувофиқ келишиликда намоён булади. Шунинг учун мутафаккир «фаровонлик»ни мақсадга мувофиқлик билан яқинлаштиради. Ҳз навбатида мақсадга мувофиқ бу нарсаларнинг ўз ғояларига мувофиқ келишидир, дейди. Шунинг учун нарсаларнинг фаровонлигини билиш бу демак, демак «ғояларнинг» барча турли ҳиссий, сабабий боғлиқ ҳодисаларни уларнинг ғайри ҳиссий ва мувофиқ борлиққа ёки қонунга мувофиқлаштиришдир».<sup>28</sup>

Шунингдек Афлотун «Фелеб» асарида инсон учун фаровонликнинг тўлиқ тавсифини келтиради. Диалогда «инсон фаровонлиги» шарти сифатида куйдагилар келтирилади:

1. ғояларнинг абадий табиатда иштирок этиши.
2. ғояларни ҳақиқатга айлантириш.
3. Онгнинг мавжудлиги ва билимга эга бўлишлик.
4. Баъзи фанлар, санъатлар, шунингдек тўғри мулоҳазаларга эга бўлишлик.
5. Баъзи соғ ҳиссий лаззатлар турларидан, масалан куйнинг соғ оҳанглари ёки расмдаги гулларнинг лаззатидан баҳраманд бўлишлик.

Афлотуннинг «ғоялар» тўгрисидаги асосий фикри шулардан иборат.

Гнесеологик талқинда ҳам, «ғоя» Афлотун томонидан онгнинг шакллари, моҳияти ва ҳодисаси эмас, балки борлиқнинг шакллари деб қаралади. Ана шу муносабатда Афлотуннинг объектив идеализми тарихан Гегель идеализмининг кўринишидир.

Гегелнинг «мутлоқ ғояси» ҳам даставвал объектив мавжуд борлиқдир.

Афлотуннинг фикрича, ноборлик — бу материя. Унинг тасаввурда материя (модда — Ю. С) ҳиссий оламда мавжуд чексиз ибтидо ва сон-саноқсиз жисмларнинг маконда алоҳида-алоҳида бўлиш шартидир. Чунки Афлотун фикрича «ғоя» ҳақиқий борлиқ, модда ноборлик сифатида мавжуд бўлмоғи зарурдир. Бу ғоя фақат ақл орқали яхлит, бўлинмас бирлик маънода тушунилади.

Чунки ҳиссий нарсалар ўзгарувчан, беқарор ва емириловчандир. Ҳиссий жисмлар гайри ҳиссий ғояларнинг рангсиз тамғасидир, дейди файласуф. Масалан: Битта конкрет стол ўзтарувчан. Биз шундай деб биламиз. Лекин стол тўғрисидаги тушунча, яъни барча столлар тўғрисидаги ғоя аниқ яъни идеалдир деб ўргатади.

Афлотуннинг «ғоя»си элементар абстракция, умумий тушунча бўлиб конкрет ҳиссий жисмлардан метафизик ҳолда ажратилган ва мутлоқлаштирилган.

Афлотун нариги дунё ҳақида фикр юритади. У сезгиларни ва ҳиссий билишни инкор этади. Ҳақиқатни билиш учун ўзимизни ўраб турган моддий дунёдан ўзлигимизни тарқ этишимиз керак. Ички дунёмига гарк бўлишимиз керак. Жон ўлмас дейди, Афлотун. Оламни билиш диалектикаси у Сукротдан анча илгари кетган. Бироқ унинг диалектикаси фақат тушунчага боғлиқ.

Афлотуннинг ғоялар таълимоти тушунчадан иборат эканлигини таҳдил қилган рус файласуф олими Ахманов унинг қарашларининг моҳиятини моҳирона якунлайди: Афлотуннинг ғоялар тўғрисидаги маълумоти тушунча ва муҳокаманинг мантиқий шаклларини ва тааллуқли мантиқий муносабатларини ҳамда якка жисмлар дунёсини ҳақиқатдан ажраган алоқаларни нуқтаи-назардан талқин қилган.

## АФЛОТУННИНГ КОСМОГОНИК ВА КОСМОГОЛОГИК ТАЪЛИМОТИ

Афлотуннинг космогоник ва космологик назарияси ўзига хос аҳамиятга эга. «Тимей» асарини диалог услубида ёсилган асар деб бўлмайди. Чунки ундаги қаҳрамон пифагорчи Тимей коинот қандай пайдо бўлган ёки пайдо бўлмаганми деган савонни ҳал этишга киришган. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, бири яратувчи демиурга бағишиланган бўлса, иккинчиси материага бағишиланниб, ўз ичига худо, материя ва инсон масаласини киритади. «Тимей»да демиург майян шаклда коинотга яратувчидир. Шак-шубҳасиз, баязи ҳолда Афлотун Анаксагор йўлидан бораётгандай ту

<sup>27)</sup> Афлотун Филсӣ 53 с — 54 д.

<sup>28)</sup> Платон. «Государство VI», стр. 511.

юлади, лекин у идеализм йўлида изчил турган. Агар «Нус» акл Анаксагор тизимида биринчи туртки вазифасини бажарган бўлса, Афлотун тизимида бу дунёнинг яратувчиси ва унинг отаси ҳисобланади.

Афлотун ғоялари христиан динининг таъсири остида монотеистик ва ҳатто теистик маъно касб этади. Айни пайтда худога нисбатан айтилган «ота» деган сўзни теизм маъносига эмас балки пантезим маъносига ишлатган. Чунки коинот «ўғил» маъносига мазмунан яратувчи билан бирдир. Ниҳоят, «Тимей»да кўпинча худони «димиург» маъносига ишлатиб, (димиург авваломбор ҳуарманд, қўл меҳнатини бажарувчи уста), уста караватни қандай яратса, худо коинотни шундай яратади.

Шундай қилиб, коинотнинг ибтидоси қўйидагича: ғоялар борлиқнинг дастлабки шакллари, материя ва димиург — худо бўлиб, у ўз навбатида дунёни ғояларга монанд жойлаштиради. Бироқ бу ерда билик йўқ.

Файлласуф «Тимей» асарининг бир жойида худо тартибсиз жисмларни тартибга соглан дейилса, иккинчи ерда у (худо — Ю. С.) жисмларни тартибсиз, шаклсиз материядан яратган дейилади. Кейинчалик яъни шаклсиз материя ғояларнинг «онаси ва боқувчиши»дир. Баъзан уни макон маъносига тушунилади. Юқорида зикр қилинган тушунчаларга якун ясад шундай ҳулосага келади: Борлиқ ғоя мавжуд, макон ва пайдо бўлиши мавжуд, бу уч нарса осмон (олам) туғилишдан аввал алоҳида-алоҳида пайдо бўлган. Уларни файлласуф ота, она ва фарзандга ўхшатади. Коинотнинг вужудга келишини Афлотун қўйидагича таърифлайди. ғоя ва материянинг коришмасидан демиург, дунёвий рухни яратади ва қоришмани бутун маконга тарқатади. Бу кўринувчи коинот учун яратилган бўлиб, уни — олов, ҳавс, сув ва ер элементларига бўлади. Коинотни ҳаракатга келтирувчи, доиравий шаклга келтирилган. Бу элементлар рақамлар қонунига биноан мутаносиб бирикишни келтиради. Айнанлик доираси ҳаракатсиз юлдузлар доирасини ташкил этади. Ҳзалик доираси — сайёralар доирасини ташкил этади.

Юлдузлар ва сайёralарнинг моҳияти илоҳийдир: дунёвий рух, бошқа дунёлар каби уларга жон ато этган. Ер, сув, олов ва ҳаво элементлар жисмий булганликлари учун улар геометрик жисмлар каби яссиликдан иборат.

Ернинг стереометрик I шакли — куб, сувники эса икосаэдр (Йигирма қирралик) оловники эса — пирамида, ҳавоники эса октаэдр (сakkiz қирралик) шаклларидан иборатдир. Осмон ўн икки қирраликдо доказаэдр шаклида безалган. Оламни рақамий муносабатлар ва ҳамоҳанглик бошқаради. «Дунёвий рух» фақатгина яшамасдан, билишга ҳам қодир.

<sup>1</sup>. Стереометрик — геометриянинг бир сатҳда эмас, бир неча сатҳда ётган шаклларини ўрганувчи бўлими.

Афлотун ва пифагорчиларнинг таълимотлари ўртасида ўхшашлик бир талайдир. Бу ўхшашликлар тұғрисида Афлотун ўзининг «Филеб» асарида фикр юриттан. «ғадимгилар — деб ёзади файласуф, — бизлардан яхши бўлганлар ва худога яқин турғанлар. Голдирган ривоятларга кўра, сўз юритилаётган барча нарсалар, яъни абадий борлиқ ва кўплиқдан иборат бўлиб, ўз ичига чеклик ва чексизликни ҳам кириттан.

Борлиқнинг бу тузулишидан Афлотун уни билиш услубини юзага келтиради. Биз доимо биттағояни ҳар бир жисмга тааллуқлилигини тан олишимиз лозим ва шунга биноан тадқиқотни олиб бориш керак, ниҳоят буғояни топишимиз мумкин. Афлотун ўз таълимотнинг ўхшашлигини «Сиёsat» асарида баён қилган. Бироқ бу асарда шунингдек пифагорчиларнинг танқид қилган ерлари ҳам бор. Пифагорчилар ўзлари излаб топган ҳақиқатни тұғри қўллашни билмайдилар, деб айблайди файласуф. Улар жисмларнинг ҳақиқий суборцинацияси (кичик унвонларнинг катта унвонларга бўйинсинишини) очишни билмайдилар. Улар жисмларнинг ҳақиқий табиий қисмларини ҳисобга олмай, турли жисмларни бирлаштиришга олиб боришиади, ёки жисмларни ажратишга олиб боришиади.

Афлотун фикрича, ҳақиқий услуг икки хилликни бирлаштириши керак. Авлоддошлиқ бирлик қурилаётган турдошлиқ фарқни ҳам назардан четта қолдириш керак эмас ва шунингдек турдошлиқтарни текшираётганда уларнинг пираворд натижада тегишли авлоддошлиқка тааллуқлигини қидириш лозим.

Афлотун ўзининг сўнги қарашларida коинот заруриятдан ташкил топиб, оқил маслакка бўйсинади, дейди. Шунинг учун Афлотун икки хил турнинг сабаблари ҳақида фикр юритади, ақл билан гўзаллик ва яхшилик яратувчи турлар ва ақлдан маҳрум турлар эса дуч келган тартибсиз нарсаларни яратади.

Афлотун ўз космологиясида заруриятни макон билан яқинлаштиради. Космология макон сингари «келиб чиқишининг озиқлатиравчиси»дир дейди файласуф. Нарсаларни турли-туманлигиғоя рақамлардан пайдо бўлади ва у чекланишнинг натижаси ва бўш маконининг аниқланишидир, дейди.

Физик дунёнинг элементлари — олов, сув, ҳаводан иборат. Уларнинг ҳар бири аҳолида чекланган яссиликдан иборат бўлиб, бўш макондир. Бу яссиликларнинг ўзи уч бурчаклардан тузилган. Учбурчак табиатдаги турларнинг ўзаро бирикишидан табиатдаги чексиз кўп жисмлар юзага келган.

Афлотуннинг космологиясига биноан ҳақиқий табиат ўз ичига бирлик ва иккиланишни олади. У ўзига нисбатан ўзгармас, айнан борлиқдир. Үндан фарқли ўлароқ шунга ўхшаш борлиқ ўзгаришда ва ўзгалик дунёсидаги нарсаларни ташкил этади. Борлиқдан фарқ қилувчи сифатда «келиб чиқишининг онаси» борлиқ эмас, лекин ноборлиққа тегишли бўлганлиги учун, у ҳақиқий ноборлиқдир.

Шунинг учун ўз-ўзига нисбатан айнан бўлган борлиқ «ғоядир», жисмсиз, идеал ибтидодир. Аксинча «ўзгалик» ёки абадий мавжуд макон, жисмий, моддий ибтидодир. Афлотуннинг «дунёвий жони» идеал дунё билан жисмий дунёлар ўртасида жойлашган бўлиб, шунингдек меъёрга бўйсинувчи ҳаракатни бошланишини амалга оширади.

Афлотуннинг фикрича, «дунёвий жон» марказдан ҳаракат қилиб, бутун оламни ўраб олади ёки уни кийинтиради. У тартиботнинг ибтидоси ва конзиний тузилишнинг бошланишидир: Осмон ёритгичлари ундан ҳаёт оладилар. Ҳатто дунёвий жоннинг шаклланиши пифагорчиларнинг рақамлар ҳақидаги таълимотига тааллуқидир.

## АФЛОТУННИНГ БИЛИШ НАЗАРИЯСИ

Афлотуннинг билиш назарияси унинг антологик қарашлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек унинг билиш назарияси жон ҳақидаги таълимоти билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Афлотун фикрича жон ноҳиссий «ғоялар» табиати билан ўхшаш бўлиши кепрак. Жон ўз-ўзича бирор нарсани билишга интилар экан, у тоза, абадий, барҳаёт ва ўзгармас жойга йўл олади, 29-дейди Афлотун (Афлотун Федон) 79 бет). Доимийлик ва ўзгармаслик билан ёнмаён турувчи жон ўзида ўша хусусиятларни кўради. Бу унинг (жоннинг-Ю. С.) ҳолатидир, ва уни мулоҳаза деб аташади. Жон мулоҳаза юритиш билан ўзгарувчанликка эмас, ўзгармовчиликка «қаттият ва шак-шубҳасиз яқин туради. Жон ўз йўлича олий даражада, илоҳий, абадий, ақл орқали билинувчи, ягона шаклли парчаланмайдиган, барқарор ва ўзгармасдир. Инсоннинг бутун ҳаётида жон онгли равишда тана билан ҳар қандай алоқадан ўзини олиб қочса, ўз-ўзида ўзини сақлай олса, бошқача қилиб айттанда ҳақиқий фалсафага ўзини бағишлигаган жон-дейди Афлотун кўринмас жонга, илоҳий, ўлмас, ақл жонга етишгач, жон ҳузур-ҳаловатга эришади ва айтишларича сирларга бағишлиланган жонлар худолар орасидан абадул-абад ўрин олади. Айни шу пайтнинг ўзида ҳаракатнинг сабабчиси бўлган, жон абадий ҳаракатсиз бўлиб қолади. Ҳудди шунинг учун у (жон Ю.С.) «ғоя» ва кетади. Лекин тўлиқ ғоядек бўла олмайди. Жон замон шароитидан ва борлиқнинг ўзаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда «тааллуқидир». Айни бир пайтнинг ўзида жон пайдо бўлишига ҳам тааллуқидир. Афлотуннинг жоннинг уч хил ҳолати ҳақида фикр юритади. Шундай фикр пифагорда ҳам бўлган, унинг фикрича инсон жони уч қисмдан иборатдир. Бу қисмлар қўйидагича. 1. Ақл (НОЮС). 2. Афҳәктив яъни жўшкинлик ибтидо ( ) ва 3. Орзунинг ибтидоси ( ). шунга кўра Афлотун «Давлат» асарининг IV қисмида жонни қўйидагича ифодалайди.

1. Оқыл қисм, ( )
2. Аффектив ( )
3. Нафсий қисм ( )

Афлотун ақлни мояга жолашган деса, аффектив қисміда күкрапқағасига, нафсий ибтидо күкрапқағасдан пастида, қорин бүшликда жойлашган, дейди. Билим Афлотун фикрича, рангсиз, шаклсиз ва аниқланмайдын мөхияттыр. Билим фақат жонға озуқа берувчи — Ақлга (худога — Ю.С.) күриниши мүмкін. Маңымум вақт ўтиши билан борлықни күрган жонбундан мамнун бўлади. Ҳақиқатни кузатувчи жон ундан озуқа олиб, баҳтиёр бўлади. Худолар кетидан борувчи жонларнинг энг қобилиятлари худолар кетидан қолмай, уларга ўхшаб осмонни айланма ҳаракати билан қизиқишиади. Ана шу айланма ҳаракат чоғида жон илмни ҳис қиласи. «Жон кузатаётган илм пайдо бўладиган ва биз биладиган мавжуд илмни эмас, балки ҳақиқатни ѡеч қачон кўрмайдиган жон инсон қиёфа-сига кира олмайди. Чунки инсон гоялар асосида ҳақиқатни англаниш зарур. «Кўпгина ҳиссий кабуллаш асосида у мантиқий мулоҳаза орқали умумийликка эришиади».<sup>21</sup>

Бу умумийликка ўтиш йўли Афлотун фикрича хотиралар орқали ётади. Бу умумийлик — дейди Афлотун, қачонлардир бизнинг жонимиз худо билан юрган кезларида кўрганларини хотиралашдир. Бундан Афлотун хулоса чиқариб шундай дейди: Доноликни севувчи инсоннинг битта мулоҳаза ёритиши учун қаноат ҳосил қиласи. Хотира туфайли бундай инсон имконият борича илоҳиёт билан бирга бўлиб, ўзи ҳам илоҳийлашиади».<sup>22</sup>

Афлотуннинг билиш назарияси унинг «Театэт» ва «Менон» диалогларида ҳам ўз ифодасини топган. Афлотуннинг «Театэт» диалогида билимларнинг хусусий турлари қизиқтирумайди, балки уни билимининг ўзи нима деган савол қизиқтиради. Лекин бу асарда муаллиф ушбу саволга ижобий савол бермайди. Лекин фойласуфлар шу савол ҳақида айтган учта жавобни Афлотун рад этади. Бу биринчидан нигоҳ, унга нисбатан билим тўғри фикрдир. Иккинчидан нигоҳ, унга нисбатан билим бу ҳиссий кабуллашдир. Учинчидан, нигоҳ, унга нисбатан билим маънога эга бўлган тўғри фикрдир. Билимни ҳиссий кабуллаш билан айнан бир нарса деган фикрни аниқлаш ва уни рад этиш учун Афлотун ҳиссий кабуллашни билим билан айнан бир нарса деган фикрнинг назарий асосини текширишга киришиади. Унинг назарий манбай барча нарсаларнинг оқувчанликда ва уларнинг шак-шубҳасиз нисбийликларда

<sup>20</sup> Платон Федон. стр. 79.

<sup>20</sup> Платон Федр. стр. 247.

<sup>21</sup> Ҳаш асар. 249.

<sup>22</sup> Ҳаш асар. 24.

бўлиши туфайлидир, дейди файласуф. Ана шу масалани ҳал этишда Афлотун Гераклитнинг ҳамма нарса оқувчанликда деган таълимотига қарши чиқади. Афлотуннинг далиллари биринчи навбатда Протогорнинг «Инсон ҳамма нарсаларнинг мезони» деган маҳсус тезисига қарши қаратилган. Инсон мезон бўлиши учун дейди Афлотун илмга эга бўлиши керак. Ундан кейин Афлотун Протогор ва унинг ҳам фикрларини ҳамма нарсалар шак-шубҳасиз оқувчанликда билиши мумкин бўлмайди, чунки биргина ҳиссий қабуллаш билан холоса чиқариб бўлмайди. Холосасиз бирон-бир нарсанинг моҳиятига эришиш мумкин эмас. Билим нима деган саволга жавобни жон борлиқнинг ўзлигини аниқлагандан сўнг олиши мумкин.»<sup>14</sup> Ҳақиқий билимни биргина ҳиссий қабуллаш орқали билиш мумкин эмас, чунки ҳиссий қабуллашда барча нарсалар оқувчанликда бўлади ва барча нарсалар зарурӣ аниқлашдан маҳрумдир. Афлотун ўз холосасини қўйидатича асослайди. Ҳиссий бирон-бир нарса келиши керак. Шунинг учун билим ҳиссий қабуллаш билан айнан бир нарса бўлиши мумкин эмас. Бу фикрни рад этувчи раддия «Тиатет»да берилган. Бу исботда нафақат «тўғри» ҳақиқий фикр билан бирга ёлғон фикр ҳам бўлиши мумкин. Лекин Афлотун фикрича бундай бўлиши мумкин эмас. Унинг учун жуда бўлмаганда бирон-бир нарса ҳақиқат бўлиши керак (агарда у ўз фикрининг ёлғонлигини билса ёки ҳаммаси ҳақиқат бўлса-ю ёлғонни яшираётганини билмаса). Иккинчи томондан ёлғон фикрдан ҳеч қандай ёлғонни ажратиб олиш мумкин эмас. Ёлғон фикрни тасаввур қилиш мумкин эмас ва уни бошқа мавжуд борлиқ фикр деб фикрлаш мумкин эмас. Бундай тафаккурга ақл фаолиятини аниқловчи ва таққословчи нарса зарурдир. Таққосланётган нарсалар турли бўлганликлари учун бундай шароитда ёлғоннинг келиб чиқиши мумкин эмас. Шундай қилиб, ёлғон фикрнинг бўлиши мумкин эмас. Агарда шундай экан унга уни ҳақиқий фикр билан муносабатда деб айтиш нотўғридир. Бундан холоса чиқадиким, билимни тўғри фикр деб аташ ҳам мумкин эмас. Афлотун фикрича, ёлғон, умуман ҳеч қандай сезгиларда ва ҳеч қандай ҳиссий образларда бўлиши мумкин эмас. Афлотун фикрича, ёлғон дастлаб шу пайтда пайдо бўладики, қачон сезаётган ва ҳис этётган нарсаларни билиб туриб, уни қандай бирлаштириш масаласи турганда содир бўлади.

«Агар билимнинг ўзини аниқлаш мумкин бўлмаса, умуман ҳеч қандай ёлғонни аниқлаш мумкин эмас, — дейди Афлотун. 35 (Театет 199 С-200 Д). Биз шундай холосага келдикки, ёлғон фикрнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Лекин ҳақиқий фикр билан ёлғон фикрлар муносиблигидан қатъий назар билимни оддий — ҳақиқий фикр деб аташ мумкин эмас дейди. Афлотун ўзининг бу тезисини ҳақиқатлар тўғрисидаги матълумотларни ишонч таъсири билан таққослаш асосида асослаган. Ишончни сингдириш фикрни

сингдириш билан баробардир. Нотиқ ёки судяларнинг нутқларининг оддий мақсади шундайдир. Борди-ю шунда судья ҳақиқатни айтса, унда у көтираётган фикр албатта ҳақиқат бўлади. Лекин бу мисолдан куриниб турибдики, билим ва тўғри фикр мутлақо бир нарса эмас. Учинчидан баъзилар таъкидлашадики, гўё билим нафакат «ҳақиқий фикр», балки маънога эга бўлган ҳақиқий фикрдир.

Бу фикрни рад этувчи раддия «Тиатет» асаридан жой олган. Даставвал Афлстун мисолларни таҳлил қилиб, бундай гўё биргина ҳақиқий фикр ҳали билим бермайди, — дейди. Билимнинг пайдо булиши учун ҳақиқий фикрга яна «Маъно» деган нарса қўйилиши керак, дейди. Масалан айрим товушлар С ва О ҳали СО деган бўғинни ташкил этмайди, бўғин ҳақида билим пайдо булиши учун товушларнинг эддий қўшилишига олдиндан уларнинг бирлиги унинг бўғинининг эйдоси (тури)нинг яхлитлиги — аниқлаган булиши керак. Шундай қилиб, билим бу сезгилар эмас, нотўғри фикрни маъно билан боғлаш эмас. Барча ҳолларда билимни ҳиссиётдан чегаралаб қўйиш керак ва билимни ҳиссий образларини ва тасаввурларини келтириб чиқарувчи деб билмай, балки уларни келтириб чиқарувчи шароит деб билиш даркор. Афлотун «Театет»да шундай хулоса қиласдики, билим ҳиссиётни ва ақлни боғловчи, синтезловчи бўлиб, ақл ҳиссий тажрибаларнинг элементларини аниқлаши керак.

Бироқ, билим Афлотун фикрича тўлиқ маънода тўғри фикрдан юқори қадрлидир. «Тўғри фикр» барқарор булганида, улар яхшидир ва эзгуликни яратадилар. Ҳамма гап шунадки, улар («нотўғри фикрлар») узоқ вақтгача барқарор бўлиб тура олмайдилар. Улар инсон жамиятидан қочадилар. Шунинг учун кимдир уларни сабаб ҳақидаги мулоҳазалар билан боғланмаса, қийматга эга эмас. Бундай «боғлиқликни» Афлотун хотирага олиш деб айтади.

Афлотун «давлат» диалогида билимнинг шаклланишини афсоналар қиёфасида тасвирлайди ва борлиқ билан билим ўртасидаги муносабатни атрофлича таҳлил қилиб, билам билан борликнинг муносабатини фаровонликка интилиш деб билади.

Афлотун фикрича «фаровонлик» гояси борлиқ ҳам эмас, билим ҳам эмас, балки борлиқ ва билимни келтириб чиқарувчи ибтиодидир.

Афлотун «фаровонлик гояси»ни билим ва ҳақиқатнинг манбаи дейди, чунки у ақл орқали билинади. «Ёруғлик ва кўринишни күёшга ӯхшатишилик адолатдан лекин уларни күёш дейиш адолатдан эмас. Шунингдек билим ва ҳақиқат фаровонликка ӯхшайди дейиш адолатдан, лекин улардан бирон-бирини фаровонликнинг ўзи дейишимиш из адолатдан эмас. Чунки фаровонликнинг табиатини билимдан ва ҳақиқатдан юқори кўйиш лозим». З6 «Турларни» ёки «гояларни» файласуф кўрар экан ёки уларни нарсалар дунёси сингиб кетиши ёки аксинча, фикрда улар пайдо бўлгунга қадар, кўтарилишига ҳамдай билимдан юқори туришини кўрсатади.

Биринчи қолда уруғларни, турларини билиб жон «ғояларни» гипотеза ёки «таксимнлар» маъносида фойдаланади. «Жон тахминларга асосланадиган қолда, шаклларга бўлингани каби ибтидога эмас, балки интихосига боришини кўрсатади».<sup>37</sup> Бу пастга йўл дейилади, яъни ғоялардан нарсаларга ўтиш йўлдир.

Билинувчининг тури, ҳиссиятлар билан эмас, тасаввуротлардан билан эмас балки фақат фикр орқали билинадиганни Афлотун фикрловчи дейди. У икки қисмдан иборатdir. Биринчи қисми топиша жон тахминларга асосланади-ю, лекин ибтидогача бориб етолмайди, чунки жон тахминдан юқорига кўтарила олмайди.

Лекин шакллардан ёки ердаги жисмларда акс эттирилган ўхшашликдан фойдаланиши мумкин. Фикрланувчининг иккинчи қисми ҳам бор. «ғоя»ни таҳлил қилишнинг иккинчи имконияти бор. Бу шароитда жон интихога эмас, балки ибтидога қараб юради. У барча «таксимнларни» фаровонлик ғоясига бошлайди. «Фаровонликни» бундай тушуниш фикрни билиш чегарасидан ташқарига чиқади. Афлотун назарда тутган фаровонлик — билим, ҳам борлиқ, ҳам аниқроқ айтганда билим ва борлиқдан юқори туради.

Билим ва борлиққа нисбатан «фаровонлик» ўзида қарама-қарши таърифларни аниқланишини мужассамлаштиради. У борлиққа ва билимга имманентdir, чунки у нима аниқлаш уларнинг манбай ва асосий кучидир. Айни бир пайтнинг ўзида у борлиққа ва билимга нисбатан бутунлай транцентdir.

Афлотун «Давлат» асарининг VI китобида билим ларнинг турлари ҳақидаги тушунчаларини тушунтиради. У бил ғимларни ҳиссий ва ақлий қисмларга бўлади. Ҳиссий билим — қўйи тур. ақлий билим юқори тур. Уларнинг ҳар бири ўз навбатида, «тафаккур» ва «идрок»га бўлинади.

Афлотун фикрича, «тафаккур» фақат биргина ақднинг фаолиятидир, у ҳиссий қоришмадан холидир. У бевосита ақлий жисмларни ҳис этади. Бу фаолиятни кейинчалик Арасту тафаккур ҳақидаги тафаккурдир деган, неоплатониклар эса Афлотун фикрини давом эттириб интеллектуал интуиция (ҳис этиши) дейдилар.

Интеллектуал билимнинг иккинчи тури идрокдир. Афлотун фикрича идрок бу шундай интеллектуал билимки, унда билувчи ақлдан фойдаланади, лекин ўз ақли учун эмас, балки ҳиссий нарсаларни тушуниш учун фойдаланади. «Идрок» Афлотун фикрича бевосита билим тури эмас ва ноинтуитив эмас, балки ўргача «дискурсив» билим туридир. Идрок Афлотун фикрича ақл билан тахмин ўртасида ҳаракат қиласади. У ақлдан паст ва сезгидан юқори туради.

<sup>33</sup> Платон. Тесет 182.

<sup>34</sup> Ҳаш асар. 187.

<sup>35</sup> Платон. Тесет 199-200.

<sup>36</sup> Платон. Государство VI 508 Е — 509А.

<sup>37</sup> Платон. Государство VI 510 В

Хиссий билишни Афлотун икки қисмга бұлади: «Ишонч» ва «үхашаш»ға. «Ишонч» орқали биз жисмларнинг мавжуд сифатини қабул қиламиз за уларни шу сифатда тасдиқлаймиз. «Ҳашашлик» қабуллаш тури эмас балки жисмларни тасаввур қилишдир, ёки жисмларнинг хиссий шаклларига интеллектуал таъсири этишдир. Унинг «тафаккур»дан фарқи шундаки бу ерда «эйдослар»нинг таъсири йўқ. Лекин «үхашашлик» мавжудликни тасдиқловчи ўхашашлик «ишонч»дан фарқ қиласи. «Ҳашашлик» — фикрловчи ҳолат бўлиб, у ишончта таянади.

Афлотуннинг бу фикрлари билан билим ва фикр фарқи чамбар-час боғлиқдир. Ҳақиқатни ҳис этишни севган киши билади. Масалан, гўзаликни, гўзал нарсалар ҳақида фикр юритувчи гўзаликни ҳис эта оладиган бўлади. Чунки у бу билан алоқадордир. Кимда ким унга (гўзаликга) алоқадор бўлса-ю алоқадорлигини тан олмаса ҳам, бундай кишининг фикрини билим дейишимиз адолатдан эмас. «Фикрга эга бўлган киши булавчидан фарқи шуки, у гўзал рангларни, шаклларни, товушларни севади, лекин унинг ақли гўзал табиатнинг ўзини кўришга ва севишга ожизлик қиласи.

Фикр билимсиз эмас, лекин шунинг билан бирга билим ҳам эмас: у қоронғу билим ва билимсизликдан ёруғроқдир».<sup>17</sup>

Билим фикрдан имконият сифатида фарқ қиласи. У мавжудликнинг алоқида туридир.

«Фоялар» билимлар орқали билинади ва билим фақат «Фояларга» нисбатан мумкиндир. Бу Элей мактаби таълимотининг ривожидир.

Элейликлар фикрича ҳақиқатда бор борлиқ, фақат борлиқнинг ўзгина ақи орқали билинади, дейишиди. «Фоялар»дан фарқли ўла-роқ, математик жисмлар ва математик муносабатлар мулоҳаза ёки идрок қилиш орқали билинади. Бу билимнинг икинчи тури демакдир. Хиссий жисмлар фикрлар орқали билинади. Улар ҳақида ҳақиқий билимларнинг бўлиши мумкин эмас. Уларни мулоҳаза орқали билиш мумкин эмас. Борди-ю уларни билиш мумкин десак, лекин билимимиз ҳақиқатдан йироқ бўлади ёки гипотетик билим бўлиб қолади. Шундай қилиб, математик жисмларга қаратилган мулоҳазалар, Афлотун фикрича ҳақиқий билимлар билан фикрларнинг ўртасида бўлади. Нима учун математик жисмлар шундай ҳолатни эталлайди. Шунинг учун, Афлотун фикрича, математик жисмлар жисмларга ҳам, «Фоялар»га ҳам яқиндир. Бу жисмлар «Фоялар» сингари ўзгармасдир, уларнинг табиати ҳиссий дунёда уларни намоён қилувчи нусхаларга боғлиқ эмас. Масалан: учбурчакнинг табиати, биз кўраётган хусусий учбурчакка боғлиқ эмас. Лекин шунинг билан биргаликда дейди Афлотун, математиклар ўз предметларини билиши учун айрим фигуralар ёрдамида мурожаат қиласидилар. Бу фикрлар, тасаввурлар орқали чизилади ёки тасаввур қилинади. Шунинг учун математик билимлар Фояларни би-

лувчи билим эмас, математик билимлар ўзида ҳақиқий билимлар билан фикрларнинг айрим хусусиятларини мужассамлаштиради. Шундай қилиб, Афлотун таълимотига кўра, билим манбай — моддий дунё эмас, балки жон, умумий тушунчалар, гоялар дунёси-дир. Унинг диалектика тўғрисидаги таълимоти билиш назарияси билан чамбарчас боғлиқдир. Лекин унинг диалектикаси ўзига хос маънога эга.

## АФЛОТУН ДИАЛЕКТИКАСИ

Афлотуннинг диалектикаси билиш назарияси билан чамбарчас боғлиқдир. Унинг диалектика тўғрисидаги таълимоти билиш назарияси муҳим ўрин олган. Бироқ, Афлотуннинг диалектикаси алоҳида маънога этадир. Унинг таълимотича диалектика бу оғзаки сұхбат, савол-жавоб, исботлаш, ҳиссий билишдан кутилиш, тафаккур орқали гоялар дунёсини чуқурроқ билиш воситасидир. Унинг диалектикаси метафизик характерга эга, чунки ўнда умумий гоялар, тушунчалар ҳаракатсиз ва ўзгармасдир.

Афлотуннинг диалектика тўғрисидаги таълимоти фалсафий қарашларининг эволюцион ўзгаришлари билан узвий ҳолда эволюцион ўзгаришларга дучор бўлди. Эволюциянинг биринчи даври зрамиздан аввалги IV асрнинг 90—60 йилларига тўғри келади. Биринчи давр уч босқичдан иборат: Суқрот даври (90-йилларгача), танқидий давр (80-йиллар), объектив идеализм тизимини яратган давр (70-60 йиллар). Иккинчи давр 60-йилларга тўғри келади. Учинчи давр эса 50-йилларни ўз ичига олади.

Биринчи даврда Афлотун гояларнинг ўзгарувчанлиги ва қарама-қаршилигини инкор этиб, кишиларнинг жисмлар тўғрисидаги тасаввурларини ҳамда ҳиссий жисмларнинг ўзи қарама-қарши ва ўзгарувчанлигини эътироф этди. Бунда моддий жисмлар дунёсини номукаммал ва ноҳақиқийлик исботи деб қарайди.

Иккинчи даврда Афлотун гояларини нафақат тан олибгина қолмай, балки гояларнинг диалектикасини ишлаб чиқа бошлади.

Учинчи босқич файласуф пифагорчиларнинг сонлар тўғрисидаги назариясига мурожаат қилган даврида гоялар диалектикаси тўғрисидаги таълимотдан гоялар дунёсининг гоялари ва моддий дунёни барча борлиқнинг қарама-қаршилик яхлит концепциясини яратишга ҳаракат қилди.

Шундай қилиб, биринчи давр — суқротчилар даврида Афлотун диалектикаси савол-жавоб қилишни билиш деб билди. Савол беришни билган ва унга жавоб бера оладиган кимсани — дейди у — биз диалектикалар деб атаймиз».<sup>19</sup>

Афлотун фикрича диалектика даставвал фалсафий масалаларни ҳал этиш учун савол беришни билиш ва унга жавоб бериш демакдир».<sup>20</sup>

«Диалектика — деб ёзади файласуф ўзининг «Давлат» асарида, кишилар савол беришнинг уддасидан чиқиб, унга жавоб беришга ҳам қодирди рлар». Шу саволдан диалектика Афлотун фикрича оғзаки нутқнинг санъатидир. Диалектика бу адолат, гўзалик ва фаровонлик ғоялари тўғрисидаги жонли сұхбат услубидир. Афлотун ўзининг «Федр» диалогида ўзининг диалектика тўғрисида берган таърифларидан бирида мантиқий назария сифатида кўрсатилган диалектика бу тушунчаларни туғри бирикиш ва ажратиш услубидир. Бу орқали ғоялар дунёсига киришимизга имкон беради, лейди.

Афлотун «Давлат асарида диалектика тўғрисида шундай ёзади: — инсон ҳисси қабуллашдан, мутлоқ боз кечиб, аклий, ҳақиқий борлиққа интилиши керак. Диалектик йўл кишини барча ҳиссий қабуллашдан ғоялар дунёсига олиб киради ва ниҳоят олий ғояга — худо ғоясигига кўрсатилади».<sup>19(a)</sup>

Ақлнинг диалектик қобилияти биринчидан барча нарсаларнинг ибтидоси, яъни юқорига қараб ҳаракатдан иборат бўлса, иккинчидан барча нарсаларнинг ибтидосигача эриштач, пастга қараб ҳаракат қилиш ўз навбатида ўсиш, олий ғоядан бошқа қолган ғояларга қараб ҳаракат қилиш демакдир. Диалектик йўлнинг биринчи қисми фикрни қонуний умумлаштириш жараёни бўлса, иккинчи қисми хусусий ғояларнинг янада умумийроқ ғояларга итоат қилишдан иборатдир. Чунки Афлотуннинг ғоялари ўзгармас ва ҳаракатсиздир. Унинг диалектикасининг ўзига хос хусусияти шундаки, тушунчаларни ҳаракатсиз ноихчам, биридан иккинчисига ўта олмайдиганлигидадир. Диалектиканни тушуниш борасидаги қарама-қарши айтган йўналиши унинг «Парменид», «Софист» асарларида ўз ифодасини топган.

Файласуф мазкур асарида ғоялар тўғрисидаги тушунчасини қаттиқ танқид қилиб, ғоялар ҳаракати тўғрисидаги фикрни илгари суриб, диалектика масаласига жиддий ёнлошидди. Ана шу даврда файласуф томонидан ишлаб чиқилган диалектика тўғрисидаги таълимот икки қисмдан иборат — яъни кириш қисми ва мантиқий қисмдан иборатдир.

## АФЛОТУННИНГ ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ТАЪЛИМОТЛАРИ

Афлотуннинг жамият ва давлат тўғрисидаги таълимоти унинг дунёқарашининг марказий ўринларидан бирини ташкил этади.

У нафақат антик давр фалсафаси — онтология ва гносеологиянинг классиги бўлибгина қолмай, балки классик антик ижтимоий таълимотнинг, сиёсий назариянинг ва педагогиканинг моҳири эди.

Афлотуннинг ижтимоий қарашлари ҳақида рус адаби ва файласуфи Чернышевский Арастунинг «Поэтика»сининг русча таржимасига ёзган тақризида шундай дейди: «Афлотунни кўпчилик

одамлардан ва курраи-заминимиздан олисда, сезиб бўлмас, туманли, гаройиб ва гўзал ўлкага ошиқ хаёлпаст деб ҳисоблаганлар. У мутлақо ундаи киши бўлмаган, беҳуда хаёл сурувчи бўлмаган, у юлдузли оламлар тўғрисида эмас, балки курраи заминимиз, шарпалар ҳақида эмас, инсон ҳақида фикр юритган. Аввалимбор Афлотун инсон давлатнинг гражданини бўлмоғи лозим деган»<sup>41</sup>.

Ижтимоий-сиёсий масалаларга доир «Давлат», «Фонунлар», «Сиёсат» ва «Критий» номли асарлар ёзиб қолдирган. «Давлат» асарида жамият ҳақида унинг идеал сиёсий тузуми тўғрисидаги назариясини ўзининг марказий таълимоти — «Фоялар» назарияси билан чамбарчас боғлаган ҳолда илгари сурди. У илгари сурган идеал жамият намунаси такомиллашмаган эмпирик воқеиликка қарама-қарши туради. Бироқ «Давлат» асарига кўра «Фонунлари»да мавжуд тузум билан бирмунча келишувчанлик позициясини эгаллайди.

«Сиёсат» асарида эса, Афлотун илмий билиш доирасини амалий ва назарий мақсадларга бўлади. Ёзма буйруқ берувчи фанта давлат кишисига зарур бўлган фанни киритади. Унинг вазифаси — давлатни бошқариш. Унинг давлатни бошқариш санъати табиатан чўпоннинг санъатига ухшайди.

Афлотун фикрича, ҳозирги вақтда мавжуд барча давлатлар салбий давлатлар типини ташкил этади. Гандай давлат бўлмасин, унда доимо иккита бир-бирига зид давлатлар мавжуд. Бири камбағаллар давлати, иккинчиси бойлар давлати.

Давлатнинг салбий типлари, унинг фикрича тўртта шаклда мавжуд: 1. Тимократия. 2. Олигархия. 3. Демократия. 4. Тирания. Давлатнинг бу шаклларининг ҳар бири идеал давлат шаклиниң ёмонлашуви ёки бузилиши туфайли юзага келган. Давлатнинг бу шаклларида нифоқ, зўрлик ҳукмротлик қилиб, қабиҳ мақсадларини амалга ошириш йўлида таҳт учун интиладилар.

Мазкур салбий давлат шаклларидан биринчиси Афлотун фикрича, тимократия шаклидир, яъни шухратпастлар ҳукмронлик қилган давлат шаклидир. Дастрраб, тимократияда ҳали мукаммал тузумнинг хусусиятлари сақланган бўлади, ҳокимлар иззат-хурматга эга бўладилар, ҳарбийлар эса деҳқончилик ва ҳунармандчилик ишларидан ва умуман, бутунлай моддий ташвишлардан қутилган бўладилар, умумий овқатланиш жойларида овқатланадилар, ҳарбий санъат ва гимнастика машқлари гуллаган даврга тўғри келади. Кейинчалик қимматбаҳо металларга интилувчилар яши

<sup>41</sup> Чернышевский «О поэзии Аристотеля» статьи по поэтике. М., 1939, стр. 263-64.

ринча олтин ва кумушларни тўплашга ва сақлашга киришадилар. Бу ишда ҳар бийларнинг хотинлари жонларига оро кирадилар. Шундай қилиб, уларнинг турмуш тарзлари оддий ва талабсизликдан шоҳона ҳаёт томон ўзгара боради. Шу йўсинда тимократиядан олигархияга, яъни озчиликнинг кўпчилик устидан ҳукмронлик қилишига ўтилади.

Давлатнинг бу шаклида бойлар ҳукмронлик қиладилар, камбағаллар эса ҳокимиятни бошқаришдан маҳрумдирлар. Давлатнинг олигархия шаклида исрофгар бойлар, пировард оқибатда асаларилар уясидаги дангаса (иш бермас) асаларига ўхшаб камбағаллашиб қолади. Бироқ асал келтирмайдиган асаларидан фарқли ўлароқ, асал беришдан қолган асаларилар чақувчи нишларидан айрилган бўлсалар, бироқ икки оёқли иш бермас асалари сингари хонавайрон бўлган бойлар ўгри, қотил, кишиларга айланадилар ва ҳ.к.

Афлотун фикрича, давлатнинг олигархия тузумида жамият ҳәётининг асосий қонуни, яъни жамиятнинг ҳар бир аъзоси «ўз ишини», фақат ўз касбida ишлашга риоя қилмайди ва ҳатто бајармайди. Олигархияда жамият аъзоларининг баъзилари турли хил ишларни: дехқончилик, ҳунармандчилик ва ҳарбий ишларни бајаришади. Бундан ташқари, олигархия тузумида киши орттирган бойликларини тўла сотиш ҳуқуқига эга бўлади, бу эса ўз навбатида баъзи мулкдор кишиларни камбағалга айлантиради ва жамиятнинг мутлақо бекорчи аъзосига айланади.

Олигархия тузумининг кейинчалик тараққиёти изчиллик билан янада мураккаброқ ва ёмонроқ давлат шакли — демократияга олиб боради. Бу ҳокимият — ҳалқ ҳокимиятидир.

Демократия тузуми ҳукмронлик қилган даврда бойлар билан камбағаллар ўртасида қарма-қаршилик олигархияга нисбатан янада кучаяди. Камбағалларнинг бойларга нисбатан ғазаби кучайиб бориб, қўзғолонга айланади. Борди-ю қўзғолон камбағалларнинг ғалабаси билан тугалланса, у ҳолда камбағаллар бойларнинг бир қисмини қириб ташлайдилар, бошқа қисмини эса ватандан ҳайдаб юборадилар. Давлатни бошқариш функцияларини ўзаро бўлашиб олишади.

Салбий давлат шаклларидан энг ёмони бу тирания (якка шахснинг барчанинг устидан ҳукмронлик қилиши — Ю. С.) шаклидир.

Тирания давлатнинг бошқа шаклларидан фарқ қилмай, улар сингари ўзидан олдин ўтган давлат шакли бағрида юзага келади.

Тирания демократиянинг ичидан ўсиб чиқади. Кучли ва энг қаттиқ қулчилик энг улкан эркинликдан пайдо бўлади — дейди файласуф.

«Золим шоҳ (тиран) ҳокимликнинг дастлабки даврида ким билан кўришар экан, табассум или барчага қучоқ очар, якка кишига ҳам, кўлчиликка ҳам тоф-тоф ваъдаларни берар, қарздорларнинг қарзини бекор қилас, ҳалқга ва ўзига яқин кишиларга ер улашиб, ўзини улар олдидаги саҳий подшо қилиб кўрсатишга ҳара-

кат қиласы»<sup>42</sup>. Оддий халқ дохийга муҳтож әканликларини ҳис этишлари учун золим шоҳ доимо урушлар бўлиб туриши зарур эди. Чунки доимий урушлар одамларнинг қирилишига, ҳаётнинг мисли кўрилмаган даражада мушкуллашишига, оиласларнинг хонавайрон бўлишига олиб келар ва бир вақтлар жамият аҳдлари уни мақтаб кўкларга кўтарган бўлсалар, эндиликда золим шоҳга лаънатлар ёғдириб, уни қоралайдилар.

Давлатнинг салбий шакллари тўғрисида Афлотун ушбу фикрларни баён этиб, уларга қарама-қарши ўзининг идеал давлат ҳақидаги хаёлий фикрларини илгари суради.

Афлотун хаёл қилган давлатда давлат ишларини яхши бошқарадиган қобилиятли озгина кишилар бошқаради. Файлусуф фикрича, давлатни бошқарувчилар биринчидан табиий қобилиятга эга бўлиши, иккинчидан олдиндан узоқ муддат давомида тайёргарлик кўриши лозим.

Афлотуннинг идеал давлат тузумининг асосий негизида адолат ётади. «Адолатли» давлат ҳукм сурган даврда ҳар хил ва ҳатто турли тузумдаги давлатларни гармоник жиҳатдан бир бутунликни ташкил этади.

Энг адолатли давлат тузуми Афлотун фикрича, давлатнинг энг муҳим масалаларини ҳал этивчи бир қатор маънавий, иқтисодий ва сиёсий хусусиятларга эга бўлиб, ўзининг биргалик ҳаракати билан энг муҳим масалаларни ҳал этишга қодир бўлмоғи лозим.

Афлотуннинг хаёлий (утопик) давлатида жамият учун зарурый ишлар маҳсус касбга эга бўлган кишилар ўртасида тақсимланган бўлиб, яхлит гармоник бирликни ташкил этади.

Меҳнатнинг тақсимланишида Афлотун ўз давридаги замонавий давлат тузумининг заминини кўради.

Кишиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун бошқа мамлакатлардан зарурий озиқ-овқатларни, кийимлик молларни олиб келиш ва ўз навбатида бошқа давлатларга моллар чиқариш мақсадида ортиқча озиқ-овқат моллар, саноат молларини ишлаб чиқариш, бунинг учун ҳунарманд усталарнинг сонини кўпайтириш кўзда тутилган. Ҳз навбатида савдо-сотиқни ривожлантириш, олди-сотди, ташқарига мол олиб чиқиш ва ўз ватанига мол олиб келувчи кишилар, яъни савдогарлар табақаси юзага келган. Савдо-сотиқ, товарларни айирбошлаш давлат учун нафақат ташқи савдо-сотиқни йўлга қўйиш билан чекланмай, балки ички ишларни ҳам йўлга қўйиш зарурдир. Афлотун бундан холоса чиқарип бозор, ўлчов бирлигини ташкил этивчи танга пулларни ясаш керак эканлигини уқтиради.

Афлотун жамиятда меҳнат тақсимотини фақат жамиятдаги эркин кишилар ўртасида бўлиши мумкин деб ҳисоблаган. Қулларни эса одам ўрнида кўрмаган.

<sup>42</sup> В. Ф. Асмус. История античной философии. М., 1965, стр. 76.

Идеал давлат тегасида соф ва абадиј ғояларни кузатувчи файлусуф-донишмандлар тураси, уларни ҳарбийлар ҳимоя қилади, барча ҳаётий манбаларни эркин деҳқонлар ва ҳунармандлар таъминлаб тураси.

Файласуфлар ва ҳарбийлар ҳеч қандай хусусий мулкка эга бўлмайдилар. Агар олтин ва кумушларни сақласалар, аёвсиз рашишда қаттиқ жазога тортиладилар. Мулкчилик — деҳқонлар ва ҳунармандларнинг имтиёзларидир. Бу имтиёзлар уларга халақит бермайди, бироқ олий мақсадларни кўзлайдиган файласуфлар учун ҳалокатлидир. Афлотуннинг идеал давлатида алоҳида яшовчи оиласлар бўлмайди, балки бирлашган никоҳлар бўлиб, туғилган болалар жамият ҳисобига тарбияланади. Уларнинг умумий отоналари да злат ҳисобланади. Болалар ёшлигиданоқ давлатга содик бўладилар.

Аристократик нуқтаи-назарни ҳимоя қилиб келган Афлотун бироз юмшоқ шарт қўяди. Унинг бу шарти қуйидагича: инсон келиб чиқиши жиҳатидан қайси табақага тааллуқли ва унинг маънавий ва ақлий хусусиятлари ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик бўлмайди. Олий ва маънавий, ақлий қобилиятили инсон қўйи табақадан туғилиши мумкин ва аксинча эркак ва аёл юқори табақага мансуб бўлсаларда, лекин улардан туғилган бола паст жонга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳокимларнинг вазифаларига туғилган боланинг маънавий қобилиятини аниқлаш ва болани мазкур уч табақадан қай бирига тегишли эканлигини аниқлаб, ўша табақага топшириш лозим. Бироқ Афлотун орзу қилган идеал давлат тузуми амалга ошмайдиган ерда ўрни йўқ ҳаёлий давлат тузуми, буюк хаёлпастларнинг мулки бўлиб қолган. Худолар ва қонунлар олдидаги ҳурматли кўркув гўё илоҳий ирова ила ёритилган бўлса, у ҳолда баҳтли жамиятнинг асосини ташкил этган бўлади. Бундай хаёлнинг амалга ошмаслиги мутлақо аёндир. Буни Афлотуннинг ўзи ҳам қариган чоғида тушуниб етади. Ҳатто «Давлат» ва «ғонулар» асарларини амалга ошмайдиган афсоналар ҳақида деб ёзган.

Афлотун фикрича, мукаммал давлат тўртта асосий шон-шавкатга эга бўлмоғи лозим. 1. Донолик. 2. ғаҳрамонлик. 3. Тиовчи меъёр. 4. Адолатдир.

Афлотун фикрича, донолик бу олий илм ёки умуман давлат ҳақида гап ёрганда яхши маслаҳат беришга қодир киши.

Қаҳрамонлик донолик каби тор доирадаги гуруҳга мансуб хусусият, бироқ қаҳрамонлик хусусиятига эга бўлган кишилар доноларга нисбатан кўпроқ бўладилар.

Ўз-ўзини тиябилиш меъёри — бу алоҳида табақанинг сифати бўлмай, балки одил жамиятнинг барча озод кишиларига хос хусусиятидир. Ўз-ўзини тиябилиш меъёри ҳукм сурган ерда жамиятнинг барча аъзолари одил жамиятдаги қонунларга, ҳокимиятга бўйсунадилар ва ўзларини аҳмоқона хатти-ҳаракатлардан тиядилар.

Ўз-ўзини тиябилиш мөъёри жамиятдаги яхши ва ёмон томонларни уйғун бирликка олиб келади, деб ёзган файласуф.

Адолатнинг давлатда мавжуд бўлиши, унинг ғалаба қозониши, ўз-ўзини тиябилиш мөъёри туфайли юзага келади. Адолат туфайли ҳар бир синф, ҳар бир инсон ўзининг муҳим ишини амалга ошириши мумкин.

Агарда ҳунарманд ёки саноатчи бойигач, ҳарбий ишни бажариш иштиёқи туғилса, Афлотун бунга қатъян қарши чиқади. Чунки бу ҳатти-ҳаракат жамиятда ноиттифоқликни келтириб чиқариши мумкин.

Афлотун учун давлат бирдан-бир алолатни юзага келтирувчи доира бўлиб қолмай, балки давлат макромир бўлса, унга монанд келадиган макромир эса ҳар бир кишида, хусусан, унинг қалбida жойлашган бўлади. Афлотун фикрича, инсон қалбida учта турли ибтидо уйғунлик жиҳатидан бирлашган бўлмоғи лозим. 1. Оқиллик. 2. Аффективлик. 3. Ақсизлик ёки эҳтиёжни қондириш ва лаззатланишнинг дўсти.

Одил давлатда учта синф мавжуд бўлиб, улар -ҳокимлар, файласуф донишмандлар, ҳарбийлар ва ноз-неъматни яратувчилар оқил синф раҳбарлигига яхлит иноқликни ташкил этади.

Инсон қалбida шунингдек, учта таркибий қисмлар мавжуд. Агарда ушбу учта таркибий қисмларнинг ҳар бири оқиллик асосида ўз ишини адо этса, у ҳолда жоннинг ҳамоҳанглиги бузилмайди. Жоннинг бундай ҳаракатида оқиллик унда ҳукмронлик қиласди, аффективлик ҳимоя вазифасини ўтайди, ақсизлик эса ўзининг ахмоқона ҳатти-ҳаракатини камайтиришга ва бўйсунишга интилади. Инсон қалбida жойлашган ўша учта таркибий қисмлар белгиланган вазифаларини тўғри бажарса, у ҳолда ҳар бир киши ахмоқона ҳатти-ҳаракатлардан ва адолатсизликдан ўзини ҳимоя қилган бўлади.

Афлотун фикрича, одил давлатни фақат юнонликлар амалга ошириши мумкин эмиш.

Барча юнонлик бўлмаган ҳалқлар қай даражада маданиятга эришганлигига қарамай ва сиёсий етуклигига қарамай барibir ваҳшийдирлар, — деган файласуф.

Афлотун таълимотига кўра кишилик жамиятининг ва давлат тузумининг бузилишига сабаб, моддий манфаатдорликнинг ҳукмронлик қилишида ва уларнинг кишилар ахлоқ-одобига таъсир этишидадир. Шунинг учун ҳоким-файласуфлар нафақат ҳарбий-қўриқчиларни тўғри тарбиялашни ташкил этибигина қолмай, шунингдек шундай ҳаётий тартиботни ташкил этишлари керакки, унда уй-жой ва мулкий фаровонликка эга бўлиш қонуни, ҳарбийларнинг олий маънавий тарбиясига ҳамда ҳарбий хизматини

адо этишда шак-шубҳасиз таъсир этмаслиги керак. Ўз табақасидағи ва бошқа табақа кишилари ўртасидаги муносабатларга ҳам заррача салбий таъсир күрсатмаслиги керак. Афлотун фикрича, бу тартиботнинг муҳим хусусияти шундаким — ҳарбийлар мулкий ҳуқуқдан бекор қилинишлари керак.

Афлотун таълимотика ҳарбий-жантчи эрларининг энг яхши хотинлари ҳарбий аёллар булиш мумкин.

Ҳарбий кишилар ва аёллар мунтазам равишда умумий жисмоний ва ҳарбий машқлар бажариш жараённан доимо бир-бирларига табиий яқинлашиш ҳисси пайдо бўлиб туради.

Афлотуннинг идеал давлатида ҳарбийлар ўз оиласида эга бўла олмайдилар, фақат зурриёд кўриш мақсадида ўзаро алоқада бўладилар. Бу ҳам ўзига хос никоҳ ҳисобланади. Бунда фақат аҳоли кўпайиши мумкин-у, лекин оила юзага келиши мумкин эмас. Фарзанд дунёга келди дегунча, уни туққан онадан олиб, давлат ихтиёрига топширадилар. Давлатнинг маҳсус кишилари нуқсонсиз туғилган болаларни маҳсус энагаларга топширадилар, нуқсонли туғилгандарни эса ўлимга маҳкум этадилар. Барча ҳарбий эркаклар барча болаларнинг оталари ҳисоблансанса, барча аёллар эса барча ҳарбий эркакларнинг хотинлари ҳисобланадилар (Афлотун, Давлат. У. 461-б.). Ҳарбийлар тэбақаси учун шахсий мулкни маҳрум қилиш, уларга бошпанга ва овқатни давлат ўз ихтиёрига олиши, жамоат аъзолари иноқликда яшашлари йўлида уларни маънавий сифатларни ва шоншуҳрат хусусиятларини тарбиялаш тўғрисидаги илгари сурган таълимотини антик ижтимоий фикрларни ўргангандар буржуя тарихчи олимларнинг фикрича, гўё Афлотуннинг бу назарияси янги даврда илгари сурилаётган социализм ва коммунизм тўғрисидаги таълимотнинг айнан ўзгинаси эмиш. Бизга маълумки, Афлотуннинг давлатга ва ундағы шахснинг роли тўғрисидаги қарашлари ижтимоий хаёлпарастлик хусусиятлардан иборат. Бироқ бу хаёлпарастликнинг ичиди ижобий томони ҳам бор. Афлотун яккалик ва умумийлик ўртасидаги босланиш борлигини тушуниб етган. Шахснинг жамиятга боғлиқ эканлигини кўра олган. Индивид ва давлат бир-бирига боғлиқ дейди. Унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари антик Юонистонда муҳим роль ўйнаган.

## АФЛОТУННИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Афлотуннинг ахлоқий қарашларининг асосида ғоялар ва жон тўғрисидаги таълимоти ётади. Файласуф фикрича, биз яшаб турган дунёдаги барча нарсалар ва ҳатто бу дунёнинг ўзи ҳам ҳақиқий дунёнинг соясидир. ҳақиқий ғоялар дунёсини сезгилар у ёқда турсин, ақл орқали ҳам билиб бўлмайди, — дейди.

Инсон бамисоли зиндонга банди этилиб, ҳақиқий дунёнинг кўланкасини кузатаётганга ўхшайди; ҳақиқий дунё эса гўё бутун

ўзининг латофати билан унинг ортида тургандай туюлади. Инсон жисмонан ўсиши мумкин, лекин маънавий жиҳатдан тараққий этишдан маҳрумдир. Афлотун ўзининг «Театет» диалогида барча эга бўлинган билимлар бу фақат хотирага олиш демакдир. Жонимиз арант ғоялар дунёсида билғанларининг бাযзиларини хотирага олиши мумкин. Ҳеч қандай янгилик олиши мумкин эмас.

Афлотуннинг ахлоқий қарашларининг биринчи ҳолати бўйича: маънавийликнинг манбаи инсондан ва жамиятдан ташқарида турибди. Иккинчи ҳолат бўйича маънавий сифатлар (эзгуликлар) аввалдан индивидга, аниқроғи унинг жонига азалдан берилган, эзгуликнинг түғмалиги Афлотун учун зарурийдир. Чунки жамият аъзоларини гуруҳларга, табақаларга бўлиниши ҳаққоний ва муқаррардир.

Олий фазилат оқиллик, жоннинг оқил қисмининг намоён бўлишидир, бу донишманд файласуфларга хос фазилатdir. Улар давлатнинг бирдан-бир ҳақиқий хукмронлариdir.

Мардлик (қаҳрамонлик ёки руҳнинг кучи) соқчи-ҳарбийлар учун туғма бўлиб, давлатни ҳимоя қилишга қаратилган.

Афлотун таълимотича, оқиллик ва мардлик ижобий ва фаол фазилатлардир. Жоннинг ҳирсий (вожделяющий) қисмининг мўътадиллик билан боғлиқлиги ҳунармандларга, деҳқонларга, яъни ҳалққа хос бўлиб, улар давлатдаги икки юқори табақага бўйсунишлари лозим. Фазилатлар пиллапоясининг қуий қисмида қуллар туради. Улар умуман ахлоқдан ташқарида турадилар ва бирон-бир фазилатта эга эмасдилар. Чунки уларда жоннинг мавжудлиги мавхумдир, дейди файласуф.

Афлотун ҳарқалай «Федр», «Тимей» ва «Федон» каби асарларида жоннинг инсон танасига ёки ҳайвонлар танасига кўчиб юришини тан олса-да, лекин энг гуноҳкор жон қулнинг танасига кирмайди, ДЕЙДИ. ҚУЛЛАР АФЛОТУН ИЛГАРИ СУРГАН ХАЁЛИЙ ДАВЛАТДА ЭНГ ПАСТ ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА ЯРАТИЛГАН. ДАВЛАТНИ БОШҚАРУВЧИ ДОНИШМАНД — файласуфлар ва соқчи-ҳарбийлар худди ибтидоий коммунада яшагандай яшайдилар, ҳунармандлар, савдогарлар, деҳқонлар юқоридағи икки табақани ва ўзларини ноз-неъматлар билан таъминлайдилар. Барча ўзининг ишини бажаради, бу ўз навбатида давлатга адолатни таъминлайди.

Афлотун фикрича, одиллик шахсий фазилат бўлмай, балки давлат фазилатидир. Унинг фикрича, идеал давлат мажбурий идорадир. Барча ижтимоий ҳаёт олий принципга, яъни давлат ердаги ҳаётнинг олий шакли сифатида тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, кишиларни янти фазилатларга фазовий ҳаётга тайёрлайди. У ўз вазифасини адо этгач, ердаги оллоҳнинг маконига айланади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>. Виндельбанд Афлотун. СПб. 199, стр. 176..

Файласуф ўзининг сўнгги асари «ғонунлар»да давлат тўғриси-да гапириб, маънавий тарбияга катта эътибор беради ва қонунчиликни ахлоқий жиҳатдан мустаҳкамлаш тўғрисида гапиради. Файласуф бу асарида маънавий сифатларни (фазилатларни) түгма деб таъкидлайди. Тарбия факат азалдан инсонга берилган фазилатларни шакллантиради, юзага чиқаради, холос. Борди-ю, тарбия нотўри берилса, у ҳолда инсондаги азалий фазилатлар ўзгариши ёки ўчиши мумкин.

Ахлоқнинг асосини, маънавийликнинг намунасини илоҳият ташкил этади, — дейди. «Бизда барча нарсаларнинг мезонини асан худо ташкил этади».

Маънавий тарбиянинг асосий масаласини қонунларга ихтиёрий бўйсунишга эришишидир.

Афлотун фикрича, худо яхшилик манбаидир. Ҳаётнинг мақсади жонни ҳар қандай жисмий боғлиқликдан «тозаланиш»дир. Моддий ҳаётни ич-ичидан енган киши, соғ ва илоҳий ҳаёт кечирган киши ўлгач, мутлоқ озодликка эришади ва унинг жони олдинги ғоялар дунёсига қайтиб бориб, қайта туғилишдан ҳоли бўлади. Ҳақиқат худоларга хос. Авом ҳалқ эса жоҳил ва соғистларнинг соҳта оқиллиги билан қаноатланадилар. Афлотун Демокритнинг эвдимонизмини худосизликда, қалбаки ахлоқнинг силсиласи деб билди. Ердаги фаровонликнинг кетидан кувган «савдогар»ларнинг ахлоқи деб айтади.

Афлотуннинг ахлоқий назарияси диний тусда эди. Унинг асосини — абадий ва ўзгармас ғоялар, ўлмас жон, барча нарсаларнинг мезони — худо ташкил этади.

## АФЛОТУННИНГ ЭСТЕТИК КАРАШЛАРИ

Унинг эстетикаси «ғоялар» назарияси билан боғлиқдир. Унинг фикрича, ҳиссий жисмлар ўзгарувчан, пайдо бўлади ва емирилади. Шунинг учун улар ҳақиқий борлиқ эмас. Ҳақиқий борлиқ алоҳида руҳий мазмун — «турлар» ёки «ғоялар»дир. Афлотуннинг «ғоялари» — бу умумий тушунча бўлиб, мустақил моҳиятга эгадир.

Афлотуннинг эстетик таълимотлари «Катта гиппий», «Давлат», «Федон», «Софист», «Базм», «ғонунлар» ва бошқа асарларида ўз ифодасини топган. Унинг фикрича, эстетик масалалар ичida гўзаллик алоҳида ўрин тутади.

Сукрот билан бўлган суҳбатда Гиппий шундай дейди: Гўзалликка гўзал қиз, гўзал байтал, гўзал лира (юнонларнинг торли мусиқа асбоби) ва ҳатто гўзал кўза тааллуқлидир. Зукколик билан саволларни қалаштириб юборган Сукрот Гиппийни боши берк кўчага киргизиб қўяди ва Гиппий ўз навбатида бир нарса айни бир пайтда ҳам гўзал, ҳам хунук бўлиши мумкин деган қарорга келишга мажбур бўлади. Сукрот Гиппийнинг иқрор бўлишига эришади: гўзаллик қимматбаҳо нарсада (олтин қошиқ, ёғоч қошиқ-

дан гүзалроқ әмас, чунки иккиси ҳам бир мақсадға қаратылған). Күз ёки қулоқ орқали олинадиган гүзаллик «фойдали» ва «яроқли» бўлиши мумкин әмас. Гүзалликни ҳиссий сифатларга эга бўлган якка-якка буюмлардан қидириш керак әмас, дейди файласуф.

Афлотун барчага ҳамиша гўзал бўлган нарсанни қидиради. Бошқача айтганда, файласуф мутлоқ гўзаликни ахтаради, унинг фикрича, фақат конкрет (аниқ) жисмларда қўшилган ғоялар, уларни гўзалга айлантириш мумкин. Афлотун гўзал ғояни ҳиссий дунёга қарама-қарши қўяди, ғоя замон ва макондан ташқарида бўлиб, ўзгармасдир. Гўзаллик нечоғлик ғайри ҳиссийлик тусиға эга бўлганлиги учун уни ҳиссиёт орқали әмас, балки ақл орқали билиш мумкин. Афлотун санъатга ҳам идеалистик нұқтаи-назардан ёндошади. Дастрраб қараганды у антик анъянага амал қилгандек туюлади. Маълумки, Афлотуннинг ўтмишдошлари санъатни мисоли борлиқни тақлид қилиш орқали нусха олиш деб тушунгандар. Демокрит ва Суқротлар ҳам санъатга ана шу тарзда ёндошганлар. Афлотун шунингдек ҳиссий нарсаларга тақлид қилиш тўғрисида фикр юритади. Бироқ ҳиссий нарсаларнинг ўзи ғояларнинг акс этишидир. Мусаввир нарсалардан нусха олар экан, лекин у нарсаларнинг ҳақиқий мазмунини ва гўзалигини билиш даражасига кўтарила олмайди, дейди файласуф. Мусаввир санъат асарини яратар экан, у фақат ҳиссий нарсалардан нусха олиш билан кифояланади, уларнинг ўзи эса, ғояларнинг нусхасидан иборатдир. демак, мусаввирнинг тасвири фақат нусхалардан нусха кўчириш, тақлидларга тақлид қилиш, сояларнинг соясидан бўлак нарса әмас. Масалан, дурадгор карават ясайди. Бу фаолият ҳақиқий борлиқ саналади, чунки у караватнинг тушунчаси устида әмас, балки ҳиссий буюм яратмоқда. Дурадгор шундай қилиб, аслида караватнинг моҳиятини ярататётгани йўқ. Мусаввир ҳиссий жисмлардан нусха кўчирап экан, у «ҳақиқий борлиқдан» янада йироқлашади. Бундан хулоса чиқариш мумкинки, санъат тақлид сифатида ҳақиқатдан йироқдир, чунки у жисмдан «қандайдир арзимас шарпа олади».

Санъат иккиласмачи акс этиш, яъни акснинг акс этиши сифатида, билишнинг қимматидан маҳрумдир, ундан ташқари, у алдамчи, сохта бўлиб, ҳақиқий борлиқ — дунёни билишга халақит беради.

Ижодий жараённи Афлотун ҳақиқатдан йироқ, идеалистик маънода тушунади. У бадиий илҳомни билиш жараёнига қарама-қарши қўяди. Мусаввирнинг илҳоми ақлдан йироқ, ақлга қаршидир. Ижодий жараённи Афлотун «ружланиш» ва «илоҳий куч» атамалари орқали уни асослашга интилади. Шоир санъати ва билими билан ижод қилмай, балки илоҳий қувватдан ижод қилади, дейди файласуф. Шундай қилиб, файласуф шоирона ижодни мистик назария орқали ривожлантиради. Бу назарияга биноан мусаввир бехосдан (бенхтиёр) ва телбага ўҳшаб ижод қилади. Бу ижодий акт

үз-үзича ақлдан йироқ характерга зга. Мусавири шоир ўзлари нима қилаёт анларини билмай ижод қыладилар. Ҳақиқий ижод илохийликсиз бұлмайды. Эстетиканиң ижтимоий томони ҳам файласуфни қызықтиради. Жамият ҳаётида санъат қандай муносабатда бўлиши лози м? бу масала файласуф учун ўта мұхимдир, уларни убатафсил таъдил қилган.

Афлотун ўзининг «Давлат» асарида идеал давлатда санъатта ўрин ўйқ дейди. Бироқ худоларга тароналар яратиш ва ижро этиш мүмкін дейди. Чунки бу тароналар жасурлик ва фуқаролик ҳисларини уйғотади, дейди файласуф.

Афлотун ўзининг сўнгти асари «Фонунлар»ида эса санъатта нисбатан катта талабчанликдан бироз чекинганини баён қиласи. Гёё худолар инсон зотига, улар меҳнатта яратилғанликлари учун оғир меҳнатдан оз фурсат бўлса-да дам олишларига, байрамлар ўтказишлари га Апполон худоси мусиқа ҳадя этади. Гёё байрамларга бунга бошчилик қилувчи Дионис кишилар йўл қўйган хатоларни илохий куч ёрдамида тузатиш, тарбияни тўғри йўлга қўйиш имконият яратади деган.

Файласуф икки илохий санъат ҳақида гапиради. Тартибли санъат ва ширип санъат. Биринчиси кишиларни яхши тартибга солса, иккинчиси уларни ёмон ҳолатта келтиради, дейди. Идеал давлатда тартибли санъатта катта ўрин берилади. Бунинг учун дейди файласуф, идеал давлатда бадиий фаолиятни назорат қилиб турувчи, уларга баҳо берувчи кишилардан «баҳо берувчи» гуруҳлар тузишни таклиф қиласи. Афлотун шунингдек, комедиялар қўйишга ижозат беради. Лекин комедияларни чет элликлар ёки қуллар ижро этиши мүмкін, фақат катта назорат остида трагедияларни ҳам ижро этиши мүмкін.

Юқорида айтилғанлардан қўйидаги холосани чиқариш мүмкін. Афлотун санъатта қатый салбий баҳо берган бўлса-да, лекин бадиий фаолиятга мутлақо қарши чиқсан эмас.

## АРАСТУ ФАЛСАФАСИ

Пелопонес жангы қадимги Юнонистондаги шаҳар-давлатларнинг чуқур инқиrozга юз тутишига олиб келди. Юнон шаҳарлари ўртасида тўхтовсиз узоқ давом этган урушлар бўлиб ўтди. Бу урушлар турли табақалардан иборат жамиятда қулдорлар билан қуллар, бойлар билан камбағаллар, олигархлар билан демослар ўртасидаги зиддиятларнинг янада кескинлашувига олиб келди.

Ўзининг ҳарбий юришлари билан жаҳонга донги кетган Александр Македонский ўз даврида қудратли давлат ҳисобланган Форо давлати устидан ғалаба қозонгач, Жанубий-ғарбий Осиёning кўлгина қисмими зabit этиб, Европа ва Осиё халқаридан ташкил топган буюк давлатни барпо этади.

Ана шундай бир даврда илм-фаннынг ривожланишига ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўштан буюк мутафаккирлардан бири Афасту (эрамиздан аввал 384—322 йиллар) эди. Арасту антик даврдаги юон фалсафаси ва илм-фани тараққиётида янги даврни яратди. Арасту қуллорлар синфининг ўрта табақа вакили бўлгани учун демократия тарафдори эди.

У Македония якинидаги Стагир шаҳрида, Македония подшоси Аминта саройида табиб оиласида туғилган. Отаси Никомах эди. Арасту табиб хонадонидан бўлганлиги сабабли ёшлиқ чоғиданоқ жисмонан бақувват ва соғлом бўлиб улғайди. Дастрлабки таълимотни ўз оиласида олтач, ўн етти ёшида устози ва дўсти Афлотун ташкил этган Академияга ўқишга кириб, йигирма йил давомида, яъни Афлотун вафотигача шу даргоҳда таълим олди. Илмий манбаларда келтирилишича Арасту Афлотуннинг дўстлари ва шогирдлари орасида ақл-заковоти, илмга бўлган қизиқиши билан алоҳида ажralиб турар эди. Арасту жуда билимдон бўлганлиги сабабли устози Афлотун билан турли масалаларда баҳслашиб турар, айrim ҳолларда бъазилари юзасидан унга эътиrozлар ҳам билдирар эди. Ҳақиқатпарвар мутафаккир ўз устозининг фалсафа борасида йўл қўйган хатоларига бефарқ қарай олмаганлиги сабабли «Афлотун менинг дўстим, лекин ҳақиқат дўстлигимиздан ҳам азиз» деган.

Арасту Македония подшоси Филиппнинг илтимосига биноан унинг ўғли Александрга 3 йил давомида тарбия берди. Ҳокимиятни бошқариш 16 ёшли Александрга қолган, давлат 1 шлари унинг таълим олишига имконият бермади. Отасининг қолган қудратли давлатни кенгайтириш мақсадида Александр Македонский Шарқ Ва гарбга юришлар қилиб, жаҳоннинг кўпгина қисмини забт этишга мусассар бўлди. Ана шундай голибона юришларни ўзининг энг яқин маслаҳатчиси сифатида Арастуни ҳам бирга олиб юрди. Ҳи икки йил сафардан кейин Арасту 334 йили эллик ёшида Афинага қайтиб келади.

Тарихий адабиётлар ва илмий манбаларда ёзилишича Арасту Александр Македонский билан юришлар чоғида жуда катта илмий ишлар учун маълумотлар тўплаш билан шуғулланган. Ана шу материаллари асосида ўзининг асосий асарларини у умрининг сўнгги йилларида ёзган. Арасту Афинага улуғвор Македония сарой аҳиллари билан дўстона муносабатда бўлган, ҳурматли ва обрўли киши сифатида қайтиб келганди. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Македония подшоси Александр Арастуни табиий-илмий тадқиқот ишларини кент олиб бориши учун моддий жиҳатдан таъминлаб турган. Ана шу имкониятларнинг орқасида бўлса керак, Арасту эрамиздан аввалги 335 йили Афинада ўзининг хусусий мактаби — Ликкейни очишга эришади. Мактаб Алполон Ликкей ибодатхонаси яқинида очилгани учун шундай номланган. Арасту бу мактаб богида ўз шогирдлари билан саир қилиб, маъруза

үқір зди. Кейинчалик унинг саір қилиб маъруза тингловчи шоғирдларини перепатетиклар (яъни саір қилиб юрувчилар) деб атадилар. Тарихий манбаларда келтирилишича Арасту ташкил этган мактаб жуда катта кутубхонага ҳам эга бўлган экан.

Александр Македонский ҳаётининг сўнгти Йилларида Арастунинг Афина Зодагонлари билан муносабати анча ёмонлашди. Александр Македонскийнинг ўлимидан кейин Арастунинг Афинада қолиши жуда хавфли бўлиб қолади. Чунки ўша даврда Юнонистонда хусусан Афинада Александр Македонский ҳукмронлигига қарши қаттиқ кураш бошланган зди. Шунинг учун Арасту эрамиздан аввалиги 323 йили таъқиблардан қочиб. Афинани тарк этади ва Эвбей оролидаги Халқида деган ерга кўчиб келади. Орадан бир йил ўтгач 322 йили ўша ерда вафот этади.

Арасту виғотидан илгари Афинадаги ўз кутубхонасини шоғирди Теофрастга қолдиргандиги, ҳамда ўзига яқин бўлган кишиларига, ҳатто ўз қулларига ҳам меҳрибонлик қилгандиги васиятида ўз ифодасини топган.

Арасту фақат улкан файласуф эмас, балки кўпгина фан соҳалида қалам тебратган забардаст мутафаккир зди. У мантиқ, психология, фалсафа, этика, эстетика, риторика, табиий фанлар бўйича ўлмас аса әлар ёзиб қолдирган Арасту томонидан текширилган барча фанлар борлиқни ўрганишга қаратилган.

У мантиққа оид барча асарларни «Органон» номли йирик тўпламга киритган. Арасту фикрича мантиқ ўзига хос билим қуроли бўлиб, фалсафанинг мұқаддимаси ҳисобланади.

Арасту барча фанларни икки қисмга — назарий ва амалий фанларга ажратади. Унинг фикрича назарий фанларни ўрганиш фақат уларни билишга қаратилган. Амалий фанлар эса инсонга йўл-йўриқ кўрсатишга, бирор фойдали ишни амалга оширишга қаратилган. Назарий фанларни Арасту уч қисмга бўлади:

1. Биринчи фалсафа (метафизика), 2. Математика, 3. Физика.

Агар «Мегафизика», яъни биринчи фалсафа борлиқнинг ўзгармас асосини ўрганса, математика жисмларни абстракт, миқдорий ва фазовий ҳоссасини, физика ва жисмларнинг табиатдаги турли холатларини ва аник «материяларни» ўргатади.

Арастунинг борлиқни турли фанлар ёрдамида ўрганишини олимлар юқори баҳолаганлар. Шундай қилиб, Арасту фалсафасининг хусусияти материализм билан идеализм ўртасида иккила нишдан иборатдир. У ўзининг илк фалсафий қарашларида устози Афлотунга эргашган бўлса, кейинчалик унинг идеалистик фалсафасини танқид қилиб, ўзининг мустақил таълимотини яратди. Арасту таълимотича, Афлотуннинг «ғоялар» назарияси асосга эга эмас. Афлотун таълимотича, оламда гоялар бирламчи бўлиб, моддий дунё, жисм ва ҳодисалар уларнинг нусхасидир. Арасту Афлотуннинг бу таълимотини рад этиб, ғояларнинг ўз жисмнинг оддий

нусхаси ва ўз мазмуни жиҳатидан унинг бу жисмлардан фарқи йўқ деб таъкидлайди. Демак, Афлотун таълимотига «умумий ғоялар» ўз нусхаси сифатида жисм ва ҳодисаларни яратган, ғоя — жисмнинг моҳиятидан иборат Афлотуннинг бу ғоясини Арасту рад этди. Агар «ғоя» жисм ва ҳодисаларнинг моҳияти бўлса, у вақтда бу моҳият шу жисм ва ҳодисаларда гавдаланиши ва ифода этилиши лозим эди, ва ваҳоланки Афлотунда жисм ва ҳодисалар ўз моҳиятидан (ғоядан) бутунлай ажралган деб таъкидлайди Арасту. Шунинг учун Афлотун фикрича, нарса ва ҳодисаларни ўрганиш уларнинг моҳиятини билишга ёрдам бермайди. Афлотун фикрича моддий нусха ва ҳодисаларни билишнинг ҳожати йўқ, сеизги аъзоларимиз хизматидан воз кечиш керак деган фикрни илгари суради. Шу нарсаларни аниқлаган Арасту Афлотунда ғоя билан Моддий предметлар, моҳият ва ҳодисалар, имконият ва воқеалик ўртасида боғланиш бутунлай йўқ эканини таъкидлайди. Шундай қилиб Афлотун фикрича ғоялар абадий, бирламчи, ҳаракатсиз, ўзгармас, уларнинг нусхаси хисобламиш. Моддий нарсалар ва ҳодисалар ҳаракатда, ўзгаришда ва ўткинчи характерга эгадир. Афлотуннинг бу файри илмий таълимоти Арасту фикрича асоссиз ва қарама-қарши кутбга эгадир. Модомики, предмет ва ҳодисалар «ғоя»ларнинг маҳсули, нусхаси экан, — деб таъкидлайди Арасту — нега «ғоялар» ҳаракатсиз, ўзгармас, мангу, уларнинг нусхаси, маҳсули эса ҳаракатда, ўзгаришда ва ўткинчи характерга эга бўлиши керак? Арасту бу ерда Афлотун таълимотида таъкидланган предмет ва ҳодисалар билан «ғоялар дунёси» ўртасида сабабий боғланиш йўқ эканини очиб ташлайди. Арасту Афлотун сингари тушунчалар орқали борлиқнинг муҳим, туб ва ўзгармас хоссасини билиш мумкин, дейди.

Лекин Арасту Афлотуннинг тушунчалар орқасида конкрет моддий нарсалар ётишини инкор этишини танқид қилиб, тушунчалар орқасида конкрет нарсалар ётади деб таъкидлайди.

Масалан, Афлотун ўрмон тушунчаси ортида конкрет дараҳтлар ётишини кўра олмайди. Афлотун тушунчаларни ҳиссий борлиққа қарама-қарши қилиб қўяди. Арасту таъкидлашича, «ғоялар дунёси» таълимотининг юзага келишида Гераклитнинг ҳиссий нарсаларнинг тўхтовсиз ўзгариши таълимоти асос бўлди. Шунинг учун Арасту Афлотун, Гераклит таълимотиларига қарама-қарши билимнинг манбай ҳисобланмиш ўзгармас абадий нарсаларни яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Арасту «Метофизика» асарида Афлотуннинг ғоялар ҳақидаги таълимотини танқид қилиб, Афлотун ғояларни оламдаги ҳиссий нарсалардан ажралган ўзига мустақил ғоялар эканини исботлади ва шу асарнинг бошқа қисмларида Афлотуннинг мустақил ғоясига қарши ўзининг ҳиссий нарсалар тушунчасига муносабати тўғрисидаги таълимотини қарама-қарши қўяди.

*Арасстунинг Афлотун ғояларига қарши чиқиши*

*Афлотуннинг Афлотун ғояларига қарши тўртта  
эътирози мавжуд:*

1. Афлотуннинг ғоялари билиш учун фойдасизdir, чунки бу ғоялар нарсаларни билишда ҳеч қандай янгилик бермайди. Афлотун фикрича умумийлик фақат ғояларда мавжуд ва бир нарса бир неча ғояга эга бўлиши шарт. Масалан: Инсон тирик жон, икки оёқли инсон ғоя умуман инсон Афлотун ғоялари фан учун бефойда дейди Арасту.
2. Афлотуннинг «ғоялар» фақат билиш учунгина фойдасиз бўлибгина қолмай, шунингдек ҳиссий нарсаларнинг мавжудлиги учун ҳам фойдасизdir: чунки уннинг «ғоялари» оламдаги нарсалардан мутлақо мустақилdir. Улар ўргасида бирон-бир муносабат бўлиши ҳам мумкин эмас. Афлотун фикрича ҳиссий оламдаги нарсалар «ғоялар» ичida мавжуд.
3. Афлотуннинг мантиққа бўлган муносабати биринчидан, «ғоялар» ўртасидаги мантиқий муносабатлар бўлса, иккинчидан, «ғоялар» билан ҳиссий нарсалар ўртасидаги муносабатdir. Ғоялар ўртасидаги мантиқий муносабат, бу умумий ғояларнинг хусусий ғояларга бўлган муносабатидан иборатdir. Афлотун таълимоти бўйича, умумийлик бу хусусийликнинг моҳиятиdir. Лекин бу икки холат, яъни умумийлик ғояларнинг хусусий ғояларга муносабати ва шунингдек «ғоялар» субстанционалдир деган холоса бир-бирига зиддир, дейди Афлотун. Бошқа қилиб айтганда Афлотун фикрича битта ғоя бир пайтничиг ўзида субстанционал эмас. Умумий ғояга бўйсинадиган хусусий ғоя умумий ғояга нисбатан субстанционалдир.

Умумий ғоялар эса субстанционал холатга эга эмас, чунки умумий ғоялар, субстанционал ҳолатга эга бўлган хусусий ғояларга нисбатан умумий бўлганлиги ҳамdir. Биз бу ерда Афлотуннинг ҳиссий нарсалар билан ғояларни бир-бири билан қориштириб юборганини кўраяпмиз. Афлотун фикрича умумий ғоялар қандайдир алоҳида дунёни ташкил этади. Ана шу алоҳида дунё, яъни ғоялар дунёси ҳиссий нарсалардан иборат дунёдан мутлақо бошқадир. Шундай қилиб, Афлотун фикрича нарса ҳақидаги ғоя бир-биридан алоҳида мавжудdir.

4. Арасстунинг Афлотун ғоясига нисбатан тўртинчи эътирози шундан иборатки, Афлотуннинг ғоялари ҳиссий оламдаги нарсаларнинг муҳим хусусиятларини тушунтира

олмайди. Ҳиссий оламдаги нарсаларнинг муҳим хусусиятлари бу уларнинг ҳаракати ва ташкил топиши, вужудга келиши ва емирилишидан иборатdir. Афлотун ҳиссий оламдаги тұхтөвсиз содир бўладиган ўзгаришлар ва ҳаракатларнинг сабабини кўрсатиб беришга қодир эмас.

Арасту фикрича Афлотуннинг ғоялар тұғрисидаги таълимотининг чалкашликка, қийинчиликка олиб келиш боиси, умумийликни яккаликка нисбатан мутлоқлаштириши ҳамда умумийликни яккаликка қарама-қарши қўнганлигидир. Арасту фикрича Афлотун хатоларининг асосий сабаби унинг «ғоялари» ҳиссий предметлардан ажralган ҳолда мустақил мавжудлигидадир. Шунинг учун ҳам Афлотуннинг ғоялари пайдо булиш жараёнларини ифодалашга қодир эмас. Афлотуннинг хатоси, унинг умумийликни тан олишида эмас, балки ғояларнинг алоҳида мавжуд деб тан олишида, ҳамда умумийликни яккаликка қарама-қарши қилиб қўйишида — деб ёзади Арасту ўз асарида.

Арасту Афлотун таълимотига қарши чиқиб, олам моддий, абадий ва объектив жараёнига эга, моддий нарсалар ҳаракатда ва ўзгариша degan фикрни олға сурган.

## АРАСТУНИНГ БОРЛИҚ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТИ

Арасту фикрича моддий дунё объективдир. Табиий моддий субстратга эта ва доимо ва ўзгаришда бўлган нарсалар йиғиндисидан ташкил топган. Моддий дунё доимо мавжуд бўлган ва мавжуд бўлади ҳамда ўзини ифодалашда Афлотуннинг «ғоялар дунёси»га муҳтоҷ эмасдир. Ҳақиқатни билиш Арасту фикрича, биринчи навбатда табиий ҳодисаларни билиш degan гапдир, яъни сезгиларимиз, тасаввурларимиз реал нарсалардан келиб чиқади.

Шуни эътироф этиш лозимки, файласуф ташқи оламнинг объектив мавжудлигини тан олади. Лекин якка-якка нарса ва тушунчалар билиш умумий тушунчалар ўртасидаги муносабатни тұғри хал эта олмаган. У умумийлик ва яккалик, хусусийлик, тушунча ва сезгилар, моҳият ва ҳодисалар ўртасидаги диалектик борлиқликни құра олмаган. Маълумки, фан фақат борлиқнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш билан чекланмай, балки дунёни бир бутунликда ва зарурийликда текшириш керак.

Арасту конкрет ҳиссий моҳият материя ва шакл бирлигидан иборат дейди. Шунингдек, якка-якка борлиқни тушуниш ва билиш шакл ва мазмуннинг бир-бирлиги демакдир. Шакл борлиқ планида — предметнинг моҳиятидир, билиш планида эса — предмет ҳақидаги тушунчадан иборат.

Арасту материянинг моҳияти — унинг ўзида дейиш билан ана шу моҳиятни билиш учун сабабият тұғрисидаги таълимотни яратиб, оламдаги жисмлар ва ҳодисаларнинг сабабларини тұртта бўлади:

1. Моддий сабаб, яъни материя.
2. Шаклий сабаб ёки шакл.
3. Яртывчи сабаб.
4. Охирги сабаб ёки мақсад сабаб.

Материя хар бир предметнинг моддий асосидир. Бундан ташқари Арасту ҳар бир нарсанни ясаш учун кетган материяни ҳам моддий сабаб миъносига тушунади. Асосий сабаблардан яна бирини шакл ёки шаклий сабаб ҳисобланади. Ҳар бир материя муайян бир шаклга эга, шаклсиз нарса ва ҳодисаси бўлиши мумкин эмас. Шаклсиз ёки шаклланмаган нарса хомашё ёки имкониятдагина иборат. Арасту фикрича шаклий сабаб, яъни шакл борлиқ планида предметнинг моҳиятидан иборат. Бу ерда Арасту шаклий сабабни моддий сабабдан устун қўяди ва бу билан идеализмга ён босади. Шаклсиз материя ҳаётдан, қувватдан ва бир бутунликдан маҳрумдир. Ишлаб чиқарувчи сабаб, Арасту нуқтаи назарича харакат ёки тинчлашишнинг мэнбаидир. Масалан, маслаҳат берган киши — маслаҳатнинг сабабчисидир. Ота ва она боланинг сабабчисидир, ўзгартивчи ўзгаришнинг сабабчисидир.

Охирги сабаб (мақсад) Арасту таълимотича, ҳар бир харакат, ўзгариш ёки киши фаолиятининг оқибатидир. Арасту охирги сабабни, яъни мақсад сабабни нотўғри тушунади. Унинг фикрича оламда содир бўладиган ҳодисалар бирон бир мақсад йўлида бўлади. Бу борада Арасту табиатдаги ҳар бир ҳодисаси тараққий этишда, аввалдан ички мақсадни (энтелихияга) эгадир — дейди.

Арасту инсонга хос бўлган мақсадни табиат ҳодисаларига ҳам киритмоқчи бўлади. Масалан, қурилиш материаллари — моддий сабаб, лойиҳа шаклий сабаб, қурилган уй нимага мўлжалланган — мақсад саъаб.

Шундай қилиб, Арасту мақсад сабабни табиатда ҳам жорий этмоқчи бўлиб, табиатдаги ҳар бир ҳодисаси ўз ички мақсадларига эга деган хулосага келади. Бу ерда Арасту табиат билан инсоннинг онгли фаолиятини тенгглаштириб қўяди.

Энди биз оламдаги якка-якка нарсаларни эмас, аксинча бутун табиат ва оламни яхлит қўрадиган бўлсак, унда биз оламни тушунтиришда материя ва шаклнинг зарурий равишда мавжудлигини тан олишимиз керак. Бу нарсанни ҳал этиши учун олам замонда мавжуд бўлганми ва замонда йўқ бўладими деган масалани кўриб чиқишимиз лозим. Юқорида аниқлашимизча ҳаракатнинг мумкинлиги биринчидан, материянинг мавжуд эканлигидан, иккинчидан, шаклнинг муайян бир предметда шаклланганлигидан келиб чиқади. Шунга асосланган ҳолда, Арасту дунё — абадий борлиқдан иборат дейди.

Тахмин қилайлик, қачонлардир дастлаб ҳаракат вужудга келганга деб. Унда шундай савол туғилади. Дастлаб, ҳаракат вужудга келгунга қадар материя ва шакл мавжуд бўлганми ёки мавжуд

бўлмаганми? Бордию материя ва шакл дастлабки харакатдан олдин мавжуд бўлмаган десак, унда материя ва шакл илгаридан пайдо бўлган дейиш тўғри келади. Биламизки, бирон бир нарса харакатсиз вужудга келмайди, ундей бўлса харакат бошлагунга қадар мавжуд бўлган деган нотўғри фикрга келишимиз мумкин.

Арасту фикрича бу қарама-қаршиликни хал этишда фақат бир услуб мавжуд. Оламда содир бўлаётган харакат фақат ўзининг бошланишига эга бўлмаслигидан ташқари охири ҳам йўқ, яъни харакат олам сингари абадийдир. Арасту фикрича оламнинг абадий мавжудлигини ўз навбатида олам ўзининг абадий сабаби ва абадий харакатлантирувчи кучига эга деган тахминга олиб боради. Бу абадий двигатель биринчи харакатга келтирувчи кучдир. Биринчи харакатта келтирувчи куч (яъни худо) бўлмаса, ҳеч қандай харакатнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу ерда Арастунинг онтологик ва коммологик таълимоти унинг илохий таълимоти билан қўшилиб кетганлигини кўрамиз. Арасту фикрича тинчлик ёки турғунлик фақат биринчи двигателга муносибdir. Бу Арасту қарашларининг ўлик томонидир. Биринчи двигатель таълимоти Арастунинг илохий таълимотиларининг ниҳоясидир. Биринчи двигатель — моддий бўлмаган. У соф шакл — мақсад, яъни худодир. Арастунинг биринчи двигатели ва харакат тўғрисидаги таълимоти чекланганлиги, идеализмга йўл очган бўлишига қарамай харакатнинг турли шакллари ва уларнинг борлиқ билан алоқадорлигини кўрсатиши билан фанга қўшган бениҳоя улкан хиссасидир. Моддий дунёнинг энг олий маҳсули инсондир. Унда шакл ва мазмун мужассамлашгани. Инсон танаси материя бўлса, унинг руҳи шаклдир.

Арастунинг руҳ ҳақидаги таълимоти ҳам унинг онтологик қарашларида алоҳида ўрин тутади. Арасту ўзининг «руҳ ҳақидаги» асарида руҳнинг фаолиятини аниқлаб, руҳ реал борлиқни ташкил этувчи физик жисмнинг алоҳида «биринчи энтелехияси» (ички мақсади)дир дейди. Унинг руҳ ҳақидаги таълимоти бошқа таълимотилардан ўзининг изчиллиги билан ажralиб туради. «Метафизика» асарида Арасту руҳ ҳақида галириб руҳ материядан ташқарида мавжуд эмас» деб ёзган. «Руҳ бу тана эмас, у танага тааллуқли нарса бўлиб, аниқ бир танада мавжуддир», Арастунинг бу таълимотини кейинги давр файласуф олимлари юқори баҳслаб, у индивидуал руҳнинг ўлмаслигини инкор этган дегандилар. Иккинчидан Арасту ҳаёт руҳнинг фаолияти билан белгиланади. «Руҳ табиий органик танада амалга ошган, ниҳоясига етган бирламчи нарсадир», яъни руҳ тирик мавжудотнинг боши ва охиридир. Руҳнинг парчаланиши ўз навбатида тананинг емирилишита ва чиришига олиб боради дейди.

Руҳнинг олий элементи — ақл. У руҳнинг энг пастки функциясидан ташкил топиб, имкониятдаги энг паст руҳдан руҳнинг энг юқори функцияси, яъни ақлга воқеийликка айланади. Энг олий

ақл унингча тана сингари парчаланмайди. Мавжудлиги эса инсон хаёти билан чекланмаган. Ақлдан ташқари жоннинг қолган барча қисмлари тана сингари парчаланади.

Кейинчалик схолостиқ таълимотда Арастунинг ақл ва жоннинг абадийлиги тұғрисидаги таълимотини тушуниш тұғрисида баҳслар юзага келди. Арасту фикрича идрок қилиб фақат идрок қилинаётгандын жисмнинг хусусиятлари ва шу жисмни идрок қилаётгандын аязо ўртасида фарқ бүлганида юзага келиши мүмкін. Идрок қилаётгандын жисм идрок қилишимизга қараб ҳаракат қилаётгандек туулади. Ыз табиатига күра ҳиссий идрок тана эмас, балки сезги аязоларига бориб етади ған ҳаракатдир.

Идрок этишларнинг ўртасида күриш ҳисси алоҳида ўрин тутади. Көз орқали қабул қилинадын ёруғлик ҳаракат эмас. Ёруғлик ўзига хос алоҳида борлық. Идрок этилаётгандын ўзгаришини амалга оширган, ёруғчилик вақт талаб қилмайды, у жисмдада бир зұмда содир бўлади.

Арасту фикрича хотира илгари мавжуд бўлган тасаввурларни қайта тиклашиб. Эслашнинг шартига күра бир жисмни эслаш пайтида иккинчи бошқа жисм тұғрисида тасаввур пайдо бўлади. Хотирлашнинг характеристики ёки тури тартибий, ўхшашлик, қарама-қаршилик ва бир-бирига боғлиқли боғланишли бўлиши мүмкін.

Арастунинг жон ҳақидаги таълимоти ҳам мавжуд бўлиб, объектив идеализм руҳида талқин этилади. Бу таълимоти кейинчалик Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан ривожлантирилди.

## АРАСТУНИНГ БИЛИШ НАЗАРИЯСИ

Арастунинг билиш назарияси борлық таълимоти билан чамбарчас боғлиқ. Арасту Афлотуннинг идеалистик билиш назариясига қарши чиқиб, Демокрит сингари моддий оламни, табиатни билиш, сезигилар орқали амалга ошади, билишнинг предмети ва манбай киши онгидан ташқаридаги мавжуд моддий олам деб ҳисобланади.

Арастунинг таъкидлашича моддий оламни билиш сезигидан бошланади. Сезиш тирик организмга тааллуқли бўлиб, у ташқи объектив моддий оламнинг таъсири туфайли юзага келади. Сезигилар кўриш, эшитиш, таъм орқали сезиш ва ҳид сезигиларига бўлинади. Бу сезги аязолари орқали якка-якка жисм ва ҳодисаларнинг сифат ва хусусиятлари түғри акс эттирилади. Арасту оламни билишда эмпирик, сенсуалистик фикрда бўлган. Айни пайтда рационализмга ҳам катта аҳамият берган. Билиш жараёнида эмпирик ва рационал билимларнинг бирлиги объектив эканлигини таъкидлайди, лекин исчил бўла олмаган. У тафаккурни сезигилардан, объектив реалликдан ажратиб қўйиб, тафаккурни манбани муртдок ақл, утлоқ шакл ташкил этади деган холосага келган.

Арастунинг билиш назарияси фан назариясидир. Файласуф илмий билимни санъатдан, тажрибадан ва мулоҳазадан фарқлади. Билиш унингча икки хил бўлади: диалектик билиш ва аподейктик билишидан иборат. Диалектик билиш мулоҳазали билиш бўлади, аподейктик билиш эса ҳақиқий билишdir.

Аподейктика ишонч деган маънони англатувчи тушунча булиб, уни фалсафа ва мантиққа Арасту қатъий илмий билимни аниқлаш мақсадида қўллаган. Унингча мулоҳазали билим қанчалик ҳақиқатга яқинлашмасин, барибир у ҳақиқий билим билан тенглаша олмайди. Бинобарин, тажриба фаннинг ҳақиқий асосини аниқловчи жиҳатдир.

Ақл бевосита олий асосни идрок қиласди ва бевосита уларнинг ҳаққонийлигини аниқлайди. Ақл орқали мулоҳаза қилинадиган билимнинг умумий томонлари инсон учун мутлақо туфма эмас, гарчанд улар имконий равишда ақдда бўлсаларда, лекин ақлда эга бўлмаган имкониятдан бўлак нарса эмас.

Фаннинг мақсади Арасту фикрича жисмларни аниқлашдан иборат. Жисмларни тўлиқ аниқлаш фақат дедукция билан индукцияларнинг бирикиши орқали содир бўлади.

1. Ҳар бир якка жисмларнинг ҳусусиятларини тажриба орқали билиш мумкин.

2. Бу ҳусусиятларга ишонч ҳосил қилиш учун мантиқнинг шаклларидан бири силлогизм орқали хulosса чиқариш мумкин. Силлогизмнинг асосий тамоили турлар, навлар ва якка буюмлар ўртасидаги боғламни ифода этади.

Билим уз предметига эга экан, у вақт тартибига биноан предмет, шу предмет ҳақидаги билимдан олдин келадиган фикрни қаттий маъқуллadi. Предмет Арасту фикрича билимдан олдин келади. Инсон бирон бир предмет ҳақида билимга эга бўлиши учун уни хис этиши лозим. Билимнинг предметта муносабати сезтиларнинг предметига бўлган муносабати кабидир. Фараҳ қилаётган идрок қилаётган инсоннинг бир дақиқа қуриш қобилияти йўқ бўлди дейлик, бундан инсон идрок қилаётган предметнинг ўзида йўқ деган хulosса чиқариш ярамайди. Инсонга кўриш яна қайтганда, у кўраётган нарса энди кўринувчи нарсага тааллуқли бўлади. Борди-ю билимни пайдо бўлган деб қарасак, яъни у ўз предметига тааллуқлиги кўрсатилади. Унда предмет ва у ҳақидаги билим ажралмас бир бутунликни ташкил этади. Предметта юзаки қарашлик бу фақат билимнинг имкониятидаги предмети бўлади. Агарда предмет имкониятда қолса, у холда билим юзага келмайди. Олим билиш предметини идрок этишга киришар экан, шу дақиқадан билимнинг предмети ва предметнинг билими ҳақиқатга айланади. Улар иккиси бир бутунликни ташкил этади. Бундан Арасту куйидаги хulosага келади: билим эга бўлиш туридир, яъни борлиқнинг ўзига хос тури ҳисобланади.

Арасту фикрича билим борлиқнинг маҳсус тури сифатида учта асосий хусусияти билан ажралиб туради.

1. Дағил ва исбот — умумий ва зарурийдир.
2. Тушунтириш қобилияти.
3. Бўйсаниш босқичнинг мавжудлиги билан бирликни қўшиш.

Арастунинг таъкидлашича илм борлиқни исботлаш туридир. Исботнинг ўзи эса исботнинг босқичи бўлмаслиги бўлиши мумкин. Исбот ибтидолардан қўйидаги хулосаларни чиқариш мумкин. Исбот — далил жисмга тааллуқли бўлган ҳақиқат, заруриятни келтириб чиқариш мумкин. Дағил — исбот тасодифий борлиқдан ёки пайдо бўлувчи парчаланувчилардан бўлиши мумкин эмас. Фақат умумийлик ҳақида гап бориши мумкин. Борди-ю умумийлик реал мавжуд бўлмаса унда исботловчи жисм жуда бўлмаганда, тез-тез содир бўладиганлар. Масалан: Ой тутилиши. Ой тутилиши ҳар доим бир хил кечади. Гарчан у ҳар доим содир бўлмасада, у умумий турнинг тасодифий холати бўлиши мумкин. Шундан кўриниб турибдики, Арасту фикрича умумийлик зарурият билан қўшилиб кетади. Бу билан олий ахамиятга эга бўлган шак-шубҳасиз доимий ходисалигича қолади.

Агар биз жисмнинг моҳиятини билсак, унда ҳар бир жисм ҳақида билим мавжуд бўлади. Илмий таклиф ўзининг маҳзуни жиҳатидан на қўлланиши жиҳатидан умумийлиги билан белгиланади. Албатта, якка одам субстанциянинг якка-якка моҳиятини таҳлил қиласди, лекин эса умумийликни таҳлил қиласди. Илмий билимнинг вазифаси биринчидан, келтирилган далилни ёки бирон бир холатни аниқлашдир, иккинчидан, сабабларни қидириш, учинчидан билим бу далилнинг моҳиятини тадқиқ этишдан иборат. Зарурий сабаб борлиқ режаси фақат жисмнинг моҳиятини билиш мумкин. Исбот бу сабабни билиш демакдир. Тўртинчидан, билим бу максимал шароитни тадқиқ қилиш демакдир. Илмнинг олий ибтидисига кўра, ҳар қандай илмий билиш фактга таянмаса унда на фан, на санъат, на амалиёт бўлиши мумкин эмас. Демак, билимда асосан фактга таянилади.

Илмнинг учинчи хусусиятга — бир илмнинг иккинчи илми билан бирикиши билан боғлиқдир. Бу холат фаннинг турли предметлари билан битта турга мансублиги билан белгиланадики, турли предметлар битта предметга тегишли бўлиши айни пайтда, бу предметга бўлган алоқадорлик бошқаларга ҳам алоқадорлиги билан боғлиқ.

Афлотун назарияси бўйича барча билимлар иерархияни ташкил этиб уларнинг тепасида олий гоя — фаровонлик гояси ётади. Бироқ, Арастуда барча фанлар учун ягона иерархия бўлиши, фанларнинг бирини иккинчисига ёки ягона бир турга бирлаштириш мумкин эмас.

## АРАСТУ ОЛАМНИНГ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА

Арастунинг олам тузилиши тұғрисидаги таълимоти унинг фалсафасыда алоҳида ўрин тутади. Бу сохада у генеоцентрик назарияни ёқлаб чиққан, лекин шунга қарамай, ернинг шарсимонлигини ва коинотнинг маконда чекланганлыгини тан олган. Арасту оламнинг моддий бирлигини инкор этган. Бу борада у тамист файласуфлардан анча орқада қолган. У жисмларнинг табиий ўрни тұғрисидаги таълимотини яратди. Бу таълимоти асосида оғир жисмларнинг доимо пастта интилиши, енгилларнинг юқорига күтарилиши, ер оламнинг маркази, чунки у оғир деган фикрни исботлашга уринди. Олов енгил бўлганлиги учун юқорига харакат қиласди. Унинг табиий ўрни юқорида Арасту фикрича харакатнинг асосий турлари икки хил:

1. Айланма харакат;
2. Тұғри чизиқли харакат.

Бу икки хил харакат турига икки хил жисм турлари мавжуддир. Тұғри чизиқли харакатнинг табиий тури ўз ичига икки хил харакатни қиласди:

1. Юқоридан пастта қараб харакат,
2. Пастдан юқорига интилувчи харакат.

«Паст» Арасту фикрича марказни ташкил этади. Тұғри чизиқли харакатнинг биринчи турига, харакат айланна чизигидан марказга харакат қиласа, иккинчи тури эса марказдан айлананинг чизигига қараб харакат қиласди. Улардан ташқари яна икки хил жисмлар мавжуд. Булар сув ва хаво, улар тұғри чизиқ булиб харакат қиласди. Сув ер сингари марказга интилади. Хаво олов сингари айлананинг четига интилади.

Агар айланана четини хаводан енгилроқ нарса эгалламаган бўлса, Хаво ҳам айлананинг четига харакат қиласди. Бироқ табиатдаги барча элементлар бу харакат билан аниқланмайди. Элементларга тўлиқ характеристика бериш мақсадида Арасту табиатда мавжуд асосий физик сифатлар тұғрисида фикр юритади. Булар қўйидагилар:

1. Совуқ, иссиқ, қуруқ, хўл.

Арасту фикрича бир-бирига мутлоқ қарама-қарши сифатлар — совуқ ва иссиқ, қуруқ ва хўл асло бирикмайди, бир-бирига мутлоқ қарама-қарши бўлмаган сифатлар бир-бiri билан бири-киши мумкин. Тўрт физик сифатдан ҳар бирида иккитадан сифатга эга бўлган тўртта бирикма содир бўлади.

1. Иссиқ сифат қуруқ сифат билан бирикади.
2. Иссиқ сифат хўл сифат билан бирикади.
3. Совуқ сифат қуруқ сифат билан бирикади.
4. Совуқ сифат хўл сифат билан бирикади.

Бироқ, файласуф фикрича бу икки сифатдан бири хар бир элемент учун ўзига хос битта сифатга тааллуқли бўлиши мумкин. Олов учун ўзига хос сифат иссиқлик, хаво учун намлик, сув учун

совуқлик, ер учун куруклик бўла олади дейди, у элементларнинг ўзига хос сифатлари актив ва пассив турларга бўлинади. Актив сифатларга совуқ ва иссиқ сифат киради. Пассив сифатларга — курук ва хўл сифаглар киради. Хар бир элементда битта актив ва битта пассив сифат мавжуд. Масалан: олов элементида актив сифат иссиқлик билан пассив сифат куруклик мавжуддир. Сувда эса совуқлик актив сифат бўлса, намлиқ пассив сифатдир. Бир элемент иккинчи элементга айланиши учун ўзиданти бир сифатни йўқотиши керак. Масалан: Олов элементи бирданига сув элементига ўта олмайди. Бунинг учун олов элементи даставал иссиқлик сифатини йўқотиши керак ва ўрнига совуқ сифатга эга бўлиши керак, сўнгра у хавога айланади. Борди-ю элементлар бир-биридан фақат битта сифат билан фарқ қилса, у ҳолда бу элементнинг иккинчи элементга ўтиши бевосита амалга ошиши мумкин. Бошқа элементга айлананаётган элемент ўз сифатини йўқотиб, ўзи ўтаётган элементнинг сифатини олади. Масалан: Хаво элементи сув элементига айлананаётганида ўзининг куруклик сифатини ташлаб, сувдаги хўл сифатини қабул қиласи. Шу тариқа хаво сувга айланади. Лекин элементларнинг ушбу барча характеристикалари тўғри чизиқли харакатга тааллуқlidir. Тўғри чизиқли харакатдан ташқари айланма харакат ҳам мавжуд. Айланма харакат ҳам табиийдир. У юлдузлар доирасини харакатга келтиради. Осмон абадий ва тўхтовсиз айланма харакатда бўлади. Шундай қилиб, Арасту қўйидаги хуносага келади. Барча осмон жисмлари тўрт элементдан эмас, балки эфирдан ташкил топган. Бу бешинчи элемент ҳисобланади. Ер сатхидан улар оловдан ташкил топгандек кўринади, бундай кўринишнинг сабаби осмон жисмларини ниҳоятда тез айланиши туфайли улар қизиб алангланади. Эфир шунингдек осмон жисмлари харакат қилувчи дунёни маконни тўлдиради. Эфир осмон ва осмон доиралари сингари ўзгармас хусусиятга эгадир. Эфир доирасида барча осмон жисмларидан мукаммал ҳисобланмиш харакатсиз юлдузлар жойлашгандир. Гуёш ва ой ҳам эфирдан ташкил топган. Лекин улар харакатсиз юлдузларга нисбатан ер элементлари таъсирида бўладилар, ердаги жисмлар ер, сув, ҳаво ва олов элементларидан ташкил топган. Тўрт элемент доимо ўзгариб турувчи дунё, яъни ойдан пастда турган дунёда мавжуд, бу ерда харакатнинг барча турлари мавжуд.

1. Пайдо бўлиши ва емирилиши.
2. Миқдорий ўзгаришлар.
3. Макондаги харакат.

Арасту фикрича маконда ўрин алмашинув харакат ўзгариши-нинг асосий тури бўлиб қолган барча турларнинг шарти ҳисобланади. Маконда ўрин алмашинув тўғри чизиқли ва айланма, узлуксиз ва узлукли, тенг ва тенгсиз харакатли бўлиши мумкин. Арасту тенг тўхтовсиз айланма харакатни афзал кўради. Чунки

бундай харакат абадий ва ўзгармасдир. Шундай қилиб, осмонда фақат битта харакат тури — осмон жисмларининг тенг, тұхтовсиз айланма харакатдан иборатдир. Савол туғилади, нега ўзгармас эфирдан ташқари оламда яна тұртта мукаммал бўлмаган элемент мавжуд. Тұрт элементнинг мавжудлиги зарурийдир — дейди файласуф. Олам мавжуд экан, унинг маркази ҳам, марказга интилувчи элементлар ҳам бўлиши (мумкин) даркор. Шунингдек, марказдан қочувчи элемент ҳам бўлиши лозим. Бу элемент оловдир. Оломда бўшлиқ йўқ экан, у холда дунёning маркази билан орагифида, яъни ер билан олов ўртасида уларни бирлаштириб турувчи элементлар жойлашиши зарур. Булар хаво билан сувдир. Улар ер билан олов ўртасида «воситачилик» ролини ўтайдилар.

Биринчи туртки — худо харакатсиз юлдузлар доирасини текис, тұхтовсиз айланма харакатга келтиради. Биринчи доиранинг харакати бошқа доирани харакатта келтиради. Бу харакат босқичма-босқич ерга етади. Ой устидаги элементлар номукаммал бўлганлиги учун текис, тұхтовсиз айланма харакат кўпгина номукаммал харакатларга ажралади. Арасту фикрича коинот замонда чексиз бўлганлиги каби, харакатда ҳам чексиздир. Бироқ, бу абадият жисмларнинг тинч холати (инерцияси) эмас, балки биринчи биринчи турткенинг доимий тенг кучли таъсири туфайлидир. Бу беш элемент оламнинг моддий асоси — дунёвий жараённинг шартидир. Барча жисмлар биридан иккинчисига ўтувчи элементдан пайдо бўлади.

Элементлар соғ холда учрамайди ва хеч бир ерда бир ерда учрашиш ҳам мумкин эмас. Бирон бу элемент бир элементнинг ичиде устун туриши мумкин. Шунга кўра ўша элемент ичиде қайси бир элемент устун турса, ўша қоришма ё олов ёки хаво ёки сув ёки Ер деб аталади. Борди-ю қоришмада бирон-бир элемент устун турмаса унда қоришма жисмларни акс эттиради. Арастуда оламнинг тузилиши устидан табиат ва барча дунёвий жараён мақсадга мувофиқ деган хулоса чиқаради. Шундай қилиб, Арастунинг оламнинг тузилиши ҳақидаги таълиоти ҳам яққол телесологик табиатда барча нарсалар мақсадга мувофиқ қилиб яратилган руҳдадир.

## АРАСТУ ДИАЛЕКТИКАСИ

Арасту диалектикаси бу оддий суҳбат қуриш санъати эмас, балки борлиқ ва тафаккурнинг умумий асосларини билиш, биринчи нағватда, фалсафий тадқиқотларни илмий услубда аниқлашдир.

Унинг диалектикаси реаллик умумий жиҳатлари билан иш юритилади. Бунда у сезгиларимиз ва тафаккуримиз берган маълумотлар асосида фалсафий ва илмий билимларни қуришда ҳақиқий услубни тушунади. Арасту ўзининг «Топика» асарини диалектикага бағишилайди. Унинг фикрича, харакат, моддалар, предметлар бир-бирисиз яшай олмайды. Харакат абадий характерга эга бўлиб, Узга-

ришга мойилдир. У материя харакатини қуйидагича таърифлайди: оддий үрин алмашынуб харакати, миқдор ўзгариш; сифат ўзгариш; имксияттинг воқеяйликка айланиши.

Харакаттинг тұрткындық түрі Арасту фикрича харакаттинг олий шаклидир. Унинг бу борадаги фикрлари антик диалектиканың анча ривожлантириди.

Арасту шунингдеги диалектик категорияларини ҳам ишлаб чиқди. Унинг сабабиятта тасодғият, мәзмун жаңылар, имконият жаңылар, өзбек каби диалектик категориялары фикримизнинг далилы бўла олади. Бу категорияларнинг бир-бирига ўтишини харакат жаңчлик пайдо бўлиши ва йўқ бўлиши, соғлиқ жаңылар, беморлик, хаёт жаңылар, ўлим, миқдор жаңылар, сифат ўзгаришларнинг диалектик бирлигини кўрсатиб бера олади. Арасту материя жаңыларни асослашга харакат қўлди-ю, лекин бу боради изчил бўла олмади.

Унинг фикрича билимлар икки қисмга бўлинади. Ҳақиқатга яқин, эҳтимол жаңылар жаңылар. Диалектика дейди файласуф, ўзида қара ма-қаршиликка эга бўлган эҳтимолликдан хулоса чиқаради. Демак, диалектика қарама-қарши таърифлар доираси билан иш юритади жаңыларни асосида қарама-қаршиликлар билан шуғулланади.

Шундай қилиб, унинг диалектикаси бу услуга, у билан ҳақиқатга яқин, эҳтимол билимлардан ҳақиқий билимлар, ҳақиқат, аподектик билимлар олинади.

Диалектика — бу илмий тадқиқот жараёни. Ҳақиқат Арасту диалектикасыга кўра тадқиқот предмети эмас, балки мақсаддир. Унинг диалектикасининг асосида инсоннинг ҳақиқатга эришишда фикрлаш жараёни ётади.

Арасту гарчанд, эҳтимол билимлар доираси билан диалектикани чеклаб қўйған бўлсада, бироқ ана шу чекланиш орқали диалектиканиң кейинги ривожи йўлида катта қадам кўйди, ҳамма эҳтимол билимлар билан ҳақиқий билимлар ўртасида аниқ чегара қўйишга мувоффақ бўлди.

Арасту «Топика» асарида фан жаңыларни аниқлаш қоидаларини келтирди. Ҳар қандай илмий муроҷауда файласуф фикрича, умумий ҳолатлар бўлиб, тадқиқотни улар асосида олиб бориш иш керак. Арасту ўз диалектикасида универсал диалектик услуга аҳамият берган эмас. Бироқ у биринчи маротаба диалектикага илмий жаңыларни асосида ғалсафий тадқиқотнинг услуги деб онгли равишда қаради.

Хусусий фанларга, Арасту фикрича, хулоса киради. Хулосалар шу фанга таъллукли мұхокамадан келтириб чиқарилади. Масалан, физика фанида аҳлоқ. Ҳуқуқ тўғрисида хулоса чиқариш мумкин эмас. Аксинча, диалектика Арасту фикрича, барча фанларга бир хил тегишли бўлган умумий ҳолатлар билан иш юритади.

Арастунинг диалектик тадқиқот услуги айни бир вақтда соғ

абстракт бўлиши мумкин эмас. У барча фанлар учун маъмунли ва фойдали бўлади.

Арасту диалектикаси шундай услубни ўргатиши керакки, у орқали силлогизмни кўра олсак ва шу орқали ҳақиқатга яқин ва эҳтимолий билимлар асосида аниқ ва ҳақиқий билимларга эга бўламиш.

Диалектика бундан ташқари борлиқ ва тафаккурниг ҳақиқий асосини аниқлаш билан боғлиқ.

Диалектиканинг вазифаси бундан ташқари, ишонтириш эмас, балки ҳар бир конкрет ҳолда ишонч усусларини топишга қаратилган. Диалектика ҳақиқатни қидирмай балки ҳақиқий илмий далил — исботни топиши керак.

Арасту фалсафа ва диалектикани хусусий фанлардан ажратмайди. Диалектиканинг вазифаси айрим фанлар миқёсида уларниг умумий тарифини қидириш. Масалан, тиббиётниг моҳияти, — дейди Арасту бу Сукрот учун соғлиқдир дегани бўлмай, балки саломатлик умумий инсонларга керак деган фикрдан иборатдир. Умумийликниг бу ҳолати унинг Фикрича диалектика доирасига киради. Бирон бир санъат диалектика сингари соғ хусусий ҳолларни ва шунингдек умумий ҳолларни текширмайди.

Нотиқлик, Арасту фикрича диалектиканинг баъзи бир қисми-ни ташкил этади. Нотиқликни қироат фани сифатида ижобий ва шунингдек салбий маънода фойдаланиши мумкин. Нотиқ бу нотиқлик маҳорати билан ҳақиқатни топишга ҳаракат қилса, у ҳақиқий диалектикага яқинлашиши мумкин. Лекин нотиқ ўз нотиқликлигини ҳақиқатга қарши қаратган бўлса, у софистикага яқинлашади. Софистик диалектика ҳақиқатни ўргатиши учун эмас, балки галабага эришиш учун сафсатабозлик санъатидан фойдалинишдир. Нотиқлик, — дейди — Арасту ҳақиқат йўлида қўлланса, диалектиканинг қисмига айланиши мумкин.

Арастунинг мантиғи билан диалектикаси ўртасида қандай муносабат бор экан? деган саволга арасту фалсафасида мантиқ ва диалектиканинг ажралмаслиги аниқ кўрсатилган. бу ҳақда унинг мантиқ асослари гувоҳлик беради.

## АРАСТУНИНГ МАНТИҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Арасту мантиқий қарашлари унинг таълимоти марказида туради. Унинг мантиқ тўғрисидаги қарашлари фалсафий таълимоти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, илоҳиёт тўғрисидаги фикрларини тушунишга ёрдам беради.

Дарҳақиқат, Арасту тафаккур ва унинг қонунлари тўғрисидаги тизимлаш фан, яъни мантиқшуносликниг «отаси» ҳисобланади. У мантиқ тўғрисида таълимотини яратиша ўзидан илгари ўтган юонон файласуфларидан Демокрит, Афлотун ва бошқаларниг таълимотларига таянган. Бироқ улардан биронтаси ҳам муло-

ҳаза юритувчи кишининг фикрлаш фаолияти ҳақиқий ва тұлақонли илмий тәълимот яраты олишмаган. Арасту фикрича мантиқ фақат мустақил фан бўлмай, фанларнинг қуроли, қалитидир. Унинг мантиқ туғрисидаги бу фикрини файласуфнинг мантиқий таълимотига бағишлаган барча асосларини биргаликда шархловчи «Органон» яъни оғитта асардан ташкил топган: Категориялар, Шархлаш, Биринчи аналитика, Иккинчи аналитика, Топика, Софистик мулоҳазалар ва раддиялар.

«Биринчи аналитика» муҳокама ва хulosанинг силлогистик шакллари тадқиқ қилинади. «Иккинчи аналитика»да исбот-далил ва унинг ибтидоси ҳақида фикр юритилади. «Топика» асарида тафаккурнинг асосий қонунлари ифодаланган. Унда ҳақиқат ҳам, ёлғон ҳам бор, мулоҳазада таъриф берилган, уларнинг турлари аниқлаган. Файласуф силлогизмнинг учта шакли, уларнинг 16 модусларини кўрсатади, далил-исботнинг учта турини аниқлайди, ундаги беихтиёр ва ихтиёрий типик хатоларни кўрсатади. Айни вақтда индукция ва аналогияни ҳам аниқлайди.

**ТАФАККУР ФОНУНЛАРИ.** Арасту анъанавий мантиқнинг түртта қонунидан иккитасини қарама-қаршиликни ман этувчи ва учинчисини инкор этувчи қонунни қабул қиласди. Арастуда айният ва етарли асос қонунлари исботловчи билим сифатидаги илмий билиш ҳақидаги таълимотида кўрсатиб ўтилган. Шунингдек ҳеч нарсани аниқлаб бўлмайди, агар бир нарсани айният қонуни бўйича фикрламасанг» деган тезисини ҳам шу фикр такрорланади. Қарама-қаршилик қонунининг онтологик аспекти ман этилгани юқорида айтилганди. Битта нарсанинг ўзи айни бир вақтда бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин эмас. «Битта нарса бир вақтнинг ўзида биргаликда биргина нарса бир маънода таалуқли ёки таалуқли бўлмаслиги мумкин эмас, дейди. Унинг «Метафизика» асарида қарама-қаршилик қонунининг мантиқий аспекти ман этилиши ифодаланган. Бир жисм ҳақида бир-бирига қарама-қарши тасдиқ ёки инкор тўғри бўлиши мумкин эмас. Бу қонун Арастунинг мантиқга оид асарида таҳлил қилинган. Уни тўғридан тўғри асослаш мумкин эмас, бироқ қарама-қарши қарашни беманилик деб рад этиши мумкин. Аслидига олганда қарама-қаршилик қонунининг ман этили билан бахс юритувчи ҳар қандай киши ундан фойдаланади. Ундан ташқари, бу қонун тан олинмаса ҳамма нарса ажратиб бўлмас яхлитлижни ташкил этади. Клиник фалсафий мактабнинг намоёндаси Антисфен фикрича, инсон бу инсон демакдир дейиш керак, лекин «Инсон тирик мавжудот ёки «оқ» танли ёки илмили дейиш ярамайди. Бундай дейиш қонунни бузишdir. Биз инсонни илмили инсон деб таъкидласак, унда «а» «а» эмас деб таъкидлаган бўламиз. Чунки «илмили» бу инсон деган гап эмас. Гўё қарама-қаршиликни ман этувчи қонун буни тасдиқлаган бўлади. Бундан хулоса шуки, инсон айни бир вақтнинг ўзида а (инсон), ва «а» эмас.

(илмли деган маънони англатади. Лекин «илмли» инсонга қарама-қарши деган нарса эмас. Яъни «а» эмас деган хулоса чиқмайди.

«А» айни бир вақтнинг ўзида «в» ва «в» эмас деб тасдиқлашимиз ман этилади, яъни гап субъектга тааллуқли, лекин ундан фарқ қиласидиган предикат ҳақида боради. Лекин гап субъект билан предикат ўртасидаги фарқ ҳақида бораётгани йўқ. Софистик таълимотга кўра уларнинг қарама-қаршилик деб айтиш мумкин.

Антисфен шу маънода тўғрики, агарда муайян нарса субъектда рад этилса ёки тасдиқланса гредикатда ҳам шу нарса рад этилади ёки тасдиқланади. Масалан, ноборлик (мавжуд эмас) лекин ноборлик мавжуд (демак у мавжуддир.).

Арасту илгари сурган қарама-қаршиликни ман этувчи қонун баҳоларга сабаб бўлади. Гегель Арастуни танқид қилиб айтадики, унинг бу қонуни дарҳақиқат вужудга келиш, ўзгариш, ривожланишни инкор этувчи қонун метафизик характердадир. Гегелнинг зътирози бу қонуннинг мазмунига тушунмаганидир. Арастунинг қарама-қаршиликни ман этувчи қонуни мутлоқдир. Бу қонун объектив борликка тааллуқли бўлиб, имкониятдаги борлиққа тааллуқли эмас.

Ғарама-қаршилик қонунининг ҳаракат доирасини принципиал жиҳатдан чегараловчи бошқа усусларни Арастуда топиш мумкин. Бу ҳаракатнинг келажаги йўқ. Чунки келажак имконият доираси билан боғлиқ. Ҳозирги вақт қашшоқдир. Лекин у потенциал (имконий) жиҳатдан бойдир. Ҳтмиш ўз актуаллиги жиҳатидан қашшоқдир. Чунки ўтмишнинг ўзгаришга мойил бўлмайдиган ўтмишда амалга ошган имкониятдан бошқа ҳеч қандай имконияти йўқ. Учинчи инкор этувчи мантиқий қарама-қаршиликнинг ман этувчи қонундан олдин кетиб, айни бир нарсага нисбатан «в»нинг ҳақиқийлигини «в» эмасни ёлғон эканлигини англатади ва аксинча: Икки қарама-қарши муроҳазалар ўртасида ҳеч қандай воситачи бўлиши мумкин эмас. Ғарама-қаршиликларнинг ман этувчи қонун учинчисини инкор этувчи қонуни ўз ортидан эргаштириши шарт эмас. Лекин учинчисини инкор этувчи қонун қарама-қаршиликни ман этувчи қонуннинг ҳаракатга келтириш шарт бўлиши мумкин.

Бу демак, қарама-қаршиликнинг ҳар хил турлари бор деган маънони англатади.

## СИЛЛОГИЗМ

Арасту силлогизмнинг учта шаклини белгилайди. «Биринчи аналитика» асарида силлогизм назарияси таърифланган. «Силлогизм» бу нутқ бўлиб унда бирон бир нарса тахмин қилинса, зарурий равишда ундан фарқ қиласидиган тахмин бор деган маъно келиб чиқади.

Арастуниң силлогизми учта мұлоқазадан иборат бўлиб, улардан иккитаси мұхокама, учинчиси эса холосадир. (Хиндларнинг силлогизмиди бешта мұлоқаза мавжуд). Арасту мұхокамалари бизга одатий бўлмаган ҳолда ифодаланган. («В» бу «А») шаклда; «А» «В» га тегишли, яъни Арасту мұлоқазанинг предикати (кесими-ни) биринчи үринга қўяди. Мұхокамалар эса уларга умумий бўлган (уртача) термин билан боғланган дейди. Бундай ҳолда бир мұхокаманинг предикати ва бошқанинг субъекти намоён бўлиши мумкин. Шунга қараб силлогизмнинг шакллари фарқланади. Билиш маъносида улардан энг қимматлиси ва энг мұхокамали биринчи-сидир. У ерда мантиқий зарурият туфайли мұхокамалардан шундай холоса чиқариш мумкин: «Агарда «А» ҳарфи ҳар қандай «В» ни билдирса унда «В» ҳар қандай «С» ни билдирса унда «А» зарурий ҳар қандай «С» ни билдиради. Учинчи ва иккинчи фигурапар-нинг силлогизмлари мұкаммал эмас. Шунинг учун тадқиқотимиз мантиқий холосага келиши учун тааллукли маълумотлар учун қўшимча мұоималари зарурдир. Биринчи фигура (ижобий мұхокамалар бўлса) уртача термин сабабни ифодалайди: барча сут эми-зувчилар — иссиққонлилар, отлар сут эмизувчилар, отлар иссиққонлилардир, чунки улар сутэмизувчилардир. Силлогизм бошқа фигурапарида бундай аниқ антологик характеристики таъсири эканлиги унинг етарли бўлган формализмидир. Шундай қилиб, силлогизм-нинг фигураси ўрга термин ўрни билан аниқланади. Моддалар эса мұхокамаларнинг характеристики билан аниқланади. Мұхокамалар умумтасдиқловчи умуминкор этувчи, қисман тасдиқловчи ва қисман инкор этувчи бўлиши мумкин. Ҳамма варианtlарни кўриб чиқиб, файласуф холоса фақат тўрт ҳолда бўлиши мумкинлиги аниқланади: умумтасдиқловчи мұхокама умумтасдиқловчи билан, умуминкор этувчи умуминкор этувчи билан, умумтасдиқловчи қисман тасдиқловчи билан ва умуминкор этувчи қисман инкор этувчи билан бирлашганда, яъни мұхокамалардан бири албатта умумий бўлиши бошқаси эса тасдиқловчи бўлиши керак. Икки хусусий мұхокамалардан ҳеч нарса чиқмайди. Масалан: айрим кишилар —malla сочли ва айрим кишилар спортчилардир деган мұлоқаза ҳеч нарса англатмайди. Шунингдек икки инкор этувчи мұхокамадан ҳам ҳеч нарсани билиб бўлмайди. Арасту барча варианtlарни саралағи, силлогизмнинг уч фигурасидан 16 та ишловчи мосуларини кашф этди.

И с б о т. Исботлаш бу воқелик билан боғланган бирон бир нарсани зарурий мантиқийлик билан боғлаш демакдир. Бунинг учун мұхокамалар ҳақиқий бўлишлари керак ва ўрга термин билан мантиқан тўғри боғланиши лозим. Лекин субъект билан предикат ўртасидаги боғлиқлик зарурий бўлиши, яъни тасодифийликни эмас, балки мұхим ва доимий объектив боғланишларни ифодалаш керак. Арасту, кўрганимиздек, ҳамма нарса ҳақиқат ёки

аксинча ёлғон деб ҳисобланмаган. «Бири ҳақиқат, бошқаси ёлғон булиши мүмкін. Шуниси қызыққи, ҳақиқат ва ёлғонлик воқеилик-нинг ичидаги мавжуд земас, балки ҳақиқийлик ва ёлғонлик фикрлар бирикмасидир»<sup>46</sup>. Бироқ, бу бирикма бир ҳолатда, ҳақиқат, иккінчи ҳолатда эса ёлғон бўлиши мүмкін. Биринчи ҳолатда, ҳақиқат жисмлар алоқадорлигига тааллуқли бўлади, иккінчи ҳолатда эса алоқадор бўлмайди. Шундай қилиб, Арасту мулоҳазанинг ҳақиқийлиги ёки ёлғонлигини аниқлашда материалистик таърифни илгари суради. Ажратилгани ажралган ва бирлаштирилгани бирлашган деган киши ҳақ, лекин вокей гапираётган бўладилар ва ёлғон мулоҳаза юритишаётган бўладилар.

Бу демак, улар ёлғон гапирайтилар деган земас, чунки ёлғонлик фикрнинг нарсаларга келмаслиқдан иборатdir. Ёлғонлик эса бу сўзларнинг фикрларга тўғри келмаслигидан, сўзларнинг фикрларга тўғри келмаслигидандир.

Ёлғон мулоҳазаларда нисбий ноборлик намоён бўлади, чунки улар объектив равишда борлик бўлмаган нарсаларни багишлийди ва биз бошқа дунё вокейликка қарама-қарши ноборлик дунёга тушиб қолгандай бўламиз Арасту фикрича, нисбий ноборликнинг мавжудлик тўғрисидаги учинчи фикри шундай. Ноборлик мантиқий маънода мантиқий ва мазмуний чалкашлиқдир. Ноборлик тўғридан тўғри маънода земас, балки билвосита ҳолати ва ҳукмлар дунёси маъносида эҳтимол мавжуддир.

Арасту исбот ҳақидағи таълимотининг учта турини фикрлайди. 1) Аподектив. 2) Диалектик, 3) Эристик (софистик). Эристик ҳукм (исбот) мавхум, бу соғизмдир, улар орқали баҳслашувчи томонлар фикр алмашадилар. Ҳар бир баҳслашувчи томон ҳақиқатга интилмайди, балки ўзининг фойдасини кўзлади.

**ИНДУКЦИЯ.** Файлусуф индукцияни илмий услуб деб ҳисобламади. Яккалиқдан умумийликка борар эканмиз, хусусий билимни умумийликка ва зарурийликка айлантириб, хусусий ҳолатлардан қонунга сакраймиз. Бу малла соч спортчи ва бу, ва яна бу, ва яна бу деган билан ҳеч нарса билдирамайди. Шунингдек, барча малла соchlар спортчилар дегани барча спортчилар малла сочи деган гап земас. Илмий индуктив ҳулоса фақат шундай ҳолатда бўлиши мүмкінми, борди-ю барча ҳолатлар тугаган бўлса, ўшандагина индукцияниң бу алоҳида тури — тўлиқ индукциядир. Борди-ю команданинг ҳар бир аъзоси — малла соч бўлса, унда зарурий ҳолда умумлашган ҳулоса чиқариб, команданинг барча аъзолари — малла соchlар дейиш мүмкін. Бироқ, бундан барча спортчилар малла соchlilarдир деган ҳулоса чиқариш ярамайди. Лекин, тўлиқ индукция камдан-кам бўлади, одатда биз тўлиқ бўлмаган маълумот

\* Аристотель соч. Т. 2 стр. 120.

лар асосида хulosалар чиқарамиз. Күпинча улар хато бўлади. Зар ҳолда ула з доимо ҳақиқатга яқин бўладилар. Арасту илмий билим берувчи тўлиқ бўлмаган индукция назариясини тўлиқ ишлаб чиқа олмади. Еу назария фақат XVII асрда янги давр эмпирик фанига асосан инглиз файласуфи Френсис Бакон томонидан ишлаб чиқилган. Бу таълимотга бағишиланган асарни «Янги Рганон» деб атади. Арасту мантиқий таълимотини илгари сурар экан, индуктив услубга кўра дедуктив услубга катта эътибор берган. Бу унинг рационалистик таълимоти билан боғлиқ. Бироқ индукциясиз дедуктив хulosалар ва исботлар манбай хисобланган умумий муҳокамаларни илмий тушунтириш мумкин эмас. Арасту илгари сурган тўлиқ бўлмаган индуктив услуб, уни метафизик доирасида қолишига олиб келади. Худди шу услуб орқали у жоннинг борлиқ шаклида берилган имкониятини актуалликка ўтиш механизмини тушунишишга ҳаракат қилди.

Шундай қилиб, Арасту қадимги Юнонистонда биринчи бўлиб формал мантиқка асос солиб, бутун илм-фан маданият ютуқларини кенг маънода умумлаштиришга мувофиқ бўлди.

## АРАСТУНИНГ ПСИХОЛОГИК ҲАРАШЛАРИ

Арастунинг психология тўғрисидаги таълимоти «Жон ҳақида»-ги асарида батафсил ифодасини топган. Унинг фикрича жон бир томондан, тана билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, худо билан боғлиқ, бўлади. Шунинг учун руҳиёт бир томондан, табиатнинг қисми бўлса, иккинчи томондан, илоҳиётнинг қисми ҳисобланади. Руҳиёт табиатнинг бир қисми эканлиги унинг «Метафизика» асарида ўз ифодасини топган.

Арасту фикрича, табиат ҳаракатга мойил борлиқ билан боғлиқ. Лекин шунинг билан бирга материядан ажралган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бироқ, бутун жон материя билан боғлиқ эмас, фақат унинг бир қисми билан боғлиқ. Агар бундай бўлмаганда, унда табиат ҳақидаги фандан ташқари ҳеч қандай фалсафа бўлиши мумкин эмас эди. Табиат жонни ҳаракатланувчи ибтидо тариқасида тадқиқ қиласди. Табиатнинг предмети — ўзида ҳаракатнинг ибтидосига ва тургунлик билан боғлиқ. Бироқ, табиатда ҳамма нарса жонли деган гап эмас. Ўз предметларига кўра психология ўзининг табиат қисмидаги биологияга ўхшайди. Иккала фан ҳам жонли нарсалағни ўрганади. Лекин биология жонли нарсанинг шаклий ва моддий сабабларини ўрганса, психология эса унинг мақсади ва ҳаракатини ўрганади. Бу эса жондир.

Файласуф биологияга нисбатан руҳиётни юқори қўяди. «Табиатни назарий ўрганаётган материяга нисбатан жон тўғрисида кўпроқ гапириш кеяқ, чунки материя жон орқали табиатнинг ўзидир».<sup>47</sup>

<sup>47</sup> А. Н. Аристотель. М. 1987. стр. 123.

Жонни аниқлаш. Арастунинг «Жон ҳақидаги» рисоласида бир-бирига яқин лекин айнан бўлмаган жоннинг учта таърифини келтиради. Файласуф айтадики, жон имконий ҳаётга эга бўлган табиий жисмнинг шакли маъносида зарурان моҳиятдир. Моҳият (шакл маъносида) энтелехияядир. Демак, жон шундай тананинг энтелехиясидир. «Жон имконий ҳаётга эга бўлган, табиий тананинг биринчи энтелехиясидир». Жон борлиқнинг асоси ва шакли (логос)га ўхшаган жисмнинг эмас, балки ўзида ҳаракатнинг ибтидоси ва турғунликка эга бўлган табиий жисмдир.

Жонни нг турла ри. Арасту ўзининг «Жониворлар тарихи» асарида ёзишича айрим жисмлар доимо кичик кўламга эга бўлсада, бошқаларига нисбатан узоқ ҳаётга ва ҳаракатга эгадир. Бу нарса ҳаётий ҳаракатларга нисбатан ҳам тааллуқлидир. Ҳсимликлар эҳтимол бошқа нарсаларни яратишдан холидир. Шунинг учун яратувчиликнинг бу тури барчага тааллуқлидир.

Арасту жонни кенг маънода тушунади, унинг учун ҳаёт — ҳаракат, кўпайиш, сезиш, буларнинг ҳаммаси жоннинг ишидир.

Шунинг учун ҳам жон ўзига хос танада мавжуд бўлади. Лекин айнан битта жон турли таналарда мавжуд дейювчилар ноҳақдирлар. Тана қандай бўлса, жон ҳам ўшандай бўлади.

Ўз навбатида барча тирик табиий жисмлар учун мавжуддир. Жон эса тирик жисмнинг уч маъносидаги сабаби ва ибтидосидир.

Жонли жисмларнинг мақсади ва моҳияти ҳаракатнинг қаердан бошлашига боғлиқ.

Ҳсимликлар ва ҳайвонлар жони шундайдир. Инсоннинг жони эса бошқачадир. Инсоннинг жони энг мураккаброқ бўлиб, уч қисмдан иборат бўлиши билан бирга ўсимликлар ва ҳайвонлар жонларининг функцияларига эга бўлишидан ташқари инсонга хос махсус функцияга, яъни ақл, тафаккур ва мушоҳада юритиш функцияларига ҳам эга.

Жоннинг дастлабки икки қисми жисмнинг ички энтелехияси (ички мақсад — авт. изоҳи) маънода ундан ажралмасдир. Кўпинча, жон жисмсиз ҳеч нарса сезмайди ва усиз ҳаракат қилмайди. Ғазабда, жасоратда, ҳоҳиша, умуман сезища жисмсиз ҳаракат бўлмайди.

Бизнинг фикримизча жоннинг барча ҳолатларида, — ғазаб, кўркув, азият чекиш, жасурлик ва ҳатто хурсандчилик, мухаббат ва нафратлар билан биргаликда жисм ҳам ниманидир ҳис этади, дейди Арасту.

Арасту айтишича, ҳис-ҳаяжон ташқи таъсирининг натижаси бўлмай, балки маълум даражада жисмнинг функциясидир. Агар тана қўзғолмаса, ҳатто катта кулфат ҳам маълум ҳис-ҳаяжонни келтириб чиқармайди. Агар тана қўзғолса (уйғонса автор изоҳи) муҳим бўлмаган ва арзимас воқеа руҳий ҳаяжонни келтириб чиқаради. Арасту фикрича, «жоннинг ҳолати моддада ўз асосига эта», шунингдек жисмсиз сезиш қобилияти бўлмайди.

Барча бу қобилиялар ёки жоннинг қисмлари — жисмнинг эн-телехиясидир. Лекин жоннинг айрим қисмлари танадан ажралмоқчи бўлса, ҳеч нарса халақит бермайди.

Чунки улар бирон-бир тананинг энтелехияси эмас. Арасту тахминича ақл ва мушоҳада қобилият жоннинг бошқа турининг мөҳиятидир.

Арасту фикрича ақл ақллилик қобилияти моҳиятига кўра, баъзан жойга тааллуқлидир ва фақат шу қобилияларгина ўткинчи нарсалардан алоҳида бўлган абадийлик сифатида алоҳида мавжуд булиши мумкин. Арасту ўз қобилиялар ўзи алоҳида танага боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудми ёки йўқми деган масала ҳали аниқ эмаслигини қайд этса ҳам, ақл тана билан боғланган деб ҳисоблаш учун ақлга түгри келадиган ҳеч қандай олов топа олмайди.

Агар ақл тана билан боғлиқ бўлганда эди, деб фикр юритади Арасту, — унда у қандайдир муайян сифатга эга бўлар эди (масалан, ё совуқ ёки иссиқ бўларди) ва худди сезиш хусусияти ўз аъзосига эга бўлгани каби, у ҳам қандайдир ўз аъзосига эга бўларди. Лекин бунидай ҳеч нарса йўқ.

Пифагорчи Акмеон айтганидек, мия фикрлаш аъзосидир. Буни Гомер ҳам тафаккур аъзонинг диафрагмасини кўриш чогида ҳато бўлса ҳам аниқлади. Арасту асоссиз равишда тафаккур учун жисмий аъзолик мавжудлигини инкор этди.

Тафаккур дейди у, тананинг энтелехияси эмас, у автономдир. Инсон жоннинг аниқ тизимини унинг «этика» асарида кўришимиз мумкин. У ерда инсон жони иккита асосий қисмга бўлинади, яъни оқил ва нооқил қисмга, кейингиси ўсимлик ва аффективликка интигувчи эҳтиросидир. Арастуда сезгилар интилиш қобилиятлари билан чамбарчас боғлиқ.

Жоннинг оқл қисми идрокка ва онгга бўлинади, яъни амалий ва назарий ақлга бўлинади. Амалий ақл жоннинг эҳтиросли қисми устидан ҳукмрон бўлиши керак.

Назарий ақл эса мушоҳадали ақл бўлиб, у фаолиятга тааллуқли бирон-бир нарса ҳақида фикрламайди ва нимадан қочиш керак ёки нимага интилиш керак демайди. Жоннинг аффектив қисмига алоқаси йўқ.

Унинг аффектив қисми интилишларга тўла жонни ҳаракатга келтиради. Амалий ақлни ҳам ҳаракатга келтиради яъни мақсадни ўйловчи ақл фаолиятга йўналтирилган бўлади. Мушоҳада юритувчи ақлдан у мақсадга интилиши билан фарқ қиласди. Ақл ҳар доим тўғри, интилиш ҳамиша тўғри бўлмайди.

Назарий ақл — билишнинг соғ субъектидир. Арасту уни ҳар қандай нарсага айланадиган ақлга ва барча нарсани яратадиган ақлга бўлади. Кейинчалик буларни пассив ва актив интеллект деб атаган.

Арасту тана, жон ва ақл ўртасидаги муносабат масаласига уч

хил қараган. Бу уч хил қарашилк Арасту ижодининг уч босқичига боғлиқ. Даставвал, Арасту ақл жонга тааллуқлидир дейди. Жон эса танага қарама-қарашилк. Кейинчалик, жон ҳәстий күч сифатида танага жойлашган бўлиб, у билан боғлиқ, алоҳида аъзо сифатда барча тирик маҳлуқотларга алоқадордир, бироқ ақлни жондан ажратса бошлади. Ниҳоят, Арасту жонни тананинг энтелехия деб таърифлаган. Бундай жон абадий эмас, у тана билан бирга пайдо бўлади ва парчаланади. Бироқ ақл (poys) номоддий ва боқий фаол интелект сифатида жондан мулақо ажралгандир.

## ФАНЛАР ТАСНИФИ

Арасту фанларнинг таснифи тўғрисидаги фикрларини «Метафизика», «Топика» ва «Никомах этикаси» асарларида баён қилган. Арасту фанлар ичидаги назарий фанларни (мушоҳадали фанларни) ниҳоятда юқори қуяди ва улуғлайди. Бу фанлар ибтидо ҳақида ва уларнинг сабаблари ҳақида билим беради. Шунинг учун назарий фанларнинг фалсафа билан «фикри» бир.

Назарий фанларнинг бирдан-бир вазифаси ўзини билишга интилиш бўлиб, бирон-бир амалий мақсадни ўз олдига куймайди.

Бироқ амалий ғаразлардан бутунлай юз ўғирган назарий фанлар амалий фанларга шарт-шароитлар яратиб беради.

Амалий фанларнинг вазифаси ўз навбатида «амалиёт» бўлиб, ҳаракат қилувчиларнинг фаолиятлари билан боғлиқ. Назарий фанлар эса фаолиятни тўғри бошқаришни таъминлайдилар. «Амалий» ва «поэтик» фанларда билиш оқибатдан ибтидога қараб боради.

«Амалиёт» доирасида бу юксалиш индивиддан оиласга ва оиласдан давлатга томон. «Ижод» доирасида эса поэтиканан (бадий жон назарияси) риторикага (нотиқликка), риторикадан «диалектика» томон боради.

Юксалиш пиллапояси бўйлаб ҳаракатда Арасту илмий абстрикция билимларни формалаштириш принципи билан Афлотуннинг «ғоялар дунёси» яъни шакллар назариясини енгиш йўлидаги қийинчиликларни бартараф этишга мажбур эди.

Бу кураш ва қарама-қаршилик туфайли Арасту бир қатор ҳолларда айрим фанларни ҳал этишда формалаштиришнинг математик идеалига баҳо беришга иккиланди.

У бир йўла Афлотунга ва академияликлар (Спевсипп ва Ксенократлар)га қарши фаол кураш олиб борди. У айрим фанларнинг систематик ўрнини қиёсий ўрганиб чиқишида рационалиник, математизм ва формализация тенденциясини аниқлади. Файласуфнинг бу иккиланишлари унинг айрим фанларга бўлган муносабатида яққол кўринди. Масалан ҳамоҳанглик (гармоника) математика ва физика ўртасидаги муносабатда кўриниши мумкин.

Гармоника бир вақтнинг ўзида математик фанлар ва табиат

ҳодисалајининг маълум доирасини ўрганади. Математика ўргана-диган жисмларни формаллаштириш ва математизациялаш физикадагига нисбатан муҳимроқдир.

Арастунинг фанлар таснифида математика физикага нисбатан юқориоқ туриши керак. Бироқ, айни бир пайтда Арастунинг ўзи этироф этишича, физика математикага нисбатан муҳим устунликка эга, гаражанд математиканинг вазифаси, физиканикига нисбатан оддий ва абстракт бўлса ҳам, лекин математика физикага нисбатан камроқ реал, аниқдир. Аксинча, физика математикага нисбатан муғаккаброқдир. Унда борлиқни аниқлашда ҳаракат ҳамроҳдир. Физика ўрганадиган предмет бевосита реалдир. Унинг борлигига ҳаракатнинг ибтидоси мавжуд.

Арастунинг Афлотунга қарши кураши унинг учун фақат Афлотунга қўрши курашнинг ўзигина бўлиб қолмай, балки ўзи ҳам тўлиқ қутила олмаган афлотунчиликка қарши кураш эди. Шу туфайли ҳам у Афлотуннинг шакллари назарияси (ғоялар) ҳисобланмиш абстракт математизмдан Арасту тўлиқ қутила олмади.

Арасту ўз ишлаб чиққан билимлар ва фанларнинг таснифида жисмий дунёдан ташқарида ҳамма нарсадан соф ва жисмсиз шакл худо, ҳаракатсиз биринчи двигатель ҳукмронлик қиласи. Ҳзининг ножисмийлигига қарамай, у бир пайтнинг ўзида энг оддий ва реал борлиқ ҳаида соф ҳақиқатдир.

Арастунинг фанлар таснифи унинг борлиқнинг «шакллари» пиллапоясига ўшаб кетади. Бу таснифда ҳар бир фаннинг ўрни жисмнинг соф шаклига яқинлиги билан аниқланади.

Арастунинг фанлар-таснифи ҳам ўрта аср, ҳамда янги давр файласуфлари томонидан ривожлантирилди.

## АРАСТУНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ

Арастунинг иқтисодий таълимоти аҳлоқий ва сиёсий таълимотлари билан боғлиқ. Файласуфнинг иқтисодий таълимоти ўз ифодасини «Этика» ва «Сиёсат» асарларида топган. Унга тааллуқли бўлган «Иқтисод» номли уч китобдан иборат асаридан учинчиси лотин тилига қилинган таржимаси қолган холос. У ҳам бўлса жуда тўғри эмас. Сиёсний иқтисод, яъни ижтимоий муносабатлар тўғрисидаги фан, ишлаш чиқариш, тақсимлаш, айрбошлаш ва моддий нознеъматларни истеъмол қилиш мануфактура даврида пайдо бўлган бўлса ҳам, лекин унинг тарихи юонон файласуфнинг асосларида ўз ифодасини топган. Арасту биринчи бўлиб, меҳнат тақсимоти, товар хўжалиги, айрбошлаш, пул, қийматнинг икки тuri, тақсимот каби ижтимоий ҳаёт масалалари билан шуғулланган.

А ё р б о ш л а ш . Арасту фикрича, моддий ноз-неъматларни айрбошлаш меҳнат тақсимоти туфайли юзага келади ва шунингдек айrim кишилар кўлида бир нарсалар кўпайиб қолган бўлса,

бошқаларнинг қулида иккинчи хил моддий неъматлар түпланиб қолади. Дастреба айрбошлаш саёдосининг ривожланиши табиий ҳол бўлган, чунки кишилар ўз кундалик ҳаётлари учун керак бўладиган нарсаларга эга бўлишлари керак. Албатта, кишиларда бирон-бир нарсага эҳтиёж бўлмагандан ёки улар бир хил эҳтиёжга эга бўлганларида айрбошлаш мутлақо бўлмаган булур эди. Бироқ эҳтиёж кишиларни бир-бири билан боғлайди ва керакли айрбошлашни йўлга қўяди. Бундай айрбошлашсиз давлатнинг яшаси мумкин эмас. Чунки у ўзаро хизматлар эвазига мавжуддир. Арасту масалага тарихан ёндашади.

Дастреба, унинг фикрича, айрбошлаш бўлмаган, хўжалик бўлган. Дастребки оиласарда ҳамма нарса умумий бўлган. Кейинчалик бу дастребки оила кўпгина алоҳида-алоҳида оиласарга бўлингач, бу оиласарда ўзларига керакли нарсаларга эҳтиёжлари пайдо бўлиб, керакли нарсаларга эга бўлиш мақсадида бир-бирлари билан товар айрбошлашни йўлга кўйганлар.

**ҚИЙМАТНИНГ ИККИ ШАКЛИ**. Арасту қийматнинг икки шакли ҳақида фикр юритар экан, у шундай хulosага келади. Ғиймат икки шаклда бўлади: табиий ва нотабий фойдалари нарсалар шаклида. Ҳзининг «Сиёsat» асарида ҳам таъкидлаган.

Баъзи ҳолларда обьектдан керакли мақсадда фойдаланилса, бошқа ҳолларда эса мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолда фойдаланилади. Масалан, поїафзодан оёқ қийим сифатида фойдаланилади, иккинчи ҳолда эса уни бошқа бир нарсага айрбошлаш учун фойдаланилади. Иккала ҳолатда ҳам поїафзал фойдаланиш обьекти бўлиб хизмат қиласи. Нарсаларнинг барчаси айрбошлаш предмети бўлиши мумкин.

**АРАСТУ САВДОВА ПУЛ ҲАҚИДА**. Арасту савдо турларини ва унинг бир турдан иккинчи турга ўтиш йўлларини ҳам таҳлил қилган. У савдо товар айрбошлашдан иборат бўлган. Пулнинг келиб чиқиши, оддий товар-айрбошлашнинг кенгайиши туфайли бўлди дейди. Арасту учун товарнинг пул шакли оддий қиймат шаклининг янада ривожланиши асосида бўлади. Масалан, 5 та қошиқнинг қиймати бир уйга тент бўлса, унда бу уй бешта қошиққа тент. Товарнинг қиймати товар баҳосининг шарт-шароитидир. Чунки уларнинг ўзи ҳам қийматга эгадир. Лекин иккинчи томондан Арасту қиймат тушунчасини яхши тушунмаган.


Пул — дейди Арасту, бу рамз ва қиймат белгиси. Шундай қилиб, пул тараққиёти уч босқичдан иборатдир. У молий пулдан, яъни (предметларнинг пул қийматида баҳоланиши), қуймали олтин орқали қийматни ўлчайдиган тангага айлантирилган, кейинчалик муомала воситасига айланганди. Кейинчалик танга умуман ўзининг эҳтиёж қийматини йўқотиб, айрбош қийматни сақлаб қолиб, рамз ва қиймат белгиси бўлиб қолди. Танганинг рамзга айланганинги исботлаб, Арасту қуйидаги фактларни келтиради. Танга-

ларнинг бузилиши. Давлат амалиётида бир турдаги тангаларни бошқа турдаги билан айрбош қилиш (масалан, қиймати бир бўлган кўумуш тангаларни, мис тангаларга айрбош қилиш).

**ҚИЙМАТ**. Бизга маълумки, Арасту қийматнинг икки шакли тўғрисида фикр юритган. Лекин у умуман қийматта ҳамда меҳнатнинг қиймат назариясига қандай ёндашганилиги бизга жуда ҳам равшан эмас. Ҳзининг «Этика» асарида аввал айтганимиздек, адолатнинг икки тури ҳақида фикр юритади. Биринчи тури — иззат-хурматни тақсимлаш, ёки умуман муайян жамиятда яшовчи кишилар ўртасида булиши мумкин бўлган нарсаларни булишда бу ерда бир нарсани иккинчисига нисбатан teng ва хотенг булиши мумкин), иккинчи тури эса айрбошлиш предметини тенглаштирилишида на-моён бўлади. Бу кейинги тур икки қисмга бўлинади: бир ижтимоий муносабатларга олди-сотди, заём, кафиллик, жамғарма, ёлланма меҳнат ҳам киради. Ноэркин ижтимоий муносабатлар қисман яширинча бўлади. Масалан, ўғрилик, бузуқчилик, заҳар тайёрлаш, қўшмачилик, хизматкорини қўлга олиш, қотиллик, ёлғон гувоҳлик, қисман зўрлик ишлатиш, масалан майиб қилиш, қамоқда сақлаш, одам ўлдириш, босқинчилик, ҳақоратлаш киради. Олди-сотди эркин айрбошлиш турига киради. Тенглаштирилган адолат — бошқача хизматта яраша тенгликни яратишдир. Масалан, архитектор этикдўзининг ичидан фойдаланиши керак, бунга ўз навбатида ўз меҳнати билан тақдирлаши лозим. Хизматни teng тақдирлаш фақат тенглик бўлганда содир бўлади. Масалан, деҳқон этикдўзининг меҳнатига қандаи қараса, этикдўз деҳқоннинг меҳнатига шундай қарайди. Арасту эҳтимол қурувчининг меҳнатини этикдўзининг меҳнатига қиёслаш ҳеч нарса бермайди деган хаёлга боргандир. Уй билан этикни бир-бири билан қиёслаш мумкин эмас. Кўпроқ этикдўзининг этик тикишига кетган меҳнатини, қурувчининг уй куришига кетган меҳнати билан таққослаш мумкин. Лекин асосийси — этикдўзининг меҳнатини қурувчининг меҳнати билан таққослаш, у ва бу меҳнатни тенглаштириш керак. Бу ерда Арастунинг машхур квадрати кўз олдимиизга келади.

Курувчи

Этикдўз



Уй

Этик

Арасту айтадики, айрбошлиш муомаласи бўлмагандек, айрбошлиш қийматларини тенглаштирмай амалга ошириб бўлмайди. Шун-

дай қилиб, айрбошлаш тенгликсиз амалга ошмайди, тенгликни эса тенглаштира олишлик бўлмайди. Тенглаштиришнинг асоси — нимада? Арасту бунга жавоб бергандай бўлди.

Арасту фикрича қиймат ўлчовини пул ташкил этади. Шунинг учун айрбош қилинадиган барча нарсалар пулга тенглаштирилиши керак. Шунинг учун улар ўтасида воситачилик ролини тангалар ўйнаши лозим. Пул ҳамма нарсани ўлчайди ва аниқлайди. Шундай қилиб, Арасту ўз талқинининг аҳамиятига тушуниб ета олмади. У турли хил меҳнатларни фақат пуллар билан таққослашда тұхтади. Унинг фикрича, қиймат асосини баҳо ташкил этади. Лекин у барча меҳнат турларининг тенглиги ва тенг қийматлигини тушунмади. Чунки Юнон мамлакати қуллик меҳнатига ва ишчи күчларнинг тенгсизлигига асосланган эди.

**ТАҚСИМ ОТ**. Арасту тақсимлаш масаласи билан шуғулланыб, алоҳида «Таксимловчи» адолат ҳақида фикр юритади. Юқорида айтганимиздек иззат-хурматни ёки пулларни ва шулар билан боғлиқ моддий имтиёзларни тақсимлайди. Бу адолатнинг принципи «Тенгсизлик тенгсизга»дир. Бу моддий ноз-неъматларни ижтимоий синфлар ўргасида тақсимлашдир. Арасту айтадики, мутлоқ адолат муносиб тенглик асосида бўлиши мумкин. У таъкидлайдики, адолат —бу тенглик, лекин бу тенглик барчага тааллуқли эмас, балки тенгларгадир. «Барча кишилар тақсимланувчи адолатта кўра муносибликка таянмоги лозим, лекин муносибликнинг ўлчовини ҳамма ҳам битта нарсада кўрмайди. Демократиянинг фуқаролари муносибликни озодликда кўрсалар, олигархияда бойлика, аристократияда эса эзгуликда кўрадилар. Арасту инсоннинг асосий қадр-қимматининг келиб чиқиши, насл-насабининг олижаноблигига боғлиқ, лекин олижаноблик насл-насаб ва манавий фазилат озчиликда бўлади, дейди. Олижаноб шаҳсларнинг биттасини ҳам топа олмайсиз, камбағаллар эса ҳамма ерда бор. Тақсимот масаласини ҳал қилган, қулдорлик аристократиясининг ҳомийси Арастунинг синфи қарашлари ана шундай. Унинг «Тенгсизлик тенгсизга» принципи ижтимоий тенгсизликни тоявий жиҳатдан исботлади. Арасту мутлақо асоссиз ҳолда, насл-насабнинг олийлиги фазилат билан айнан бир нарса деб билади.

**ХРЕМАТИСТИКА ВА ИКТИСОД**. Арасту даврига келиб, пул фойда келтирувчи капиталга айланганди. У аристократиянинг мафкурачиси бўлганлиги учун капиталнинг савдо — судхўрлик фаолиятига салбий муносабатда бўлди. У натурал хўжалик тарафдори бўлган. Бунинг учун пул муомаласи мақсад бўлмай, восита ролини ўйнаши керак. Оддий олди-сотди, дейди Арасту, мол-мулк орттириш санъатига шак-шубҳасиз олиб келди. Пул муомалага чиққач, оддий олди-сотди ривожланиб бориб, товар олди-сотдисига айланади. Кейингиси (товар ишлаб чиқариш) олдингисининг (оддий ишлаб чиқариш) тенденциясига қарама-қарши чи-

қиб, хремитистика яъни пул қилиш санъатига айланди. Арасту фикрича ҳақиқий бойлик ҳаёт учун, давлат ва оила учун фойдалы бўлган маблағларниңг йигиндисидан иборат. Бундай бойлик восита, мақсад эмас, унинг чегараси бор. Ҳақиқий бойлик истеъмол қийматларидан ташкил топган бўлиб, яхши ҳаёт учун мулкчиликнинг миқдори чекланмаган. Эга бўлишликнинг иккинчи бир йўли бу хрематистикадир. Хрематистика учун бойликнинг ва мулкчиликнинг чегараси йўқ. Товар савдоси ўз табиатига кура хрематистикага тааллуқли эмас, бу ерда айрбошлиш үзларига тегишли бўлган предметларга тааллуқли бўлади. (олувчилар ва сотувчилар). Ҳозирги иқтисодий тил билан айтганда Арастунинг таълимоти Т-П-Т формуласини олади, лекин П-Т-П формуласига у қарши. Арасту судхўрликни қаттиқ қоралайди. Унинг фикрича «судхўрлик табиат учун энг ярамас нарса ёки эга бўлишликнинг энг ёмон соҳасидир».<sup>50</sup>

Унинг иқтисод тўғрисидаги фикрларини ижтимоий-сиёсий қарашларида яққол кўришимиз мумкин.

## АРАСТУНИНГ ИЖТИМОИЙ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

Арастунинг жамият ва давлат тўғрисидаги таълимоти унинг дунёқарашининг марказида туради. Арастунинг жамият ва давлат ҳақидаги таълимотилари «Давлат», «Сиёсат» каби асарларида баён этилган.

У қулдорлик тузумини ёқлади ва ҳимоя қилди. Файлусуфнинг жамият ва давлат тўғрисидаги таълимоти Афлотун таълимотидан йироқ. Ҳаётнинг олий мақсадига эришиш учун воқеликдан қочиш деган гап эмас дейди у. Лекин инсон табиати мукаммал бўлмаганилиги учун ҳаётда қатор фазилатларга муҳтоҷ. Улар олий мақсад олдида паст ва номукаммалдир. Фазилатлар ичida дейди у, инсон учун зарур бўлган нарса — бойлик. Бойлик — кўзлаган мақсадимизга етишишдаги қуролга ўҳшайди»<sup>51</sup>. Арасту бойлик деганда, аниқ маънода ҳўжалик учун керакли буюмлар, давлатга ва оиласга фойдали, инсон ҳаётига зарур нарсаларни туплашни тушунади.

Мутафаккир антик — қулдорлик жамиятининг назариётчиси бўлганлиги учун бойликка эҳтиёж нуқтаи назаридан қарайди. «Бой бўлиш қулдор учун бойликка эга бўлиш эмас, балки ундан фойдаланиш демакдир»<sup>52</sup>. Ҳақиқий фаровон ҳаёт учун чексиз бойлик зарур эмас. Тўплангандан бойлик маълум мақсадга хизмат қилса, у аҳлоқий жиҳатдан қимматлидир.

Фаровонлик бу ортиқча бойлик эмас, лекин ортиқча бойликка эзалик ҳам эмас. Бойликка эга бўлганлар икки гуруҳга бўлинади.

<sup>50</sup> Ф.Н. Чанышев. Аристотель М. 1987, стр 199.

<sup>51</sup> Асмус. История античной философии М. 1965, стр. 294.

<sup>52</sup> Гарант. Ҳаш асар стр. 295.

Бириңчиси — ўта исрофгарчиликка йўл қўйиб, тежамкорлик ҳақида ғам емайди. Иккинчи гуруҳдагилар ўта ҳасис бўлиб, мейридан ортиқ иқтисод қиласди. Бу икки гуруҳ кишиларини фазилатли деб бўлмайди. Энг яхши кишилар ўртача сарф ва иқтисод йўлини тутадилар. Саҳийлик эркин ва олижаноб кишининг фазилатидир. Саҳий фойдали нарсадан энг яхши усул билан фойдаланади. Исрофгарни вақт ва тажриба тузатиши мумкин ва у исрофгарчиликдан кутилиши мумкин, бироқ ҳасисликни тузатиб бўлмайди. Олий фаровонликка эришиш учун озгина мулкий восита етарлидир. Бахтиёр киши ҳаддан ташқари кўп моддий бойликка муҳтоҷ дейиш нотўғридир. Гарчанд усиз ҳам киши бахти бўлиши мумкин эмас. Ўзига етарли бойлик ва маънавий фаолият ортиқча моддий маблағ талаб этмайди. Ҳатто ер ва сувга ҳоким бўлмасада ҳам олижаноб ишларни амалга ошириш мумкин. Ҳасисликнинг турли шакллари ичida Арасту фикрича энг ёмони ҳаддан ташқари ортиқча мулкка ҳирс қўйишиликдир. Унинг бунга муносабатини ўз томонидан хўжалик юритишнинг икки қарама-қарши турини ишлаб чиққанликда кўришимиз мумкин. Бу «Экономика» ва «Хрематистика»дир. «Экономика» хўжалик юритишнинг тўғри усулидир. Унинг мақсади — оиласинг хўжалик эҳтиёжини оқилона қондиришдан иборат. Чунки оила жамиятнинг бир хужайрасидир. «Иқтисод» оила ва унинг аъзоларини олий мақсад — фаровонликни эришиш йўлида зарурий нарсалар билан таъминлайди. Иқтисод йўли билан қўлга киритилган нарса — табиатга муносабиравиша қўлга киритишликлар.

«Хрематистика» эса хўжалик юритишнинг салбий шакли бўлиб, Арасту уни қаттиқ танқид қиласди. У инсонни олий мақсадларга эмас балки чексиз бойлик орттиришга ундайди. Бу ерда юлғучлик — мақсад бўлиб, у ўзининг хўжалик мулкини кўпайтиришга интилади. Иқтисоднинг хрематистикага қарши турганлиги, урушларни таҳлил қилиш тажрибасидан келиб чиқиб, уни ижтимоий ҳаёт ҳодисасидир дейди. Уруш ҳам хўжалик юритишнинг бир тури бўлиб, бойликни қўлга киритиш санъати. Чунки урушнинг бир қисми овчиликдан иборатдир. Ов фақат ҳайвон ва паррандаларни ов қилишдан иборат бўлмай, балки табиаттан тобе бўлувчи кишилар тобеликка бўйсинмовчиларни ов қилишдан иборатдир. «Иқтисод» табиатга мувофиқ келадиган барча қўлга кирувчи бойлик турларига тегишилидир. Санъатнинг бирон бир турининг қуроли на ҳажм на миқдори жиҳатдан чексиз бўлиши мумкин эмас. Бойлик ҳам оила ва давлатнинг ҳаёти учун фойдали қуролнинг йўғиндисидир. У ҳам чексиз эмас. «Иқтисод» билан қўлга киритилган давлаттинга баҳт-саодат келтиради, агар у табиатга мос келса. Хрематистика эса аксинча, табиатга зид келадиган қўлга киритилувчи хўжалик «фаровон»лигидир. Чунки у бойлик ва мулкдерликнинг чегарасини билмайди, дейди, — у. «Хрематистика» айрбошлашнинг «фар-

зандидир». Даастлаб айрбошлаш ҳаёттй мақсадлар учун юзага келганд бўлиб, табиатта мос келган. Унинг мавжудлигининг зарурийлиги етишмовчиликнинг тўлдиришга мўлжалланган эди.

Бироқ пулнинг пайдо булиши, муомала ва жамғармани юзага келтиришда восита йўлини топиш билан айрбошлаш ўзининг дастлабки вазифасини, яъни бевосита эҳтиёжини қондириш бўлмай, балки чексиз бойлик орттириш қуролига айланди. Бу янги айрбошлаш оборотдан, хрематистика ривожланади. У кўпроқ пул билан муносабатда булади. Унинг вазифаси чексиз бойлик орттиришдир.

Хўжалик фаровонлигини орттириш йўлида табиий интилиш ғайритабиийликка ўтиб, кишилардан олий баҳтга эришиш ўрнига, чексиз бойлик орттиришга ва фақат ўзини ўйлашга олиб боради. Арастунинг ҳўжалик қадриятларига қараши унинг аҳлоқий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари билан белгиланди. Унинг бу қарашлари «Сиёса» асарининг 8-китобида баён қилинган. «Сиёса» асарида ижтимоий муносабатлар ва давлат тузилишининг турли шакллари таҳлил қилинади. Ҳамда уларга баҳо берилади. Давлатда Арасту қандайдир муомала шаклини кўради. Давлат кишилар ўртасидаги муомаланинг олий шаклидир.

Давлат доирасида бошқа ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос мақсадлари на йўлларининг яхлит тизими мавжуддир. Ҳар бир хусусий муомала тури бирон бир эзгу мақсадда вужудга келади.

Иқтисодий муносабатларда Арасту муомаланинг фақат ижтимоий шаклларини кўради ва улардан учтасини алоҳида ажратади. 1) Оиласидаги муомала. 2) Умумий ҳўжалик ишлар бўйича муомала. 3). Ҳўжалик баҳт-саодат билан алмашиб муомаласи. Давлат фақат мавжудлик учунгина мавжуд бўлмай, балки яхши ҳаёт учун мавжуд бўлмоги лозим, дейди файласуф.

Арасту да златни муомаланинг бошқа турларига қарама-қарши қўйиб, қўйидаги хулосага келади. Давлат бир жойда яшовчи инсонларнинг ўзаро мулоқати, адолатсизликка қарши ўзини ҳимоя қилиш учун тузган иттифоқи ёки ҳўжаликдаги айрбошлаш учунгина бўлган мулоқати эмас. Буларнинг ҳаммаси давлатнинг ташкил топиши учун зарурдир. Лекин фақат бу билангина давлат ташкил топмайди. «Давлат шу пайтда юзага келадики, қачон оила ва уруғ ўрталарида баҳтли ҳаёт учун, муомала пайдо бўлса, ўз ҳаётимил ва тўлиқ бўлганда булади».<sup>53</sup>

Инсон ўз табиатига кўра ижтимоий мавжудотдир. Борди-ю, бирон-бир киши муайян шароитларга кўра эмас, балки ўз табиатига кўра, давлатдан ташқарида яшаса, унда у инсондан юқори бўлмайди ёки маънавий жиҳатдан етилмаган булиши керак.

<sup>53</sup> Арасту Политика III: 3 1280 и 29—35.

Комил инсон мукаммал фуқаро бўлиши керак, мукаммал (комил) фуқаро бўлиши учун давлат ҳам мукаммал бўлиши керак. Бу қараш олий даражадаги юонон шаҳар-давлат ҳаётини кузатувчи ва тадқиқ қилувчи Арастуга ўҳшаган кишиларга хосдир.

Давлат ўз табиатига кўра оила ва индивид табиатидан юқори туриши керак. Чунки яхлитлик (бир бутунлик) ўз қисмларидан аввал келиши керак. Дарҳақиқат ҳар қандай предмет ўзи амалга оширувчи акт ҳамда бу актни амалга ошириш имконияти билан аниқланади. Агар бу хусусиятлар предметда йўқолган бўлса, унда у ҳақда гап бўлиши мумкин эмас, унинг фақат белгиси қолади холос. Шунинг учун, алоҳида олинган киши, бирор билан муомалага кириша олмаса ёки ўзини ҳамма нарсада етарли ва бирон бир нарсага эҳтиёжни сезмаса, давлатнинг элементи ҳисобланмай, ё ҳайвонга ёки худога айланиши мумкин.

Арасту ижодини тадқиқ қилган Виламовиц-Меллендорф шундай ёзди: «Комил инсонни яратмоқчи бўлган киши, комил фуқарони тарбияламоғи керак, комил фуқарони тарбияламоқчи бўлган киши комил давлатни яратиши керак»<sup>4</sup>.

Давлат таркибга айрим шаҳслар, оиласлар ва кишлоқлар кириши керак. Бироқ, алоҳида шахсларнинг ҳаммаси ҳам давлат таркибига тааллуқли бўлмайдилар. Ғуллар унга кирмайди, дейди у. Ғулдорлик тузумининг мағкураси сифатида Арасту қулларни одам ўрнида кўрмай, уларни ўз хўжайнинларининг жонли қуроли ҳисобланади. Жамиятда ўзаро бир-бири билан боғланган барча элементлар бир бутунликни ташкил этади. Ҳукмронлик элементи ва итоаткорлик элементи барча холда намоён бўлади. Бу табиатнинг умумий қонуни, шунинг учун унга тирик мавжудот бўйсинади. Бундан Арасту қулчиликнинг табиати ва вазифасини келтириб чиқарди. Унинг фикрича ўзлигига эга бўлмаган киши табиатан қулдир. Улар фақат жисмоний ишларга мўлжаллангандир. Хўжайнин фақат қулнинг хўжайнини. Лекин унга тааллуқли эмас, қул эса нафақат хўжайниннинг қули, балки бутунлай унга боғлиқдир.

Арасту Афлотун сингари одил жамият тўғрисида фикр юритади. Ўзининг одил жамият тузумини, ўз давридаги давлат тузумининг иқтисодий структураси ва типлари асосида янги ажralиб турувчи давлатни куриш фикрини илгари сурди. У мустақил сиёсий фикрли бўлиб, у ўз давридаги мавжуд давлатларнинг олиб бораётган сиёсатини, давлат ҳуқуқий назариясини танқид қилди. Арасту ўз мактабида маслақдошлари билан биргаликда кўпгина юонон шаҳар давлатларининг конституцияларини изчил равишда ўрганди. Мълумотларга қараганда у 158 та конституция билан танишиб чиқкан. Булардан фақат биттаси 1890 йили Мисрда Афина конституцияси «Афина полития»си номида топилган эди.

<sup>4</sup> В. Ф. Асмус. История античной философии IV. 1965 стр. 298.

Арасту ўз давридаги давлат сиёсий тузулмаларидан айниқса Афина демократияси, Спарта давлати ва Македония монархияси ни қаттиқ танқид қилган. Сиёсий назариялардан ўз устози Афлотуннинг назариясини танқид қилди, ҳамда бошқа назарияларга, масалан Ҳалқидалик Фалейнинг тенглик утопиясига озми кўпми ётибор берганд.

Арастунинг ижтимоий қарашлари умуман олганда Афлотунникига ўхшаб кетади. Чунки у ҳам ҳукмрон синфининг манфаатларини ҳимоя қилган. Ҳзининг идеал давлатини қуриш режасида барча ишлаб чиқариш ишларини жисмоний ишларни қулларнинг елкасига юқлаган. Бироқ қулдорлик жамиятининг эркин кишиларига нисбатан Афлотуннинг ерга эгалик түгрисидаги қарашларини тарки дунёчилик, фуқаролар ҳуқуқини камситувчи ғоя деб билди. Афлотун қулдорлик да влатидаги эркин кишиларнинг ерга эга бўлишлари, уларга турмуш тарзини таъминлаб, тийиб турувчи жилов деб қараган.

Арасту эса меъёрга биноан сахий яшаш деган бошқа формула ни илгари суради.

Спарта тузумининг асосий иллатини Арасту унинг тузумида деб билди. Унинг қонунчилиги фақат жасоратта, ҳарбий жасоратга мўлжалланган. Худди шу жасорат ҳокимликни қўлга олишда фойда беради. Спартачилар уруш олиб бораётган даврларида мустаҳкам турғанлар, лекин ҳукмронликни қўлга олгач, инқирозга юз тута бошлайдилар. Чунки улар бўш вақтни қандай ўтказишни ва ҳарбий ишдан муҳимроқ бошқа бирон бир иш билан шугулланишни билмаганлар. На фақат Спарта, балки бошқа давлатлар ҳам фақат ҳарбий соҳага ётибор бериш билан чегараланиб, фақат уруш кетаётган вақтлagini позициялари мустаҳкам бўлган, лекин ҳукмронликни ўз қўлларига олгач, инқирозга юз тута бошлаганлар. Арасту фикрича, давлатда дам олиш ва тинчликка имконият яратувчи фазилатлар аниқ ифодаланган булиши шарт. У фақат вақти уруш билан банд бўлган одамларнингина яхши одам, чунки уларнинг бўш вақти йўқ, тинч бўш вақтга эга бўлганлар эса қуллардир деган фикри беманилик деб ҳисоблайди.

Ўз давридаги мавжуд давлат тузумларининг назарияларини, шаклларини танқид қилган холда унга ўзининг идеал давлат лойиҳасини қарама-қарши қўйади.

Унинг фикрича, идеал давлат қуриш учун мавжуд тузумни инқиlobий йўл билан афдариш, инсонни қайта тарбиялаш талаб қилинмайди.

Сиёсатчи ва қонунчининг вазифаси бузилган ерда қурилиш билан шугулланиш эмас, «Сиёсат кишиларни яратмайди, уларни табиат қандай яратган бўлса, шундай қабул қилиб олади»<sup>35</sup>. Шундай давлат тузумини жорий этиш керакки, у мавжуд шарт-шаро-

<sup>35</sup> Аристотель. Политики I. 3 21—23.

итда мақбул ва эгилувчан булиши керак. Давлат тузумини яхшилаш уни қуришдан бир мунча осонроқдир. Яхши қонунчи ва ҳақиқий сиёсатчи, нафақат мутлоқ энг яхши давлат шаклларининга эмас, балки унинг муайян шароитларга мос келадиган нисбатан энг яхши шаклларини ҳам назардан чиқармаслиги лозим.

Мавжуд давлат тузумининг шаклларини такомиллаштириша ёрдам бериш учун сиёсий раҳбар давлат тузумининг умуман қанча тури борлигини билиш керак.

Шунинг учун Арасту илгари суроётган идеал давлат лойиҳасида ғадимги Юнонистонда маълум бўлган давлатнинг барча типлари кўриб чиқилган. Арастунинг, таъкидлашича, давлат тушунчаси турлича аниқланади ва турли сиёсий тузумлардан иборат давлат шакллари мавжуддир.

Ҳар қандай давлат, қандайдир яшаш жойга ўхшайди, деб ёзали файласуф ўзининг «Сиёсат» асарида. Лекин яшаш жой — бу тур, давлат - битта, гарчан у асосий яшащона бўлса ҳам давлат бу маълум сиёсий тузилишлардан фойдаланадиган фуқароларнинг жамият шаклидир.

Давлатдаги сиёсий тузилиш шунадай тартиби, унда давлатни бошқариш асослари ётада ва у давлатда олий ҳокимият деб ифодаланади. Сиёсий тузум қонун ҳукмини кўзладиди. Гонун ҳукмронлик қилмаган ерда, сиёсий тузум йўқ. Гонунлар бу шундай асоски, ҳокимлар ҳукмронлик қилишда ва мазкур давлат шаклини ҳимоя қилишда, қонунларни бузувчиларга қарши курашда қонунга қатъий амал қилишлари лозим. Гонун ҳамма нарсанинг устидан ҳукмронлик қиласди. Ҳар бир иш алоҳида олинганда ҳам давлат қонунига биноан бажарилиши керак, Арасту айтдики шунга интилиш керакки, қонунлар ўзгаравермасин. Чунки қонун бўйсуннишга мажбур этадиган қонун кучидан бошқа куч йўқ. Фақат урфодат қонунга бўйсунмайди, у эса узоқ вақт давомида шаклланади. Арасту сиёсий тузумдаги уч ҳукуқ тўғрисида фикр юритади. 1). Гонун чиқарувчи ҳукуқ; 2). Маъмурий ҳукуқ; 3). Суд ҳукуқи:

Давлат табиатан турли-туман бўлиб, қандайдир мураккаб, бир-бирига ўхшамаган кўпгина кимсалардан ташкил топган. Даставвал булар инсонлар, чунки бир хил кишилардан давлат ташкил топмайди. Ҳар бир киши ўз ишининг билимдони бўлмоғи лозим. Фақат бир киши битта ишни жуда яхши бажариши мумкин. Чунки бир кишидан бир вақтда най чалишни ва этик тикишни талаб қилиш мумкин эмас. Давлат ҳам бир-биридан фарқ қиласидиган оиласлардан ташкил топган.

Арасту давлатда шунингдек олижаноб ва пасткаш, бой ва камбағал, тарбияли ва тарбиясиз, озод ва кул (лекин кул давлатнинг қисми эмас) мавжуд дейди. У давлатнинг яшashi учун зарурий элементларни батафсил санаб ўтади ва буларни сифат ва миқдор элементларга ажратади. Сифат элементларига у эркинлик, тарбия,

туғилиш ва олижанобликни киритса, миқдор элементларига омманинг микдорий устунлигини киритади.

Давлат фуқаролардан иборат, яъни фуқаролар оммасидан иборат. Фуқарога давлат сингари ҳар хил қарашлар мавжуд, чунки ўша битта кишини ҳамма ҳам фуқаро деб ҳисобламайди. Фуқаро, тушунчаси ҳар бир сиёсий тузумда ўзига хосдир. Арасту фуқаро деб судда ва бошқарувда иштирок этган кишини айтади. Бу фуқаро тўғрисидәги мутлоқ тушунчадир.

Сиёсий тузумларнинг шакллари қанча кўп бўлмасин, фуқароларнинг ҳам шунча турлари бор дейишлик ноўрин, чунки ҳаммани ҳам фуқаро деб аташ мумкин эмас. Масалан, демократик давлатда фуқаро деб ҳисобланган киши, олигархия тузумида фуқаро деб ҳисобланмайди. Чунки демократик давлатдаги барча кишилар фуқаролардир, сабаби улар барча ишларда иштирок этадилар. Олигархия тузумида эса фуқаролар ҳарбий хизматни ўтайдилар ва худоларга хизмат қиласидилар. Фуқаролар тўртта амални бажарувчи кишилардир. 1. Ҳарбий ишни бажарувчилар; 2. Маъмурий органлар (маъмуриятнинг) ишларини бажарувчилар; 3. Судлов ишларини бажарувчилар; 4. Коҳинлик ишларини бажарувчилар. Бошқариш ишлари маъносида Арасту қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятни назарда тутган бўлса керак. Фуқаролар фуқаролик иззатхурматидан фойдаланадилар.

Давлат, юқорида айтилгандек, «умумий ётоқхона»нинг бирдан-бир шакли эмас. Бошқа шакллари — оила ва қишлоқ. Улар давлатдан аввал келади ва у олдинги иккита шаклга нисбатан охирги мақсад маъносида иштирок этади, яъни имконият ва давлатнинг энтелехиялиги азалдан инсонга ато этилган бўлади, чунки инсон ўз табииатига кўра сиёсий маҳлуқдир. Агар ҳайвонларнинг овози қувонч ва ғам аламни ифода этишга хизмат қилса, инсоннинг овози эса нима фойда ва нима зарар эканлигини ва шунингдек нима адолатли-ю ва нима адолатсизлигини ифодалаб беради. Шунинг учун давлатнинг ўзи табиий яшаҳхона шаклидир. Давлатнинг мавжудлиги табиий. Жамиятнинг дастлабки шакли бу оила. Арасту ривожланган қулдорлик жамиятидаги оилани, жамиятнинг дастлабки табиий шакли деб билади. У бутун инсоният пайдо бўлгандан бери ўзгартмай келяпти, дейди файласуф.

Дарҳақиқат, оила Арасту талқинида шак-шубҳасиз учта қўшалоқ қисмларга эга бўлиб, уларга тегишли учта муносабат мавжуд. Оиланинг энг кичик хужайраси қўйидагилар: хўжайин ва қул, эр ва хотин, ота ва бола. Оилада шунга мувофиқ уч хил муносабат мавжуд: хўжайинлик, эр-хотинлик, ота-оналик. Арасту хўжайинликни ҳокимлик қилиш ва уй хўжайинининг ҳукмронлигига ажратади. Иккиси ҳам оила бошлиғига тегишли, биринчиси қуллар устидан хўжайин бўлса, иккинчиси хотини ва болалари устидан ҳукмрондир. Биринчи ҳокимлик ҳаётда зарурий предметларни бо-

шқаради, биринчи навбатда қуллар устидан ҳукмронлик қилади ва ҳукмдор, ҳамда унинг оиласи фаровонлигига хизмат қилса, иккинчиси хотини ва болалари фойдасига хизмат қилади, уй хўжайинининг ҳукмронлиги монархия ҳокимияти. Хотиннинг оиласида ҳукмронлиги ғайри-табиийдир. Табиий муносабатлар бузилмаган ерда муносабат ҳукмронлик аёлга эмас асосан эркак кишига таалуқлидир. Софокл айтганидек: «Сукут сақлашлик аёлга гўзалик ато этади». Бир қанча оила бирлашиб қишлоқни пайдо қилади. Бу амалий жиҳатдан кенгайган оила бўлиб, унинг манфатлари кундалик эҳтиёжлар билан чекланмай, янада юқорироқ бўлиши мумкин.

Давлат бамисоли оила ва қишлоқнинг энтелехияси каби бир қанча қишлоқлардан пайдо бўлади. Давлатни бошқариш бу оила бошлиғи ҳокимлигининг давомидир. Чунки оила бошлигининг ҳукмронлиги монархик, сиёсий тузумнинг биринчи шакли — патриархал монархиядир (подшоҳлик). Ҳудди шунингдек ҳар қандай оиласи уруғ оқсоқоли подшоҳ сингари бошқаради. Кейинчалик оиласалар қон-қариндошлик жиҳатдан бўлинсалар ҳам оиласалар подшоҳ раҳбарлиги остида бўладилар. Бироқ сиёсий тузумнинг бошқа шакллари ҳам мавжуд.

Сиёсий тузумларнинг шакллари турли-туман, давлат мураккаб бир бутунликдир, бир-бирига ўхшамас кўпгина қисмлардан иборат. Ҳар бир қисмнинг бахт ҳақида ўз тасаввури ва унга эришиш воситалари мавжуд. Ҳар бир қисм ҳокимликни ўз қўлига олишга ва ўз ҳукмронлик шаклини ўрнатишга интилади. Ундан ташқари бир хил ҳалқ зулмкор ҳукмронга берилса, бошқалари подшоҳлар ҳукмронлигига яшаса, яна баъзилари учун эркин сиёсий ҳаст керак. Лекин асосий сабаб ҳар қандай давлатда, ҳуқуқлар тўқнашуви бўлади, чунки ҳукмронликка олижаноблар ва пасткашлар, эркин ва бойлар билан бирга озчилик олдида афзалликка эга бўлган кўпчилик интилади. Шунинг учун турли сиёсий тузумлар бир-бирини алмаштирадилар ва янгилар пайдо бўлади. Давлат ўзгарса ҳам инсонлар ўзгармай, қандай бўлсалар шундай қоладилар, факат бошқарув шакли ўзгаради. Арасту сиёсий тузумларни миқдорига, сифатига ва мулкдорлик белгиларига қараб бўлади. Давлатлар даставвал ҳокимлик кимнинг қўлида — битта шахснингми, озчиликни ми, ёки кўпчиликни қўлидами бўлишига қараб фарқланади. Арасту учун бу формал томон, чунки битта шахсми, озчиликми ва кўпчиликми тўғри ёки нотўғри бошқариши мумкин. Ундан ташқари озчилик ёки кўпчилик бой ёки камбағал бўлиши мумкин, лекин одатда камбағаллар давлатда ҳалқнинг кўпчилик қисмини ташкил этади. Бойлар эса озчиликни ташкил этиб, жамоа аҳлини мулкий белгисига қараб бўлишилик, миқдорий белгисига қараб бўлишиликка тўғри келади. Пировард оқибатда давлат тузумининг олти хил шакли юзага келади. Учта шакли (монархия, аристокра-

тия ва полития) түгри ва учтаси (тирания, олигархия, демократия) нотуғри шаклларидир.

**МОНАРХИЯ** — энг қадимий дастлабки ва энг илоҳий сиёсий тузум шаклидир. Арасту шоҳ ҳокимлигининг патриархал ва мутлоқ монархия турларини санаб үтган. Агар давлатда ҳаммадан устун турувчи шахс бўлса, унда мутлоқ монархия тузуми бўлади. Бундай кишиларга қонун йўқ, одамлар ўртасида худо даражасига-ча кўтарилиди ва уларни ўзига ва қонунга бўйсундиришга ҳаракат қиласи. Ганлай кулгили — «Уларнинг» ўзлари қонун дейди Арасту. Одатда бундай кишиларга қарши сургун ишлатиларди. Арасту сургунга қарши бўлган, чунки бундай кишилар давлатда уларнинг абадий подишоҳларидир, фақат бундай инсонга бўйсунишдан бошқа илоҳ йўқ.

**АРИСТОКРАТИК** сиёсий тузум ҳукмонлик қилган даврда ҳокимият оғчиликнинг қулида бўлиб, давлатни шарафли кишилар бошқареди.

**ПОЛИТИЯ (РЕСПУБЛИКА)** сиёсий тузумида ҳокимият кўпчиликнинг қулида бўлади. Лекин, кўпчиликнинг бирдан-бир ҳаммага таалуқли фазилати — ҳарбий фазилат. Республика жамияти шундай кишилардан ташкил топганки, улар табиатан жанго-вар бўлиб, қонунга асосланган ҳокимиятга бўйсенишига лойиқдирлар. Шунга асосан ҳокимият мансаблари жасур, муносиб камбағалларга зам тегади. Арасту фикрича кўпчилик оғчилик олдида устунликка эга бўлади. Кўпчиликнинг ҳар бир аъзоси аристократик оғчиликнинг ҳар бир аъзосидан яхши. Кўпчилик алоҳида-алоҳидаликдан бирга бўлганларни афзал, чунки ҳар бир киши диккат эътиборини бирон бир қисмга қаратган бўлади. Ҳамма эса биргаликда ҳаммасини, лекин кўпчилик етарли даражада ривожланган бўлган тақдирда қурадилар. Ундан ташқари кўпчилик ҳукмонлик қилишга кўпроқ асосга эгадир. Чунки агар шахсий қадр қимматдан келиб чиқадиган бўлсак, бойлик ёки насл-насабилар ичida ҳар доим энг муносиб, энг бой, энг шарафли киши топилиши мумкин, шунинг учун муносиб бой, шарафли кишиларнинг ҳукмонлиги барқарор эмас, кўпчиликнинг ҳукмонлиги мустақил ва барқарор бўлади.

**ТИРАНИЯ** сиёсий тузумини Арасту қаттиқ қоралаган. Золимлик инсон табиатига мувофиқ келмайди. Тирания (золим шоҳ)-нинг ҳокимлиги, якка монархнинг маъсулиятсиз ҳукмонлиги-дир. Гўл остидагиларнинг манфаатларини ҳимоя қilmайди. Золим шоҳ доим уларнинг хоҳишига қарши чиқади. Жамиядаги бирон бир эркин киши бундай ҳукмонликка кўнгилли равишда рози бўлмайди. Золимлар барча маънавий фазилатли кишиларнинг душманларидир. Маънавий фазилатли кишилар биринчидан, бешавқат ҳукмонликка даъвогар эмаслар, иккинчидан, улар ўз муҳитлари ва бошқалар орасида ишончга сазовор бўлиб, на ўзларининг,

на бошқаларнинг устидан чақимчилик қилишмайди. Золим ўз қўли остидаги кишиларга иродасизлик кайфиятини сингдиришта интилади ва ўзаро ишончсизликни уйғотиб, уларни сиёсий кучдан маҳрум қилади. Шунинг учун Арасту бу сиёсий тузумга нафрат билан қараб шундай дейди: «Олқишу иззат-икромга ўғрини ўлдирган эмас, золим шоҳни ўлдирган лойиқ».

**ОЛИГАРХИЯ** сиёсий тузумида, аристократик тузум каби озчилик кўпчилик устидан ҳукмронлик қилади. Лекин бу озчилик аристократлар сингари иззат-обрўга эга кишилар бўлмай, балки бойликка эга бўлган номуносиб кишилардан ташкил топган сиёсий тузумдир. Улар ўзларининг манфаатларини хамма нарсадан устун қўядилар. Демократик тузум Арасту фикрича салбийдир. Мутафаккирнинг таъкилашиб демократиянинг турлари бир неча хил. Аниқроқ айтсак беш хил, улар ўз навбатида иккига бўлинади. Биринчиси, қонунга асосланган демократия, иккинчисида олий ҳокимият қонунда эмас, балки омманинг қўлида бўлади. Демак, ҳокимият ҳалқ хушомадгўйлари — демоголлар қўлида бўлади. Хушомадгўйлар золимларга сажда қилса, демоголлар ҳалқнинг бўшига битган балодир. Бу ерда бутун ҳокимиятчилик парчаланади. Қонунга асосланган демократия барча ёмон сиёсий тузумлар ичидаги бир мунча дурустидир.

**ДЕМОКРАТИЯ** ҳақида гапириб, Арасту миқдорий принципни мулкийликка бўйсундиради. Муҳими шундаки, бу кўпчиликнинг ҳокимияти ва фақат эркин фуқароларники бўлибгина қолмай, балки камбағалларники ҳамдир. Демократия ҳукмронлик қилган ерда ҳокимият кўпчиликнинг қўлида, гарчанд улар эркин бўлсаларда, барибир муносабиларнинг қўлида эмас. Озчиликни ташкил қўлган кишилар — олигархия тузумига бошлилик қилиб, якка шахснинг қўлига ҳокимият ўтиб қолса, у золимга айланаб қолади, агар ҳокимият кўпчиликнинг қўлида бўлса, демократияга айланади. Подшоҳликнинг моҳияти бузилиб, аристократияга ёки полития (республика)га айланади, у эса ўз навбатида олигархияга, у яна ўз навбатида тирания (якка золимлик)га айланади, тирания эса демократияга айланади. Биз Аастунинг мавжуд сиёсий тузумларига бўлган қарашларини кўриб чиқдик. Энди, унинг давлатга бўлган муносабатини, ўзининг шахсий режаларини кўриб чиқамиз. Давлат, дейди Аасту, бу омма ... бу фуқаролардан иборат бўлиб, ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга интиладиган нарса. Кўпгина кишилар бу эҳтиёжларни моддийликка олиб бориб тақайдилар, бунинг учун улар бир-бирига ўз қасблари билан хизмат кўрсатишади. Бироқ давлатнинг мақсади шунингдек унинг вазифаси кишиларни ўзаро адолатсизликлардан ҳимоя қилиш хам эмас. Албатта, давлат бу иқтисодий ва ҳуқуқий вазифаларни бажариб, кишиларга ҳаётий шарт-шароитлар яратади. Бироқ, инсоният жамоасининг мақсади фақат яшашдан иборат бўлмай, балки ундан

олийроқ яъни баҳтли яшашдан иборат булиши керак, шунинг учун давлатнинг мақсади баҳтли ҳаёт яратишдир. Шундай қилиб, давлатнинг вазифаси ва мақсади оиласларга ва шунингдек бир қанча авлодларга баҳтли ҳаёт яратишдан иборат. Давлат тенг ҳукуқли кишилар жамияти бўлиб, улар ўзаро энг яхши ҳаёт қуриш мақсадда бирлашишлари мумкин.

Арасту учун давлат ҳаётнинг энг мукаммал шаклидир. Бундай шаклда ижтимоий ҳаёт энг олий фаровонликка эришади.

Давлат умумий адолатга хизмат қилади. Лекин адолат нисбий тушунчадир, дейди Арасту, шунга қарамай, адолатни умумий баҳтсаодат деб билади. Баҳт-саодат фақат сиёсий ҳаётда булиши мумкин. Адолат — сиёсатнинг мақсадидир. Адолат умумий баҳт-саодат булиши билан бирга умумийликка тегишли адолатли қисмларга мос келиши лозим. Тенг адолатлилик бутун давлатта фойдали булиши билан бирга унинг барча фуқароларига ҳам фойда келтиради.

Аристократия ва полития ҳукмронлик қилаётган тузум — давлатнинг түғри шакллари булиб, унда битта шахс, озчилик ёки кўпчилик ҳоқимликдан умумий баҳт-саодат йўлида, умумий фойда, манфаатлар йўлида фойдаланадилар.

Тирания, олигархия ва демократия сиёсий тузумнинг нотўғри шакллари булиб, унда хоҳ битта, ҳоҳ озчилик ёки кўпчилик ҳукмронлик қилмасинлар, улар ўз манфаатларига хизмат қиладилар. Монархия сиёсий тузумида монарх ўзининг насл-насабига таяниб, олижаноб манфаатлар йўлида хизмат қилса, золим шоҳ (тиран) ҳукмроиликни ўз қўлига олиб, пасткашлиқ, қабиҳлик йўлида хизмат қилади. Уларнинг биронтаси ҳам умумий баҳт-саодат ўлида хизмат қилмаганлар.

Арасту Афлотуннинг идеал давлат тўғрисидаги қарашларини таҳқид қилиб, биринчи ўринга «давлатнинг мутлоқ энг яхши шакли эмас, балки у шундай ҳаёт ҳақида сўз юритадики, бундай ҳаёт кўпчилик кишиларга тегишли булиши керак ва шундай сиёсий тузум кўпчилик давлатларда мужассамлашган булиши керак. Шунингдек, Афлотун жамиятнинг учинчи табақасига яъни ҳунарманлар, деҳқонлар ҳақида етарли фикрлар билдирамаган. Арасту Афлотуннини идеал давлатига қарши принципиал эътиrozини келтиради.

1. Афлотун ўз идеал давлатини илгари сурар экан, у фақат давлатнинг бир шаклини сақлаб қолиб, давлатнинг турли-туман шаклларини бекор қилган. Давлат учун бирлиқ керак, лекин бирлик турли-туманликнинг бирлигидан иборат бўлмоғи лозим;
2. Афлотунда яхлит баҳт-саодат деганда, қисмлар баҳт-саодатини кўзда тутмайди. Аксинча Афлотун давлатнинг баҳт-саодати учун ҳарбийларнинг баҳтини тортиб ола-

ди, агар ҳарбийлар бахтдан маҳрум бўлган бўлсалар унда ким бахтли бўлади. Фақат давлатни бошқарувчилар бахтли бўлади.

3. Афлотун хусусий мулкчиликда ижтимоий зулмни кўрса. Арасту унга қарши чиқиб, айтадики, мукам мал давлатни хусусий мулкчиликни бекор қилиш билан қуриб бўлмайди, чунки умумий ишни барча бир-бирига ағдарили ва барчага таалуқли умумий нарсага ҳар бир киши жуда кам қайғуради. Арастунинг фикрича ижтимоий зулмнинг манбаи мулкчиликда бўлмай, балки инсон ҳоҳининг чеки йўқлиги ва унинг очкўзлигидadir. Шуни айтиш керакки, очкўзлик обрўга ҳам йўналтирилган. Шунинг учун фуқароларнинг ҳоҳишларини тенглаштириш ҳақида кўпроқ ғамхўр бўлишимиз керак. Бу фуқаролар мулкни тенглаштириш керак деган гап эмас. Афлотуннинг идеал давлатини қуриш мумкин эмас. «Ўз ҳоҳишига кўра давлат режасини тузиш — яхши, лекин амалга ошириб бўлмайдиган фикр тўғрисида фикрлаш мумкин эмас.

Арастунинг ижтимоий идеали. Файласуф таъкидлашича, энг яхши давлат бахтлидир, энг яхши давлат — бу демак энг яхши, сиёсий тузумдир. Давлат бошқарувининг энг яхши шакли энг яхши ҳаёт учун хизмат қилиш. Энг яхши ҳаёт — бахтли ҳаётдир, яъни ҳаёт фазилатларга, қурдатга тўла ва бу фазилатларни ҳаётнинг барча воқеаларига тўғри кўллай билиш керак. Фазилат икки қутбнинг мўътадиллигидир, мўътадил ҳаёт зарурийдир ва у энг яхши ҳаётдир. Бироқ бахтли ҳаёт учун бу маънавий фаровонликдан ташқари жисмоний фаровонлик, яъни соғлиқ ва ташқи фаровонлик ҳам даркор. Бироқ ташқи гўзаллик мўътадил бўлмоғи лозим. Энг асосийси фақаролар ташвишларидан, биринчи навбатдаги ишлардан озод бўлишлари керак, қонун чиқарувчилар эса даставвал ўз дикқат эътиборларини фақат жамиятнинг нуфузли қисми бўлмиш давлат раҳбарларига қаратибгина қолмай, балки хусусий ҳаёт кечириш ҳолатига эга бўлсинлар ва ҳеч ким уларнинг дам олишларини бузмасин. Мулкчиликнинг энг олий шакли мўътадилликдир. Давлатнинг энг олий бахтлилиги унинг фуқаролари ўртача мулкга эга бўлишликларидир, дейди Арасту. Бундай мулкга эга бўлган кишилар оқилона фикр юритадилар. Бир қарашда Арастунинг ижтимоий қарашлари халқчилга ўҳшаб кетади. Бироқ ундан эмас. Арасту давлатни муҳим ва номуҳим қисмларга ажратади ва бундан келиб чиққан ҳолда ўрта табақага мансуб кишиларни кўпгина фуқаролик хукуқларидан маҳрум этади.

Арасту зарурий, лекин муҳим бўлмаган давлат қисмларига барча меҳнаткашларни, муҳим қисмига ҳарбийлар ва давлат раҳбарларини киритади. Деҳқонлар, ҳунармандлар ва барча савдоғарлар таба-

қаси ҳар бир давлатнинг тарқибига кириши зарур. Лекин унинг муҳим қисмлари ҳарбийлар ва кенгаш аъзолариdir, дейди Арасту. Энг яхши сиёсий тузумдан фойдаланаётган давлат ҳунарманднинг фуқаро бўлишига йўл қўймайди, чунки деҳқончилик, ҳунармандчилик ҳаёт учун зарурий ҳунарлар, лекин улар фазилатдан маҳрумдирлар. Чунки ҳунарманднинг ёки ёлланма ишчининг ҳаёти фазилатлардан маҳрум. Фуқаролар ва ҳунармандчилик, на касбкорлик билан шуғулланмасликлари керак, чунки бундай ҳаёт шарафли эмас ва у фазилатлар манфаатига қарама-қаршидир. Энг яхши давлатнинг фуқаролари шунингдек деҳқон бўлишлари керак эмас, аксинча ўзларида фазилатларни ривожлантириш учун ҳамда сиёсий фаолиятлари учун уларга фалсафий бўш вақтлар зарур.

Арастунинг фикрича одамлар табиатан тенг эмаслар. Гул билан қулдор бамисоли ҳайвон билан инсондир. Биринчиси жисмоний меҳнатта туғилган бўлиб, бирорларнинг фикрини амалга оширади. Улар оқилларни тушунадилар, лекин ўзлари ақлга эга эмаслар. Улар жонли мулк ва ҳўжайиннинг қуроли. Гулларга эга бўлишлик, Арасту фикрича, бу уруш ёки ов ҳақидаги фандир. Овчилик ҳарбий ишнинг бир қисми бўлиб, мақсади ёввойи жоноворларни ва табиатан бошқаларга бўйсунадиган кишилар (қулларни овлашдан иборатдир. Бундай уруш адолатлидир, дейди Арасту.

Шундай қилиб, «энг яхши давлатнинг фуқаролари наинки ҳунармандчилик, бирон касб, на деҳқончилик билан шуғуланишлари у ёқда турсин, балки умуман жисмоний меҳнатдан ҳоли бўлишлари зарур. Фуқаролар қулдор бўла туриб, қул ҳисобига яшаб, фалсафа билан шуғуланишга бўш вақтга эга бўлиб, ўз фазилатларини ривожлантирадилар. Шунингдек фуқаролик бурчларини бажарадилар. Армияда хизмат қиласидилар, кенгашларда қатнашадилар, суд идсраларида судлашадилар, ибодатхоналарда худоларга ибодат қиласидилар. Ҳўжайин эса қул нимани бажара олишини билсин, буйруғ беришини билсин. Шунинг учун бойлиги етарли оиласнинг икир-чикирларига қарам бўлиб қолмаган бойлар, турмушнинг майда-чўйда ишларига аралашмай, бу ишни бошқарувчиларга топшириб, ўзлари эса давлат ишлари ёки фалсафа билан шуғуланишлари лозим».<sup>16</sup>

Фуқаролар мулки гарчанд тенг бўлмасада, лекин уларнинг ўргасида ўта бой ва ўта камбағали йўқ. Бутун эллин давлатларига тарқалган энг яхши сиёсий тузум уларни битта яхлит сиёсий тузумга бирлашишига имкон яратиб, бутун дунёда ҳукмрон бўлишлари мумкин. Барча бошқа ҳалқларни табиат қуллик учун ваҳший қилиб яратган. Шунинг учун улар қулликда яшашлари керак. Улар эллинликларнинг ижтимоий ва хусусий ерларида ишлашлари керак.

Улар бу ишларни умумийлик, фаровонлик учун ҳамда ўзлари учун бажаришлари керак.

Арастунинг сиёсий таълимотлари ниҳоятда улкан назарий ва шунингдек катта тарихий қимматга эга. Унинг идеал давлат түғрисидаги ихчам лойиҳаси, ҳар қандай хаёлий давлат каби уйдирма, хаёлий хусусиятларнинг реал жамиятнинг тарихий муносабатларини акс эттирувчи қоришмасидан иборат бўлган.

Арастунинг «Сиёсат» асарининг ажралиб турадиган хусусияти шундаки, унда реал, тарихий ҳислатлар хаёлий ҳислатларидан устун туради. Арасту фикрича, энг яхши давлатга йўл мавжуд воқейликни билиш орқалидир.

Арасту ижтимоий қарашларининг жон ва тана ўртасидаги дуализми қўйидаги кўринишга эга.

тана \_\_\_\_\_ давлат \_\_\_\_\_ жон \_\_\_\_\_

инсон бўлмаганлар  
(куллар ваҳшийлар) \_\_\_\_\_ тана \_\_\_\_\_ кишилар (озод юонликлар).

аёллар \_\_\_\_\_ тана \_\_\_\_\_ эркаклар

мехнаткашлар (дехқонлар, ҳунармандлар, сандогарлар).

мехнаткаш бўлмаганлар  
(болалар, катта ёшдаги фуқаролар қариялар).

Арастунинг сиёсий таълимотлари ниҳоятда улкан назарий ва шунингдек катта тарихий қимматга эга. Унинг идеал давлат түғрисидаги ихчам лойиҳаси, ҳар қандай хаёлий давлат каби уйдирма, хаёлий хусусиятларнинг реал жамиятнинг тарихий муносабатларини акс эттирувчи қоришмадан иборат бўлган.

Арастунинг «Сиёсат» асарининг ажралиб турадиган хусусияти яна шундаки, унда реал, тарихий ҳислатлар, ҳаёлий ҳислатлардан устун туради. Арасту фикрича, энг яхши давлатта йўл мавжуд воқейликни билиш орқалидир. Худди шунинг учун Арастунинг «Сиёсат»и сиёсий қарашларни ҳамда қадимги Юон жамиятида син-

фларнинг келиб чиқишини ва унда ўзининг сиёсий назарияларининг таянчани ўтаган энг қимматли ҳужжат деб ҳисоблаган.

Арастуниңг ижтимоий-сиёсий таълимотилари ва айниқса унинг идеал давлат ҳақидаги назариялари нафақат унинг ватандошлари томонидан ривожлантирилибгина қолмай, балки Ўрта аср Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг, биринчи навбатда Абу Наср Фаройнинг идеал жамоанинг фозил кишилари түгрисидаги қарашларига, шунингдек XVI—XVII асрларда гарбий Оврўпада яшаб ижод эттан мутафаккирларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларига ҳам катта таъсир қилған ва ўчмас из қолдирган.

## АРАСТУНИҢГ ЭТИКАСИ

Арасту биринчи булиб этикани мустақил фан сифатида илмий-фалсафий билимлар силсиласига киритган. Унга инсонлар ўртасидаги муносабатлар доирасида ва оқил, ижтимоий ҳайвон-индивиднинг ахлоқини ўрганувчи фан деб ном берди. Ахлоқ-одоб масалаларига бағишенгандын асарини «Никомах этикаси» деб атади. Бу асар ўғлига бағишенгандын, тўгри юриш-туриш, ахлоқ-одоб ҳақида, амалий насиҳат сифатида ёзилган ва унинг исми билан «Никомах этикаси» деб аталган. Демокритнинг ахлоқий таълимоти маълум даражада ҳаётий донишмандликка бағишенгандын афоризмлардан иборат. Афлотун ўз ахлоқий таълимотини диалог шаклида ифода этган бўлса, Арастуниңг ахлоқий таълимоти монолог сифатида, яъни ўз шакли жиҳатидан илмий асар булиб, бадиийликдан ва кундалик фикр-мулоҳазалардан йироқdir. Арасту қадимги фанларни системалаштирувчи бўлган.

Ахлоқий масалаларни ҳал этишда у Демокритга яқин турган. Арастуниңг этикаси дунёвий, ҳар бир озод кишини давлат фуқароси руҳида тарбиялаш масалаларига бағишенгандын.

Арасту фикрича ахлоқ масаласини кенг ва атрофлича ўрганиш, ҳамда унинг тизимини яратишдан аввал баҳт-саодат нималигини аниқлаб бериш лозим. Иккинчидан, инсон баҳт-саодатта эришишга қодирми ёки йўқми деган саволга жавоб бериш керак, (яъни ирода эркинлиги ва инсон хатти-ҳаракатини баҳолаш муаммоси қўйилади): учинчидан, баҳт-саодатта эришиш учун қайси йўлдан боришни англаш даркор (яхшилик муаммосини, тарбиянинг моҳијати ва имкониятни кўриб чиқиш керак); тўртинчидан инсон интилишларининг энг буюк мақсади олий баҳт-саодат эканлигини билиш лозим. Шунга кўра «етикада» фаровонлик ҳақидаги таълимоти, эзгулик ҳақидаги таълимот, ирода эркинлиги ҳақидаги таълимотлар ўрин олган. Рисола охирида озчиликка тааллуқли бўлган маънавий идеал таҳлил қилинади. Тарбиядаги ютуқ турмуш тартибига боғлиқ. Энг яхши ҳаёт кечириш шакли ҳақидаги таълимот бевосита давлат тузилиши ва сиёсатнинг яхши шаклига боғлиқ.

Арасту үз устози Афлотуннинг ҳақиқий яхшилик бу ўзгармас гоя деган фикрига қарши чиқиб, шундай деди: «Гарчанд Афлотун менга устоз ва дуст бўлмасин, ҳақиқат ундан қимматлидир. Муқаддас бурчим ҳақиқатга юз ўгиришга буюради». Ҳақиқатнинг мазмунни шундаки, яхшилик мутлоқ гоя бўлиши мумкин эмас, чунки яхшилик ўз-ўзича мавжуд деган борлиқ категориясига, сифат ва муносабат категориясига тегишилдири. Яхшилик турли-туман ва уни битта фояга боғлаш мумкин эмас. Агар яхшилик үз ўзича мавжуд деган тақдиримизда ҳам, унинг ахлоққа ҳеч қандай алоқаси бўлмай, кишилар унга эриша олмасдилар. Ахлоқ эса амалий масалаларни ҳал этади. Яхшилик тушунчаси — дейди Арасту мақсад билан боғлиқ ва у ҳар доим унга интилади. Бу мақсад орқали бошқа мақсадга эришишга интилиш бўлмаслиги керак. Ҳақиқий ёки олий баҳт-саодат инсонга хизмат қилиши керак. Инсон баҳти жоннинг фаолиятига боғлиқ.

Яхшилик бу жоннинг түфма сифати бўлмай, балки ҳосил қилинган, эга бўлинган нарсадир ва шунинг учун ҳузур-ҳаловат барчанинг умумий мақсадидир. Чунки ҳамма яхшиликлардан бутунлай маҳрум эмас, балки бунга таълим ва меҳнат орқали эришиш мумкин. Яхшиликни Арасту жон тўғрисидаги таълимотига кўра ва жоннинг қисмларига боғлаб таснифлайди. Бу тақсимлаш диний мақсадда эмас, генетик-биологик нуқтаи назаридан бўлади.

Жоннинг «ўсимликлар» қисми барча ўсимликлар учун умумийдир. Ҳайвонлар ва инсонларнинг жони эса эҳтиросли бўлиб, айнан шуларга таалуқли. Жон, ўсимликлар жони билан жоннинг ноақлий қисмини ташкил этади.

Жонинг оқил қисми фақат инсонга тааллуқлидир. Инсон жоннинг шу қисми билан бошқа тирик мавжудотлардан ажralиб турди. Арасту яхшиликларнинг ўзига ҳослигини аниқлаш мақсадида руҳиётта мурожаат қиласди. «Руҳий ҳаракатлар» уч турли бўлади. 1) Аффектлар. 2). гобилиятлар. 3). Эга бўлишлик хусусиятлари. Аффектлар ва қобилиятларни табиатдан оламиз, табиатан яхши ёки ёмон бўлмаймиз. Яхшилик одат сингари фаолият орқали эришиладиган сифатдир яхшиликнинг одатдан фарқи шуки, одат мақсад или шаклланмайди, яхшиликка махсус таълим ва онгли равишда эришилади. Инсоннинг яхши бўлиши оқилона хатти-ҳаракати, тарбияси ва ўз вазифасига бўлган муносабатида кўринади. Барча яхшиликларни икки турга бўлиш мумкин. Дианоэтик — жоннинг оқил қисми (донолик амалийлиги, изланишлiği) орқали бўлади. Этик қисми жоннинг иродага интилиши туфайли бўлади.

— Файласуф яхшиликтарни таърифлар ва унга баҳо берар экан, Демокрит сингари олтин ўртани «юқори кўяди ва уни ривожлантиради». Яхшилик, дейди Арасту, маълум даражада ўрталикни ташкил этади, чунки у доимо ўртачага интилади. Комил кишилар бир хил бўлади, ёмонлар эса ҳар хил бўлади.

Арасту яхшилик ҳақида умумий мұлоқазалар юритибгина қолмай, уларнинг ҳар бирини чүкүр таътил қиласы. Бу масалада у доимо амалий фәолиятта мурожаат қиласы. Фәолиятта тааллуқли тадқиқотда умумий мұлоқазалар мазмунсиз булиб, хусусийлари күпроқ ҳақиқатга зөгадирлар. Чунки ҳаракат доимо хусусий ҳисобланиб, умумий ҳолатлар хусусий ҳолатлар билан келиши керак. Жасурлик бу яхшилик, бемани қаҳрамонлик ва құрқоқлик ўртасыда туради. Бироқ яхшилик оддий ўрталык эмес, чунки у доимо иккى қутбнинг бирига яқын туради. Гаҳрамон киши, шундай кишики, у ўз олдидаги түсікәларни енгіб, құрқмай олға боради. Жасоратли киши азоб-уқубатта чидайды, мөттәрида ва оқилюна ҳаракат қиласы. Ҳар қандай құвват инсон жони зәға бўлган хусусиятга боғлиқ; шунинг учун жасурга қаҳрамонлик аъло күринади, унга эришиш бу унинг мақсадидир. Жасурлик ахлоқий яхшилик экан, у фәолият орқали қўлга киритилади ва намоён бўлади. Гаҳрамонлик энг кўп даражада намоён бўладиган фәолият бу урушдир. Арасту шунингдек қаҳрамонлик тушунчасининг яна бошқа жиҳатларини фарқлайди. Масалан, у сиёси қаҳрамонлик тўғрисида гапиради, мажбуран қаҳрамонлик кўрсатиш, қўрқув ва озобдан қутилишга интилиш инсонни жасур бўлишига ундайди. Ёлланган ҳарбийларнинг, ўз кумонданларидан қўрқишилари, тажрибали қаҳрамонликдир. Масалан ҳарбий санъатнинг сир-асрорларини яхши билган тажрибали ҳарбий тажрибасиз ёш ҳарбийдан устун туради. Арасту шунингдек шахснинг бошқа біззи тавсифларини таърифлайди.

Арасту ахлоқий фазилатлар ва иллатларни шундай тасниф қиласы.

ФАЗИЛАТ	ИЛЛАТ
Жасурлик, довнірактилк	Ҳзини тия билмаслик,
Мұлтадилик	исроғарчиллик
(лаззатланишида)	такабурлик,
Саҳиълик	мақтанчақоқлик
Савлатли бўлиш	кўполлик
Имматли бўлиш	такабурлик
Мулойимлик	масҳарабозлик
Тўғрилик (ҳақгу ёлик)	бемаънилик
Дилкашлик	адолитсизлик
Мехрибонлик	(қарама-қаршилик)
Адолатли бўлиш	иёйда,
(иқтисод бўйича)	
Гонунга биноен	
Адолатли бўлиш	
(умумий фазилат)	
	тўғри
	тақсимламаслик).
	зарар.
	адолатсизлик.
	(ўзига етарлича қарамаслик,
	ўзини камситишилик).
	мол-дунёга берилиши

Арасту этикасининг матлум тарихий ва синфий характеристи бу яхшиликларни тушунтиришга, масалаларни адолатли ҳал этишга боғлиқ.

Ахлоқий фазилатлар орасида биринчи ўринда адолат туради. «Адолатсиз деб қонунни бузувчиларга, бошқалардан ортиқроқ олуви үзүнгөн барып, барчага баробар қаровчи киши адолатлидир», дейди Арасту. Шундай қилиб, «адолат» тушунчаси бу айни бир вақтнинг ўзида қонунга биноан ва кишиларга баробар қарашиблик бўлса, адолатсизлик қонунга қарши ва инсонга турлича муносабатда бўлишиликдир. Шунингдек ортиқча фойдага ўзини урган киши ҳам адолатсизликдир. Адолатсизликнинг эзгуликка алоқаси бор, лекин ҳар қандай эзгуликка эмас, балки фақат ташқи баҳт яратувчи эзгулик доимо эзгуликдир. Лекин асл маънода ҳар бир шахс учун эзгулик эмас.

Арасту адолатнинг маҳсус турларини кўрар экан, релятивлик (барча билимлар нисбий) масаласига мурожаат қилиб, ҳуқуқий норма ва ахлоқий муносабатларни нисбий деб билади. Агар кичик гурӯҳ соғистлари ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзгарувчанлигини мутлоқлаштирган бўлсалар, Суқрот илоҳиётга мурожаат қилиб, уларнинг доимиyllигини мутлоқлаштирган бўлса, Арасту унисини ҳам, бунисини ҳам бир-биридан фарқлади. Тақсимловчи адолат унинг фикрича тенглик тамойилига риоя қилиш эмас, балки муносибликка қараб бир текис бўлишиликдир. Барча кишилар, адолат мутаносиблигига амал қилишга розидирлар. Лекин мутаносибликнинг ўлчовини ҳамма ҳам битта нарсада кўрмайди. Демократик жамоа фуқаролари уни эркинлиқда, олигархия тузумининг фуқаролари — бойлика, аристократлар эса фазилатда кўрадилар.

Демокрит табиат қонунлари билан кишилар томонидан яратилган қонунларни бир-биридан ажратиб, фарқлаган бўлса, Арасту сиёсий ҳуқуқда табиий ва шартли ҳуқуқларни топди. Сиёсий ҳуқуқ эса қисман табиий ва қисман шартли ҳуқуқдан иборат, дейди файласуф. Табиий ҳуқуқ эса ҳамма ерда бир хил аҳамиятга эга ва улар тан олинадими ёки йўқми бунга боғлиқ эмас. Шартли ҳуқуқ эса бу шундай ҳуқуқки, у дастлаб мұхим бўлмаган фарқга эга бўлган бўлса, аниқлангандан кейин бу эътиборсизлик тўхтайди. Қонунга риоя қилиш, унинг моддаларини бажариш давлатнинг ҳар бир фуқаросининг бурчидир.

Арасту мутаносиб ва тенгликка риоя қилувчи адолатни фарқлади. Биринчиси геометрик пропорция орқали ифодаланади, иккинчиси арифметик пропорция орқали ифодаланади. Тақсимловчи адолат тенгликни талаб этмай, балки мутаносибликка қараб (хоҳ у моддий ёки иззат) талаб бўлишига қарамай тақсимланиши керак. Муносиб киши, кўпроқ қисмга эга бўлиш ҳуқуқига эга яъни муносибликнинг пропорциясига қараб жамиятдаги бойлик ва лавозимлар адолатли бўлиши лозим. Пропорционалликни бузиш ёки тақсимлашда тенгликни бузиш адолатсизликни туғдиради.

Мулкдорларнинг ижтимоий тенгсизлик тарафдори эканлиги-

ниadolatli deb tanladi. Aрасту илгари сурган тақсимловчиadolat sinfiy xarikterinинг ёркин ifodasiidir. Lekin Aрасту bуни si-essiyadolat deb biladi.

Tenglashtiрилувчиadolat ikki қisimga bulyinadi. Bir xil ijtimoiy munosabatlар эркин, бoshqalari esa эркин эмас. Эркинликка олди·сотди, заём, қарз бериш, жамгарма, ёлланма түловлар кирса, эркин бўлмаганига ўғрилик, ўзига оғдиришлик, заҳар тайёрлаш, кўшмачилик, қотиллик, ёлғон гувоҳ бериш, босқинчилик, шикаст етказишилик, ҳақорат ва ҳ. к. киради.

Maъnaviy maқсадга эришиш учун дианоэтик ва этик фазилатлар бирикиши лозим. Aрасту этикаси рационализми шундаки, унинг ахлоқ мезонини ақл ташкил этади. Amaliётchi nima яхши·ю nima фойда келтиради, буни яхши мулоҳаза қилади. Amaliётchi ҳаракатни тўғри баҳолай олади. Turmush iшларида биринчиликни амалий кишиларга бериш керак. Amaliй киши давлат арбоби бўлганда ўз ватандошларига кўп фойда ва эзгулик келтириши мумкин. Bi-roq siёsat va amaliётни олий дейишлик bemaniqlikdir. Inson, dunёning энг яхши ijodidir. Gap shundaki, siёsat va amaliётchilik doimo xусусийликка tegishiidi va ўзгарувчандир.

Aрасту oқil va amaliй киши ўrtasidagi farқni ajratadi. U Aflotunga қarama·қарши taъkidlайдики, donishmandlar давлатни бoshqariшга қодир эмаслар, chunki ular ўзларини ҳақиқатни билишга баҳшида қиладилар ва зарур bўlgan нарсаларни ўрганадилар, ular ўзгарувчан ва жамият ҳаётiga керакли нарсадан йироқдирлар. Insonning vazifası amaliй va ахлоқий фазилатли bўliishdadir. Fazilat tўғri maқсадga йўналтирилса, amaliй chora topadi. Inson жонида tadbirkorlik kuchi bor, inson u tuфайli maъlum maқсадга munosib chora topdi va қўлга kiritdi. Agar maқsad яхши bўlsa, unda bu kuch taҳsinga savor, bordi·ю maқsad aҳmoқона bўlsa, unda bu қобiliyat ҳamma нарсага тайёр. Aрасту учун maқsad va chora birlikni tashkil этади. Bunda maқsad chorani tanlайди. Шунинг учун maқsadning maъnaviy xarakteri фақат maъnaviy vositalarга ijозат beradi va akシンча ахлоқsiz maқsalарга maъnaviyatciz vositalar munosib keladi.

Aрасту биринчи булиб, қадimgi дунё ахлоқida inson xulқi ning tizimini tадқиқ қилди. У amaliётta murojaat қилиб, iroda эркинлиги месаласини қўяди. Insonning barча хатти·ҳаракатларini aniqлаш, ular эркин, нозркин va aralashgan bўлади, deydi. Aрасту эркин ҳаракатning keliib чиқish tarixini ўрганди. Ҳаракат принципи insonning ўзиadadir. Шунга кўра insonning хатти·ҳаракатларini maқtaш ёки қoralaш mumkin.

Maқsad maъlum turning faoliyati ёки предметидир, iroda esa maқsadga intiliqlikclir. Iroda va maқsadni Aрасту shunday boғlайди. Aрасту учун iroda эркиnliginинг ҳудудларini tадқиқ etishi niҳояtda muҳimdir. Inson odobidan maқsad, chora va ҳаракат қан-

чалик мұхым экан, мутафаккир буларнинг инсон иродасига не-  
чеғлик таъсири борлғитини күрсатади.

Кишилар яхшилик ва хузур-ҳаловат тушунчаларини ўзларининг ҳаёт тарзларига қараб белгилайдилар. Гўпол ва илмсиз омма яхшилик ва хузр-ҳаловатни кайф-сафода кўради ва шунинг учун ҳаётларини кайф-сафода ўтказади. Илмли ва фаолиятли кишилар олий баҳти сиёсий фаолиятнинг мақсади каби обрў деб биладилар. Доно учун хузр-ҳаловат кузатувчанлик фаолиятидадир. Фаолият орқали характерга таъсир кўрсатиш орқали мақсад танлашда билвосита таъсир кўрсатиши мумкин, яъни шахснинг маънавий тараққиётига таъсир ўтказиш мумкин. Узоқни кўзлаган сиёсат-донлар доимо тарбияга катта эътибор бериб келганлари бежиз эмас.

Арасту инсон одобини таҳлил қилишни тугатар экан, ахлоқий ҳақиқат нима ва унинг мезони қанақа деган саволга жавоб беради. У Афлотуннинг ахлоқий абсолютизмини қабул қилмайди. Чунки Афлотун ҳақиқий фаровонликнинг мезони файри инсоний абадий ғояда деб билган. Шунингдек софистларнинг релятивистик ахлоқ (нисбий ахлоқ)ига қарши чиқади. Уларнинг фикрича, ҳар бир кишининг мақсади унга нима баҳтли кўринишдадир. Ҳақиқий баҳтини эҳтимол баҳтдан фарқ қиласидиган мезони йўқ деб айтишган софистлар. Арасту фикрича, ҳақиқий баҳти англаш маънавий юксак, тўғри фикрловчи кишига таалуқидир. Ҳар бир инсоннинг гўзаллик ва ёқимлилик тўғрисида тасаввuri бор. Бунда маънавий инсоннинг буюк ютуғи кўриниб турибди. Файласуф ҳар бир алоҳида холатда ҳақиқатни топади. Бу унинг мезони ва қонуни ҳисобланади. Маънавий инсон — ақл билан фазилатлар бирлигига амал қиласидиган кишидир. Фазилат жоннинг қўлга киритган сифатидир. Жоннинг комил қисми қанчалик кўп бўлса, фазилатлар ҳам шунчалик юқори бўлади. Инсоннинг энг мукаммал ва специфик жон қисми — оқил жондир. Ақлни инсон белгиламайди, балки ақл инсонни белгилайди. Фақат ақл хузур-ҳаловат ва азоб-уқубатни бир-биридан ажратади, эҳтиросларини тияди, ёмон одатларнинг ривожланишига йўл қўймайди. Фақат ақлли ва фазилатли киши дўстликнинг энг олий даражасига лойиқ. Бундай дўстликка на лаззатланиш, на фойда орттириш эмас, балки ҳам-фикрлик, ҳурмат ва муҳаббат бирдан-бир асосдир. Арасту ахлоқдан сиёсатга ўтишни амалий масаланинг қўйилишига боғлиқ дейди. Инсоннинг яхши бўлишига биргина фаннинг ўзи етарли эмас. Фан таъсирида азалдан одат тусига кириб қолган нарсаларни ўзгартириш мумкин эмас ёки ўзгартироқчи бўлса ҳам осон бўлмайди.

Одатларни нима ўзгартириш мумкин? Баъзилар кишиларнинг яхши бўлиши уларнинг табиатидан дейишиша, иккинчилари эса одатдан, учинчилари эса таълим тарбиядан деб биладилар. Биринчиси бизнинг ҳуқуқимизда, кейингилари эса одатларига кўра хузур-ҳаловат қилишлари орқали бўлади. Инсон яхшиликка тез эъти-

бор бериш үчүн жуда ёшли гиданоқ керакли одат ва тажриба түплаши лозим. Агарда жамиятта тегишли қонунлар мавжуд бўлса, унда тўғри тарбия амалга ошиши мумкин. Маълумки ижтимоий тарбия учун, яхши тарбия учун қонунлар зарурдир. Сиёсат, айнан яхши қонунлар чиқариш, давлатни бошқаришнинг энг яхши тузилиши билан шуғулланади.

Арастунинг ахлоқий таълимотиларига якун ясад, шуни айтиш мумкинки, унда Демокрит ва Афлотунгача бўлган қадимги ахлоқий фикрлар умумлашган. Юнон мутафаккири ўз ахлоқий назариясини еяр экан қатор маънавий масалаларни чуқурлаштиради ва ривожлантиради экан, ёки уларни биринчи бўлиб ўзи кўтариб чиқар экан, ҳаётий амалиётга реалистик нуқтаи назардан қарашларининг кенглиги маълум даражада Афлотуннинг диний мистик характердаги ахлоқий таълимотларини, софистларнинг ахлоқий реаливизмини енгишига муваффақ бўлди.

Ахлоқнинг кординал масалаларни ҳал этишда қадимий қомусчи тоҳ Демокрит руҳида тоҳ Афлотун билан баҳс олиб боришни таклиф этади. Фазилатлар туғма эмас, улар жоннинг кўлга киритилган сифатидир, инсоннинг маънавий бой бўлиши, давлат тузуми ва тарбиянинг мос келишига боғлиқ. Лекин хусусий тарбия эмас ижтимоий тарбия алоҳида аҳамиятта эга. Фазилатли ҳаёт ердаги фаровонликка интилевчи инсоний ҳаётдир.

Арастунинг кўпгина фикрлари шунчалик чуқур ва ҳаққоний бўлиб чиқдик, кейинчалик турли даврдаги ахлоқ назариётчилари унга мурожаат қилганлар. Буюк юнон мутафаккирларининг нафакат фалсафий таълимотларида балки ахлоқий таълимотларида ҳам биз диалектиканиң «тирик куртакларини, ақл кучига содда ишонч, билишнинг объектив ҳақиқатлигининг куч-кудратини кўрамиз. Шу билан бирга қулдорлар мағкурачиси Арастунинг маънавий таълимотлари тарихий чекланганлигини ҳам кўришимиз мумкин. У ўз сиёсий қаращлари билан монархия тузумининг тарафдори бўлган. Гул — ахлоқдан ташқарида яъни ахлоқ унга тааллуқли эмас.

Арастунинг доимий ўзгармас принципи қўйидатича: «Хўжайиннинг ўз қулига нисбатан ҳуқуқи ва отанинг ўз фарзанди устидаги ҳуқуқлари, сиёсий ҳуқуқлар билан айнан эмас. Бу муносабатларда сиёсий ҳуқуқлар ва сиёсий адолатсизликнинг бўлиши мумкин эмас. Гул жуда борганда ҳайвон сингари, унда жоннинг оқил қисми бўлмайди. Гарчанд инсон ҳиссий лаззатланса ҳам, лекин ҳеч ким ҳеч қачон баҳт ато қилаолмайди. Чунки у фазилат сингари фаолиятдир. Үнинг «Этика» асаридаги кўзга ташланадиган энг гўзал ғоя шундай янграйди: ҳоким ва бошқарилувчилар ўртасида ҳеч қандай умумийлик бўлмаса, дўстлик бўлиши мумкин эмас... тинчлик ва адолатнинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Лекин муносабат ҳунарманднинг ўз меҳнат қуролига жоннинг танага, хўжайиннинг ўз ўзлиги муносабати каби бўлиши лозим. Лекин дўстлик ва ад-

лат жонсиз нарсаларга тааллуқли бўлмагани каби ҳайвонларга ва култа ҳам тааллуқли эмас. Чунки қул хўжайнинг жонли курсидир. Ҳз табиатига кўра кимда ким ўзига ўзи тааллуқли бўлмаса, бошқага тааллуқли бўлса, гарчанд инсон бўлса ҳам, ўз табиатига кўра қулдир. Агар инсон ўз ўзига тегишли инсон бўлиб қолса, шундагина бошқага ҳам тааллуқли булиши мумкин.

Аёл — иккинчи навли маҳлук. Унда эҳтиросли ибтидо ақлдан устун туради. Аёллар тантиқларни туфайли эркакларга нисбатан иллатларга тез берилувчан бўладилар. Ундан ташқари улар ожиз ва тезда кўзга ёш оладилар. Олий маънавий инсон сифатида ҳам ўзларини қаттиқ тута олмайдилар. Ана шу сабабларга кўра фазилатлар ичиди энг яхшиси — оқиллик, амалийлик ва қаҳрамонлик, булар аёлларга хос эмас. Шунинг учун аёлнинг оиласидаги тобелик ҳолати адолатга эид эмас. Эрнинг ўз хотинига муносабати бизга аристократча кўринади, чунки бу ерда эр ҳукмрон, лекин эркаклар учун зарур ишларда ҳукмрон, қолган ўй ишларида аёл ҳукмрон. Агарда эр оиласида ҳамма нарса устида ҳукмронлик қилса, унда аристократик муносабат, монархия муносабатига айланади. Баъзан аёллар ер-мулкга меросхўр бўлиб қосалар, шунда бошқарувчи бўладилар. Бундай ҳолатда уларнинг ҳукмронликлари муносибликка асосланмай, балки олигархия тузимиdek бойликка ва кучга асосланади. Оиласида оила бошлиғи бўлмаган холларда оиласидаги муносабат демократик асосда бўлади. Шунингдек, оила бошлиғи заиф бўлган чоғда ҳар ким кўнглига нима келса ўшани қиласди.

Шундай қилиб, Арасту ахлоқий таассубликдан аристократ қулдорга хос хатоликлардан юқори кўтарила олмаган, қулдорликка хос бўлган ёрқин қараши шуки, у ақлий меҳнатга юқори баҳо беради-ю, лекин жисмоний меҳнатга менсимай қарайди. Жисмоний меҳнат қулнинг чекига тушган дейди. Санъат сиёсат ва фан эзгулик билан фаолият қўшилган фазилатдир. Буларнинг ҳаммаси эркин кишиларнинг имтиёзларидир.

Шунга қарамай, Арасту буюк. Унинг буюклиги Афинадаги полития тузумини енгган фуқаронинг иши бўлмай, балки ўзидан олдин ўтган мутафаккирларнинг барча ютуқларини ифодалаб, қулдор аристократларнинг типик қараашларини сақдай олганлиги ва ахлоқ -одоб масалаларини ўз даври даражасида ишлаб чиққанлитидадир.

Унинг этика тўғрисидаги таълимоти антик давр ахлоқий фикрларининг классик намунасиидир.

## АРАСТУ ЭСТЕТИКАСИ

Арасту эстетикаси унинг фалсафий меросининг марказий қисмларидан бирини ташкил этади.

Эстетика масалаларини файласуф «Риторика», «Сиёсат» ва айниқса «Поэзия санъати» асарларида кенг ёритган. Кейинги асар

«Поэтика» деб номланиб, унинг 26 боби, тугалланмаган фикларидан иборат ҳолда бизгача етиб келган. Арастунинг комедияларга бағишиланган иккинчи китобидан ҳам бизгача айрим парчаларги на етиб келган холос.

Арасту қадимги жамиятнинг кўзга кўринган йирик файласуфи ва устози Афлотуннинг санъатига реакцион қараашларини қаттиқ танқид қилиб, ўзининг прогрессив эстетик ғояларини илгари сурган. Янги давр санъати, поэзияси ҳамда дин тўғрисидаги таълимотларини Арасту меросисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. У ўзининг «Поэтика» асарида қадимги Юнонистонда пайдо бўлган санъат ва поэзиянинг барча турларини ўрганиб, уларни умумлаштириди ва мантикий, назарий хуносалар чиқарди.

Бу асарида на фақат қадимги Юнонистонда, балки бутун дунёга машҳур бўлган Гомернинг «Илиада» ва «Одессия»си, Софоколнинг «Шоҳ Эдип» каби асарлари ҳақидаги маълумотлар ўз ифодасини топган.

Шунингдек «Поэтика» ўз замонаси бадиий амалиётнинг мажмуаси ҳисобланиб, бадиий ижоднинг меъёрий қонунларини ташкил этади. Мутафаккир доимо санъатнинг аниқ фактларидан келиб чиқади. У Зевксис, Полигнот каби рассомлар, ҳайкалтарош Федия ва бошқаларни тилга олади. Арасту Юон драмаси, эпоси, архитектураси, мусиқаси, рассомчилигини жуда яхши билган.

У булар ҳақидаги жуда қизиқарли фикрларни баён қиласди, муҳим бадиий масалалар ҳақида фикр-мулоҳаза юритади. Масалан, комедия ёмснини ҳажв остига олиб, яхшини тасдиқласа, трагедия эса энг яхшини таърифлаб энг ёмонни рад этади, дейди Арасту, ҳаётий воқеаларни қаламга олади, тартибга солади, персонажларнинг қандай қаҳрамонлик кўрсатганларини ёки гуноҳ иш қилганларини төсвиirlайди.

Арасту ўз ўтмишдошлари Пифагор, Демокрит, Афлотун каби эстетик таълимоти марказига гўзаллик масаласини қўяди. Гўзалликнинг асосий турлари Арасту фикрича, батартиблик, меъерлик ва аниқликдир. Гўзалликнинг энг юқори ифодасини жонли нарсалар ва айниқса инсон ташкил этади. Инсон ўзининг гармоник ва пропорционал ҳолда тана қисмларининг тузилиши туфайли гўзалликни ифодаловчи ва шу билан бирга санъатнинг асосий предмети сифатида иштирок этади. Гўзаллик унинг фикрича объектив ва мутлоқ нарсадир. Бу жиҳатдан Арасту Гераклит ва Демокритга яқин туради.

Чунки улэр учун гўзаллик ғояларда эмас, балки реал предметларда, улар билан муҳим алоқа ва ўзига хосликдадир.

Санъат унинг фикрича, ҳаётни талқин этиш ва янгиланишдан иборат. Талқин этишлик ритм, сўз ва ҳамоҳанглик (кўп маъно)лар асосида бўлади. Раққосанинг хатти-ҳаракатига бас бериб, шундай дейди: Раққоса ўзининг кўркам, ритмик ҳаракати билан ҳарак-

терни қайта ишлаб, ифода этади. Шеъриятда ҳамоҳанг, ўлчов қоидасининг аҳамиятини алоҳида қайд этади. Фикр ва сўз яхлитлиги хамда мантиқийлиги зарурийлигини тўғри ва муғассал баён қилади. Сўз воситасида ифодалашнинг афзаллиги унинг аниқ бўлишида, тубан бўлмаслигидандир, дейди мутафаккир.

Санъат, Арасту фикрича, кишиларнинг қайта яратишга мойиллигидан туғилади. Тақлид қилиш биринчидан кишида болаликдан бошланади ва улар бошқа маҳлуқотлардан тақлид қилиш қобилянятлари юқори бўлганлиги учун дастлабки билимни ола бошлайдилар, иккинчидан озиқ-овқатларни танаввул қилиш барчага лаззат келтиради. Бу орқали Арасту кишилар адабий асарларни кузатиб лаззатланишларни тушуниришга ҳаракат қиласи. Бу лаззат унинг фикрича «Билиш» қувончида яширган бўлади.

Масалан, биз ҳақиқатан кўришни ёқтиргмаган нарсани тасвирида маза қилиб кўрамиз. Мисол учун, ёмон йиртқич ҳайвонлар тасвири. Бунинг сабаби шундаки, илм олиш на фақат донишмандларга, балки бошқа одамларга ҳам баббаравар ёқади. Лекин фарқи шундаки бошқа кишилар илмни қисқа муддатга оладилар. Улар тасвирига мажмунлик билан қарайдилар, чунки уларга якка-якка буюмлар борлигини ўрганишлари, мuloҳаза юритишлари мумкин. Масалан: бу фалон нарса. Агар борди-ю шу нарсани у аввал кўрмаган бўлса, унда тасвири ўхшатиш йўлисиз лаззат бағишлади. Лекин лаззатланиш ишлови, ранги ёки бирон-бир болига шу турдаги сабаб орқали бўлади. Бундан ҳолоса чиқариб, шунни айтиш керакки, Арасту эстетик лаззатнинг манбани гоялар дунёсидан эмас ёки тажриба доирасидан ташқаридаги моҳиятдан эмас, балки кишиларнинг реал ҳоҳишилари орқали билишга боғлиқ дейди.

Санъат билувчанлик характерига эга, аниқроғи у кишиларнинг билиш фаолиятлари шаклларидан биттасидир.

Арасту санъатни борлиқдаги имкониятини фаол, ижодий юксак бадиий маҳорат билан ифодалаш деб билган. Мутафаккир тили билан айтганда, умуман, санъат хусусан яхши трагедия инсонни поклайди, уни ёмонликлардан сақлайди. Яхши трагедия оддий ва содда бўлмай, балки у кўпгина турли-туманликни ўз ичига олади, унда даҳшатли ва ачинарли воқеъа бир-бирига қўшилиб кетади. Трагедияда ҳурматли кишилар баҳт-саодатдан кетма-кет баҳтсизликка учраб турувчилар сифатида ифодаланмаслиги керак, акс ҳолда томошабинда на ачиниш, на раҳм-шавқат, на қўрқув туғилади. Шунингдек ярамас киши кетма-кет баҳтиёрликдан баҳтсизликка тушиб турган ҳолда тасвириланмаслиги керак, чунки қайғуриш, безовталаниш, азбланиш гуноҳсизнинг баҳтсизлигига нисбатан пайдо бўлади, холос, дейди мутафаккир.

Арасту санъатнинг вазифаси воқейликни механистик тарзда қайта тикламай балки уни ижодий акс эттиришдир дейди. Агарда бадиий асарнинг таъсирчанлиги катта бўлишини таъминлашда аниқ

қайта тиклаш шарт бўлмаса, ундан чекиниш мумкин. Воқеъликнинг ҳақиқатлигидан ҳар қандай чекиниш бадиий жиҳатдан оқланмоғи лозим. Демак бадиий ҳаққонийлик нарса ва ҳодисани оддий туғри қайта тиклашга олиб келмайди. Арасту даврига келиб санъатнинг турлари ва кўринишлари нисбатан аниқ белгиланган ва тараққиётнинг етарли юқори босқичига кўтарилди. Шундай қилиб, санъатни турларга ажратиш масаласини қўйиш учун етарли фактик материаллар тўплланган эди. Арасту «Ноэтика» асарининг учинчи бобида тақлидинг учта фарқлари баён этилган. 1). Восита, 2). Предмет, 3). Услуб. Унинг фикрича, санъатнинг барча турлари бир-биридан тақлид қилиш воситаси билан ажралиб туради: Масалан товуш мусиқа қўшиқнинг, ранг, шакл, расм ва ҳайкалтарошликтининг, ритмик ҳаракат ўйиннинг сўз ва ўлчов шеъриятнинг воситаси ва ҳ. к. Юқорида номлари келтирилган санъат турларини Арасту ўз навбатида ҳаракатдаги санъат (поэзия, мусиқа, рақс)га ва турғун санъат рассомчилик ва ҳайкалтарошлигига бўлади.

Файласуф айниқса сўз санъатини турларга ва кўринишларга бўлади. Тақсимланиш асосида тақлидинг обьекти ва шакллар хусусиятларига батафсил тұхгалади. Арастунинг ижодий жараён тўғрисидаги фикрлари катта қизиқиши уйғотади. Бадиий асар яратиш жараёни ва уни англаш интеллектуал актдир дейди у. Файласуфнинг таъкидлашича, ижодий жараён инсоннинг билиш фаолияти билан боғлиқдир. Шундай қилиб, унинг нуқтаи назарича, ижодий жараёни англаш мумкин. Файласуф санъат асарларини яратишда қулланиладиган муайян меъёр, кансанларга, амал қилишга интилади.

Санъатдэги донолик — дейди у, уз санъатида энг аниқ бўлганликка айтамиз. Фидияни биз доно ҳайкалтарош ва Поликлитни эса доно ўймакор деб тан оламиз. Донолик — санъатдаги мукаммал фазилатдир, дейди у.

Арасту асарларида санъатнинг тарбиявий роли катта урин эгаллайди. Санъат ўзи учунгина аҳамиятта эга бўлган қимматбаҳо нарса эмас. У кишиларнинг маънавий ҳаётлари билан боғлиқ ва фазилатларни такомиллашгирish масалаларга бўйсунади. Санъат асарлари инсон қалбини салбий эҳтиросларидан тозалаб, уни маънавий жиҳатдан бойитади. Санъатни инсоннинг маънавий фаолияти билан боғлаши Арастунинг катта хизматидир. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, файласуф маънавийликка ва маънавий идеалга нисбатан кузатувчанлик ҳолатида бўлиб, ҳеч қандай амалий мақсадларни назарда тутмайди.

Шундай қилиб, файласуф назарий фаолиятни бошқа ҳар қандай фаолиятдан юқори қўяди, чунки у илоҳий фаолиятга қондошdir дейди. Санъат ҳам назарий фаолият бўлганлиги учун у ҳам кузатувчандир.

Санъат ахлоқга, сиёсатга шахсни тарбиялаш масаласида бефарқ эмас.

Арасту тарбиянинг воситаси сифатида мусиқага катта аҳамият беради. Бироқ унинг фикрича санъатнинг бошқа турлари ҳам инсоннинг маънавий қиёфаси шаклланишига ёрдам беради. Арасту қулдорларнинг мағкурачиси бўлгани учун тарбия масаласи фақат эркин кишиларга тааллуқлидир деб ҳисоблаган. Унинг маънавий ва эстетик идеаллари синфий характерда бўлган.

Арастунинг тарбия тўғрисидаги назарияси жоннинг уч қисмдан иборат деган таълимоти билан боғлиқ.

- 1). Ҳсимликлар жони,
- 2). Ҳайвонлар жони,
- 3). Оқил жон.

Жоннинг биринчи қисми жисмоний тарбияни аниқлайди, иккичиси эса маънавий тарбияни аниқласа, оқил жон ақлий тарбияни аниқлайди. Тарбиянинг мақсади жоннинг олий қисми иро-дали ва оқил жонларни ривожлантиришдан иборатдир. Табиат, дейди, Арасту, жоннинг ҳамма қисмларини бирга боғлади, шунинг учун тарбияяда биз унга риоя қилишимиз керак ва шахсни ҳар томонлама, гормоник руҳда тарбиялашимиз лозим. Шахсни тарбиялашнинг умумий тизимида эстетик тарбия катта рол ўйнайди. Инсонни яхши фуқаро бўлиб етишишида ва олий фазилат — ақлий фаолиятга эришишида тарбия катта рол ўйнаган. Арастунинг шахсни ҳар томонлама ва гормоник ривожланиш тўғрисидаги идеали кейинги эстетик таълимотларда ўз ривожини топди. Маълумки, шахснинг гормоник ривожланиш масаласи фақат муайян ижтимоий шароитда яъни иқтисодий, сиёсий ва маданий шарт-шароитлар бўлганида амалий ҳал этилиши мумкин.

Қадимги Юнонистонда эстетик фикрлар ривожи Арасту ижодида ўз олий нуқтасига эришди. Ҳатто Арастунинг энг яқин шогирдлари ҳам ўз устозининг ишларини давом эттиришга қодир бўла олмадилар. Арастунинг бу илфор эстетик ғоялари тарихан чекланганлигига қарамай, ўз даврида ва ундан кейинги даврларда ҳам муҳим роль ўйнаган ҳамда қулдорлик жамиятини ҳимоя қилишда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий қарашлари билан шубҳасиз алоқадор ва боғлиқ бўлган.

## АРАСТУ ХИКМАТЛАРИ

Олижаноблик ҳандай бўлиши ҳақида эмас, балки яхши инсон бўлиш ҳақида фикр юритишимиз лозим.

Олижаноблик ҳақида мулоҳаза юритиш, бу ҳали олижаноблик дегани эмас, шунингдек одиллик ҳақида фикр юритиш бу одил бўлиш деган гап эмас.

Ахлоқли инсон ҳатто ўз ҳаётидан маҳрум бўлган тақдирда ҳам дўстлари ва ватан йўлида кўп ишларни бажаради.

Ахлоқий фазилатлар инсон ниятида акс этади.

Ҳаракат назария ва амалиётнинг жонли бирлигидир.

Инсон кўлидан келадиган, ўзига ярашадиган ишга қўл уриши керак.

Ҳар бир кишида ва ҳаммада муайян мақсад бўлади. Бу мақсадга эришиш учун улар бир йўл маъқул кўрсалар, иккинчисини рад этадилар.

Ўз эҳтиросини бошқара оладиган инсон, уни керакли ва фойдали томонга бура олади.

Турли хитоликка йўл қўйиш мумкин, лекин тўғри йўл битта. Шунинг учун тўғри йўлдан кўра хато қилиш осон, мўлжалта тегишдан кўра тегмаслик осон.

Мусиқа қалбга ахлоқий таъсир кўрсатиш қувватига эга бўлса, унда ўёшларни тарбиялаш кучига эга бўлади.

Ақдли киши кўнглига нима маъқул келса, кетидан қувмайди, уни кўнгилсизликдан нима қутқарса, — ўшанинг кетидан қувади.

Айтилиши лозим бўлган гапларни муносиб даражада айта олган муаллиснинг китоби яхши китобdir.

Оқибатни келтириб чиқарган чинакам сабабина олий ҳақиқат фазилатига эга.

Кимки фанда илгари кетса-ю ахлоқда оқсаса, у олдинга эмас, орқага кетади.

Жиноят учун баҳона бўлса бас.

Мардлик: инсонни хатарли онларда ажойиб ишларга ундовчи фазилатдир.

Бирон бир киши жасурчалик қўрқувга бера олмас бардош.

Қўрқув нималигини билмай, ўлимга тик боққан марддир.

Баркамоълилкка эришган инсон барча жонзорлардан устун турди, лекин қонун адолатга бўйсингимай яшаса, у энг тубандир.

Адолат изликини қалқон қилиб олишдан даҳшатлиси йўқ.

Давлат қонунларини баҳолашда фуқароларнинг қандай яшаётганлигини ёилиш мумкин.

Мусофиричиликда ҳатто душманинг ҳам дўстлашишта ҳаракат қиласи.

Роҳат-фароғат орзуларнинг ушалиши демакдир.

Подшоҳларни эмас, балки халқни илмли қилиш лозим.

Ҳокимлик «юки» тушган киши тез ўзгариади.

Бир фуқаронинг бойиши бошқа бир фуқаронинг камбағаллашувига олиб келади.

Тентсиазлик бўлган ерда — адолат йўқдир.

Овқат учун зираворнинг ози яхши бўлгани каби, дўстнинг ҳам ози яхшидир.

Аҳмоқнинг дўсти бўлмас.

Золим подшоҳлар атрофида хушомадгүйлар гирди-капалак бўлишса, ҳалқ атрофида сафсатабозлар гирди капалак бўлишади.

Ҳидан кўра золим подшоҳ ҳавфлидир.

Доно киши ёмон эҳтирослари йўқ киши эмас, балки у ҳақда тўғри тушунчага эга бўлган киши донодир.

Олижаноблик — кеккайишлик ва хўрликнинг, саҳийлик ва исрофгарчилик, хасисликнинг, камтарлик-уятчанлик ва уятызликнинг, хайриҳоҳлик-хушомадгүйлик ва адолатнинг, ҳақгүйлик-айёрик ва мақтандоқликнинг, нафрат-хасадгүйлик ва ичи қораликнинг, эҳтиёткорлик-бузуқлик ва тошбагирликнинг ўртасидир.

Ҳаёт — бу ҳаракат демакдир.

Доимий жисмоний ҳаракатсизликдан ортиқ кишини сўндирадиган ва ўлдирадиган нарса йўқ.

Дўстлик — ҳаёт асоси агар у роҳат-фарогатда бўлса ҳам ҳеч кимса дўстсиз ҳаёт кечирмас.

## ЭПИКУРНИНГ БОРЛИҚ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТИ

Эпикур ғадимги Юнонистоннинг йирик мутафаккири, Демокрит фалсафасини янги поғонага кўтартган, Эпикур Демокритнинг атомистик назариясини янада такомиллаштириб, тегишли янгиликлар киритган.

У Демокрит сингари аввал биринчи ўринга материянинг тузилиш муаммолари, оламнинг асосини ташкил этувчи дастлабки моддий элементнинг тизимини қўйган.

Унинг таълимотича, олам моддий, материя абадий ва чексиз. Эпикур фикрича моддий олам атомлар ва бўшлиқдан ташкил топган. Атомлар энг майда заррачалардан иборат бўлганлиги сабабли, кўзга кўринмас, моддий заррачалардир. Атомлар бўлинмас, моддий заррачалардан ташкил топган ҳар бир предмет, маълум чегарагача бўлинниши мумкин. Атомларнинг бўлинмаслигини Эпикур унинг зичлигига деб билади.

Агар атомлар ҳам бўлинувчан хусусиятга эга бўлганда эди, унда йўқолган бўлур эди, — дейди Эпикур. Лекин атомлар бўлинмайди, йўқдан бор, бордан йўқ бўлмайди деган холосага келади.

Ҳазининг бу фикрини «Геродотга ёзган хатида» келтиради. Эпикур ўзининг бу фикрини давом эттириб «Агарда кўздан фойиб бўлувчи нарсалар, бутунлай йўқ бўлиб кетганда, унда барча нарсалар ҳам йўқ бўлур эди»<sup>52</sup>, — дейди.

Эпикур фикрича олам абадий мавжуд. Унинг материянинг абадийлиги, бутунлай йўқ бўлиб кетмаслиги ҳақидаги фикри гениал таҳминидир. Бубилан у жисмларнинг сақланиши қонунига асос солди. Эпикур оламни Худо ҳеч нарсасиз яратган деган гояни қаттий рад этади. Геродотта ёзган хатида «Олам жисм ва бўшлиқдан иборат»<sup>53</sup>, — деган.

<sup>52</sup> Ҳаш асар, 182-бет.

<sup>53</sup> Материалисты Древней Греции. М., 1955, 182-бет.

Барча жисмларни Эпикур 2 гуруҳга бўлади:

1. Биринчи гуруҳга жисмларни ташкил этувчи атомларни киритади.
2. Иккинчи гуруҳга атомларнинг бирикишидан ёки ажралишидан ташкил топган жисмларни киритади.

Эпикур фикрича оламнинг асосини ташкил этувчи ва мураккаб жисмларни яратувчи моддий дастлабки элементлар — атомлар, табиатан ўзгармас, зич ва парчаланмайди. Атомлар зичлигигининг сабаби улар ичидаги бўшлиқнинг йўқлигидадир деб билади. — Эпикур.

Атомлар шакл, ҳажм ва оғирликка эга бўлиб, миқдор жиҳатдан чексиз, шаклан хилма-хилдир.

Бизга маълумки, Демокрит атомларнинг хоссасига шакл ва миқдорни киритган эди. Эпикур эса атомларнинг хоссасига ҳажм ва оғирликни ҳам киритган. Жисмларнинг бирикиши ёки ажралиши Эпикур фикрича атомларнинг миқдор жиҳатдан қўшилиши ва камайишидан иборатдир. Эпикур Гераклит ва Анаксагорларнинг чекланган жисмларнинг чексиз бўлишиши тўғрисидаги таълимотларига қарши чиқиб, чекланган жисмлар қанчалик ҳажмга эга бўлмасин, улар чексиз миқдорга эга бўлган атомлардан иборат эмас ҳамда чексиз бўлинмайди ҳам дейди.

Агар ҳар бир жисм чексиз равишда бўлиниш ҳусусиятига эга бўлганда, унда реал мавжуд предметлар йўқ бўлиб кетган бўлур эди.

Эпикур атомлари худди Демокрит атомлари сингари доим ҳаракатда бўлали, атомлар ҳаракати юқорига, қуйига, тўғри, эгри йўналишда бўлиши мумкин дейди. Бироқ атомлар ўз оғирлигига эга бўлганилиги учун улар, ички ўз-ўзидан — спонтан ҳаракатда бўлади.

Эпикур томонидан ички ҳаракат кашф этилиши Демокрит илтари сурган атомистик таълимотга қўшилган янгиликдир. Эпикур атомистик таълимотни ривожлантира бориб, Афлотуннинг ғоялар дунёси тўғрисидаги идеалистик таълимотини қаттиқ танқид қилали. Арастунинг «биринчи двигатели — биринчи ҳаракатлантирувчи куч» тўғрисидаги таълимотини ҳам қаттиқ танқид қиласиди. Файласуф атомлар ўз-ўзидан спонтан ҳаракатда бўлиши туфайли табиатдаги барча ҳодисаларни табиатнинг ўзидан қидириш зарурлигини уқтиради. Шундай қилиб, атомлар ҳаракати Эпикур фикрича икки қарама-қарши тенденцияни яъни атомларни юқоридан тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракати ва уларнинг тўғри чизиқ ҳаракатидан оғишини исботлади. Ҳаракатни уёткинчи маънода эмас, балки абадий материянинг хоссаси эканлигини уқтириб ўтди. Ҳаракат материя сингари йўқ бўлиб кетмайди. Атомлар тўхтовсиз абадий ҳаракатда бўлса, улардан ташкил топган мураккаб жисмлар эса гоҳ ҳаракатда, гоҳ турғунликда бўлишини кўрсатди.

Гегелнинг Эпикурга қарши қилган ҳужуми идеалистик табиатшунос ўртасидаги реакцион баҳсни эслатади. Эпикур таъкидлашича коинот абадий ва чексиздир.

Дунёлар бизнинг дунёмиз сингари миқдор жиҳатдан чексиз ва ўхшаш ва ўхшамас дейди Эпикур. Эпикур дунёни материалистик тушинтирувчи файласуф бўлғанлиги учун Демокритнинг детерминистик таълимотини фаталистик чекланганлигини енгишга муваффақ бўла олди.

## ЭПИКУРНИНГ БИЛИШ НАЗАРИЯСИ

Эпикур ўз билиш назариясида моддий дунё, реал олам, табиат, конкрет нарса мавжудлигига ҳеч шубҳа қилмайди. У таъкидлашича: олам ва жисмлар бўшлиқдан иборат. Жисмларнинг мавжудлиги ҳақида дастлаб сезги аъзоларимиз дарак беради. Сезгилар асосида тафаккур унинг реаллигини кўрсатишга уринди. Ақлий билиш ҳиссий билишларга таянади. Гетель Эпикурнинг билиш назариясини камситиб «бундан ҳам қашшоқ бўлиши мумкин эмас» деб бонт уради.

Шуни айтиш керакки, Эпикур Гегель айтганидек, фикр, тафаккурни камситмайди, балки уларни юксак қадрлаган. Бунинг тасдиғи сифатида Эпикурнинг «Геродотта Эпикурдан салом» хатини мисол тариқасида келтириш мумкин.

«Агарда сезиш орқали буюм, предмет, айрим нарсаларнинг шакллари қабул қилинса, фикр, тафаккур, тушунча Эпикур назаридан масалан: вақт тушунчаси кеча ва кундуз, уларнинг қисмлари орасидаги алоқа, боғланиш тасвиrlанади. Нарсалар, буюмлар, муҳими инсонни кўп нарсага ўргатади. Мавжуд бор нарса буюмлардан ҳар хил жойлар, ашёлар ясашга ўргатади, инсон ақли уларни янада мукаммаллаштиради, ихтиrolар қилади. Гоҳ тез, гоҳ секин ютуқлар қозона боради»<sup>59</sup>

Эпикур нарсалар, буюмларнинг номлари ҳар бир халқда, унинг яшаши шароити жойи, ҳисси, психик характеристига мувофиқ келиб чиққанлигини тўғри кўрсатиб берган. Эпикур сезиш асосида сезишни бузмай, сезиш қўшилган холда пайдо бўлган фикрлар, тушунча ва тафаккурнинг дунёни, табиат қонунларини очишида, табиат мавжуд нарсалардан инсонга керакли нарсаларни ясашда буюк ролини алоҳида кўрсата олган.

Эпикурнинг «Пифагордан Эпикурга салом» мактубида XX аср кишисининг фикрини ўзига тортувчи жозибали сўзлар, иборалар, қонун-қоидалари ўрин эгаллаган. Ер ва у билан алоқадор ёритгичлар, чексиз оламнинг бир бўлаги сифатида, оламдаги бир неча

<sup>59</sup> Ҳаш асар, 195-бет.

дунё сингари ўхшаш ёки ўхшамасдир, яъни дунёлар сон-саноқсиз кўп. Гуёш, ой ва бошқа сайёralар айланма ҳаракатда бўлиб, табиий ёки шамол ёки олов, ёки қуёш ҳам унинг ҳам бунисининг бирикишидан келиб чиққан. Гуёш ва ой бошқа ёритгичлар сезгимиз даражасида ёки катта, ёки кичик бўлиши мумкин. Бу ёритгичларнинг айланиши зарурий, қонуний ҳаракат туфайлидир.

Эпикур шунингдек, гуёш, ой тутилиши ҳақида ўз қарашларини баён қилган. У билан бирга Эпикур об-ҳавони олдиндан айтиш мумкинлигини, булутларнинг ташкил топиши, буғланиши оқибатида, чақмоқ ва яшин, түфонлар, ер қимираши, унинг сабаблари түғрисида Эпикур гениал тахминларни айтган. Инсон табиат ва унинг жараёнларини сезиши, ҳиссий восита орқали ақл кўзи билан ўрганишни у ҳар томонлама исботлади. Файласуф инсон тафкурини улуғлайди. Турмушимиз гайри ақлий эътиқодга муҳтож эмас, биз хавф-хатарсиз яшамоғимиз керак, деган гоя Эпикур учун муҳимдир.

Инсон табиатнинг бир бўлаги. Унинг эркинлити ва бахти даставал табиат қонунларини билиб олишига боғлиқ. Инсон табиатининг асосий масаласи бу унинг жони ҳақидаги масаласидир. Эпикур Афлотун ва афлотунчиларнинг ва диндорларнинг танадан ташқарида жоннинг мавудлигини рад этди. Жон нозик заррачалардан иборат бўлиб, бутун организмга ёйилгандир, у иссиқлик билан аралашган шамолга ўхшайди. Бирлари шамолга, бошқалари эса иссиқликка монанд. Жоннинг айримлари ихчам, ҳаракатчан думалоқ атомлардан ташкил топган жон сезишнинг асосий сабабчисидир. Шунга биноан ички, ҳам ташқи сезишга инсон ҳар доим мурожаат қиласиди. Шунга кўра Эпикур жонни тана билан бирликда кўради. У жонни сезиш, ҳис қилиш қобилиятынинг манбаи деб ҳисоблайди. Тана ўлиши билан жон ҳам танани тарқ этади, сезиш, ҳис этиш қебилияти ҳам йўқолади.

Жон ҳам, сезиш ҳам, ҳис этиш ҳам, фикрлаш қобилиятига эга, аммо тэна бутун организм билан тириқдир, жон тананинг ҳамма қисмларида мавжуд. Инсон ўлиши билан жон ҳам танани тарқ этади.

## ЭПИКУРНИНГ АҲЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИ

Эпикурнинг аҳлоқий таълимоти ўз замонасига нисбатан прогрессив аҳамиятга эга бўлган. Унинг фикрича ҳаётнинг мақсади, роҳат-фароғат, хурсандчиликдан иборат бўлмоги лозим.

Эпикур фикрича роҳат-фароғат, хурсандчилик инсон бахтийнинг аввали ва охиридир.

Эпикур роҳатни Кирен мактаби намоёндалари каби ҳиссий лаззатда кўрмай, балки азоб-уқубатдан қутилиша деб билади. Роҳат-

фарогатга эришиш билан инсон бахтли ҳаёт кечиради, бунинг учун инсон ҳаётнинг икир-чикирларига бефарқ қараши керак. Шунинг учун инсон руҳи осойишта ҳамда жисмонан ва руҳан соғлом бўлмоғи лозим.

Лекин Эпикур назарда тутган роҳат-фарогат хурсандчилик буржуа файласуфлари тушунчасидаги ахлоқсизлик, кайфу-сафо бўлмай, балки жисмоний азоб-уқубат ва руҳий хавфдан қутилишидадир.

Эпикур фикрича азоб-уқубатдан халос бўлган, роҳатга эришган киши, ўлимдан қўрқмайди. Эпикур, Афлотун ва афлотунчиларнинг ғоялар дунёсидаги жон, жоннинг холати ҳақидаги хузур-халоват, гузалик түғрисидаги барча уйдирмаларни улоқтириб ташлади. Фақат моддий олам бор, унда инсон хузур-халоватли турмуш кечириши мумкин дейди, инсон худолардан ўлим ваҳималаридан қутилиши керак дейди.

Инсон сезиш ҳисси орқали яхши ёмонни ажратиб олади. Ақли орқали эса инсон ҳамма яхшиликни қабул қилиб, ҳамма ёмонликни рад эта олади. У шароит, муҳит, жойига, мутадиллик, нисбийликка қараб иш тутади. Очликда одам таом ҳам жуда лаззатли кўриниб, инсонга жисмоний хузур бағишлайди. Биз ҳузур-ҳаловат, лаззат деганимизда ҳирс, айшу-ишрат, ичкиликбоғлиқ, хотинбозлик, майший бузуқликни, кайф-сафо, шоҳона ҳаётни эмас, балки жисмоний эзилиш, ҳамда руҳий ташвишдан халос бўлишни, озодликни тушунамиз дейди Эпикур. Ҳамма яхшиликнинг боши инсоннинг ақлли бўлишидадир. Ақллилик, оқиллик билан яшамасдан туриб, покиза ва оқилона яшаш мумкин бўлмаганлиги каби покиза ва одилона яшаш, ёқимли ҳаёт кечириш учун оқилсизликдан, ақлсизликдан фориғ бўлмоқ мумкин. Шунинг учун донолар айтганидек бахтсиз бўлсанг ҳам ақлли бўл, ақлли бўлмоқ, беақл бахтиқдан афзал дейдилар.

Фалсафа тарзини соҳталашибуричи тадқиқотчилар Эпикурга тухмат қилиб, уни шаҳвоний, майший расволикда айблаб, ахлоқсизликка чиқариб, унинг таълимотига путур етказишга уринганлар ва уринмоқдалар. Эпикур хузур-ҳаловат, лаззат деганда инсоннинг ахлоқига, хулқига, табиатига зид келадиган эвдоманизмни яъни ахлоқсизликни, кайфу-сафони тарғиб қилмаган, балки оқилона ақллий, инсоний, башарий турмушни тушунган, уни орзу-ҳавас қилган. Унингча намунавий киши ҳаётини тинч, беташвиш, изтиробсиз ҳаёт кечиришдир. Бироқ Эпикур ахлоқи инсон курашга чақирмайди ва даъват этмайди. Балки ширин турмуш ҳар бир киши учун нималигини тушинтириб беришга қаратилган. Эпикур шу нуқтаи назардан қария ва ёшларга фалсафани ўрганишни тавсия қиласди. Ҳар бир киши ёшлигига фалсафани ўрганиши лозим.

қариганда ҳам фалсафа билан шуғулланишдан тұхтамаслиги кепрек дейди. Фалсафа билан шуғулланган ёш, қариган чоғида ҳам баҳтли үтгән дамларини хотиралайды. Гария айни бир вақтнинг ўзида ҳам ёшлиқ, ҳам қарилік даврини эслайди, истиқболидан құрқмайды. ғұрқмаслик, баҳтлилиқdir, баҳтли бұлишлик билим ва илмдандыр. Шунинг учун диндорлар, Эпикурнинг бу таълимотига қарши чиқиб, унга қарши курашдилар.

Инсон ўз маңнавий ҳәстини барча нарсаларга нисбатан мөңжесирида үтказиши шарт дейди файласуф. Эпикурнинг ахлоқий қарашларыда адолат, дүстлик ва оқиғлilik категориялари катта үрин тутады. У адолат нисбий эканлигини тан олган ҳолда уни бошқаларга зарар күрсатмасликка үндайды. Эпикурнинг бу ғоялари унинг ижтимоий битим назариясига асос бўлди. Эпикур фикрича, донишманд, ҳәётни яхши билувчи, кундалик ҳәётнинг икир-чикирларидан юқори турувчи кишидир. Аммо Эпикурнинг ахлоқий таълимоти ўзига ҳос хато ва камчиликларидан холи эмас. Унинг ахлоқ түғрисидаги таълимоти индивиднинг манбағатига қаратилган. Унинг ахлоқи пассияв кузатувчан, исёңсиз курашдан бош тортувчи, донишманд ахлоқидан иборат эди. Лекин шунга қарамай, унинг ахлоқий қарашлари ўз дврида идеализмга қарши курашда катта рол ўйнаб келган.

## ЭПИКУР ДИН ТҮҒРИСИДА

Эпикур кадимги Юнон файласуфларининг диний қарашларини давом эттириб, уни янги поганага күтарди. У очиқдан очиқ динга, диний таълимоптларга қарши чиқиб, ҳеч нарса йўқдан пайдо бўлмаган ёки худо томонидан яратилмаган деган. Эпикур замон ва шароитни кўзда тутиб, худонинг мавжудлигини оғзаки эътироф этди. Эпикур фикрича худо чексиз моддий дунёлар орасида жойлашган бўлиб, табиат ва инсон ишларига аралашмай фарозатда яшайди. Эпикур фикрича борлиқ чексиз жисмлар билан чексиз фазодан иборат. Унинг фикрича ҳатто жон ҳам енгил, нағис ва тез ҳаракат қилувчи атомлардан ташкил топган. Шунинг учун жонни ўрганар эканмиз, сезги аъзоларимизнинг фаолиятига асосланишимиз зарур. Идеализм ва динга қарши курашган Эпикур жоннинг руҳийлигини инкор этиб, танада мустақил жоннинг йўқлиги ва жон тана каби моддийдир, тана ўлиши билан жон танани тарқ этади деган. Унинг фикрича худолар қандайдир ахлоқий идеал сифатда мавжуд. Ҳалқ сиғинувчи худолар, диндорлар томонидан ўйлаб топилган нарсадир, диний тасаввур эса афсоналардан иборатдир. Эпикурнинг ижтимоий қарашлари асосан унинг «ижтимоий битим» назариясига асосланган. Унинг фикрича давлат кишиларининг келишуви орқали тузилиши лозим. У ин-

сонлар ўртасида муносабат хусусан бир-бирига зарар етказмайдыган ва фойдали, тадбирли бўлиб, умумий келишув гояси илгари суримоғи лозим. Эпикур илгари сурган ижтимоий келишув гояси кейинчалик француз маърифатчилари томонидан қабул қилингани бежиз эмас. Эпикурнинг фалсафа тарихидаги тарихий роли Демокрит йўлини давом эттиришда ва асослашдадир. У «Афлотун йўлига» хусусан Афлотун таълимотига қарши туриб, атомистик фалсафани янги босқичга кўтарган файласуфdir.

Эпикур таълимотининг тарихий роли яна шундан иборатки, у Демокрит илгари сурган атомистик назарияни давом эттириб, уни янги таълимот билан бойитиб, қуйидагиларни киритган:

1. Демокрит атомларининг бўлинмаслиги энг майда зарра-чалардан иборат бўлганлиги деб билса, Эпикур атомларининг бўлинмаслиги атомларнинг ичидаги бўшлиқнинг йўқлити ва зичлигига деб билади.
2. Демокритнинг атомлари фақат миқдор жиҳатдан бир-биридан фарқ қилган бўлса, Эпикурнинг атомлари фақат миқдор жиҳатдан бир-биридан фарқ қилибгина қолмай, балки сифат жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Эпикур сифатларини икки турга бўлган:

1. Ҳэгармас доимий сифат (шакл, ҳажм ва оғирлик).
2. Ҳэгарувчан (ҳид, маза, ранг) каби сифатларнинг объективигини тан олган.

Эпикурнинг фалсафа тарихидаги роли яна шундан иборатки, у ўзича атомнинг оғирлигини ва ҳажмини аниқлаган.

Яна Эпикур атомларнинг ички сабабига кўра ҳаракатга келишини айтиши ўз даврига нисбатан катта ютуғ эди. Эпикурнинг атомлари ўзининг ички сабабига кўра ҳаракати (спонтан ҳаракат) орқали тўғри чизиқдан оғади деган, назарияни илгари сурган. Эпикур таълимоти ўзидан кейинги даврда, ҳамда янги даврда ҳам икки ёқлама давом эттирилди. Эрамиздан аввалги IV асрнинг охиридан то эрамизнинг VI асригача Эпикур томонидан ташкил этилган Эпикур мактаби уч асосий тараққиёт босқичи йўлини босиб ўтди.

1. Эллиник даврдаги Эпикур мактаби (Боғ мактаби) эрамиздан аввалги IV—III аср даврни ўз ичига олади.
2. Юнон — Румо эпикуризми эрамиздан аввалги II—I асрларни ўз ичига олади.
3. Румодаги эпикуризм Эрамизнинг I—IV асрлар (Сўнгги боғ)га тўғри келади.

Биринчи даврга Эпикурнинг ўзи ҳамда унинг шоғирлари Лампакли Метратор, Полиен ва Эрмалхлар киради. Уларнинг асарлари бизгача деярли етиб келмаган. Бу даврдаги таълим асосан оғзаки сұхбат усулида олиб борилган.

Иккинчи даврга Филонид, Филодей. Апполонлар киради.

Учинчи даврга Эпикур мактаби Румо қулдорлик жамияти билан бөглиқ бўлган Цицерон, Филоданлар Румода эпикуризмни давом эттирганлар.

Эпикуризм мактабининг гуллаган даври Лукреций Кар даврига тўғри келади. (Эрамиздан аввалги I аср).

Эрамизнинг I асирида эпикурчилар мактаби император Домициан томонидан ёпилади. Лекин шунга қарамай Эпикур таълимоти давом эта беради. Кейинчалик Эпикур таълимоти Румода ўзининг илк прогрессив аҳамиятини йўқота борди. Эпикурнинг таълимоти кейинчалик XVII—XVIII асрларда француз файласуфлари томонидан ривожлантирилган. Эпикур таълимотини янги даврда Пьер Гесенди ривожлантирган. Шунинг билан бирга Эпикур таълимоти айрим идеалист файласуфлар томонидан гедонистик таълимотга айлантирилган. Унинг ахлоқий қарашларидаги баҳт тушунчасига француз материалистлари Гельвеций, Больбах ва бошқалар гедонистик руҳ беришган. Эпикур қулдорлик демокритиясининг мағкурачиси бўлганларига сабабли ўзининг ахлоқ тўғрисидаги таълимотини жамиятнинг эркин кишилари учун тааллуқли деб қараган. У антик даврдаги мавжуд динларга ҳужум бошлаган ўз даврининг йирик прогрессив файласуфи бўлган.

## ҚАДИМГИ РУМОДА ФАЛСАФАНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Эрамиздан аввалги IV—III асрларда қулдорлик жамияти ҳукм сурисиб келган қадимги Румода қулдорлик тузуми тантанга тушган эди. Гуллар билан қулдорлар ўртасидаги сиёсий кураш оммавий қўзғолонга айланган эди.

Эрамиздан аввалги IV асрда қадимги Румо иқтисоди майдада деҳқончилик, натурал хўжалик ва патриархал тузуми билан характерли эди. Лекин эрамиздан аввалги III асрга келиб, Румода майдада хўжаликлар бирлаштирила бошланди. Аристократия билан патриций ва ҳуқуқсиз кичик ер эгаларининг ўсиши билан деҳқонлар хонавайрон бўла бошладилар. Йирик ер эгаларининг ўсиши билан плебейларга қарши кураш бошланиб кетди. Шу даврга келиб, дин қулдорларнинг ҳукмрон мағкурасига айланган эди.

Эрамиздан аввалги III асрларда Румода қулдорлик республикаси тузилгач, қулдорчилик ишлаб чиқариш усуслари ривожлана бош-

лади. Шу даврда Румо республикаси босқинчилик урушларни олиб бориб, Оврупонинг Жанубий қисмидаги жойлашган мамлакатлар ва Африканинг шимолий қисмларини ўзига бўйснандирди. Босқинчилик уруши натижасида Румода қуллар сони ошиб кетди. Қуллар асосан помешчиклар қули остида жонли қурол сифатида фойдаланиларди. Эрамиздан аввалги III—I асрларга келиб, Румода қулдорлар ва хонавайрон бўлган деҳқонлар ўртасидаги муносабат кескинлаша бошлади.

Эрамиздан аввалги 138—132 йилларда Сицилиядаги биринчи қуллар қўзғолони ғалаба билан тугади. Қўзғолон кўтарган қуллар қулдорларнинг аскарларини янчиб, бир неча вақтгача ҳокимликни қўлда ушлаб турдилар. Эрамиздан аввалги 74—71 йилларда жаҳонга танилган Спартак бошчилигидаги қуллар қўзғолонини Румо қулдорлари ниҳоятда қийинчилик билан бостиришга муваффақ бўлдилар.

Қуллар билан қулдорлар, плебейлар билан патрицийлар ўртасидаги кескин синфий кураш Румо жамиятидаги ғоявий кураш характеристерини аниқлаб берди. Ҳадимги Румода қулдорлар мафкурасида асосий ўринни давлат, ҳуқуқ ва ахлоқ масалалари олганди. Ҳадимги Румода сиёсат билан шуғулланувчи кишилар ҳуқуқ назариясини ишлаб чиқишида алоҳида ўрин тутганлар. Румо ҳукуқининг синфиий моҳияти шундан иборат эдик, бу қонуний йўл билан қулларни ва жамиятдаги эркин камбағал кишиларни эксплуатация қилишни мустаҳкамлаб, қулдорнинг хусусий мулки ва имтиёзларини ҳимоя қилишдан иборат сиёсатчилар эди. Инсонни инсон томонидан эзилиши табиий ва абадий бир ҳол деб қарашганлар. Румода фалсафа эрамиздан аввалги II асрда ривожланган, унинг гуллаган даври эса эрамиздан аввалги I асрларга түгри келади.

## ТИТ ЛУКРЕЦИЙ КАР

Лукреций Кар милодгача 99—58 йилларда яшаб ижод қилган ўз дунёқарашини «Нарсаларнинг табиати тўғрисида» асарида чукур ва атрофлича баён қилган. У Демокрит, Эпикур таълимотларини батафсил таҳлил қилди, тушунтириди ва тарғиб қилиб келди. Бизга маълумки Демокритнинг бирон-бир асари бизгача яхлит, тўлалигича етиб келмаган, фақат асарларидан айрим парчалари етиб келган холос. Эпикурдан ҳам уч хати, баъзи ҳикматли сўзларигина бизга маълум. Лукреций Кар уларнинг атомистик назарияларини кентайтириди, чуқурлаштириди ва ривожлантириди.

Материя абадий, у бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айлана олади деди Лукреций Кар. Ҳеч нима ҳеч нимадан келиб чиқмайди, маълумки уруғдангина у ёки бу ўсимлик ёки ҳайвон пайдо бўлади. Демак тўлиқ; йўқ бўлиб кетиш табиатда бўлмайди, масалан: атомларнинг шу қадар кичиклиги туфайли биз уларни кўра олмаймис. Заррачалар (атомлар — ю. с.) Эпикур айтганидек шакл, оғирлик, ҳажмга эга бўлиб, бўшлиқда доим ҳаракатдадир. Оламдаги барча предметлар иккига — оддий ва мураккабга бўлинади. Мураккаб предметлар ранг, ҳид, маза, товуш каби хусусиятларга эга, унингча фазо бўш, моддий характерга эга эмас, шунинг учун ҳам у, киши сезги аъзоларига таъсир этмайди. Лукреций Кар фазони содда тушуниш туфайли ҳаракатни ҳам жуда содда тушунди. Унинг фикрича фазо бўлмаса, ҳаракат бўлмайди, чунки ҳаракат атомларнинг фасода ўрин алмашувидан иборатдир. Демокрит ва Эпикур каби Лукреций ҳам асосан ҳаракатнинг оддий шаклини тушуниб, унинг мураккаб шаклларини тушуна олмади. Унинг фикрича уч хил ҳаракат мавжуд:

1. Тұртқи натижасида вужудга келадиган ҳаракат.
2. Оғирлик натижасида юқоридан пастга ҳаракат.
3. Атомларнинг ўз-ўзидан тұғри йўлдан чекиниши ҳаракати.

Ҳаракатнинг бу шаклларини тушуниша Лукреций Эпикур йўлидан борди. Лукреций Кар фикрича ҳаракат материяси бўлмайди, ҳаракатнинг манбаи худо эмас балки материядир. Атомнинг ўз-ўзидан ҳаракати тұғрисидаги фикри диалектик элементнинг мавжудлигидан далолат беради. Атомлар ўзларининг абадий ҳаракати жараёнида бир-бирлари билан түрли равища қўшилиб, янги-янги дунёларни вужудга келтиради. Шу асосда янги дунё вужудга келди, эскиси емирилади.

Хоссаларни нарсалардан ажратиш мумкин эмас. Материяга замон хосдир. Лукреций таълимотининг муҳим ютуғи макон ва замон тұғрисидаги назариясидир. Замон ва макон жисмлар билан боғлиқдир. Замон нарсаларнинг ҳаракатидан ва бўшлиқдан алоҳида бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Материя атомлардан ташкил топған мураккаб нарсадир, атом бўлинмайди, материя ҳам чексиз булиновермайди. Атом абадий, азалий моддий, бошланғич ибтидс эканлиги ҳақида Лукреций Кар Эпикур каби фикр юритади.

Ер ҳам бөшқа дүнёлар каби табиий сабабларга күра пайдо бўлган. Ерда ҳам, сувда ҳам набобат, ҳайвонат оламида ҳам ҳамма ҳодисалар моддий сабабдан пайдо бўлади. Лукреций Кар материалистик позициядан туриб яшин, чақмоқ, ёмғир, шабнам, шудринг, шамол, қиров, қор, дул, зилзила, магнит, ёнартог каби ҳодисаларни материалистик тушунтиришта уриниб, озгина бўлсада, гениал фаразларни айтган. Лукреций Кар Эпикур сингари Афлотун ва афлотунчиларнинг идеалистик таълимотларини аёвсиз танқид қилди. Унинг айтишича танадан алоҳида ажралган жон йўқ, ҳеч қандай дунёвий рух йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Жон дейди Лукреций Кар Эпикур сингари, — нафис, тез ҳаракат қилувчи думалоқ, атомлардан ташкил топган бўлиб, икки қисмли ҳаёт тириклик асоси ҳам, рух, ақл, онг ҳам ундан тузилгандир<sup>60</sup>.

Жон бутун танага ёйилган бўлса, рух кўкракнинг ўртасига жойлашган, — дейди Лукреций Кар.

Лукреций Кар Демокрит ва Эпикур сингари сенсуалистик билиш назарияси асосида оламни, табиат қонунларини инсон билимини текшириб, ўрганиши лозимлигини исботлайди. Ижтимоий тарихий ҳодисалар ҳақида ҳам файласуф қизиқарли содда, аммо чуқур мулоҳазалар юритади. Унинг фикрича билишнинг мақсади — буюмларнинг табиат билан танишиш, қишиларни олам тўғрисидаги ғайрилмий тасавурлардан қутқаришдир. Лукреций скептицизмга қарши курашиб, оламни билиш мумкинligини таъкидлайди. Файласуф фикрича билишнинг объекти моддий олам бўлиб, сезгиларимиз бу моддий оламни шубҳасиз тўғри акс эттиради: атомлардан иборат моддий предметларнинг устки қаватидаги ҳаво томон учуб кетувчи нозик тамғаси, шакли инсон сезги аъзоларига таъсир этиб кишида кўриш, ҳид, маза, товуш ва эт сезгиларини вужудга келтиради. Бу сезги далиллари ақл томонидан умумлаштирилади ва билимга асос солинади: сезгилар орқали бу атомлардан ташкил топган нарсаларни сезамиз, лекин атомларнинг ўзи ни кўра олмаймиз, уларни фақат тафаккур орқали биламиз, сезги далилларини умумлаштириб, биз албатта ҳақиқатга эришамиз, чунки бизнинг тафаккуrimиз, сезгиларимиз далилларига таянади, сезгиларимиз эса ташки моддий дунёни, шубҳасиз тўғри акс эттиради.

Лукреций Карнинг билиш назарияси содда характерга эга бўлсада, лекин идеализмга қарши қаттиқ зарба берди, ҳамда фалсафа ривожига катта таъсир кўрсатган.

60 Гарант: История философии в кратком изложении, стр. 187.

## ЛУКРЕЦИЙ КАРНИНГ ИЖТИМОИЙ, АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Лукреций Кар Эпикурнинг ахлоқий қарашларига таянган ҳолда ўзининг ахлоқий таълимотини яратди. Унинг фикрича инсон ўлим ва худо олдидаги қўркуви сабабли, табиат сирларини билишга қодир эмаслар, чунки табиат қонунларини билмайдилар. Ўлимга, дўзоҳга қарши курашда худо олдидаги қўркувдан ҳалос бўлиш учун, диний ақидаларнинг ҳақиқатга зид эканлигини енгишда ҳар бир киши фан, фалсафа ва маданият билан қуролланиши даркор дейди.

Лукреций фикрича жон тан сингари майда заррачалар, нарсаларнинг илдизи ҳисобланмиш атомлардан тузилгандир. Бироқ жонни ташкил этувчи атомлар нафис, силлиқ, ўта ҳаракатчан, думалоқ ато илардан тузилган дейди. Жон абадий эмас, тана ўлиши билан жон танани тарк этади дейди файласуф. Лукреций Кар Демокрит сингари жамият ривожини эволюцион жараён деб билди. Бошпанага, оловга, кийим-кечакка бўлган эҳтиёж кишиларнинг бирлашишга, бирлашиб меҳнат қилишга ва яшашта мажбур этди. Бу жараён асосида тил ва давлат, ҳуқуқ пайдо бўлди. Булар кишиларнинг иҳтиёрий келишуви асосида содир бўлди, дейди файласуф.

Лукреций Кар қулдорлар демократиясининг мағкурачиси бўлганлиги сабабли Румолик қулдорларни майший бузуқликда айблайди. Шунингдек у кишиларни ижтимоий фойдали ишдан маҳрум этадиган қирғин урушларни қоралайди. Лукреций Кар давлатни тайинланадиган подшо бошқаришидан кўра, ҳалқ томонидан сайланган ҳоким бошқариши ҳокимиятнинг прогрессив шакли бўлиб, қулдорлик демократиясининг акс этиши деб билди. У шуҳратпарастликни, ўта бойликка эга бўлишни қоралаган. Лукреций Кар Румо задогонларига (аристократияга — Ю. С.) нафрат кўзи билан қараган, чунки улар молу дунёга эга бўлишликни ўз олдиларига бирдан-бир мақсад қилиб қўйганлар. Давлатлар ўргасидаги ҳар қандай низоларни тинч йўл билан, келишув орқали ҳал этишни истарди. Файласуф Румо жамиятининг маънавий жиҳатдан инқирозга юз тутишида жамиятда ҳукмронлик ролини ўйновчи динни қоралади. Унинг динга қарши кураши сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга эди, чунки дин реакциясион қулдорлар аристократиясининг ғоявий мададкори вазифасини бажарар эди.

Лукреций Кар Эпикурнинг яшашдан мақсад баҳтли ҳаёт кечи-

ришдан иборат деган фикрларини илгари суриб баҳтга сабр-тоқат, вазминлик, руҳнинг осойишталиги орқали эришилади дейди. Вазминлик, руҳнинг осойишта бўлишига азоб-уқубатдан холи бўлиши ҳар қандай ташвиш Қўрқувлардан холи бўлган кишигини эришиши мумкин.

Лукреций Кар Эпикур сингари жамиятда инқилобий ўзгаришларни амалга оширишни рад этган.

Инсон Қўрқувлардан ва аҳмоқона хоҳишлардан кутулиши учун табиат қонунларини ўрганиб, билиб олиши зарур дейди Лукреций Кар. Бироқ у келажакдан инсониятга баҳт кутиш мумкин эмас дейди. Унинг фикрича эндиликда замин қартайган, ҳолдан тойган дунё, инқизозга юз тутган ва унинг куни битай деб қолди дейди. Унинг ижтимоий қарапшларининг чекланганлиги шундадир. Дунёни кайта ўзгартириш унга ётдир.

Диннинг келиб чиқишини Лукреций ўзидан олдин ўтган Эпикур сингари табиатнинг қудратли кучи олдида ибтидоий жоҳил кишининг Қўрқувидан деб билади.

Шунингдек табиатда содир бўлаётган воқеаларнинг табиий сабабларни билмаслик, ҳамда тушларининг таъбирини тўғри талқин этмасликлари туфайли содир бўлади дейди. Лукреций фикрича худоларнинг сиймоларини гавдалантириш, инсон фантазиясининг маҳсулидир. Худолар дунёлар ўртасидаги маконда яшайдилар дейди файласуф. Инсониятни худоларга ишончдан қайтариш, халос этиш Лукреций Карнинг асосий ғояларидан биридир, у шунингдек жоннинг бир танадан иккинчи танага кўчиб юришини ва уларнинг абадийлигини бемаънилик деб билади. Ҳлим ҳеч нарса эмас, балки ўлим азоб-уқубатдан халос бўлишлик дейди, Лукреций. У шунингдек стоикларнинг худолар тұғрисидаги, яратувчи тұғрисидаги диний таълимотларига қарши чиқди ва қоралади. Илоҳий яратувчиликка қарама-қарши Лукреций табиат қонунларига таянган холда ҳеч қандай гайри табиий кучларсиз ҳамма нарсаларни яратиш мумкин дейди. Жамият ҳам табиат сингари табиат қонунларига таянган ҳолда ҳеч қандай гайри табиий кучларсиз ҳамма нарсаларни яратиш мумкин дейди. Жамият ҳам табиат сингари табиат қонунларига таянган ҳолда ривож топади. Лукреций Карнинг фалсафий қарапшлари ўз даврида шунингдек Ҳрта аср файласуфларининг дунёқарапшларига жумладан Ньютон, Ломоносовларга ўз таъсирини кўрсатган. XVII—XVIII аср материалистлари антик давр атомистик таълимотларидан ва айниқса Лукреций Карнинг «Табиат ҳақида» асари орқали кўп ижобий фикрларни талқин қила олди. Лукреций таълимотини кенг тарғиб қилган табиатшунос, файласуф Пьер Гассенди бўлган.

## СТОИКЛАР

Эрамиздан аввалги IV аср охирида Юнонистанда стоиклар таълимоти шаклана бошланди. У Эллинник даврда ҳамда кейинги Румо даврида кенг тарқалган фалсафий оқимлардан бирига айланганди. Бу фалсафий оқимга критийлик Зенон асос солган. Афинада у Сукротдан кейинги даврдаги фалсафа билан танишди. Эрамиздан аввалги 300 йилда ўзининг мактабига асос солди.

Диоген Лаэртскийнинг маълумот беришича Зенон биринчи бўлиб, «Инсоннинг табиати» ҳақидаги рисоласида асосий мақсад — табиат билан ҳамнафас бўлиб яшаш керак — деб уқтириди. Бу билан Зенон стоиклар фалсафасида ахлоқ масаласига эътибор беришга даъват этади. У шунингдек фалсафанинг уч қисми (мантиқ, физика ва ахлоқ)ни бир бутун тизимга бирлаштириш лозим дейди. Стоиклар кўпинча фалсафани инсон танасига ўхшатадилар. Улар мантиқни инсон танасидаги скелет ўхшатишиган, ахлоқни томирларга, физикани эса инсон руҳига ўхтатишиган эди.

Стоиклар таълимотича маълум даражада ҳисса қўшган кишилардан бири Солонлик Хрисипп бўлган. У стоиклар фалсафасини тизимга айлантиради.

Стоиклар фалсафани «Донишмандлик машқи» деб аташган. Улар фикрича фалсафанинг қуроли, унинг асосий қисмини мантиқ ташкил этади.

Мантиқ тушунчалар билан иш тутишга, мулоҳаза ва хулоса чиқаришга қаратилган. Усиз на табиатни, на ахлоқни тушуниш мумкин эмас, чунки у стоиклар фалсафасининг асосий қисмини ташкил этади.

Табиат фалсафасига оргиқча баҳо беришмаган. Бу уларнинг асосий ахлоқий талабларидан келиб чиқсан холда, «Табиийликка мувофиқ яшаш»ни талаб этишарди, яъни табиат ва дунёнинг тартиби — логосга мувофиқ яшашта даъват этган. Онтологик қарашларда стоиклар фалсафаси икки принципни тан олади:

1. Моддий принцип асосийси ҳисобланади ва руҳий принцип — логос (худо), барча модиятта сингиб, конкрет якка-якка жисмларини ташкил этади. Бу дарасл дуалистик таълимот эди. Арасту «биринчи моҳият»ни яккалиқда тасаввур этган булиб, у модда ва шакл бирлигини ташкил этган. Шакл фаол ибтидо булиб, у моддадан устун туроди деган бўлса, стоиклар аксинча моҳият деб моддий принципни тан олганлар. Гарчанд улар ҳам Арасту сингари модда пассив логос (худо)нинг фаол принципи деб билишган.

Стоиклар худо тушунчасини пантеистик руҳда гавдалантиришган. Логос эса уларнинг таълимотича бутун табиатга сингиб, олам-

нинг ҳамма ерида мавжуддир. У (логос) зарурият қонунидек мавжуд. Стоикларнинг билим назарияси асосан сенсуализмнинг антик шаклини эслатади. Уларнинг таълимотича, билишнинг асосини конкрет, якка-якка жисмлар ташкил этиб, улар қабуллашни ташкил этадилар. Умумийлик, яккалик туфайли мавжуд. Бу ерда биз Арастунинг умумийлик ва яккалик ўртасидаги алоқадорлик түгрисидаги таълимоти ўз таъсирини уларга ўтказганлигини кўриш мумкин. Стоиклар Арастунинг категориялар тизими ҳақидаги таълимотини бирмунча соддалаштирганини кўрамиз. Улар Арасту илгари сурган категориялар тизимини тўртта асосий категориялар деб кифояланишган. Субстанция (моҳият) миқдор, муайян сифат ва муайян асосидаги муносабат, мазкур категориялар асосида воқеийлик ётади. Стоиклар шунингдек ҳақиқат муаммосига алоҳида зътибор беришган. Билим назариясида стоиклар гарчанд сенсуалистик позицияда турган бўлишларига қарамай, маълум даражада спекулятив характерда бўлган.

Ҳақиқат мезони стоиклар таълимотича бизнинг онгимизга таъсир этувчи ҳодиса бу — ишончдир. Бевосита у билимимиз бизни ишонишга икror қилади ва қалбимизда икrorни уйғотади.

Стоиклар фикрича ҳақиқатни тушуниш асосан бу таъсавурнинг моҳиятидир ва унинг тафаккурдаги бирдан-бир нарсага муносабатидан иборатдир. Шундай қилиб, стоиклар ҳақиқат мезонининг хусусиятлари ва мазмунини чукур тадқиқ қилмай, балки формал равиша ўрганганлар. Шунга қарамай, улар субъект ва билиш предмети ўртасидаги ўзаро муносабат муаммосига диалектик руҳда ёндашишган. Стоиклар фалсафасига кўра билимни ташувчи — жондир. Жонни улар қандайдир жисмий ва моддий деб биладилар. Баъзан улар пневмана (олов билан ҳавонинг кўшилишига) ўхшатишади. Руҳий холатни ташкил этувчини онг деб биладилар. Онг инсонни ташқи дунё билан боғлайди. Индивидуал онг дунёвий онгнинг бир қисмини ташкил этади. Стоиклар илгари сурган ахлоқ инсон фаолиятининг чўққиси эзгуликни кўядилар. Эзгулик уларнинг фикрича бирдан-бир фаровонликдир. Эзгуликнинг маъноси оқилона яшашдан иборатдир. Уларнинг фикрича эзгулик тўрттадир. Ирода қурдати билан чекланган оқиллик, мутадиллик, адолат ва шуҳратлардир. Тўртта эзгуликка қарама-қарши тўртта эзгулик кўшилади.

Оқилликка қарама-қарши оқилсизлик, мутадилликка қарама-қарши ландавурлик, адолатга қарама-қарши адолатсизлик ва шуҳратга қарама-қарши кўрқоқлик, камхафсалалик туради. Бироқ яхшилик билан зулм, эзгулик билан гуноҳ ўртасида қатъий фарқ бор, улар ўртасида биридан иккинчисига ўтиш холатлари йўқ.

Стоиклар ахлоқи идеалини осойишталик ёки таъсир кўрсатмайдиган сибр-тоқат ташкил этади. Стоиклар тасавур қилган дошишманд (инсон идеали) булиб, онг билан чулғантган. Стоиклар илгари сурған ахлоқ-одоб эпикурчиларнинг ахлоқ — одобидан тубдан фарқ қиласди. Стоикларнинг жамият тўғрисидаги қараашлари эпикурчиларнинг жамият тўғрисидаги қараашларидан кескин фарқ қиласди. Стоиклар фикрича жамият табиий холда вужудга келса, эпикурчилар фикрича жамият конвенция асосида юзага келади. Стоиклар фалсафаси Юнон жамиятида ривожланиб бораётган маънавий кризисни жуда яхши тасвирлаб берган. Бу кризис иқтисодий ва сиёсий таназул асосида содир бўлаёттир деб уқтирилган.

## СКЕПТИЦИЗМ

Эрамиздан олдинги IV асрнинг охирида Юнонистонда яна бир фалсафий оқим — скептицизм оқими юзага келди.

Скептицизм юнонча сўз бўлиб, «кўриб чиқаяпман», «тадқиқ қиляпман», «мулоҳаза қиляпман», «шубҳаланяпман» деган маъноларни анжалатади. Бу оқимнинг кўзга кўринган намоёндалари — Пиррон, Агріпп, ЭнсиDEM, Секст Эмпириклардир.

Скептицизм оқимига асос солганларидан бири Пиррондир (360—27 й. эр. ав.) у Сукрот сингари ўз таълимотини оғзаки равиша баён қилиб, ўзидан кейин бирон бир асар қолдирмаган. Шу сабабдан унинг таълимоти ҳақида биз кўзга кўринган шогирдларидан бири, Тимоннинг (320—230 й. эр. ав.) асарларидан билишимиз мумкин.

Пиррон ва унинг издошлари фикрича, инсон тафаккури ўзи босиб ўтган йўлга қараш мақсадида тўхтайди ва билишда эришган ютуғига танқидий қараб чиқади. Уларнинг дорматик фалсафага қарши танқидий қараашлари, диалектика тарихи нуқтаи-назардан муҳим аҳамиятга эга. Скептиклар антик диалектикадек қуролга эга эдилар. Улар ўз ўтмишдошлари бўлмиш Гераклит, элейликлар, софистлар, Сукрот, Афлотун, Арастуларнинг диалектикасини ўзларича талқин этиб келганлар. Уларнинг спектик диалектикалари Элейликларнинг негатив диалектикаси ва софистларнинг релеатив таълимотига ўхшаб кетади. Скептиклар ҳар қандай билимнинг ҳаққонийлигини инкор этишган. Уларнинг фикрича, исбот манбаи қайта исбот билан чексиз равища тасдиқланиши керак.

Скептиклар мантиқий исботнинг онтологик ва гносеологик асосини рад этиб, назарий нуқтаи-назардан, уларнинг фикрича ҳақиқатни дарҳақиқат билиш мумкин эмас. Скептиклар фикрича ҳақиқат субъектив иқорордир. Шунинг учун улар ҳақиқатни эҳтимол деб атайдилар. Монархия, аристократия ва демократияларнинг

йигиндисидан ташкил топиши мүмкін. «Давлатнинг мақсади, — дейди Цицерон, — фуқароларнинг ҳавфсизлигини ва ўз мулкидан эркін фойдаланишни таъминлашдан иборат»<sup>61</sup>. Уларнинг ахлоқий қарашлари стоикларнинг ахлоқий қарашларига ўшаб кетади. Ўз ахлоқий қарашларida мұхим еътиборни әзгуликка қаратадилар. Инсонни оқыл маҳлуқ деб билади. Инсонда қандайдир илоҳийлик бор дейди. Ирода құдрати или ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини енгіш әзгу фазилат деб аташган. Бу борада фалсафа инсонга жуда катта мадад күрсатади. Фалсафий йұналишларнинг ҳар бири ўз ўйли билан әзгуликка әришишига олиб боради. Шунинг учун дейди Цицерон ҳар бир фалсафий мактабнинг әришган ютуқларини «бирлаштириш» лозим дейди. Бу билан у ўзининг эклектика таълимотини ҳимоя қиласы.

## НЕОПЛАТОНИЗМ

Одатда, неоплатонизм фалсафа тарихчиларининг таъкидлашича бу мистик, диний фалсафа ва пессимистик таълимотдан бўлак нарса эмас, бу таълимот инқирозга юз тутган қулдорлик тузумини акс этувчи таълимот эди. Неоплатонизм айниқса, эрамизнинг III—V асрларида Румо империяси сўнггида кенг ривожланганди. Неоплатонизм антик даврда сўнгти яхлит фалсафий йұналиш ҳисобланган. Бу таълимот христианчилик ривожланган ижтимоий даврда тараққий этган. Неоплатоник оқимининг кўзга кўринган нағоёндаси Плотин (205—270 й.) бўлган. Плотин фикрича, мавжудликнинг асосини ҳиссиётдан юқори турувчи тайритабиий ақлдан устун турувчи илоҳий принцип ташкил этади. Борлиқнинг барча шакллари унга боғлиқ. Плотин бу принципни мутлоқ борлиқ ва уни билиш мүмкін эмас деб тушунтиради.

«Бу борлиқ бор, у худодир. Үндан ташқарида ҳеч нарса йўқ, у ўз-ўзига нисбатан айнандир»<sup>62</sup>. Табиат Плотин фикрича, яратилган илоҳий принцип (ёруғлик) орқали моддага (зулматта) сингиб боради. Скептикларнинг нисбий диалектикаси ҳар қандай конкретликни аниқлашда муайян ҳақиқат мезонига қарши чиққан.

Скептиклар стоикларнинг моҳият мазмуни тафаккур билан бирлашиши туфайли конкретликни ташкил қиласы деган фикрига қўшилишган. Бироқ скептиклар бунга шубҳа билан қарашган ва шунингдек муайян конкретликнинг ҳаққонийлигига ҳам шубҳаланишган. Гегель ўзининг «Фалсафа тарихи» асарида скептикларнинг бу таълимoti «Барча билимни субъективлаштиришга айлантирган» дейди.

<sup>61</sup>-қаранг: История философии в кратком изложении, стр. 191.

<sup>62</sup>-қаранг: Джохадэс Д. В. Основные этапы развития античной философии, стр. 251)

Гарчан скептиклар таълимоти кўп жиҳатдан билиш жараёнинг мураккаб муаммоларини аниқлашга ҳаракат қилган бўлсаларда, лекин объектив билишга нисбатан умидсизлик билан қарашлик ва рад этишилик агностицизмга олиб борди.

## ЭКЛЕКТИЗМ

Бу фалсафий таълимот эллиник Юнонистонга нисбатан Румода кенг тарқалиб, катта аҳамият қасб этгандир. Унинг асосчилари ва тарафдорлари Румодаги сиёсий ва маданий ҳаётда кўзга кўринган шахслар эдилар. Улар орасида Марк Тулий Цицерон (106—45 й. эр. ав.) марказий ўрин тутган у лотин тилидаги фалсафий муаммоларга ва атамаларга асос солган эди.

Румо эклектиклари жуда бой билимга эга эдилар. Баъзи ҳолларда улар ўз даврининг қомусий билим эгалари эдилар. Бу таълимот академик фалсафа асосида ривожланиб, табиат ва жамиятни билиш борасида қомусийлик чегарасигача бориб етганди.

Цицероннинг баёнида «стоик» эклектизм ижтимоий муаммоларга, хусусан ахлоққа қаратилган эди. Цицероннинг ижтимоий қарашларида унинг республика давридаги Румо жамиятининг юқори табақа вакилининг қарашлари акс этган. Унинг фикрича, энг олий ижтимоий тузум уч давлат шаклларининг комбинацияси асосида таъкил топиши мумкин, яъни илоҳий принцип (ёруғлик) орқали моддага (зулматга) сингиб боради.

Плотиннинг фалсафаси Афлотун фалсафасининг маълум даражадаги якуни ҳисобланади. Плотин Афлотуннинг «Замондан ташқарида турувчи борлиқ»ни диалектик жиҳатдан асослади ва уни Арастунинг дунёвий абадийлиги тўғрисидаги таълимоти билан синтез қилган. Лекин Арасту билан Афлотун таълимотлари бир бири билан яқинлашмаган ерда Плотин Арастуни қаттиқ танқид қиласди. Плостин шунингдек Афлотундан пифагорчиларнинг рақамлар тўғрисидаги таълимотини қабул қилиб, Арастунинг дунёвий жон яккалик ва рақамлар тўғрисидаги таълимоти асосида борлиқнинг диалектикасини яратган. У Арастунинг теологиясини қабул қилган холда унинг Афлотун ғояларига қарши таълимотини рад этди.

Плотиннинг шогирди Порфирий мантиқий нуқтаи назардан устози ўлимидан сўнг унинг 54 рисоласини 6 қисмга бўлиб, Эннеад яъни тўққизликлар деб атади. Эннеадалар маълум даражада Афлотун фалсафасини христиан дини руҳида талқин қилишга интилди. Плотин фикрича «диалектика бу олий фан бўлиб, тафаккурнинг сўнгги босқичи ҳисобланиб, инсониятнинг фикрлаш қоби-

лиятини мукаммал қисми ҳисобланади». Диалектика шунингдек жисмларнинг умумий тушунчалари ҳақидаги фан бўлиб, анализ ва синтез ҳолда бўлиши ва бирниши ҳақидадир. Диалектика деб ёзди Плотин бу барча билимларнинг билимидир. У диалектикани фалсафанинг муҳим қисми «жони» деб атайди. Плотин илгари сурған диалектика Афлотуннинг «Софист», «Пифагор» ва «Горгий» асарларидаги диалектик таълимотини эслатади. Плотин диалектикасининг моҳияти диалектик триадани ташкил этади. Бу бирлик ақл ва жондан иборат. Унинг диалектикаси уч асосий ибтидо триадасини боғлашга хизмат қилади. Плотин диалектик триадаси бирликнинг спекулятив — кузатувчан интуициясига асосланади. Бирлик унинг фалсафасининг якуний тушунчасидир. Бирлик олий илоҳиёт бўлиб, ҳар қандай қарама-қаршиликлардан устун туради. У ҳар қандай қарама-қаршиликтининг сабаби ҳисобланади. Бирлик барча мавжуд нарсаларнинг принципи ва дастлабки мутлоқ асосидир. Бирлик ўз ўзича соғ борлиқни аниқлади. Демак, Плотин фикрича дунёда умумий қонуният, зарурият сифатида ҳукмонлик қилади. Бу қонуният бирликка боғлиқ. Борлиқни билиш мумкин эмас. Бирликдан яъни соғ мутлоқ борлиқдан барча нарсалар юзага келади. У ўз навбатида мутлоқ манбаъдир. Плотин фалсафасида ахлоқий муаммо ҳам муҳим роль ўйнайди. Яхшилик принципи бирдан бир ҳақиқий борлиқ — илоҳий ақл ёки жон билан боғлиқдир. Зулм эса ноҳақиқий борлиқ бўлиб, бу ҳиссий дунёни акс эттиради. Шу позициядан Плотин билим назариясини ҳал этишга киришади. Унинг учун бирдан-бир ҳақиқий борлиқни яъни илоҳий принципини билиш демакдир.

Плотин фалсафаси қарама-қаршиликларни ечиш мумкин эмас-лигини тасдиқлади. Унинг таълимоти агностикани қўллаб-куватлашдан бўлак ҳеч нарса эмас.

## ХУЛОСА

Антик давр фалсафаси тарихининг муҳим қисмини ташкил қилади. Антик давр фалсафаси ўрта аср ва янги давр фалсафасининг шаклланиши ва ривожланишига катта таъсир ўтказган.

Қадимги Миср ва Бобилда табиий-илмий фанларнинг ривожланиши ўз навбатида бу ҳудудда диний-фалсафий фикрларнинг юзага келишига турткি бўлди. Ғадимги Миср ва Бобилда ҳукм сурған ижтимоий тузум, антик даврнинг кўзга кўринган йирик алломаси Афлотун, ўзининг идеал жамият ҳақидаги таълимотини яратишда катта таъсир этганлиги ҳақида гапиради.

Инсоният яратган қадимий маданият ва илм-фаннинг бешиги

ҳисобланмыш, қадимги Хитой ва Ҳиндистон антик давр фалсафасини шакл аниши ва ривожига катта ҳисса қўшган. Бу мамлакатларда юзага келган дастлабки фалсафий мактабларнинг таълимотлари қулдорлик жамиятининг гуллаган даври, ҳамда феодал давр фалсафасининг тараққиётида катта роль ўйнаб келган. Қадимги Ҳиндистонда вужудга келган Ведик фалсафа, Веданта фалсафаси, қадимги Хитойнинг донишманди Конфусийнинг диний-ахлоқий таълимотлари, Афлотун, Арастуларнинг фалсафий таълимотлари нечоғлик таъсир этганлигини кўришимиз мумкин. Афлотун қадимги фалсафии фикрлар тараққиётида ниҳоятда муҳим роль ўйнаган алломадир. Унинг теран ақл доираси, ажойиб бадиий тўқималар билан ўйғунлашган. Унинг кўп қиррали ижоди, ўткир фалсафий мушоҳадаси унга нафақат маданий ва тарихий марказ Афинада ва умуман қадимги Юнон жамиятидагина эмас балки бошқа давлатларда ҳам кенг шуҳрат қозонган. Афлотуннинг бой илмий мероси ўзи яшаб ижод қилган даврдан, антик жамият инқирозга юз тутган даврдаги барча фалсафий диний таълимотларга ўз таъсирини ўтказиб келган. Турли даврларда ва турли тузумларда яшаб ижод қилган мутафаккирлар Афлотун меросига мурожаат қиласр эканлар, бу тубсиз ҳазинадан улар ўз қарашларига, маслакларига, этикодларига қолаверса тузумларига мос келадиган томонларига олиб, янада ривожлантириб, янги-янги ғоялар билан бойитиб келгандар. Афлотун таълимотининг яна бир таъсир кучи шундаки, унинг диалектикаси узоқ вақтларгача турли туман фалсафий оқимларга манбъя вазифасини ўтаб келди. Гегель ўзининг диалектик таълимотига Афлотун диалектикаси таъсир ўтказганлигини тан олиб гапирган. Ғомусий илм соҳиби Афлотуннинг бой маданий мероси жаҳон маданияти ҳазинасига улкан ҳисса қўшиш билан бир қаторда асрлар оша яшаб ижод этган, ижод этаётган олимлар, файласуфлар, тарихчи-ю, адабиётчилар, санъаткору педагоглар, ҳуқуқшуносу-сиёsatчилар бу билим булоғидан баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Антик дэврнинг яна бир кўзга кўринган алломаси Арастудир. Арасту Юнон фалсафа тарихининг энг мазмундор даври Юнон классик фалсафасига яқун ясаган. Унинг таълимотлари Ҳрта аср шарқининг мутафаккирлари: Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Ибн Рушдларнинг дунёқарашларининг асосини ташкил этади. Арастунинг учинчи туғилиши кеч ўрта асрга яъни аввал Шарқнинг кейинчалик эса гарбий араблар — испанияликлар, Кордова халифа-чилигининг Оврупога салб юришлари туфайли арабчалашган Арасту асарлари кириб келди. Кейин эса араб тилидан лотин тилига уларни таржима қилишга киришади. Янги давр фалсафаси янги билимларга таянган холда Арастунинг табиат тўғрисидаги таъли-

мотининг кўпгина қисми асоссиз эканлигини кўрсатади. Фанга янги йўлни Коперник, Галилейлар буюк географий қашфиётлар орқали кўрсатиб берди. XVII—XVIII аср кишилари бошқа замину бошқа фалсафанинг остида яшаёттандай ўзларини ҳис этдилар. Гарчанд, баъзи файласуфлар бунга қарамай (масалан Лейбниц) Арастунинг баъзи ғояларини давом эттирган бўлса ҳам, Арастучилик тарихининг бойлиги бўлиб қолди.

Немис классик фалсафасининг жаҳон маданияти, илм-фани ҳазинасига қўшган ҳиссаси бениҳоя улкан бўлишида Антик давр фалсафасининг таъсири катта бўлган. Афлотун, Арастулар яратган таълимотлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

## МУНДАРИЖА

Мұқаддима .....	3
Қадимги Миср ва Бобилда дүнө ҳақыданың илмий тасаввурларнинг пайдабўлиши .....	5
Қадимги Хитойда фалсафий фикрларнинг юзага келиши .....	6
Қадимги Ҳиндустанда фалсафий фикрларнинг юзага келиши ва рињохланши .....	8
Гадимги Юнонистонда фалсафий фикрларнинг юзага келиши .....	14
Гераклит 530-470 .....	19
Пифагор на шиғорчилар фалсафаси .....	24
Элей мактаби фалсафаси .....	26
Софистика - қулдорлик демократияси гуллаган даврдаги ақлий оқим .....	39
Сукрот ва унинг фалсафий мактаблари .....	43
Демокритнинг атомистик фалсафаси .....	46
Афлотун .....	53
Афлотуннинг үзети ва ижоди .....	54
Афлотуннинг ғоялар түғрисидаги таълимоти .....	58
Афлотуннинг космогоник ва космологик таълимоти .....	63
Афлотуннинг билиш науарияси .....	66
Афлотун диалектикаси .....	72
Афлотуннинг жамият ва давлат түғрисидаги таълимоти .....	73
Афлотуннинг ақлоқий қарашлари .....	79
Афлотуннинг эстетик қарашлари .....	81
Арасту фалсафаси .....	83
Арастунинг Афлотун ғояларига қарши чиқиши .....	87
Арастунинг боғлиқ ҳақыданың таълимоти .....	88
Арастунинг билиш науарияси .....	91
Арасту оламнинг тузилиши ҳақида .....	94
Арасту диалектикаси .....	96
Арастунинг мағтиқий қарашлари .....	98
Арастунинг иқтисодий қарашлари .....	107
Арастунинг ижтимоий ва сиёсий қарашлари .....	111
Арасту этикаси .....	125
Арасту эстетикаси .....	132
Қадимги Румоди фалсафа тараққиети .....	145
Скептицизм .....	153
Неоплатонизм .....	154
Эклектицизм .....	155
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>156</b>

*C. A. Юлдашев*

**АНТИКФАЛСАФА**

Сдано в печать 22.07.99. Формат 84x108 1/12. Печать офсетная.

Бумага офсетная № 1. Объем 10,0 п.л.

Тираж 5000. Заказ 1219.